



Ўриш МАЖИДОВ

УМР ЙЎЛЛАРИ




Тошкент,
«Истиқлол» нашриёти

65.45

Азиз ўқувчи!

Қўлингиздаги ушбу китоб ўзининг меҳнати, метин иродаси, қайноқ меҳрини Ватанга бахшида этган муҳандис Ўриш МАЖИДОВнинг барчага баробар сەббқ бўлувчи ибратли умридан олинган айрим саҳифалардир...

Нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир
Ўрол НОСИРОВ





Амиср Навоий келми
Ўзбекистон мамлакат кутубхона
фракция, Мирзасултон ўзла
тириш мамлакат бағавалас
католиклар таълим этаман

Мурат Мурат

19 июль 2004 йил

Хотира-эҳтиёж фарзанди

Очиғини айтганда ёшим олтмишдан ошганда кечмиш хотира — ларимдан бир китоб ёзиш истаги тинчлик бермай қўйди. Албатта, китоб қилиш учун арзигулик ишлар, воқеалар, тақдирлар бўлиши ҳам керак — да. Ўйлаб қарасам, қарийб 40 йилга яқин ҳаётим жуда жўшқин меҳнат важдан анча сермазмун кечибди. Неча йиллар давомида "чўлқуварлар" деб эъзозланган фидоийлар сафида бўлдим. Қанчадан қанча масъул вазифаларда, гоҳида кечани кеча, кун — дузни кундуз демай вақтни тизгинлаб, Жиззах чўлида янги ҳаёт яратиш завқи билан яшадим. Касбим бўйича тоғ ишлари муҳандиси бўлганим билан ҳаёт мени Республикада хизмат кўрсатган қурувчи даражасига олиб чиқди, Давлат мукофоти билан тақдирлади. Ҳар қалай, англаганим шу бўлдики, умр йиллари қанчалик воқеаларга бой бўлса, хотираларинг ҳам шунчалик кўпроқ бўларкан.

Ёшлиқда бирга ўсган, ўқиган ва иш юзасидан яқин бўлиб қолган дўстлар билан учрашганингда ўтган кунлар, бошдан кечирган воқеалар ҳақидаги ширин суҳбатлар одамга завқ бағишлайди. Гоҳида узоқ йиллар барпо этилган иншоотларни кўрганда ҳам не бир воқеалар ёдга тушмайди, дейсиз. Сирдарё, Жиззах далала — рига чўзилган каналлар, зовурлар, дренажлар катта бир тарихдан нишона. Уларни яратишдаги сершитоб меҳнатни, лойиҳалар, режалар устидаги баҳсларни айтмайсизми. Ҳар бирида иштироким, меҳнатим борлигидан ички бир ғурурни ҳис этаман. Шу боисдан устози комиллардан В.А.Духовный "Ўриш, Жиззах чўли ҳақида ўз китобингни ёзишинг керак", деган даъвати ёзилган "Покорение Голодной степи" китобини авайлаб юраман. Не ажабки йил ўтган сайин чўлни ўзлаштиришда тобланган бир талай дўстларнинг хотира китоблари, мақолалари юзага кела бошлади. Яқинда мактаб — дош дўстим В.К.Думлер ҳаёти, шажараси ҳақидаги ўз китобини тақдим этди. Атиги бир неча йил олдин Мирзачўлни ўзлаштириш бошланганининг 45 йиллиги учрашувида Н.Ж.Худойбердиев, Н.Р.Ҳамроев каби баобрў оқсоқоллар чўлни ўзлаштириш билан боғлиқ эсдаликлар ёзиш ҳақида таклифлар билдиришди. Натижада ўтган йили "Жонланган афсона" ("Ожившая легенда") тўплами ву — жудга келди. Китобда менинг ҳам "Чўлда туғилиб эъзозланган" номли каттагина хотира — мақолам ёритилди. Мақолани ўқиган кўпгина дўстлар ўз китобимни ёзишимга астойдил ундай бошлагани ҳам рост.

Ниҳоят бугун Сизга тақдим этиш шарафига эришганим ушбу китобимни ёзишни лозим топдим.

Болаликдан тортиб хотирани тиклаш, уларни керагини ноке — рагидан ажратиш учун аввало "хом материал" жуда асқотади. Бу борада ҳам омадим чопиб қолди. Сабабки, ёшлиқдан кундалик юритиб келаман. Кўнглимнинг очиқ дафтари — кундаликларимда нафақат йиллар, балки кунлар билан белгиланувчи жуда кўп воқеалар, иш билан боғлиқ ҳолатлар, учрашувлар ўзининг ихчамгина ифодаси — ни топган. Яна бир жиҳатдан узоқ йиллар давомида вақтли мат — буотда мен меҳнат қилган соҳа, ундаги кишилар, шу жумладан, ўзим ҳақимда ҳам бир талай мақолалар ёритилган. Уларни ҳам авайлаб сақлаб келаман. Булар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси марҳум Асқад Мухтор, таниқли журналистлар Н.А.Узлевский, И.Кичанова кабиларнинг самимият билан ёзилган мақолалари, очерклари бор. Улар билан бир қур қайта танишиб чиққанимда билдимки, эл оғзига тушган анча довруқли ишлар, барпо қилинган иншоотлар бевосита менинг фаолиятим билан ҳам узвий боғлан — ган экан.

Китобни ёзишимда ушбу манбаларнинг катта ёрдами теккан — лиги табиий бир ҳол. Қолаверса, йиллар давомида "Ўзбекистон қурилиши ва архитектураси", "Гидротехника и мелиорация" син — гари журналлар, бир қатор илмий тўпламлар, газеталарда мақо — лаларим эълон қилинган эдиким, бу ишимнинг бироз енгил кўчи — шига кўмак бўлди.

Мен Зомин туманининг Ём қишлоғида туғилганман. Шу жойда туғилиб эл — юртга танилган кишилар, Зомин ва қишлоғим билан боғлиқ ўринларда Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Б.Розиқовнинг ри — солаларидаги тарихий далиллар ёрдам бўлди.

Ушбу хотира китобим энг аввало фарзанду шогирдларим, дўсту қариндошларимга аталган. Шу жиҳатдан мен мансуб оила шажа — расини беришни маъқул кўрдим. Токи оиламнинг келгуси авлод — лари уни давом эттиришларига умидворман.

Ва яна шу ёшга қадар босиб ўтган йўлимни батафсил ёзиш ниятида эмасман. Ихчамроқ бўлса деган меъёрим бор. Шу ваздан хотира китобимга кирмай қолган ўринлар, бошқалар хотирасида сақланиб келаётган воқеалар шубҳасиз бор.

Китобни бор — йўғи бир муҳандис — қурувчининг эсдаликлари ифатида қабул этгайсиз.

I. БОЛАЛИК ВА ЁШЛИК ЙИЛЛАРИМ

Мен асли Ём қишлоғиданман. Ота — боболарим ҳам узоқ йил — лардан буён шу қишлоқда муқим яшаб келишган. Қишлоқ Зомин ва Даштободдан деярли бир хил масофа — 10 км узоқликда жой — лашган.

Қишлоғимизга Зоминсой ва Хўжамушкентдан оқар сув келади. Унинг табиий жойлашуви ҳам икки тарафдан оқиб келаётган сув йўналишига қулай маълум чуқурликда бўлганиданми, жомга қиёс қилинганиданми, қишлоқ ҳам Жом (Ём) деб аталган деган фараз — лар айрим манбаларда мавжуд.

Зомин тумани тарихига оид китобларда Ём қишлоғига тўхта — либ, "XIII асрдан мўғуллар Ём — бекат, тўхтаб ўтиш жойи маъно — сида номлаган, хабарчилар, чопарлар тўхтаб ўтадиган манзил — жой вазифасини бажарган" (Оға Бургутли. Бу кўҳна Зомин. Т,1996,63 — бет), дейилади. Бу фикр Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Абдулазиз Назиркуловнинг (Берузвон амманнинг ўғли) эсдалик — ларида ҳам ёзилган. Шунингдек, В.А.Духовный ҳам "Покорение Голодной степи" китобида "Ём қишлоғидан, Туркистон тизма тоғ — лари этагидан почта ташийдиган карвон йўли ўтган", деб ёзади. Агар биз Зоминнинг қадимдан савдо карвони ўтадиган Буюк Ипак йўлида жойлашганини, бу йўл эрамиздан олдинги даврларда мав — жуд бўлганини, Зоминсой ва Хўжамушкент сувлари ҳозирги Ём қишлоғи ўрнида қўшилганлигини назарда тутсак, қишлоқнинг пайдо бўлиш даври бир мунча қадимийроқ бўлганини фаҳмлашимиз осон кечади.

Дарвоқе, қадимшунослар Ёмга яқин Сабат қалъасида эрамиз — дан олдинги VI — V асрлардаёқ суғорма деҳқончилик ривожлан — ганлигини аниқлаганки, деҳқончилик учун қулай Ём эътибордан четда қолмагандир, дегимиз келади.

Қишлоғимиз энг қулай савдо — алоқа йўлида жойлашганиданми ё азал — азалдан бу элда илм — маърифатга интилиш кўпроқ бўл — ганми, ҳар қалай ўтган аср бошларида — ўша долғали йилларда ўз салоҳияти, ишбилармонлиги билан Республика даражасига ҳам ўсиб чиққанлар бўлган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Туркистон ша — ҳарларида илм ўрганиб, Самарқанд Республика пойтахти бўлган йилларда вазирликларда, масъул вазифаларда ишлаганлар анча — гина бўлган. Ўтган асрнинг 20 — йиллари охирида Ўзкоҳхоз тузи — лиши бошқармасида, кейин Республика ер тузилиши комиссари — ати бошлигининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Нарзиқул Хасанов Хоразм вилояти ижроия қўмитаси раиси бўлиб хизмат

қилган 1937 йилда "халқ душмани" сифатида йўқ қилинган. Шу каби ҳамқишлоғимиз Миркарим ака Марказий қўмидада қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарган. Маматқул ака эса Республика матбуот бошқармасида, Мамадиёр ака Оллоёров суд ва прокуратура тизимида узоқ йиллар меҳнат қилишган.

Қишлоғимизда туғилиб, вояга етиб Тошкент, Самарқанд шаҳарларида масъул ишларда ишлаб муқим яшаб қолган шу каби кишилар таъсирида ёшларнинг турли соҳалар бўйича ўқишларга бориши одатий ҳол ҳисобланади.

Қишлоғимиз кишилари жуда очиқкўнгил, бир-бирига ҳамдард, орийатли, нафсониятига гард юқтирмайдиган, эътиқоди баланд. Миллий урф-одатларни қанда қилишмайди. Ислон маърифати, маданиятига интилувчан. Ҳатто қишлоғимизда жуда кўп ўқувчиларга устозлик қилган Исохон эшон Қиличхон ўғлининг ўтмиш шажарасини Ҳазрат Алига боғлашади. Қишлоғимизда мусулмонликнинг беш фарзини тугал бажаришга жуда эътиқод қўйишган. Балким шунинг таъсиридир, қишлоғимиздан 14 киши Ҳаж зиёратига бориб Ҳожи бўлишган. Уларни барчамиз алоҳида эъзоз-лаймиз, ҳурмат билан тилга оламиз. Улар — мулла Мамарозиқ ҳожи, Қосим ҳожи, Тошмат ҳожи, Жўра ҳожи, Комил ҳожи, Пиримқул ҳожи, Исмат ҳожи, Султонмурод ҳожи, Мирсаид ҳожи, Бердиёр ҳожи, Ғайрат ҳожи, Раҳматилла ҳожи, Азим ҳожи, Самандар ҳожи. Баҳодир Розиковнинг "Ём ҳожилари" рисоласида улар ҳақида бир-мунча батафсил маълумотлар берилган.



Гўдаклик ҳайратлари...

Бугунги кунда қишлоғимизда турли касб эгалари яшайди. Тадбиркорлар, фермерлар кўпчиликни ташкил этади.

Қишлоқ халқи қарлуқлар ва хосликлардан иборат. Қарлуқларнинг ўзбек халқи тарихида энг қадимий уруғлардан эканлиги маълум. Хосликлар эса Бекободдаги Хостақачи қишлоғидан Худойрхон замонидан кўчирма бўлиб келишган дейишади.

Менинг ота-боболарим ҳам Хосликлардан. Турмуш ўртоғим Ҳурриятхон қарлуқлардан. Назирақул Аҳмедовнинг қизлари бўлади. Мен 1939 йил 20 майда ана шу қишлоқда зиёли оилада туғилдим. Бир пайтлар бобом Абдумажид махсум ўз ҳовлисида мактаб очиб, мударрислик қилган экан.

Отам Абдуҳамид Мажидов (1910 йилда туғилган) ҳам бобом изидан бориб ўқитувчилик касбини танлаган экан. Қишлоқда мактабни ту — галлаб, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ўқиганлар. Қишлоғи — миздаги мактабда аввал ўқитувчи, кейин мактаб директори бўл — ганлар. Сўнгра Бешбулок, Жалойир, Қарабчи қишлоқларида ҳам мактаб директори бўлиб ишлаганлар. Шу йилларда айти пайтда Зомин туман ёшлар ташкилотига ҳам раҳбарлик қилган. 1942 йил июль ойида Қарабчи қишлоғида мактаб директори бўлиб ишлаётган пайтида урушга кетиб қайтиб келмадилар (бедарак кетди).

Аниқ ёдимда, 16 ёшимдан бошлаб отамнинг дарағини топишга киришдим. Дастлаб туман, вилоят ҳарбий комис — сариатларига мурожаат қилдим. Онамга келган сўнги мактуби Саратовда 1942 йил октябрида ёзилган бўлиб, унда жангга тайёрланаётгани хабар қилинган эди, шу сабабли ўша 1942 йил ёзида отам билан бирга фронтга кетганларни излай бошладим. Натижада, отам билан бир кунда ҳарбий сафарбарликка ча — қирилган Увол қишлоғида истиқомат қилувчи муаллим Умар отани топдим. У киши ҳақиқатдан ҳам 1942 йил ёзида отам билан бир кунда урушга чақири — либ, Ашхабодда ҳарбий тайёргарлик даврини ўташган экан. Кейин иккаласи ҳам Саратовга ҳарбий қисмга юборил — ган. Бир сафар жанг пайтида отам қорнидан яраланиб, госпиталга олиб кетилган экан. Шундан кейин Умар ота отамни бошқа кўрмаган.

1942 йил октябр — ноябр ойлари даҳшатли Сталинград жанги арафаси. Очиғини айтганда, кўп жойлардаги жангларда душмanning қўли баланг келиб турган пайт. Ким билади, гос — питал бомбага учганим ё дарёга чўкканми. Шунга қарамасдан мен вақт толиб Волгоградга ҳам бордим. Бевосита вилоят ҳарбий ко — миссари ёрдамида ҳарбийлар архивидан "Абдулҳамид Мажидов" фамилиясини излаб тополмадим. Подольскдаги Марказий архивга мурожаат қилдим. Афсуски бирон аниқ жавоб тополмадим. Охир — оқибат лаънати уруш сабаб отам бедарак кетганига кўникишдан бошқа чора қолмади.

Отам Бешбулок, Жалойир, Қарабчи қишлоқларига мактаб ди — ректорлигига юборилган йилларида, шароит тақозо этганми, хў — жалик раислари ҳовлисида яшаганлар. Бу ҳол ўз навбатида Беш —



*Суронли йиллар ёди...
(Шоир Анвар Тоғаев билан
отамни излаб Волгоградда)*



Отам, онам ва онам Гулчеҳра

булоқда раис Суярқул Расулов, Жа — лойирда раис Маматқул ота, Қараб — чида раис Ҳазали отанинг фарзан — длари билан яқин қариндошдай бў — либ кетишимизга сабаб бўлди. Шу ки — шиларнинг фарзандлари билан ҳали — ҳануз бир оилада вояга етгандай яқинлик муносабатимиз бор. Баъзан Жалойирдаги раис Маматқул ота — нинг ўғли дўстим Умрзоқ "Отанг биз — нинг ҳовлида яшаганда ижара ҳақи — ни тўламаган, сен тўлаб қўйишинг керак", дея ҳазиллашиб юрарди.

Отам урушга Қарабчидан кетгани учун шу қишлоқдаги 9 — сон ўрта мак — табга Абдуҳамид Мажидов номи бе — рилган. Шу билан қишлоқ одамлари отамнинг меҳнатларини қадрлаб, хур — матини жойига қўйишган. Ҳар йили

отам хотирасини ёдлаб туришади.

Отам урушга кетган пайтда мен эндигина 3 яшар, укам Эргаш атига 17 кунлик чақалоқ эканмиз. Минг шукурким, ўсиб улғайдик. Бунда волидаи мухтарамам Меҳринисо Шодмонқул қизининг ҳам она, ҳам ота ўрнини уддалаганликларига минг бора шукроналар айтамыз.

Меҳринисо онам (1914 йилда туғилган) дастлаб мактабда 13 йил муаллима бўлганлар. 1949 йилда Обручево темир йўл стан — циясида яшаётган тоғам мулла Отақул бизни ўз яқинига кўчириб келади. Бу пайтда мен Ём қишлоғидаги мактабнинг учинчи син — фини тугатган эдим. Бир йил Култепада Абдулазиз амаким хона — донида яшаб ўқидим. Ниҳоят онам бағрига қайтиб Обручеводаги 25 — сон ўрта мактабда 5 — синфдан ўқишни давом эттирдим.

Шу йили тушган бир дона суратни ҳали — ҳануз сақлаб кела — ман. Унга назар солсангиз, кўпчилик болалар мактабга яланг оёқда келганлигини кўрасиз. Ўша вақтларда мактабга яланг оёқ ва бош кийимсиз ёки тизза ва тирсақлари ямоқ кийимларда, юпун келиш ҳеч кимни ажаблантирмас эди. Ҳар хил газламалардан тикилган халталарга китоб — дафтарларимизни жойлаб мактабга қатнар эдик. Шунинг учун бўлса керак, бир сафар онам олиб берган оёқ кийимимни биринчи кун кечқурун "яшинмачоқ" ўйнаб йўқотиб, яна бир сафар синфдошим Жўраев Омон билан тортишиб янги дўп — пимни йиртиб қўйганим умрбод эсимда қолган. Байрамларга чиқиш учун оқ презентдан тикилган туфли тиш порошоги билан оқартири — лар эди. Онам эса мени ва укамни кийинтириш ва қорнимизни тўй — дириш учун кундузи қурилишга бориб, ишчи — усталарга ёрдамчи си — фатида ишлаб келиб, кечқурун тикув машинасида кийим — кечак ти —

киб қўшимча даромад қилар ва эрга тонгдан уйимизга ўрнатилган сенараторда сутдан қаймоқ ажратиб, қўни — қўшнилarning сутла — рини ўтказиб берар, насибага яраша ҳақини оларди.

Қишга тайёрланадиган ёнтоқ ва шувоқларни укам Эргаш ва қўшни болалар билан биргаликда 5—6 чақирим масофага пиёда бориб, даштдан терар ва елкамизга кўтариб келар эдик. Ичиш учун шишаларга олиб борган сувимиз эса, об — ҳаво иссиқлигидан деярли қайноқ холга келиб, ичишга яроқсиз бўлиб қолар эди.

Қайтиб келишимизда асосий мақсад, қишлоғимиз четида жойлашган муздек сувли қудуққа етиб олиш эди. Айрим болаларнинг ўз эшак — аравалари бўлиб, биздан анча олдин манзилга етиб олишар, шунда мен, ДУНЁДА ЭНГ БАХТЛИ ОДАМЛАР ЎЗ ЭШАК — АРАВАСИ БЎЛГАНЛАР бўлса керак, деб ўйлар эдим.

6—7 — синфларда ўқиган пайтларимда уйимизда радио ҳам, соат ҳам йўқ эди. Қўшнимиз Мамирқул Аҳмедов комбайнда ғалла ўри — мида илғор бўлганлиги учун Москвага бориб мукофотга батарея билан ишлайдиган "Родина" радиоприёмнигини олиб келди. Мен хотини Хуморой холадан радиони кўча томон дераза олдига қўй — ишларини сўраб ҳар тонг саҳарда товушини баланд қилиб эши — тиб, бадан тарбия машқларини бажарар эдим. Бу одатим бир ум — рга менга ҳамроҳ бўлиб келаётгир. Айниқса, Бўстон шаҳарчасига келиб уйимизнинг яқингинасида Марказий стадион қуриб, унга гимнастика снарядларини ҳам ўрнатганимиздан кейин, ҳар кун и тонг саҳарда машқларни ўша ерда ўтказадиган бўлдим. Мана 64 ёшимгача бу одатимни ҳамон давом эттириб келаяпман. Жуда совуқ бўлган кунларда шуғулланиш учун уйдаги хоналарнинг бирига гим — настика деворчасини ўрнатиб қўйганман.

Урушдан кейинги моддий қийинчиликлар даври кўпчиликка маълум. Биз оиламиз билан шундай оғир кунларни бошимиздан ўтказдик. Айниқса бир йил мабойнида онам бетоблиги туфайли ишламай қолган вақтларида моддий аҳволимиз жуда оғир кечди.

Мактабда аъло баҳоларга ўқиганлигим натижасида, 1952 йили Тошкент шаҳрига Республика пионерларнинг IV слётига юборишди. Унда Зомин туманидан 3 нафар ўқувчи — мен, Боқиев Абдуҳамид ва Норқулов Шавкатлар иштирок этдик. Обручевога (ҳозирги Дашто — бодга) кўчиб келганимизда онам сотиб олган кичкина ҳовли асосан русийзабон кишилар яшайдиган гузарда жойлашган эди. Адамов, Мартинович, Хайилов, Скопцов, Ахмедгариев оилалари ён қўшнимиз эди. Онам каби бева қолиб икки фарзандини тарбия қилаётган қўш — нимиз Марьям опанинг ўғиллари Воҳит ва Восит Арслоновлар билан бир оила аъзоларидек яшардик. Шу сабабли мен рус тилида бемалол сўзлашадиган бўлдим, бу кейинчалик техника олий ўқув юртида ўқишимга, муҳандислик касбида ишлашимга катта ёрдам берди. Ўрта мактабдаги рус тили ўқитувчимиз Давидова ўзининг суратини менга "Поистине учитель никогда не кончается, он продолжается в своих учениках", деган сўзлар билан тақдим қилган эдилар.

Асия Лутфиевна Давидова ўзбек синфларида рус тилини ўргатишда Республикада кўзга кўринган ўқитувчилардан саналиб, илмий мақолалари журналларда босилиб чиқарди. Асия опа Мос — квада ўқитувчилар съездида қатнашиб, Республикада биринчи бўлиб Н.Крупская номли мукофот совриндори бўлган эди. Рус тили грамматикасини мукамал ўрганишимда у кишининг хизматлари жуда катта бўлган.

Рус тили фанидан Евгения Исаковна, Валентина Григорьевна, Зоя Михайловналар ҳам дарс ўтар эди. Улар Россиядан йўлланма билан ишга юборилиб, қишлоғимизда турғун яшаб қолдилар.

Ўрта мактабда айниқса математика фанидан жуда кучли ўқитувчилар дарс берарди. Саидов, Бахритдинов, Давидов сингари математика ўқитувчиларимиздан таҳсил олганмиз. Нафақат олий ўқув юртларига киришда, кейинчалик муҳандислик фаолиятимда ҳам математикадан ўрганган билимим ўзининг ижобий натижа — сини кўрсатди. Бошқа фанлардан ўрта мактабда дарс берган Норматов, Габбосов, Ёриев, Мамадиёр Жамолов, Гоффоров, Саид Маматқулов, Боқиев, Шарофутдиновлар барчаси фидоий ўқитувчилар бўлиб, ўз фанларини мукамал билишимиз учун тинмай жон куй — дирар эдилар. Улар фақат ўз фанинигина ўргатмасдан, ўқувчиларда ўз она тилига нисбатан муҳаббат уйғотар эдилар.

Ўзбек тилидан фақат китоб ўқиш, иншо ёзиш ёки грамматикани ўрганишигина эмас, балки, тилни севиш, керакли ибораларни топа билишга ундар эдилар. Менда, тахминан 5—6— синфларда ўқиб юрганимда, бадий китобга қизиқиш ва меҳр уйғонди. Бунга асосий сабаблардан бири тил ва адабиёт ўқитувчиларимиз Қўлдошев Назирқул ва Назирқулов Абдулазизлар ўз фанининг билимдони бўлганликлари, бадий китоблар ва журналларни кўп мутолаа қилиш —



Сизларни қўмсайман, синфдошларим

лари бизларга ҳам таъсир этган бўлса керак. Синф раҳбаримиз Мавлонов Мелиқўзи ака ҳам ўзбек адабиёти ва шеърятги намоянда — лари асарлари билимдони бўлиб, китоб ўқишга ҳавас уйғотар эди. Ўша вақтлари уйимизда бадий китоблар бўлмасди. Китобларни мактаб ва қишлоқ совети қошидаги кутубхоналардан олиб ўқир эдик. Ва ҳатто яхши эслайман, "Рустам дoston", "Алпомиш", "Гўрўғли" каби дostonларни китоб эгаларидан сўраб олиб, тўлалигича кўчириб, оила аъзоларимиз, қўшниларимиз даврасида ўқиб берар эдим.

Еттинчи синфни битирганда шаҳодатнома берилиб, қаерда ўқишни давом эттириш ўқувчининг хоҳишига боғлиқ бўлиб қолди. Кўпчилик синфдошлар Тошкент ва бошқа шаҳарларда жойлашган хунар — техника билим юр்தларига ўқишга кетишди. Биз беш — ол — титамиз Зоминдаги 1 — сон мактабда ўқишни давом эттиришга қарор қилдик. Ўша вақтларда Зомин сув омбори қурилмаган бўлиб, баҳор фаслида Зоминсойдан сел келиб, ёғоч кўприкларни қулатиб кетар, сувдан эса эшак араваларда пул тўлаб ўтишга тўғри келар эди.

Мен уч йил мобайнида Обручеводан Зоминга қатнаб ўқидим, яъни 22 км масофага ҳар ҳафта бориб келар эдим. Автобуслар умуман бўлмаганлиги туфайли юк машиналарининг устига чиқиб келардик, бундай машиналар ҳам жуда кам қатнар эди.

Мактабда ётоқхона бўлиб, у ерда туман ҳудудидаги қишлоқ — лардан келган синфдошлар билан бирга яшардик. Хоналарда 6 — 7 тагача каравонлар бўлиб, дарсларимизни тиззамизга қўйилган жо — мадонларимиз устида тайёрлар эдик. Ўша йиллар мактаб ётоқхо — насида уч йил бирга турган Хуммаматов Бердимурод, Республи — када донги кетган чорвадор, ипак юнгли эчкилар кўпайиши та — шаббўскори, колхоз раиси Хуммаматов Парда аканинг укаси, Ху — дойбердиев Ҳолиқул, Қурбонбоев Тўлқин, Отақулов Умрқул, Амалов Ўриш, Ҳакимбоев Сойимназарлар билан ёшлигимиздаги дўстли — гимиз кейинчалик оилавий тус олди ва уни фарзандларимиз ҳам давом эттириб келмоқдалар. Қурбонбоев Тўлқин, Худойбердиев Хо — лиқуллар билан эса яқин дўстлашганман. Бир — биримизга эмин — эркин "сен" деб мурожаат қиламиз. Эллик йиллик дўстим Ҳолиқул билан кўп қизиқ воқеалар бўлган. Ўрта мактабни битиргач, мен Тошкентга, у эса Самарқандга кетдик. Талабалик давримизда ҳам учрашиб турдик. Ҳолиқул Самарқандга кетиш ва келиш вақтлари мен уйда бўлмасам ҳам, онамнинг олдиларига кириб, кўп ҳолларда тунаб кетар эди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини би — тириб келгандан сўнг, Титов номли 6 — совхозда иш бошлаб, пах — тачилик бригадири, ҳосилот, бўлим бошлиғи вазифаларида ишла — ди. Кейин Узоқов номли 4 — совхоз раҳбари лавозимида, сўнггра Пахтакор туман ижроия қўмитаси раиси ва ниҳоят Арнасой туман партия қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлади. Биринчи котиб бўлганида табриклашга бордим, унга ҳазилашиб, "Ҳолиқул, ишингда муваффақият тилайман — у, лекин умрингда биронта китоб олиб ўқимаган бўлсанг, сендан талаб даражасидаги котиб чиқармикан",

деганимда, у "Бу ишда дангал туриб пахта етиштиришни билсанг бас", деб жавоб берган эди. Менинг деярли барча мулоҳазаларимга қарши чиқиб, эъти — роз билдирадиган икки дўстимдан бири ҳам Холиқул бўлиб, кўпинча баҳслашиб қоламиз. Аммо баҳс дуранг билан якун топади.



Бағри қайноқ онажоним ва дўстим Холиқул

Ўша йиллар Зомин туман марказидаги мактабимизда таълимга эътибор кучли, муаллимларимиз талабчан эди. Дарсликлар етиш — маса — да, уйга вазифани бажармасдан ухлмасдик, керак бўлса, сеvimли спорт ўйинларига ҳам чиқмасдик.

Мактабда спорт ўйинларига ҳам эътибор яхши эди, тез — тез му — собақалар ўтказилиб туриларди. Зоминда Ломакино ва Обручево стан — цияларидан келадиган командалар ўртасида волейбол, футбол, шах — мат, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича беллашувлар бўлиб, мактаб командаси сафида мен ҳам қатнашар эдим.

Мактабда ўқиб юрганимда тенгдошларимга нисбатан бўйим паст бўлиб, анча нимжон эдим. Спорт билан шугулланиб, жисмонан

бақувват бўлишга ҳам эришдим ва ҳатто оғир ат — летика, яъни штанга ва тош кўтариш мусобақаларида район чемпиони уивонини олишга муваффақ бўлдим.

Ёзги таътил пайтларида Обручевога келиб, қишга ўтин — ҳашак жамғариш ва бошқа уй ишларида онамга ёрдамлашардим, ёз давомида укам Эргаш билан гишт ва кесак қуйиб янги уйимиз — нинг деворини кўтарганмиз. Уйнинг устини ёпиш учун Ём қишлоғидаги отамдан қол — ган уйимиз тоmidан ёғоч — ларини олиб келдик. Уста мулла Отақул тоғам катта ёрдам берганлар.



Полвон-аканг қарағай!

У вақтлар томларнинг усти шифер билан ёпилмасди, сомон лой билан суваб чиқилар ва ҳар қор ёққанда барча хонадон эгалари уйларнинг томига чиқиб қор кураб тушар эдик.

9-синфни тугатган йилнинг ёзида, оиламизга иқтисодий ёрдам бериш ниятида қўшнимиз Аҳмедов Мамиркул аканинг ёнида комбайнер ёрдамчиси бўлиб ишладим. Иш ҳақига берилган буг-дойни 30 чақиримдаги сув тегирмонида ун қилиб келгандим.

Ўша дамларда кўпчилик уйларда электр энергияси бўлмай, чи-роқлардан фойдаланилар, ҳар бир уйда иситиш учун печкалар қурилган бўлиб, кўмир ва ўтин ёқилар, исиниш учун сандаллар бўлар эди.

Ана шундай кунларни бошдан кечирганимизга ҳам эллик йиллар бўлиб қолипти. Бутун мактабда ўқиётган болаларни ишонтириш қийинроқ бўлган оғир кунларда тобланиб, ўқишга интилганимиз зое кетмади. Айтмоқчи, ўрта мактабни битирганимизга ҳам 2005 йилда 50 йил бўлади. Ўшанда — 1955 йилда мактабни бир йўла 120 ўспирин битирган эдик. Ана шу 120 ўспирин йигит — қиз келгусида 120 оила яратгани ҳам рост. Улардан қанчадан қанча фарзандлар, фарзандлардан набиралар ва ҳатто набиралардан эваралар ту-ғилгандир. 50 йил ўтган умрдан сўнг ўша авжи балогатда битир-ган тендошлар учрашувини қўмсамаслик мумкинми. Шундай бир яхши ният билан 2003 йил 27 апрель куни бир гуруҳ йиғилдик. Беш кишилиқ ташкилий гуруҳ ҳам туздик. Улар Зокир Қорабоев раҳбарлигида Рустам Файзиев, Ёрбек Эсонов, Холикул Худой-бердиев, Раъно Қорабоевалардир. Ҳозирча 120 битирувчидан 60 нафарининг яшаш жойлари аниқ бўлди. Насиб этса, 2005 йилда бир ажойиб учрашувга йиғилиб, мириқиб дардлашамиз.

Шундай кунларда қадрли устозларимни эслаганимда мен учун жуда ҳурматли, Ўзбекистон Қаҳрамони шоир Абдулла Ориповнинг "Муаллим" шеъридаги ушбу сатрлар ёдга келади:

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир:

Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор,

Фаробий, Дантени такрор ва такрор.

Барини ўқидим, лол қолди ақлим,

Барига устозсан ўзинг муаллим.

Алишер қалбига солган сеҳр-файз

Сенсан, эй, муаллим, устоз Абдул-Лайс.

Қутлуғ хонадонда қутлуғ калом бу,

Ҳамид Олимжон бу, Ғафур Ғулом бу.

Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,

Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.

Улуғ айёмингда шеърий калом бу,

Шогирдлар номидан қутлуғ салом бу.

Биз таълим олган мактабдан кўплаб илми, салоҳиятли муга-хассисларнинг етишиб чиқишларида ҳам мўътабар устозларимиз-нинг хизматлари катта. Мактабимизда ўқитувчи бўлиб ишлаган Абдул

ака ва Бадигул опанинг ўғли Гиниятуллин Рим Абдулович юксак илми, заковати, меҳнати, фидойилиги, ишчан ва ташкилотчилик салоҳияти билан узоқ йиллар меҳнатда чиниқди. Республика Медiorация ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирлигининг ўринбосари лавозими даражасига кўтарилди. Мактабдошимиз Ином Назарович Искандаров институтни битириб муҳандис, Жиззах пластмасса заводида буюртмачи, Ангрен резина техника буюмлари заводи директори, Республика Саноат ва қурилиш материаллари Вазирлиги вазифасида ишлади. Синфдошим Мулдабой Илёсов фан доктори бўлиб, Москвада Тимирязев номидаги Академияда дарс берди. Ҳозир мактаб қошида ташкил этилган музейда, мактаб тарихи, директорлари ва ўқитувчилари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда, шу мактабда ўқиб фан докторлари, фан номзодлари унвонлари олган, нуфузли лавозимларга кўтарилган, қишлоқ хўжалик ва йирик саноат корхоналари раҳбарлари бўлиб ишлаган, Мирзачўл ва Жиззах чўлини ўзлаштиришда фаол қатнашиб катта унвонларга сазовор бўлган инсонлар ҳақида маълумотлар мавжуддигидан мамнунман.

Мактабни тугатган йилим Тошкентга—Ўрта Осиё Политехника институтига ўқишга кириш учун кетдим. Дастлаб Янгийўл ва Тошкентда қишлоғимиздан яшаётган қариндошларим уйларида, кейинчалик ётоқхонада туриб, кириш имтиҳонларини топширдим. Афсуски етарли балл тўплай олмадим, синфдошларим Алибеков Абдулмутабли ва Тураев Нуралилар эса ўқишга киришди.

Ўқишга кира олмаганим жуда алам қилди. Ахир, мактабда ақл баҳоларга ўқиган эдим. Одамларга нима дейман, деган ўй меҳна қийнади. Уйга қайтиб биров вақт беҳол ётиб ҳам қолдим. Ўн кунлари гарчи Абдулазиз акам мени шу балл билан Ленинобод пединститутининг математика факультетида сиртдан ўқишга кири олишимга ҳарчанд ундасин, барибир кўнмадим. Мен муҳандис



Йиллар утар—асов, бетизгин...

моқчи эдим.
нинг учун
а 4 йил шу
ага ўқишга
иш учун ку—
ш а м а н,
нда ҳам кира
асам, майли,
институтга
иб ўқийман",
жавоб қил—
им ҳали—
улазиз акам,
амай қўйди.
улазиз акам
амай қўйди.




*Қадрдонлар гурунги
(Абдулазиз акам ва дўстим Ўткир)*

Эса қўрғончамиздаги кутубхонага мудир бўлиб ишга кирдим.
Итим бир йил кутубхонада ўқишга тайёргарлик кўриш эди. Ку—
хонада мен билан Улуғ хола Камолова, Моҳира Одиловалар
га ишлаганди. Шу—шу китоб ўқишга берилиб кетдим. Кеча—
и ярим тунгача китобдан бош кўтармасдим. Алламаҳал пасса—
э поезди келишида бекатда чалинадиган бонг овозидан сўнг
ашни одат қилдим. Ҳатто Киев шаҳрида хусни—хатни яхши—
чи пуллик курсга сиртдан қатнашдим. Дастхатим бироз ўнг—
ди.

Шу вақтлар ўзимнинг шахсий кутубхонамда ҳам илк кито—
рни тўплай бошладим. Ўқиган китобларимдан менга ёқиб қол—
жойларини алоҳида дафтарчага кўчирадиган бўлдим, мана, де—
и ярим аср давомида бу одатни тарк этганим йўқ.
Ҳар ҳолда кутубхонада ишлаб, китоб билан яқин дўстлашиб
шмадим. Келгуси йили институтнинг тоғ электромеханикаси му—
ассислигига ўқишга кирдим. Факультетимиз профессор
И.Протодьяконов номида эди.

Машғулотлар Гоголь кўчасида жойлашган геология факуль—
и биносида ўтиларди. Мен жойлашган ётоқхона эса Пролетар—
я кўчасида. Ётоқхонада беш йил давомида қозоқ йигитлари
суп Раҳматуллаев ва Жумабек Қоринбоев, туркман Нурмухам—
д, Сеисов, ўзбек Эргаш Музаффаровлар бирга яшадик. Ўқишни
лаганимизда гуруҳимизда 28 нафар талаба эдик. Битириб чиқ—
имизда атиги 7 киши қолдик. Жами 17 киши битирган бўлсак,
дан 10 нафари юқори курслардан ё бошқа факультетлардан
анлар эди. Чунки машғулотлар мураккаб, талаб жуда қаттиқ
Сессия пайтлари деярли барча талабалар қайсидир 1—2 фан—
дан "қарздор" бўлиб қолишар, вақтида удаламаса, стипенди—
н бенасиб, курсда қолиши ёки институтдан хайдалиши "нақд"
обланарди. Айниқса, Чизмачилик геометрияси, Материаллар





Талабалик олтин даврим

қаршилиги, Механика назарияси, Электротехника асослари назарияси каби факультетлардан кўпроқ "қўл пайдо бўлар эди". Орамизда "Чизмачилик геометрияси" имтиҳон топширигидан сўнг ўқишни давом эттириши "Материаллар қаршилиги"ни топши

гандан сўнг эса уйланишинг мумкин, деган ҳазил гаплар юз эди.

Чизмачиликдан берилган вазифаларни бажариш учун кеч билан мижжа қоқмай чиқиб, эрталаб ўқишга кетган кунлари кўп бўлган. Кўпимизга чизмачиликдан шу соҳанинг билимдори Нурали Тўраев ёрдам бериб юрарди. Математика фанидан асос даражада биладиган хоразмлик курсдошимиз Қозоқов Жўраҳон Хожимуродов Бобожонлар рус тилидан имтиҳонларни топшира олмагани учун бир йил курсда қолиб, биздан кейинги йил институтни битириб чиқдилар. Тоғ факултетида асосан йигитлар ўқиган қизлар деярли йўқ эди. Бизнинг гуруҳимизда фақат биргина Абдулина ўқиб, битириб чиққан эди.

Ҳамқишлоқ дўстим Миршаропов Муртазоқул билан алоқа жуда яхши бўлиб, ҳалигача давом этмоқда.

Талабалик йиллари ҳар йил 2—3 ой пахта теримига чиқарилган. Янгийўл, Сирдарё туманларида пахта терардик. Биринчи курс мавсумида 3 тоннадан ошириб пахта терганим учун Тошкент вилоятининг "Фахрий ёрлиғи" билан мукофотландим. Ҳар йили ишлаб чиқариш амалиётида бўлардик. Биринчи йили Ангрен кўмири кеннинг 9—шахтаси ва карьериди, кейинги йили Қарағандада 106—Сарань конида ишлаб чиқариш амалиётида бўлганман.

Дипломолди амалиётида Украинадаги Первомайск район Сокологоровка кўмири конида ишладим ва у ерда минг метрлаб ости чуқурлигида жойлашган штрекларга тушиб, электровоз билан тортиладиган вагонларга тоғ машиналари ёрдамида кўриб олиб, ер юзига чиқариш муҳандислик иншоотларини кўриб олинишиб келганман. Ер остида электр энергия етказиб берадиган ускуналарни ишлатиш сирларини ҳам ўша ерда ўргана бошладим.

Ушбу амалиётга Шоиноятов Шавкат билан бирга бордик. Жўраҳонларимиздан олдин у йўлда, бироқ тижорат ишларини бажариб ишлаб кетсак, Москвага борганда томоша қилишга имкон бўлади, — деб қолди. Иккаламиз картон қутиларга 200 кг.га яқин п

мидор олиб, Пенза шаҳридаги бозорда сотиб, анчагина пул ортириб, бир ҳафта мабойнида Москва шаҳрининг тарихий жойларини, музейларини, театрларини, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги кўргазмасини томоша қилган эдик. Амалиёт вақтида ҳам анчагина маблағ иқтисод қилиб қайтдик.

Ўқув пайтларида ҳам вақт топиб темир йўл станциясидаги вагонлардан юк тушириб пул ишлаб келардик. Моддий танглик ортиқча харажатга йўл бермасди. Ҳар 5–6 ойда зўрға уйга келиб кетардим. Шунга қарамасдан баъзи ўқиш кунлари шаҳарнинг у томонидан бу томонига боришга мажбур бўлардик. Сабабки, "химия" дарсини химия – технология факультетида ўқисак, электрлаштиришдан машғулот учун энергия факультетига, электр машиналари ўқуви учун авиация техникумига борар эдик. Институтнинг кутубхонаси, спорт зали Якуб Колас кўчасида жойлашган эди. Шу бинода ҳарбий тайёргарлик кафедрасига машғулотларга қатнардик.

Тўртинчи курсни тугатганимизда бизни офицерлик унвони олишга тайёргарлик кўриш учун Туркменистон Республикаси Мари областининг Байрам – Али шаҳри яқинида жойлашган ҳарбий қисмга юборишган. Мен биринчи марта қум саҳросида қуёшнинг жазирама иссиғи кишига қандай таъсир қилишини аниқлаб, бир умрга эслаб қолдим.

Институтда спорт машғулотлари яхши йўлга қўйилган, спорт мусобақаларида институт жамоаси мудом юқори ўринларни эгалларди. Мен тўрт йил мабойнида самбо кураши, спорт гимнастикаси билан шуғулланиб, бу турда иккинчи разряд олишга муваффақ бўлдим.

Тренеримиз Иттифоқ чемпиони Костин эди. Институтимизга гроссмейстер Виктор Корчной келиб кўп тахтада сеанс берганида мен ҳам қатнашган эдим. 27 та шахмат тахтасида ўйнаб фақат 2,5 очко олганмиз.

Мен таҳсил кўрган тоғ факультети 1938 йилда ташкил бўлган. Факультетда анчагина тажрибали, иқтидорли профессор – ўқитувчилар ишлар эди. Республикамизда тоғ ишлари фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Орипова, Мищенко, Боев, Фолькман, Юдин, Шерматов каби олимлар



*Мард майдонда синалади
(Шахтёрлик йилларим)*

машғулот олиб боришарди. Факультетимиз декани Ҳаким Мақсу — дов айни қирқ ёшида вафот этди. Ўрнига аввал Учқун Алиевич Исомухаммедов, кейин бироз вақт Хорошев ишлади. Сунгра факультет декани ва институтнинг биринчи проректори бўлган ака — демик Ваҳоб Раҳимов, у кишининг умр йўлдоши фан доктори, олима Тўраҳон опа мен учун жуда азиз инсонлар бўлиб қолган.

Институтни бирга битириб чиққан курсдошлар турли ҳудуд, турли лавозимларда фаолият бошлади. Курсдошим Шаҳобиддин Насриддинов факультетда ишга қолди, фан номзоди, кафедра му — дири бўлди. Абдурауф Содиқов бир неча йил ишлаб чиқаришда бўлиб, кейин институтга қайтди, декан ўринбосари бўлиб ишлади. Содиқжон Толипов аввал Ангренда ишлаб, кейин Тошкентга қай — тди, 18 йил Тошкент шаҳрини ёритиш бошқармасида раҳбарлик қилди, "Тошкент чироқлари" китобини ёзди.

Нўъмонжон Қўчқоров қатор йиллар ишлаб чиқаришда му — ваффақият билан ишлаб, "Ўзбекэнергоқурилиш" таркибидаги йи — рик трест раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Гуруҳ етак — чиси Шавкат Шоиноятов йирик саноат корхонасида бош энергетик, Шижоат Мирбобоев "Ўзбекэнергоқурилиш" мажмуасида бош дис — петчер бўлиб, нафақага чиқди. Алихон Раҳматович Отажонов рес — публикада бирмунча юқори лавозимларга кўтарилди: республи — када газлаштириш корхоналари бошлиғи, Қашқадарё вилоят ҳо — кими, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари бўлиб ишлади.

Анвар Абдуллаев Жиззах туман ва вилоят электр тармоқла — рида муваффақиятли ишламоқда. Абдумуталиб Алибеков эса аввал Каттақўрғонда Ингичка конида, кейин Жиззах, Сирдарё вилоят



20 йилдан кейинги учрашув

ижроия қўмиталари, ҳокимликларида ишлади, Жиззах вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасини бошқарди.

Курсдошим Фая Абдуллинанинг фаолияти лойиҳалаш инстинтигида ўтди. Зиёвуддин Илясов энергетика соҳасида, қозоқ дўстларим Мажид Таханов, Булат Медетбеков, Сармухоновлар ўз юртида турли конларда меҳнат қилди. Ленур Дервишев Қримга қўчиб кетди. Гуруҳдошлардан самарқандлик Умрзоқ Мирзақобилов, бекободлик Расул Исаматов, қозоғистонлик Қосимбековлар бахтга қарши ҳаётдан эрта кўз юмишди. Қўлимга теккан диплом билан берилган йўлланмада мен Қирғизистоннинг Ўш вилояти Фрунзе туманидаги Қадамжой посёлкасида жанубий тоғ — металлургия комбинатига ишга юборилган эдим. Ишга боришдан олдин 9 июль куни уйлан — дим. Умр йўлдошим Ҳурриятхон эндигина йигирмага қадам қўйган эди. Икки йил олдин онам Ҳурриятхонни келин қилиш тарафдудиди унаштириб қўйган эдилар. У вақтлар никоҳ тўйлари кичикроқ даврада ўтар эди. Шундай қилиб, ҳам олий маълумотли муҳандис, ҳам оила эгаси бўлдим. Августнинг охирида йўлланма бўйича ишга отландим.

Комбинат бошлиғи мени қабул қилиб, Ҳайдаркон симоб ишлаб чиқарадиган руда бошқармасига боришим учун хат ёзиб берди. Ҳайдаркон Ўзбекистоннинг Шоҳимардон ва Сух шаҳарчалари оралиғида жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 1500 — 2000 метр баландликдаги шахталарни ишлатиш бошқармаси шаҳарчаси экан. Бошқарманинг бош муҳандиси Ю.Хабаров мени жуда илиқ кутиб олиб, дастлаб кондаги участкалардан бирида электрчи — слесар ваэифасида ишлашимни айтиб, ётоқхонага жойлашишим учун зарур қўғозларни олиб кетишимни тайинлади.

Институтни тамомлагандан сўнг барчамиз турли ҳудудларга тарқалиб кетдик. Аҳён — аҳёнда хат орқали хабарлашиб тургани — мизни ҳисобга олмаганда деярли учрашмай кетган эдик.

1981 йил институтни битирганимизнинг 20 йиллигини нишонладик. Аввал Тошкентда факультетимиз биносида тўпландик, талабалик йилларини хотирладик. Кейин Зомин туманида чўлқуварлар учун барпо қилинган сўлим оромгоҳ — Ўриклисойда учрашувимиз давом этди. 20 йиллик ҳаёт барчамизнинг ҳаётимизда ўз мазмунига эга эди. Ҳар биримиз оилали, фарзандларни айтмай — сизми. Бўйи — бастимизда ҳам улғайиш шундоққина кўриниб турарди.

Учрашувга мутасадди ташкилий гуруҳ томонидан юбилей анкетаси тарқатилган эди. Саволларга ҳар ким ўз ҳаётидан жавоб бериши шарт эди. Мен ҳам жавобда шунга амал қилдим. Ушбу хотираларимга ана шу "Юбилей анкетаси"га жавобларни кириштишни лозим кўраман.

ЮБИЛЕЙ АНКЕТАСИ.

1961 йил СазПи нинг ГОРФАКни тугатган битирувчи.

Фамилия: **МАЖИДОВ**
Исми: **ЎРИШ**
Шарифи: **ХАМИДОВИЧ**

Тошкент ш. 1981 йил

Учрашув 1981 йил 19 июнь соат 14-00 да Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Хурматли курсдош!
Самимий ва ҳазил жавоб тақдирланади.

1. Савол – Туғилган йилинг, (Қайта туғилган бўлсанг, қачон?)

Жавоб: Роппа – роса 20 йил олдин тоғ факультети инженер – электрмеханиги бўлиб дунёга келдим.

2. Савол – Оилавий аҳволинг...

Жавоб: Бир маротаба уйландим, бир ўғлим тоғ факультетида ўқийди ва яна 6 та фарзандим бор.

Эр киши бу билан мақтанмайди.

3. Савол – Меҳнат фаолиятинг (уйда ва ишда қизиқадиган нарсанг)

Жавоб: Шахтадан кетганимдан буён бу соҳада ишламайман. Қизиқадиган нарсам – ишим. Уйдаими, ишдаими фарқи йўқ. Ҳамма – си чалкашиб кетди.

4. Савол – Маошинг (Ҳақиқийси ва хоҳишингдаги)

Жавоб: Хоҳлаганимдан ҳам кўп, ойига 600 сўм атрофида.

5. Савол – Маошингни ўзинг сарф қиласанми ёки бундай мушкул мажбуриятдан озодмисан?

Жавоб: Маошимни рафиқам олади. Мен уларни ҳатто кўр – майман ҳам, нимага сарф қилиш кераклигини ҳам тушунмайман.

6. Савол – Малака ошириш (нимага эга бўлдинг ва нималарни йўқотдинг, илмий даража, кичик номзодлик, ТХ имтиҳон)?

Жавоб: Олган мутахассислигимни йўқотдим. Хизмат кўрсат – ган бинокор бўлдим. Даража ҳам, кичиги ҳам йўқ.

7. Савол – Мукофотларинг (нима олдинг ва нимага даъво қиласан?)

Жавоб: Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Генерал бўлишни орзу қилмаган солдат – солдат эмас!

8. Савол – Жамоа ишларида фаолиятинг (депутат, атроф – муҳитни қўриқлаш жамияти аъзоси?)

Жавоб: Обком бюро аъзоси, область совет депутати, ВОИР аъзоси.

9. Савол – Илм ва техникадаги ютуқлардан нималарга эгасан?

(автомобиль, чангюткич, кир ювиш машинаси.)

Жавоб: Кўча ҳаракати қоидаларини биламан. Фақат автомо — билни бошқара оламан.

10. Савол — Ўз номингни элга танита олдингми? (фольклорда, ёзма, қаерларда бўлдинг, нималарни кўрддинг?)

Жавоб: Хайдаркон шахталарида бўлиб, Мирзачўл даштларини кўрдим. Ишимдан қониқмагунимча тинчимайман.

11. Савол — Шахсий мулкнинг борми? (уйинг, дала ҳовлинг, ўз бурчагинг, ёзув столинг, кечки шиппагинг)?

Жавоб: Уйим ҳам, дала ҳовлим ҳам йўқ. Шахсий хотиним ва кучугим бор.

12. Савол — Тоғ факультетида Сенга нималарни ўргатишмаган экан? (мутахассислигимиздан хафсаланг шир бўлмадими? Энди қайси касбни танладдинг?)

Жавоб: Горфақда олган кўп қиррали мутахассислигимдан мин — натдорман. Ҳар қандай ишни бажара оламан. Шахтёр, энергетик, сантехник, қурувчи, ирригатор, қишлоқ хўжалиги ходими, хуллас, анча нарса кўрдим — у, деярли ҳеч нарсага эришмадим.

13. Савол: Ташқи қиёфанг ўзгарганми? (параметрларинг ўз — гарганми, оғирлигинг, характеринг, сочинг ранги. Тароқдан фой — даланасанми, биринчи қаватга чиқишга қийналмайсанми, қанақа касаллик ортирдинг?),

Жавоб: Талабалик давримда қандай бўлсам шундай сақлан — ганман. Қуйидаги майда — чуйдаларни хисобга олмасак: сочим ба — тамом оқарган ва тўкила бошлаган, тепакал бўлмоқдаман, кўзимда кўзойнак, бесўнақай гўлишиб кетганман. Қаватдан пастга тушишни ёқтираман.

14. Савол: Спортга муносабатинг? (шуғулланасанми, ташла — дингми, бошладдингми, "Пахтакор"нинг ҳали ҳам мухлисимисан?).

Жавоб: Спортни ташлаганим йўқ. "Бўстон" командаси мухли — симан. Ревматизмим ҳам бор.

15. Савол: Бўш вақтингни нималарга бағишлайсан? (китобга, футболга, пазандаликка).

Жавоб: Бўш вақт деган сўзни тушунмадим, агар бўлганда ми — риқиб ухлаб олган бўлар эдим.

16. Савол: Ҳаёт тарзингни ўзгартириш истаги борми? (раҳ — барлар таклифи, ўз хоҳишинг, йўлланма билан ишлай олдингми.)

Жавоб: Йўлланма билан етти йил ишладим. Эндигилари менга боғлиқ эмас, қаерга юборишса, шу ёққа кетавераман.

17. Савол: Талабалик давридаги дўстларни 30 — 40 йилдан сўнг кўришни истайсанми?

Жавоб: Нега энди 30 — 40 йилдан сўнг, шу йил юбилейда, ун — дан сўнг, ҳар уч йилда учрашишни хоҳлайман.

18. Савол: Учрашувга келасанми? (келмасанг нега, пулингга ачинасанми, хотининг қўймайдими).

Жавоб: Хотиним қўймаса ҳам бораман.

19. **Савол:** Учрашувга нима олиб келасан? (доклад, фокус, кон — церт номери).

Жавоб: Талабалик йилларидаги суратлар альбоми.

20. **Савол:** Бизнинг анкетани олиб нимани ҳис қилдинг?

Жавоб: Ўзимни яшаргандек ва бахтли ҳис қилдим.

21. **Савол:** Спиртли ичимликларга муносабатинг? (шу хоҳи — шинга қараб дастурхон безатилади).

Жавоб: Нефт маҳсулотларидан тайёрланганидан ташқари бар — часига ижобий.

Биз ҳар беш йилда йиғилиб турадиган бўлдик. Аввал Бахмал тоғларидаги оромгоҳда, сўнгра Тошкент шаҳрида, охириги марта эса Чорвоқ сув омбори яқинида жойлашган дам олиш масканида учрашувлар ўтказдик. Аммо ҳар бир учрашувда кимнидир кў — ролмай қоламиз. Умр эса бетўхтов ўтиб борапти. Қайси бир дўс — тимиз навбатдаги учрашувга етиб келолмайди. Ҳаёт шу экан — да!

**“Ҳар қандай ишни соф виждон билан,
самимийлик билан бошлаш лозим”**

Ойбек.

II. МЕҲНАТИМНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАШВИШУ ҚУВОНЧЛАРИ

Менинг мустақил ҳаётим бошланган Ҳайдаркон посёлкаси за — монавий қурилган бўлиб, кундалик эҳтиёж учун зарур нарсалар, масканлар мавжуд эди. Озиқ — овқат дўкони, ошхона, ихчамгина бозор, шинам маданият саройи, стадион, талайгина дам олиш мас — канлари ишлаб турарди. Аҳолиси асосан шахтёрлардан иборат по — сёлкада ўзига хос саранжом — саришталиқ бор эди.

Шахтёр коржомасида илк бора ишга қўл уришнинг завқи ҳам, хавотири ҳам борлигини биринчи қадамдаёқ сезган эдим. Участ — када оддий ишчи бўлиб ишлаганим жуда қўл келди. Шахтёрлар билан тез танишиб олдим. Шахтада иш бетўхтов давом этар, ҳар 6 соатда смена алмашинарди. Баъзилар бурғулайди, бошқаси порт — латиш ишларини бажаради, яна бошқаси портлатилган рудаларни вагонга жойлайди. Электровозлар юк ортлган вагонларни тортиб кетади. Биз эса бу қизгин иш кетаётган ер остига ҳаво тозалай — диган ускуналарни етказиб, босимли ҳаво билан таъминлаб, элек — трознергия билан иш жойларини ёритиб турамиз. Иш қизгин пайтда ҳар бир сониядан унумли фойдаланиб, тезкор ишлашга кўникиб ҳам кетдик.

Иш бошлаганимга уч ой тўлмасдан менга ҳовлили тураржой ажратишди. Онам, Ҳурриятхон ва укам Эргашдан иборат оиламни кўчириб келдим. Кўп ўтмай мени участка механиги вазифасига

тайинлашди. Ишим жуда кизиқарли бўлганидан гоҳида 15—17 соатгача ер остида қолиб ишлар эдим. Тамомила ишга шўнгиб кетган эдим, де — сам янглишмайман. Оиламнинг моддий аҳволини янада яхшилаш мақсадида асосий ишимдан ташқари по — сёлқадаги мактабда физика ва математикадан дарс берардим.



Катта ҳаётга ilk қадамлар

1962 йил 21 мартдан Қозоғистонга хизмат сафарига жўнаб кетдим. Қайтишда Тошкентда меҳмонхонада қирғизистонлик танишлардан атиги икки кун олдин ўғлим туғилганини (бу гўнғич ўғлим Баҳром эди) билдим. Қувончли хабарни яхшигина нишонладик, комсомол кўли паркида жанжалга аралашиб, икки ўртоғим билан бир кеча хушёрхонада тунашга ҳам тўғри келган эди.

Иш билан овора бўлиб, кунларнинг ўтганини сезмай қолардик. Уч йилдан сўнг мен руда бошқармаси бош механигининг ўринбо — сари — бош энергетик вазифасига тайинландим. Энди хизмат до — ирамга барча иншоотларни электр қуввати, иссиқлик ва босимли ҳаво билан таъминлаш кирар эди. Симоб металлургия заводида айланадиган печлар, тош майдалайдиган тегирмонлар жуда уста — лик билан ишлашни тақозо қилар эди. Бу ишларнинг барчаси жуда малакали мутахассислар томонидан бошқарилиб туриларди. Ком — прессор станциясининг бошлиғи Андроник Аганесович Айрапетян, подстанция бошлиғи Наталия Мишина, лаборатория бошлиғи Римма Георгиевна Клименко, энергетик Владимир Замуруев, Гарник Мартиросович Мовсесян, механика цехи бошлиғи Гюнтер Оска — ровичлар катта тажрибали мутахассис ҳисобланар, бошлиқлари — миз Котин, Чантурия, Кайзерлар ҳам жуда ишбилармон муҳан — дислар эди.

Шу пайтларда биз денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликда жойлашган янги симоб конига 200 киловаттлик дизель электр стан — циясини катта машаққатлар билан, осма кўприклар орқали ўтказиб бориб ўрнатган эдик. Кўп миллатли посёлқада ўзбеклар кўпчиликни ташкил этиб, Тошкент телевидениеси кўрсатувларини томоша қилол — мас эди. Энергетик сифатида мен алоқа хизматлари учун ҳам масъул бўлганлигим сабабли раҳбариятнинг топшириғига асосан мутахас — сислар билан биргаликда тоғнинг баланд чўққисида телесигнал — ларни қабул қиладиган ускуналар қўйиб, станция ўрнатилишида бошчилик қилдим. Бу эса Тошкент телевидениесининг биринчи дас — тури орқали кўрсатувларни томоша қилиш имконини берди.

1963 йилнинг 18 декабрида касалхонага тушдим. 12 бармоқли ичак яраси очилиб кетган эди. Операция қилишди. Жарроҳ Зокир Жўрақулов жуда мураккаб операцияни ўтказган эди. Наркоз таъ — сирида бир кундан сўнг ўзимга келдим. Аҳволим жуда танг эди. Тушкунликда ётганимда хонага руда бошқармаси бош муҳандиси Юрий Хабаров кириб келди. У менга ёзувчи Н. Островскийнинг "Яшаш мушкул бўлиб қолганда ҳам бардам бўлиб яшашни билгин", деган сўзлари билан тасалли бергани ҳали — ҳали ёдимда.

Операциядан кейин парҳезга ўтиб, ҳар йили ошқозон — ичак касалликларини даволайдиган санаторийларга борадиган бўлдим. Биринчи йили Железноводск шаҳридаги Киров санаториясида дам олдим. Шифобахш Смирновская ва Славянская минерал сувла — рини ичиб, шифобахш балчиқ билан даволадим. Кавказга би — ринчи маротаба борганлигим учун кўпгина тарихий жойларни, шу жумладан, Пушкин галереяси, Лермонтов дуэлга чиққан Машук тоғидаги жойларни кўрдим. Кейинги йили Қирғизистоннинг Жа — лолобод шаҳридаги санаторияда дам олдим. Сўнгра Грузияда Бор — жоми чиқадиган шаҳарда бўлиб, Гори шаҳри, Тбилисининг тари — хий жойлари, музейлари, баландликдаги боғ ва грузинлар қиро — личаси Тамаранинг қўрғонларини бориб кўрдим. Яна бир сафар Чехословакиянинг Карлови — Вари курортида бўлдим, тилла гум — базли Прага шаҳрини томоша қилдим.

Бир йили декабр ойида мен Свердловск шаҳридаги малака ошириш марказига бориб биринчи маротаба Сибирь совуқлари қандай бўлишини англадим. Совуқлик 35 — 36 даражага бориб, кўчага чиқиш ҳам қийин бўлиб қолганда, стадионга бориб шайбали ва копток билан ўйналадиган хоккей ўйинларини томоша қилдим.

Машҳур Уралмаш заводида жуда улкан экскаваторлар ва тоғ машиналари чиқадиган жойларни, Асбест шаҳрида қуввати 100 киловатт бўлган битта электр чироғи билан бутун карьер ёритил — ганлигини кўриб ажабландим, қумдан олтин ажратиш олиш усул — ларини кўрдим. Асосийси Иттифоқнинг турли томонларидан кел — ган муҳандислар билан фикр алмашиб, ўз билимимни бойитдим. Бир сафар Ангренга яқин Янгиобод шаҳрига шахталарда сув би — лан чанг тўзонларни камайтириш усуллари ўрганиш учун хиз — мат сафарига борганимда, уран ажратиш оладиган рудаларни ишлаб чиқарувчи шахталарнинг ичига тушиб, радиацияни ўлчайдиган ас — боблар белгиланган нормадан ошса, ишлаб хабар бериши, орга — низм олган дозани ҳисоблаб кўрсатишининг шоҳиди бўлганман.

Қадамжой посёлкасида жойлашган сурма ишлаб чиқариш ком — бинатининг бош энергетиги бўлиб ишлаганимда яқинда жойлаш — ган Кон ва Чаувай шахталарига ҳам бориб турар эдим. Ҳар бир шахта мен учун янги бир олам эди.

Хайдарконда ишлаб юрган даврда таъмирталаб электр дви — телларни машинада Олмалиқ ва Тошкент шаҳарларидаги завод — ларга олиб борар эдим.

Бир куни биз подстанцияда 2 та трансформаторнинг параллел ишлашини таъминлаш учун китобда ёзилган барча тўртта шарт — ларни бажардик. Аммо улар ишламади. Ҳайрон қолдик. Эртасига Римма Григорьевна Клименко эскириб қолган бир энергетика справочнигидан, назарияга тўғри келмайдиган бешинчи шарт бор эканини топиб келди ва биз шу усулни қўллаганимизда ишлар юришиб кетди. Шунда мен китобнинг, айниқса, техник справоч — никларининг кучини англадим ва кутубхонамни шундай китоблар билан тўлдиришга алоҳида аҳамият бера бошладим. Кўп йиллик амалиётда бу китобларнинг катта фойдаси тегиб келаётир.

Хайдаркондан Обручевога жуда кўп келиб турардим, йўл — йў — лакай машҳур раис Ҳамроқул Турсунқулов туғилган Водил қиш — лоғи орқали Усмон Юсупов туғилган Каптархона қишлоғидаги му — зейни бориб кўрганман. Фарғона шаҳридан ўтганда қачонлардир бу шаҳарга келиб таҳсил олган отам Абдуҳамид Мажидовни хо — тирлар эдим. 1963 йили ноябрь ойида фарзандим Ином, 1965 йили октябрь ойида Икром туғилди. Йиллар бирин — кетин ўтиб борар эди. Шу ўтган йиллар давомида қайси шаҳарга бормай, албатта янги нашрдан чиққан бадий китобларни харид қилар эдим. Шах — сий кутубхонам ҳам бойиб борар эди. Менга Толстойнинг “Ҳаётни китобсиз, шахматсиз, овсиз тасаввур қила олмайман”, деган сўз — лари маълум эди. Китоб ўқишга ва шахмат ўйнашга жуда қизиқиб яшадим, лекин овга нисбатан қизиқишим уйғонмади. Хайдарконда яшаганимда дўстим Одилжон Латипов мотоциклда мени тоққа қуён овига олиб борди, қўлимга берган милтиқни бир марта ҳам отма — дим, улар овлаган қуёнлар гўштини маза қилиб истеъмол қилдик.

Бир сафар Ўрозбой Жумаев ва Виталий Южанинлар билан Арнасойдаги Хайдаркўлга ўрдак овига бориб қайиқдан гуриб яқин — гинадаги ўрдакларни ҳам ота олмадим. Павел Харитонович Кан билан тоғдаги ариқларда қармоқда “маринка” балиғи овига бориб битта ҳам тутта олмаганман, чиндан ҳам ов қилишга менда мойил — лик бўлмаганга ўхшайди.

Ниманики бажарсанг аъло даражада бўли — ши лозим, ҳатто ақл бовар қилмайдиган ишлар бўлса ҳам

Оноре Де Бальзак.

III. ҲАЁТИМНИНГ ЯНГИ ЎЗАНИ — ЧЎЛҚУВАРЛАР САФИДА

Мен қариндошларимиз ва қайнотам Назирқул ота яшайдиган Обручевога келиб — кетиб юрганимда Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари кучайганидан Янгиер шаҳридаги бошқарма гавжум бўлиб, қурилиш материаллари, машина, трактор, ускуналар шу ердаги темир йўл базасига туширилаётганидан хабардор эдим.

Бир куни Хазратқулов Сатторқул аканинг уйига меҳмонга "Голдностепстрой" бошлиғи Низомов Эхсон Низомович билан урин — босари Холмуродов Ортиқ Абеновичлар келган экан, мен ҳам шу хонадонда эдим. Суҳбатда менинг катта комбинатда бош энергетик бўлиб ишлаётганимни эшитиб, яқинда бизнинг Годелов деган му — тахассисимиз янги лавозимга кўтарилади, ўрнига келиб ишлаш хоҳишинг борми деб сўраб қолишди. Мен яхши маош олиб, катта лавозимда ишлаб, яхшигина обрўга эга бўлсамда, барибир Ўзбе — кистонга қайтиб келишим кераклигини тушунган ҳолда, шу имко — ниятдан фойдаланишни лозим топдим. Қайтиб бориб бошқа ишга ўтиш кераклиги ҳақида ариза бердим. Хайдаркондан кетишимга қаршиликлар кўрсатишди, айниқса руда бошқармасининг бош — лиғи Александр Иванович Котин қўйиб юбормайман деб туриб олди. Мен ҳали партия сафига ўтмаганлигим, ёш мутахассислар эса юборилган жойда мажбуран ишлаши керак бўлган уч йилдан ошиқ ишлаганим ва Иттифоқнинг қайси бурчагида бўлмасин Мир — зачўлда кўриқни ўзлаштиришга қаршилик кўрсатишмаслигини пи — санда қилиб рухсат олишга муваффақ бўлдим.

Шундай қилиб, 1967 йил бошида Янгиер шаҳрида "Голоднос — тепстрой" бошлиғи Э.Низомовнинг қабулига кирдим. Бошлиқ оила — вий ҳаётим ва мутахассислигим билан боғлиқ савол — жавоблардан сўнг бевосита энергетикага боғлиқ саволларга қўйиб ташлади. Низомовнинг ихтисослиғи иқтисод бўлгани билан, энергетика со — ҳасидан яхшигина хабардорлигини англадим. Кейинчалик билсам Э.Низомов Госпланда Республикани энергетика ускуналари билан таъминлаш масалалари билан шуғулланган бўлими бошқарган экан. Э.Низомовнинг суҳбати бир мунча самимий, ўз вазифасига та — лабчанлиги сезилиб турарди.

Суҳбат сўнгида ишга қабул қилаётган ҳар бир ходимга айта — диган "Аҳмад ва Раҳмат" ривоятини айтиб берди.

Ривоятда айтилишича, бир бойнинг ҳовлисида Аҳмад ва Раҳ — мат исмли хизматкорлар бўлиб, улар буюрилган ишларни бир хил бажариб, бир хил овқатланиб, бир хужрада ётиб юрсалар ҳам ой охирида Аҳмадга уч сўм, Раҳматга етти сўм маош тўланар экан. Шундай хол бир неча йил давом этгандан сўнг, бир куни бойдан Аҳмад, нега бундай деб сўраганда, ўйланиб қолиб, мен шундай савол бериб қолсанг нима жавоб беришга қийналиб юрган эдим. Дарвоқе анави ўтиб кетаётган карвонни билиб келсанг, — дебди. Аҳмад биринчи борганида фақат карвон 40 туяли эканлигини, ик — кинчи маротаба борганида карвон буғдой ортганини айтибди. Шунда Раҳматни чақириб шу саволни берса, у бир маротаба бориб фақат буғдой ортган карвон эмас, ҳатто буғдойнинг қанчадан сотилиши ва арзон олиш мумкинлигини аниқлаб келибди. Бунини эшитган Аҳ — мад ўзи тан бериб, маошига рози бўлган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, Эхсон ака ҳар бир ходимни бажарган ишига, ҳар бир хужжатни унинг ёритилиши даражасига қараб

баҳолашни жуда хуш кўрарди. Ишга қараб уч сўмлик, беш сўмлик, етти сўмлик дея баҳолашлари ҳаммага хуш ёқарди. Ана шу ривоят ва Э.Низомовнинг баҳолаш мезони менга кучли таъсир этганми, мен ҳам ўз фаолиятимда шунга амал қилишга ўрганиб қолдим. "Голодностепстрой" да идора ходимлари касаба уюшмаси раиси си — фатида ҳам ишлаганимда бу инсоннинг кўпгина фазилатларига гувоҳ бўлдим. Бу кишидан иш ўргандим. Дарвоқе, Эҳсон ака зеҳни баланд, тафаккури кенг қамровли, масъулиятни ҳис этишга мойил, катта ташкилотчилик салоҳиятига эга, лафзи ҳалол, вақтни тиз — гинлайдиган инсон эди. У киши Мирзачўлни ўзлаштиришга катта ҳисса қўша олди. Шу боис Янгиердаги ўрта мактаб ва кўчага Э.Ни — зомов номи берилгани хайрли иш бўлди. Хуллас Э.Низомов тасди — гидан ўтгандан сўнг, бош муҳандис В.А.Духовный қабулига кир — дим. Бу киши жуда ўқимишли, муҳандислик илмини юқори дара — жада эгаллаган, кўп йиллар давомида нафақат менга, юзлаб ёш муҳандисларга иш ўргатиб, керак пайтида талабчанлик билан таш — килотчилик маҳоратини ўргатиб келаётир.

В.А.Духовный асли Киев шаҳрида олий маълумотли муҳандис дипломини қўлга олиб, меҳнат фаолиятини чўлни ўзлаштиришга бағишлаганлардан бири. Айтишларича, у киши Добролежов, Си — тайло, Роговдек тенгдошлари билан бирга келишган. Дастлаб бу — юртмачи ва пудратчи ташкилотларда иш бошлаб тез орада кўчма колонна бошлиғи бўлган. В.А.Духовный жуда ҳаракатчан (бу бо — рада уни А.А.Саркисов, Н.Ж.Худойбердиев, И.Х.Жўрабековларга ўхшатиш мумкин) тиниб — тинчимас, ўта билимдон, ижодкорликка мойил шахс. У қисқа вақт Туркманистонда ҳам ишлаб келган, 28 ёшида трестни бошқариб, 32 ёшида 40 минг кишилик бунёдкор жамоа "Голодностепстрой" нинг бош муҳандиси эди.

Бош муҳандис билан суҳбат ҳам қизгин ўтди. Мен бошқарма — нинг бош энергетиги лавозимига ишга тайинландим. 1967 йил фев — ралдан бошлаб В.А.Духовный билан ҳамқадам ишлай бошладим. У ишга кўмилиб яшар эди. Қизгин иш уни илмий изланиш олиб боришга ҳам илҳомлантирарди. Шу боис илмий мақолалар ёзди, аввал техника фанлари номзоди, кейин фан доктори даражасига эришди, чўлни ўзлаштириш механизмларининг яратилишига асос солди. Натижада "Республикада хизмат кўрсатган ирригатор" ун — вонига, Беруний мукофоти лауреатлигига эришди. "Главсреда — зирсовхозстрой" нинг бош муҳандиси, САНИИРИ институти ди — ректори лавозимларида ишлади. "Покорение голодной степи" ки — тобини яратди. У бой кутубхонага эга. Шеърлар ёзар, дўстлар дав — расини қизитар, ўта одамохун, самимий, ўз ёрдамини ҳеч кимдан аямайдиган инсон. В.А.Духовный мен каби жуда кўпларнинг "техник устози" саналади.

Эндигина иш бошлаган пайтимда учрашган яна бир инсон, барча чўлқуварлар ҳурмат билан ёд олувчи киши "Главсредазир — совхозстрой" бошлиғи Акоп Абрамович Саркисов бўлди. Оиламни

кўчириб келгунга қадар Янгиерда чўлқуварлар меҳмонхонасида яшардим. Бир куни А.А.Саркисов ўз ёрдамчилари Абдулхай Тоиров ва Али Аҳмедовлар билан келганида меҳмонхонада учрашиб қол — диқ. У киши мени сўроққа тута кетди: қаердан, қандай ишга кел — ганимдан тортиб шахсий ҳаётимгача билиб олди. Маълум бўли — шича, у кимни танимасин хотирасидан ўчмас экан. Энг муҳими, А.А.Саркисов номи Мирзачўлни ўзлаштириш билан узвий боғланиб кетган. 1957 йилдан бу инсон "Главголодностепстрой"га раҳбарлик қиларди. Чўлни, одамларни, ҳаётий муаммоларни жуда яхши би — лар, ишбилармон, серғайрат, жуда ақлли, раҳбарлик салоҳияти шундайгина сезилиб турар эди.

Дўстлик тумани ташкил бўлган вақтлар марказий қўрғонда электр подстанцияси қурилмаган, дизель электростанцияси ишлар эди. Шундай кунларнинг бирида, пахта терими палласида, райком би — ринчи котиби Расулмат Хусанов электрэнергия ўчиб қолганлиги ҳақида Тошкентга қўнғироқ қилган экан. Шунда А. Саркисов ўзи келиб, қисқа муддатда подстанцияни қуриб битказишни топширди. Мен бош муҳандис бўлиб ишлаган трест таркибида кўкаламзор — лаштириш ва дарахт экиш билан шуғулланувчи ташкилот бор эди. Бир сафар ёзнинг жазирама кунларидан бирида А. Саркисов да — рахтларни кўчириб ўтказиш ҳақида топшириқ берди. Шунда мен билагонлик қилиб, — Акоп Абрамович, ҳозир ёзнинг саратон кун — лари, дарахтлардаги шира ҳаракатлари тўхтамаган, дарахтларни кў — чириб ўтказиш мумкин эмас — ку, дегандим, у киши "Мажидов, мен сени яхши энергетик сифатида билар эдим, қачондан бери агроном бўлиб қолдинг", дея танбеҳ берганди. Аслида А. Саркисов қандай топшириқ берса унинг бажарилиши мумкин эканлигини, муддати билан, аниқ тасаввур қилар эди. 30 — километр деб аталадиган, Жанубий Мирзачўл каналининг 624 — пикетида Шароф Рашидов — нинг механизаторлар йиғилишига қатнашиши муносабати билан тайёргарлик ишларини бажариш учун олдимизга аниқ вазифалар қўйиб, бажарилишини ўзи ҳар куни назорат қилиб турар эди. Шунда кўк чимни Зомин адирларидан келтириб, иншоот олдидаги май — дончаларга ётқиздик, тувакларда очилиб турган, тайёр хонаки гул — ларни кўмиб бир кеча ичида чаманзорга айлантириб қўйган эдик.

1971 йил 26 июлда у киши Москвада вафот этиб, Тошкентга, Чигатой қабристонида қўйилган. 2002 йил кузида бир гуруҳ чўлни ўзлаштириш фахрийлари билан туғилганининг 95 йиллигига ба — гишланган учрашувда биз унинг қабрига гуллар қўйдик ва қизла — ри Аза опаникида йиғилиб хотирладик.

А.Саркисов ўлиmidан сўнг Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш — даги катта хизматлари учун Ленин мукофоти лауреати бўлди. У билан бирга Е.И.Озерский, Д.К.Терситский, Э.Беняминович, Т.Бой — миров, А.Қосимовлар шундай унвон соҳиби бўлдилар. Яна бир воқеа эсимда қолган. Бир куни Акоп Саркисов мени чақириб, Тош — кентга Алоқа вазири Мангелдин ҳузурига бориб Мирзачўлдаги Алоқа

воситаларини янги ускуналар билан жиҳозлаш масаласини ҳал қилиб келишни топширди. Ушбу масалани Сочида дам олиш пай — тида Вазир билан гаплашиб қўйганлигини айтиб, бу соҳани ҳам яхши билиши билан мени лол қолдирган эди. Яна бир сафар Титов номли олтинчи совхоз (директори Саттор Усмонов) дала шийпон — ларидан бирида мажлисда иштирок этаётган Шароф Рашидов нутқ сўзлаб турганида менга назорати топширилган микрофон бир неча дақиқа ишламай қолди. Биз микрофонни қайтадан ишлатганимизда Рашидов ўз сўзини тутатаётган эди, лекин ҳеч ким, шу жумладан, Акоп Саркисов ҳам ранжиганини билдирмади.

Бир неча йил Ҳайдарконда ишлаб чиниққанам билан, Мирза — чўл бошқа бир дунё эди. Чўлни ўзлаштириш ҳаракати оммавий тус олган, ҳар бир дақиқа бизни шошилишга ундар, вақтни бой бер — маслик учун интилиш ҳаловатимизни жиловлаб олган эди. Чўлнинг қайси участкасида бўлмасин иш қайнаб ётарди.

Яхшиямки, иш бошлаганимга унча кўп вақт ўтмай, Янгиердаги Набережная кўчасидаги 4 — уй менга тегиб, оиламни олиб келдим. Шу йили тўртинчи фарзандим Дилором туғилди.

Мен ёшлиқдан бирон — бир жойга қадам қўйсам, шу жой ҳа — қида кўпроқ билишни хоҳлайман. Шу боис "Голодностепстрой" бо — шқармасида ишлай бошлаганимдан кейин унинг тарихи билан яқиндан таниша бошладим. Аслида Мирзачўл янги қисмининг ўз — лаштирилиши 1956 йил 6 августда қабул қилинган қарорга асосан бошланган. Ховос темир йўл станциясига яқин 29 — разъезде, Бе — кободнинг кучли шамоли йўлида дастлаб келганларга чодирлар, вагон — шаҳарчалар, кейинчалик йиғма тахта уйлар қурилган экан. Уша пайтда бошқарманинг биринчи раҳбари Саид Каримович Зиё — дуллаев, кейин Акоп Абрамович Саркисов бўлган.

Бошқарма умумий майдони 300 минг гектар бўлган саҳрони ўзлаштиришга киришиб, мен келган йиллари, бир йиллик янги ерларни очиш ҳажми 20 минг гектарга етган эди. Ҳар йили 4 — 5 тадан янги совхозлар ташкил қилиниб, далалар текисланиб, дре — наж шохоблари ва коллекторлар ишга тушган, канал ва лотоклар, йиғма бетон ариқлар орқали далаларга сув келтирилиб, асосан пахта экиларди. Шу билан бир вақтда йўллар, дала шийпонлари қури — лар, ичимлик суви, электр энергияси, алоқа воситалари келтири — лар, мактаб, болалар боғчалари, маданий — маиший муассасалар ишга тушириларди. Уларнинг барчасини электр энергияси билан таъминлаш жараёнини мен бошқараётган бош энергетика бўлими назорат қилиб турарди. Ёрдამчиларим Алексей Варагушин ва Римма Карпишева тиним билмасди. Бундан ташқари барча хўжаликлар — ни, шаҳарчаларни электр энергияси билан таъминлаб, алоқа иш — лаб тўришини назорат қилиш ҳам бизга топширилган эди.

Э. Низомовдан сўнг бошқарма бошлиғи этиб тайинланган Жўра ака Хоназаров жуда ашаддий футбол ишқибози эди (бир вақтлар Республика футбол федерацияси бошлиғи ҳам бўлган ва у киши —

нинг хотирасига бағишланган футбол турнирлари ҳозиргача ўт — казилиб туради). Бошлиқ бўлган дастлабки ойларда Жўра ака мени чақириб, Тошкент телевидениесининг иккинчи дастури Янгиерда кўрсатмас экан, унда рус тилида кўпроқ кўрсатувлар бўлади, бизда эса русийзабон кишилар кўпчиликти ташкил этади, футбол му — собақалари ҳам айнан шу дастурдан олиб кўрсатилади, деб шу масалани ечишни зиммамга юклади.

Мен Тошкентга бориб, Алоқа вазирлиги тасарруфидаги таш — килотларга учрашиб, мутахассисларни жалб этиб, лойиҳа — смета ҳужжатларини тайёрлатиб, керакли ускуналар сотиб олиниб, те — лекўрсатувларнинг иккинчи дастури кўрсатилишини таъминлаб, берилган вазифани тўлалигича бажардим. Шундай қилиб, Янгиер шаҳри ва унинг атрофидагилар Республика телевидениесининг иккинчи дастури кўрсатувларидан баҳраманд бўлишди.

Албатта, бедов чўлга Янги ҳаёт бағишлаш ҳеч вақт осон кечма — ган. XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ Ўрусия подшоши топшириғи билан тўқимачилик саноати учун пахта хомашёси етиштириш ни — ятида Мирзачўлга қўлуришган. Далварзин ва Боёвут даштларига канал қазиб, сув чиқазилган. Роман ариқ шундан қолган. Ўша вақтлар чўлни ўрганишга келганлардан бири Н.Ф.Ульянов, "Агар сиз рў — парангизда, узоқдан карвон кўриб қолсангиз сизнинг сув сўраб қолишингиздан қўрқиб, узоқлашиб, яшириниб кетишга ҳаракат қилаётганини сезасиз, сув бу ерда жуда ҳам зарур ҳаёт манбаидир. Агар йўлдан адашиб кетсангиз ёки заҳирадаги сувингизни тўкиб қўйсангиз — билингки, ҳеч қаердан ёрдам топа олмайсиз. Бунинг устига май ойида, сояда 40 — 45 даражали жазирама иссиқ, кўзни оғритиб қамаштирадиган қуёш нури, куни билан чарчаб, кечаси ерда ҳар хил ҳашаротлар орасида ухлашни тасаввур қилсангиз, сиз Мирзачўл саҳролари ҳақида озгина бўлса — да тушунчага эга

бўласиз", деб ёзган экан. Худди шунингдек сайёҳ географ Семенов Тяньшанский "Туркистон ўлкаси" газетасида "Ёз пай — тида, май ойидаёқ ўтлар қуриб қолади, қушлар учиб кетади, тошбақалар инларига кириб яширинади ва чўл ўлик сифатида, офтобда куйган жойга айланиб қолади" деб ёзган.



Чўл тақирлари

Тўрт жилдди «Ирригация Узбекистана» китобининг биринчи жилди, 143 бетиди Жиззах вилояти Фориш туманида жойлашган IX асрда қурилган Хонабанди сув омбори 1,5 миллион кубометр сув ҳажмига эга бўлиб, 1500 гектар ерни суғориш имкониятига эга, деб ёзилган.

1968—69 йил қишида қаттиқ совуқ бўлиб, бир метрдан ортиқ қор қатлами икки ойгача эримай турди. Ҳаво ҳарорати 30 даража совуқдан ошиб кетганлиги сабабли сув қувурлари муздан ёрилиб, қозонхоналар тўхтаб, электр энергияси ўчиб қолишига олиб келиб, мактаб, болалар боғчалари, уйлар жуда совиб кетди. Буни қаран — гки, ўша йили Чордара сув омборининг сув чиқим иншоотларига майда музлар тикилиб, катта миқдордаги сув Ҳайдаркўлга чиқа — рилиб, чиқаётган сув миқдори 1800—2200 м³ секундга етди. Бир — гина Жиззах вилоятининг Фориш туманида 100 минг гектардан ошиқ яйловларни сув босди. У ерда қурилган кўтонлар, молхона — ларни сув босиб, тайёрланган ем — хашаклар сув остида қолиб кетди. Шундай кунларнинг бирида совуқ кечаси 30 даражагача бўлиб, кундузи ҳам 20 дан пасаймай турганда Дўстлик тумани 11 совхоз — даги подстанцияда трансформатор шикастланиб, бутун хўжалик аҳолиси энергиясиз қолди. Совхоз директори Меҳнат Қаҳрамони Дадажонов Мамажон ака эдилар.

Мен у киши билан жуда яқин эдим. Пахта терими пайтида совхоздан ажратилган маблағ ҳисобидан, барча дала шийпонла — рига телефон ўтказиб берган эдим. Мамажон ака кабинетларида ўтириб даладаги бригадир, звено ишчилари билан гаплашиш им — кониятига эга бўлдилар. Ўша пайтдаги Дўстлик тумани электр тар — моқлари бошлиғи Мансур Абдураимов бошчилигида бир гуруҳ таъ — мирловчи электрик ва машина, механизмлар билан бориб иш бош — лаганмиз. Биз совуқ ҳавода трансформаторнинг ички қисмини ав — токран билан кўтариб таъмирлаётганимизда катта калит тўсатдан трансформатор ичига тушиб кетди. Илгари Сибир совуқларида ишлаб келган бир ишчи ечиниб, мойнинг ичига тушиб, оёқ бар — моқлари билан калитни олиб чиққан ва кеч кирганча биз ишларни тутатиб, совхозга электр энергиясини бергандик. Дизель ёқилғиси тугаб қолиши муносабати билан ҳам қозонхоналар тўхтаб қолар ва уларни газ ёқилғисига ўтказиш ишлари бошланган эди.

Биринчи совхозда жойлашган шундай қозонхонани газ бериб ёқиш учун Гулистон шаҳридан назоратчиларни чақирганимизда ишлар тугагунча кеч кириб, қалин туман тушиб, йўлда юриш им — конияти бўлмади қолди. Биз совхоздан чиқиб, Уч том орқали Гули — стонга йўл олганимизда баъзи жойларда машинанинг олдида пи — ёда юриб йўл кўрсатишга тўғри келди. Шу шароитда биз Гулис — тонга бурилиш ўрнига 17,18,19 — совхозлардан ўтиб кетиб, Иржар темир йўл бекатидан ўтганимиздагина адашганимизни билиб, ор — қамизга қайтдик ва Гулистонга назоратчиларни ташлаб, тонгга яқин Янгиерга — уйимизга етиб келдик.

Мен ҳар куни, шанба, якшанба кунлари ҳам, эрталаб соат 8 дан кеч 10—11 ларгача ишлаб, уйга борганимдан кейин ҳам теле — фон орқали 40 дан ортиқ совхоз марказларининг ҳар бирида элек — трознергия ва алоқа, ичимлик суви борлигини, қозонхоналар иш — лаб, ҳар бир мактаб, болалар боғчаси, хонадонларда иссиқлик бор — лигини, агар авария бўлса, нима ишлар қилинаётганлигини, қачон битишини аниқламагунча уйқуга ётмас эдим. Дўстлик электр тар — моқлари бошлиғи бўлиб ишлаган Мансур Абдурайимов кўп йил — лардан кейин, Ўриш ака, баъзи ҳолатларда кечаси электр энер — гияси узилганлиги тўғрисида гапириб, ҳозир қаердасан деб, сў — раганингизда уйда бўлсам ҳам, подстанциядаман деб жавоб бериб, телефонни қўйиб дарҳол ишга борар эдим, деб тан олган эди.

Бир куни кўчма колонна бош муҳандиси Аъзам Худойқулов ка — бинетимга кириб икки қўлимда иккита ва икки елкамга сиқиб ол — ган иккита, яъни тўрт дона телефон трубкасида бирданига тўрт киши билан гаплашиб турганимни кўриб ҳангу — манг бўлиб қол — ганини ҳалигача эслаб юради.

Бизнинг трестимизга автомобиль йўллари ва кўприклар қуриш бошқармаси ҳам киритилган бўлиб, якшанба кунларининг бирида аҳволни кўриб келиш учун борганимда Арнасойда қурилаётган йўл участкасига ўрнатилган вагонларда овқат тайёрлаб, кирларни ювиб турадиган, қоровуллик ҳам қиладиган биргина аёл бор эди. У менга ҳамма ишчилар дам олиш учун уйларига кетган деганида, яқин — дагина чанг чиқариб ишлаётган ким, десам, мастер бола деб айтди. Мен уни чақиртирганимда, трактордан озгин, офтобда танаси қорайиб кетган, бошига оқ рўмол боғлаган бир йигит тушиб, мен институтни битириб келган ёш мутахассисман, мастер бўлиб иш — лайман, ота — онам Янгийўл шаҳрида яшайди, узоққа кета ол — майман, шу ерда қолиб, дам олиш кунларида бўш турган меҳа — низмларда ишлаб, ишчиларга ёрдам бераётган эдим, деди. Ана шу йигит кейинчалик кўп йиллар бошқарма ва трест бошлиғи вази — фаларида ишлаб, Тошкент автомобиль йўллари вазирлигига ўтиб, Лойиҳа институти директори ва Вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига кўтарилган Турғунбой Азимбоев эди.

Чўлни ўзлаштиришда тер тўкиб, турли миллат вакилларидан таркиб топган жамоаларга раҳбарлик қилиб, чўлқуварликнинг но — нини еган анчагина кишилар, шу жумладан, Мансур Абдурайимов — Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, Бозорбой Тўрабеков — Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари, Зокир Исоқулов — Жиззах вилояти сув хўжалиги бошқарма бошлиғи, Шухрат Эшиев, Омон — қул Жўраев, Рустам Жўлбеков, Холид Назирқулов, Зокир Пар — манов — трест бошлиқлари, Баҳодир Хонназаров ва Зофир Абду — райимовлар — "Голодностепстрой" бошлиғи, Турғунбой Мусаев — Жиззах вилояти газлаштириш корхонаси бошлиғи, Аъзам Худой — қулов, Расул Аҳмедов, Давлат Бухарбоев, Ортиқбой Укубаев, Аб — дураш Алиев, Маъруф Эрхонов, Мамадиёр Медетовлар йирик —

йирик ташкилот раҳбарлари лавозимларига кўтарилдилар.

Айтиш жоизки, мен ишга келган пайтда бошқарма идора хо — димлари 165 нафар бўлиб, шундан атиги 10 га яқини ўзбеклар эди. Шу боис йирик объектлар ёки трестларни бошқаришга ҳам тайёр кадрлар етарли эмасди. Ниҳоят олтмишинчи йилларнинг охирига келиб Т.Боймиров “Обручевсовхозстрой” трестига, Сайфиддин ака Мирходжаев “Голсовхозремстрой” трестига, Ортиқ Холмуродов “Промжилстрой” трестига, Акрот Тошматов “Обручевсовхозстрой” трестига, мен эса 1969 йил “Голсовхозремстрой” трестига бош му — ҳандис, 1974 йил “Дўстликсовхозстрой” трестига бошқарувчи ва — зифасига тайинландик.

Қизгин иш давомида маҳаллий кадрларни тарбиялаш, уларда йирик участкаларни бошқариш салоҳиятининг ўсиб боришига кў — маклашишга алоҳида аҳамият берар эдик. Қарийб 30 йиллик таш — килотчилик давомида 17 кишининг трест ва бошқарма бошлиғи, 100 га яқин мутахассиснинг бирламчи ташкилотлар раҳбарлигига ўсиб чиқишида озми — кўпми меҳнатим сингганидан мамнунман. Булар орасида Ў.Жумаев, Б.Маматқулов, Н.Назирқулов, Р.Жўраев, Н.Нарзуллаев, Ғ.Амалов, Н.Акжулов, А.Тоғаев, А.Амаловлар ҳам бор.

Мен бош муҳандисликка тайинланган трестнинг хизмат ҳудуди Янгигердан Арнасойгача чўзилиб кетган эди. Мен деярли ҳар куни 300 — 400 км. машинада юриб, ўнлаб посёлкаларни ўзим бориб кў — рар эдим. Олти йил мобайнида ҳайдовчи бўлиб ишлаган, Ўрате — панинг ўзбек қишлоғидан Сувонберди уйига кетган кунлари ма — шинани ўзим бошқарар эдим. 1969 йил оиламизда бешинчи фар — занд Мурод туғилди. Шу йили Мирзачўлда қурилган совхозлар посёлкасидаги барча иншоотларни, яъни сув, газ, электрэнергия — сини келтирувчи, алоқа ўрнатувчи, автомобиль йўлларни қурувчи ва таъмирловчи, коллектор — дренаж қувурларини, дала шийпон — ларини таъмирловчи, 15 та ташкилотни бирлаштирган “Голсов — хозремстрой” трести ташкил қилинди. Бошқармага Сайфиддин ака Мирходжаев тайинланди, мен эса трестнинг бош муҳандиси ва — зифасига ўтказилдим. Айни шу трестда ишлаган пайтларимда янги — янги соҳаларни ўрганишга тўғри келди. Чунки трест кўп тармоқли эди. Шу сабабли мен сантехника ва канализация, қозонхоналар эксплуатацияси, йўл ҳамда кўприкларни қуриш ва эксплуатация — си, дренаж ва коллекторлар қурилиши, алоқа воситалари қуриш, созлаш ва ишлатиш билан боғлиқ дарсликлар ва справочникларни йиғиб, кечаю — кундуз ўқиб, ўргандим, бу эса мени трест муҳан — диси вазифасида бемалол ишлаб кетишимга катта имконият яратди.

Бугунги кунда бир неча туманлардаги посёлкаларни ичимлик суви билан таъминлаш учун Зомин, Сангзор дарёси ҳудуди, Сегизбоев номли хўжалик ҳудудида қурилган қатор артезиан қудуқлари бераётган сув ҳам етишмай қола бошлади. Шу сабабли секундига бир кубометр сув берадиган 28 та артезиан қудуқ барпо қилиниб, Қўйтош сув ўтказгич йўли яратилди. Арнасой, Зафаробод, Дўстлик, Мирзачўл туманлари — даги қатор хўжаликларга қўшимча сув узатиш тармоқлари қурилди.

Мирзачўлда аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, иситиш тармоғининг нормал ишлашига эришиш мақсадида 42,43,44 — механизациялашган кўчма колонналар ташкил қилинди.

Трестимиз ташкил қилинганига қадар посёлкаларда қурилган барча коммуникациялар хўжаликларнинг балансига берилгани сабабли муҳандислик маҳорати билан эксплуатация қилинмасдан, ҳатто лойиҳа — ҳужжат чизмалари йўқолиб, ер остида жойлашган қувурларнинг қаерда жойлашгани унутилиб, уларнинг устки қисмига ҳар хил иморатлар кўп ерларда эса уларни назорат қила — диган қудуқлар чиқиндилар билан тўлдирилиб, кўмилиб кетган эди.

Коммуникацияларнинг ер ости йўлини аниқлаш имконияти қийинлашгани сабабли Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтига мурожаат қилиниб, В.Дёмин раҳбарлигида битирувчи талабалардан 26 нафарини диплом олди амалиётига жалб этдик. Ҳар бирига битта совхоз посёлкасининг ер ости ва устки қувурларини аниқлаб, диаметрларини кўрсатиб, қудуқларини рақамлаб чиқиш диплом иши сифатида белгиланди. Шу тарзда ҳужжатлар тикланди, талабалар эса диплом ишларини қилдилар. Шу жарёнда доцент В.Дёмин билан ёзган бир неча мақолаларимиз илмий — техник журналларда босилди. Менга эса институт аспирантурасига сиртдан ўқиб, келгусида номзодлик ишини ҳимоя қилишни тавсия этишганида кундалик иш билан қизиқиш розилик бермаган эдим.

Хуллас, "Голсовхозремстрой" трестидек кенг тармоқли, бир неча соҳалар бўйича билим ҳамда малака талаб этувчи катта жамоада иш, ташвиш ёзин — қишин тўхтамас, коммуникацияларнинг бе — тўхтов ишлашини таъминлаш учун уйку билмас кечаларимиз кўп бўлар эди. Кўпинча жуда кеч уйга қайтардик. Бунинг устига Арнасой ё Мирзачўлдан Янгиерга боришнинг ўзи бўлмасди. Худога шукрки, оилада тинч эдим. Қўшнилари билан иноқ яшар эдик. Маман ака ва оиласи Ҳурматой, Хасан Баротович ва Ҳосият опа, Аҳмад Орипов ва Тожинисо, Геннадий Карпишев ва Римма, оиламиз вра — чидай бўлиб қолган, Эльвира Кемиловна Ибрагимова билан қариндошдек бўлиб кетдик. Ҳозир Андижонда қизи Элнара билан яшайди. Бир куни Эльвира Кемиловна билан оиламиз Хўжамушкент тоғларидаги катта булоқ бошига бориб дам олишга ўтиришимиз билан, катта ўғлим Баҳром ариқдан сакраб тош устига йиқилиб, оёғини қирқиб олганда, яқин қишлоқдаги медрпунктдан керакли анжомларни олиб ўзлари тикиб қўйган эди.

Янгиерда 1971 йилда ўғлим Маҳмуд, 1973 йилда қизим Раъно туғилди. Фарзандларим еттита бўлди. Тўнғичлари мактабга, кичиклари боғчага қатнай бошлади. Оилада ҳаммасига парвона Ҳуриятхон ва Меҳринисо онам. Иккаласи фарзандларимни тарбиялади, оқ ювиб, оқ таради. Мен эса тамомила ишимга шўнғиб кетган эдим. Уйда бўлган пайтларим фарзандларим билан ажойиб китоблар, техник мўъжизалар, сирли воқеалар ҳақида суҳбатла —

шардик. Вақти келиб Ҳурриятхон билан бирон — бир жойга дам олишга кетсам, оиланинг бутун ташвиши онамнинг зиммасида қоларди. Аммо ҳечам оғринмасди. Ҳатто фарзандларим Тошкентда олий ўқув юртларида ўқиган пайтларида улар билан яшашни канда қилмади. Онам ва оиламнинг тарбиялари туфайли фарзандларим мактабдаёқ аъло баҳоларга ўқишди, вилоят, республика олимпиа — даларида муваффақиятли қатнашиб, олий ўқув юртларни ҳам им — тиёзли тамомлашди. Фарзандларимга мендан бадиий китобга ҳа — вас, спортга қизиқиш ўтган бўлса ажабмас.

Тўнғичим Баҳром самбодан биринчи тоифага эга. Икром, Му — род, Маҳмудлар "Бўстон" футбол жамоасида қатнашди. Фарзанд — ларим институтларда ўқиган пайтларида ҳам спорт беллашувла — рида фаоллардан бўлишди.

Ҳар йили меҳнат таътилида бирон — бир санаторияда давола — ниб қайтардик. Санаторияда бўлган кунларда шаҳарлар, тарихий жойларга томошага боришни канда қилмадик.

Бир гал Ҳуррият билан Литва республикаси Друскининкай санаториясига борганимизда Вильнюс, Каунас, Алитус шаҳарла — рини, Кауназдаги дунёда ягона бўлган "Ажиналар кўргазмаси" музейини, яна бир сафар Сочи шаҳридаги "Ўзбекистон" санато — риясида бўлганимизда пароходда денгизда сайр қилиб, Сухуми — даги маймунлар қўриқхонаси, Никитинский ботаника боғи, Н.О — стровский уй музейи, Гагра, Адлер шаҳарларини томоша қилдик. Кейинги сафар Кисловодскда дам олиб, Ялтада дам олаётган дў — стим Абдумуталиб Алибеков таклифи билан бир ҳафта Ленинг — радни томоша қилдик. Шаҳарнинг жуда кўп тарихий жойлари, му — зейларини, Исаакий Собори, Смольний мажмуаси, Нева ҳиёбони, "Қишки сарой"даги катта музейни, Пушкин ўқиган лицей бино — си — ю, Михайловское қишлоғи, Екатерина са — ройиғача томоша қилдик. Бундай сайру саёҳатлар Ҳурриятхонга ҳам маъқул тушар, ҳеч вақт такли — фимни рад этмасди.

1973 йилнинг охирида "Голодностепстрой" кўп тармоқли ҳудудий бошқ — армасининг бошлиғи бў — либ ишлаётган Тўхтамиш Боймиров янги ташкил бўлаётган "Дўстликсов — хозстрой" трестига бош — лиқ вазифасига таклиф қилди. Трест асосан уй — жой, саноат корхоналари



Яна дўстлар даврасида...

қуришга мўлжалланган эди. Мен эса суғориш тизимида, иссиқлик манбаларини тайёрлаш, дренаж, лоток қурилиши соҳасида ишла — ётган эдим. Уй — жойлар қуриш — ку бир гап бўлар, аммо пахтани қабул қилиш ва қайта ишловчи заводлар, дон маҳсулотлари комбинати барпо этиш мен учун деярли нотаниш соҳа эди. Мен қурувчи муҳандис эмасдим. Ушбу таклифга мутахассис эмаслигим панд бериши мумкинлигини айтишимга қарамасдан ўша вақтда Сирдарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлган Қудрат Аҳмедов суҳбатига юборди. Қудрат Аҳмедов жуда маданиятли шахс эди. Кейинчалик у киши Республика Госплани раиси бўлган пай — тда иш юзасидан қабулида бўлганимда, Ялтадаги "Ўзбекистон" санаториясида дам олган пайтлар яқиндан суҳбатлашиб яхши англаганман. Бир гал Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакили Рустам Қосимов палов пиширетиб, Қудрат Аҳмедовичга, ўчоққа ўтти ташлаб қўйинг, Госплан раиси бўла туриб ўчоққа ўтин қалашни билмайсизми, деб ҳазил қилганларида, у кишининг самимийлигидан завқланганман.

Шундай қилиб, Қудрат Аҳмедов қабулидан сўнг янги трестни шакллантириш, унинг таркибини, биринчи галдаги вазифаларини белгилаб олиш ташвишлари бошланиб кетди.

1974 йил 2 январь куни ҳудудий бошқарма бошлиғи Т.Боймиров трест таркибига кирувчи олтига кўчма колонна бошлиқлари С.Токов, В.Заяц, Н.Блацис, В.Басиев, А.Алиқулов, А.Ибришлар билан таништирди. Иш давомида колонналарга А.Клостер, С.Дузиев, Б.Тўрабеков, А.Саак, Ю.Григориадилар қўйилди. Трест бошқарувига Янгиердан Г.Воробьев, Ш.Эшиев, Н.Тўраев, М.Исахоновлар таклиф қилинди. Т.Каримов, У.Худоёров, С.Пак, Л.Филипова кабилар Дўстлик туманидан ишга олинди.



Дўстлар дийдори ширин (Алибековлар оиласи билан)

Бу ишларни удалашимда ҳудудий бошқармамиз бошлиғи Тўх — тамиш Боймиров сидқидилдан ғамхўрлик қилдилар.

Ишбилармон ташкилотчи ва катъиятли инсон Тўхтамиш Бой — миров асли Қашқадарёнинг Некуз қишлоғидан (шоир Абдулла Ори — повга ҳамқишлоқ) бўлиб, чўлга Тошкент темир йўллари транспорт институтини битириб ишга келган. Фаолиятини мастерликдан бош — лаган Т.Боймиров ўз ишчанлиги, ақли, салоҳияти билан участка, колонна бошлиқлигидан "Обручевосовхозстрой" трести раҳбар — лигига кўтарилди ва 60 — йилларнинг охиридан "Голодностепст — рой" ҳудудий бошқармасига раҳбарлик қила бошлади. 1971 йилда Мирзачўлни ўзлаштиришда янги суғориш тизимини барпо этиш — даги самарали хизматлари учун Ленин мукофотиغا сазовор бўлди. 70 — йилларда масъул вазифаларда ишлади.

Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришда иштирок эт — ганларнинг асосан кўпчилиги Т.Боймировнинг тарбиясини олган.

Кўп ўтмай оиламни ҳам Дўстликка олиб келдим. Иш жойим узокроқ бўлгани важдон кадрдон бўлиб қолган сафдошимиз ҳай — довж Сувонберди бу ёққа келишга рози бўлмади. Бир вақтлар Мамажон Дадажоновнинг хизмат машинасини бошқарган Анди — жоннинг Марҳаматидан Вели Абдурамонов ишга олинди. У билан ҳам саккиз йил бирга ишладик. Дўстликдаги қўшниларим Тоҳир ака Дониёров, Парда ака Тилагов, Жўрақўл Ялғашев, Йўлдошали Ирисов, Тўйчибой Каримов, Умнат Комилов, Ўриш Худоёровлар билан жуда иноқ бўлиб кетдик.

Трестимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири янги ишга туширилган совхозларнинг марказий қўرғонларини яратиш эди. Хусусан, Дўстлик, Арнасой, Зафаробод туманлари хўжалик — ларида уй — жой бинолари, мактаб, болалар боғчаси, маъмурий, маданий — майший бинолар қуриш, саноат корхоналари, гаражлар, дала шийпонлари, пахта қабул қилиш пунктлари, шунингдек, Дўст — лик пахта ва Жиззах аккумулятор заводлари мажмуа биноларини қуриш билан банд эдик.

Орадан кўп вақт ўтмай трестимизда ишлар юришиб кетди ва элга доврўқли "Мирзачўлсовхозстрой", "Иржарсовхозстрой" трест — лари сафига етиб олиб, қаторасига тўрт марта Иттифоқ сув хўжа — лиги вазирлигининг Кўчма қизил байроғини олишга эришдик. Ўша йиллари Дўстликда пахта заводи энг йирик қурилиш объекти бў — либ, ишнинг бориши кўпинча кунлик режа даражасига ҳам кўчи — рилган, режа удаланмагунча бирон — бир киши объектдан чи — қолмасди. Шундай тигиз кунларнинг бирида туманга Шароф Ра — шидов келди. Қурилишнинг бориши билан танишиб чиқди. Заводни мўлжал бўйича олти ойда ишга тушириш керак эди. Чамаси қури — лишнинг умумий жараёнини кўриб, бошлиғимиз Н.Ҳамроевга муддат билан белгиланувчи талаблар қўйди. Қурилиш трестимиз зимма — сида эканлигини билгани ҳолда менга ҳам "Партия билетингиз бир дона бўлса, топшириқни бажариш керак", деди. У пайтда партия

билетини писанда қилиб, топшириқ бериш "хоҳлайсанми йўқми, барибир, топшириқни муддатида бажаришга мажбурсан", деган муддао ҳисобланарди. Шу учрашувда Ш.Рашидов қурилишга ёрдам беришни пахта саноати вазири В.Усмонов, Марказқўм енгил са — ноат бўлим мудирини М.Йўлдошев, туман котиби Р.Ҳусановларга тай — инлади. Қандай қилиб бўлмасин заводни биринчи сентябрда ишга туширишимиз шарт қилиб қўйилди. Натижада ишни яна жадал — лаштириш, қўшимча кучларни жалб этишга тўғри келди. Ҳар бир кун саноқли, ҳар куни ишнинг бориши таҳлил қилиб борилди. Муддат туташига 40 кунлар чамаси қолган эди. Марказком котиби Т.Н.Осетров, вилоят партия қўмитаси биринчи котиби С.М.Тоиров билан келишди. Қурилишнинг боришини кўра туриб, шахсан Ш.Ра — шидов Самарқандга ўтишда завод қурилишини кўриб ўтишни топ — ширганлигини маълум қилди. Бажариладиган ишнинг ҳажми катта, муддат эса кун сайин қисқариб бораётганлиги бизни ташвишга солмасдан қўймасди. Ҳудудий бошқарма бошлиғи Н.Р.Ҳамроев ижро интизомига қатъий амал қилар, ишни ташкил қилишда катта тажрибали раҳбар эди. Ниҳоят биринчи сентябрда заводни тайёр қилдик. Топшириш маросимига Ш.Рашидов қатнашди. Маросим сўнгидан Н.Ҳамроевга мени кўрсатиб "Бу йигит ўз сўзининг усти — дан чиқди, биз бундай ёш кадрларимизни тарбиялаб, рағбатлан — тириб боришимиз керак", деганлари ҳали — ҳали хотирамда сақ — ланган. Шу йили мени Республика партия ташкилотининг XIX съез — дига делегат қилиб сайлашди, Меҳнат қизил байроғи ордени би — лан мукофотлашди. Бу менинг чўлни ўзлаштиришдаги меҳнатимга берилган мукофот эди.

Яна бир сафар Арнасой тумани ташкил бўлганда (биринчи котиб Абду Файзиёвич Сатторов, кейин Аҳад Соибназаров, кейин Холиқул Худойбердиев ва ҳ) Ш.Рашидов келиб 14 — ҳўжалик ҳуду — дида менга туман партия ва ижроия қўмиталари маъмурий бино —

сини қуриб бе — ришни топшир — ди. Берилган бир йил муддатда бино ишга ту — ширишга тайёр қилинди.

Ўша йиллари Дўстлик шаҳрида бир неча йирик объектлар бир вақтда қурила — ётган эди. Ша — ҳардаги 240 ўринли касал — хона битай деб



Келажак пойдевори мустаҳкам бўлсин

қолган, унинг очи —
лишига Ш.Раши —
довнинг келиши
айтилган эди. Шу —
нинг учун бутун
шаҳар ҳудудида
тайёргарлик иш —
лари қизиб кетган —
ди. Ҳатто бир соат
дам олиш у ёқда
турсин, тушлик
қилишга ҳам вақ —
тни қизғанардик.



Мен бевосита 27 — *Жамоодошлар билан Мотамсаро Она ҳайкали пойида*
совхознинг пахта қабул қилиш пунктини тугатишим шарт эди. Пун —
ктадаги майдончаларга асфальт ётқизиш билан банд бўлиб, чамаси
тушлик вақт ўтиб қолгани учун пахта тарози ёнида бир палла тар —
вузга наот ботириб, овқатланаётганимда туман котиби Хўжам ака
Исроилов ва вилоят партия қўмитаси саноат бўлимининг мудир
А.Алибековлар келиб қолишди. Бироз ҳазиллашган бўлдик, аммо
улар ишнинг тугаб қолаётганидан хурсандлигини яширишмади.
Дарҳақиқат, Ш.Рашидов туман касалхонасининг очилишида бюро
аъзолари билан қатнашган эди. Ўша йиллари хўжаликларга те —
гишли бинолар барпо этиш билан бирга, замонавий механизация
воситалари билан жиҳозланган йирик молхоналар, ферма хўжа —
ликлари учун иншоотлар ҳам қурадик. Чўлдаги хўжаликларда
Белорусия ва Литвадан келтирилиб кўпайтирилаётган зотдор қора —
моллар учун бинолар юқори муҳандислик савияси билан барпо
этилишига катта аҳамият берилар эди. Шу мақсадда Самарқанд
ва Андижон вилоятларидаги йирик бўрдоқчилик фермалар фао —
лияти билан танишиб келган эдик.

Худди шу каби бир йили сув хўжалиги соҳасида ишлаётган
раҳбарлардан "Главсрезазирсовхозстрой" бошқармаси бошлиғи —
нинг ўринбосари Р.С.Қосимов, Қашқадарё вилоятидан Т.Эргашев,
Жиззах вилоятидан Малик Серсенов, Тожикистондан М.Ҳасанов
ва мен Пинск шаҳрига Иттифоқ ўқув курсига бордик. Сув хўжа —
лиги қурилишидаги янгиликлар билан танишдик, тажриба ал —
машдик. Ўқиш давомида "Главполесье" бирлашмаси тажрибасини
ўргандик (у ердаги объектлар технологик карталар орқали навбат
билан қурилиши ва материаллар билан таъминланиб борилишини
Жиззахда ҳам ҳаётга татбиқ қилдик), шунингдек Минск шаҳри ва
Брестни сайр қилдик. Брест қаҳрамонлари номлари ёзилган тах —
тачаларда ҳамқишлоғим Азамат Ниёзматов қабрига гул қўйиб, су —
ратга тушдим.

Трестни бошқараётган дастлабки йилларда тўғриси таътилга ҳам
қулай имконият бўлмади. Ниҳоят 1976 йил онам, рафиқам ва бешта



*Сафда фақат "йигитлар"
(Иссиқкўл сафари)*

мида даволаган врач Диловер Ад-жумирович Минисаевни оиласи билан учратиб қолдик. "Ницца" ресторанида мириқиб дардлашдик, ҳали ҳануз бу оила билан алоқамиз бор. Оиламиз билан ҳар йили бирор — бир масканга бориб, давланиш — дам олиш билан бирга турли жойларни кўриш анъанага айланиб қолган.

Трест томонидан қуриб битка — зилган объектлар пешма — пеш хўжаликлар ҳисобига қабул қилинарди. Чўлда кўп йиллаб ишлаб тажриба ортирган хўжалик раҳбарлари Мамажон Дадажонов, Умирзоқ Маматқулов, Аҳмад Турсунов, Азиз Саидқулов, Бекназар Эсанбаев, Болтаев, Умарқул Жўрақулов қабилар ҳар бир объект — ни қабул қилишди ўта синчков эди. Жуда катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бораётган пайти —

болакай фарзандларимни олиб, "Жигули"да Ҳайдаркон посёлкасига бордим. Таниш — билишлар билан дардлашдим. Соғиниб қолишган экан, мен ҳам соғингандим, суҳбатлар ширин ўтди. Кейин Ўш — Фрунзе йўли билан Бишкекка, ундан Прже — вальский шаҳрига ўтдик. У ерда Зоя опа Бобомуродованикида (қўшнимиз бўлганди) ўн кун туриб, Иссиқкўлда роҳат қилдик. Қайтишда Бишкек — Мерки — Жамбул — Чимкент орқали томоша қилиб келгандик. Келгуси йили Ялтага бориб, Қрим конференцияси ўтган тарихий жой, Ливадия саройи ва Алушта, Алупка, Симферополь шаҳарларини мириқиб томоша қилдик. Бу сафар Мансур Абдураимов бирга эди.

М.Абдураимов билан Қримда Ливадияда дам олдик. Ялтада айланиб юрсак, бир йил олдин ўғлимни Тош — МИ болалар стоматологияси бўли —



Абдураимовлар оиласи билан

мизда баъзан қутилмаган воқеалар ҳам бўлиб турарди. Чунончи, Жиззах вилояти обком котиби Саид Мамедович Тоировнинг та — лаби билан режада кўрсатилмаган "Мингчинор" ресторанини қура бошлаганимизда "Голодноостепстрой" бошлиғи Т. Боймиров менга ҳайфсан эълон қилганида қурилишни тўхтатиб қўйганим учун шу ҳафтанинг ўзида вилоят қўмитаси томонидан интизомий жазо ол — ган эдим.

Жиззахдаги (Боғи шамол) мавзе қурилишига транспорт ва ас — фальт бермаганимизда С. Тоировнинг кўрсатмаси билан ташки — лотимизнинг ҳамма машина ва механизмларини вилоят автомо — биль назорат инспекцияси тўхтатиб ташлаганда Т. Боймиров Мар — казком котибларига мурожаат қилиб ишни давом эттиришимизга имкон яратиб берган эди. С.М.Тоиров ва Т.Боймировлар ўртаси — даги муносабат унчалик илиқ эмасди. С.М.Тоиров Жиззах вилояти ҳудудидаги чўл зоналарини ўзлаштириш бўйича махсус қурилиш ташкилоти тузиш масаласига қаттиқ киришди. Шундай қилиб "Жиззахчўлқурилиш" бошқармаси ташкил топди. Унга "Голодно — стестрой" Жиззах вилояти ҳудудидаги қурилиш ташкилотлари олиб берилди. Бошқармага Янгиердаги темир — бетон комбинати ди — ректори, Павел Харитонович Кан бошлиқ бўлиб тайинланди. Бо — шқарма таркибига Жиззах вилоят ҳудудидаги барча мавжуд қури — лиш ташкилотлари бириктирилди. Бошқарма бироз муддат Жиззах шаҳрида бўлиб, кейин Бўстондаги ўз маъмурий идорасига кўчиб ўтди. Бошқармага Ю.Науменко, Ш.Мухаммадиев, Қ.Ортиқмуродов, Г.Штейнберг, А.Холмуродов, Б.Зожицкий, Б.Раҳматуллаев, Ж.Да — ханов, П.С.Ким каби ташкилотчи — муҳандислар масъул ишларга жалб қилинди.

Мирзачўл ерларининг ўзлаштирилиши ўз навбатида Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг ташкил топишига асос бўлган. Сир — дарё вилояти 1964 йилда Жиззах вилояти салкам 10 йилдан сўнг 1973 йил 30 декабрда ташкил топди. Шу вақтга қадар Пахтакор, Дўстлик, Зафаробод, Мирзачўл, Арнасой туманлари шаклланти — рилган эди. Бу йилларда Жиззах чўлидан жами 173 минг гектарни ўзлаштириш учун жиддий кураш борар эди. Ўзлаштирилаётган ерларни суғориш учун Янгиер шаҳри яқинида секундига 200 ку — бометр сувни 25 метр баландиқка кўтариб берадиган насос стан — циясини қуриш жадал борарди.

"Дўстликсовхозстрой" трестига режа қилинган қурилиш иш — лари ҳам тугалланиб бораёттанди. Иккита қурилиш ташкилотимиз Жиззах аккумулятор заводи қурилишида эди. Шу сабабли ушбу трест ҳам "Бўстонсовхозстрой" номи билан аталиб, трест бошқа — руви Зарбдор посёлкасига кўчирилди. Трест таркибидаги қурилиш ташкилотларида Х.Назирқулов, Г.Воровбев, У.Исмандиёров, А.Хун — дибоев, Г.Эркабоев, Н.Шурна кабилар иш олиб боришди.

"Жиззахчўлқурилиш" бошқармаси Бўстонда фаолият кўрсата бошлаганидан посёлкада қурилиш ишлари анча кенгайиб ва тез —

лашиб кетган эди. Посёлка ҳудудида бошқарма таркибидаги база — лар, гаражлар гавжум бўлиб кетди. Бунинг устига, бизнинг трес — тимиз ҳам Зарбдор посёлкасига кўчиб келганидан сўнг бу ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари янада қизгин борди.

Мен ҳам оиламни Бўстонга кўчириб келдим. Ўша йиллари Бў — стонга кўчиб келганлар турли миллат фарзандлари бўлсада, ҳам — мамиз бир умр қадрдон бўлиб қолдик. Айниқса, Отабой Юсупов оиласи Клара, корейслар Иосиф Цой оиласи Людмила Андреевна, С.Пак оиласи Елена Григорьевна, Б. Ли оиласи Вера Андреевна, С. Хегай оиласи Татьяна, арман йигити А.Балаян оиласи Лаура Самсо — новна, А.Бойбеков, К.Жаббаров, А.Нурматов, Т.Шапиев оиласи Му — нирахон, Б.Тўрабеков оиласи Хонимой, Т.Акмурзаев оиласи Рохат, Б.Равшанов оиласи Бахтигул, Хотам оиласи Ойишахон, Аҳмад Орипов оиласи Тожихон, С.Курбонов, Э.Ботиров каби оилалар энг қим — матли кишиларимиз бўлиб қолишган. Улар билан биз аввал Мир — зачўлни, кейин Жиззах чўлини ўзлаштиришда елкама — елка иш — ладик, танишдик, бир умрлик қадрдон бўлиб қолдик.

**Шарқнинг тақдири сугориш
санъатига боғлиқ.**

*Усмон Юсуповнинг
севган ибораси.*

IV. ЖИЗЗАХ ЧЎЛҚУВАРЛАРИ ОРАСИДА

1977 йил "Жиззахчўлқурилиш" территориал бошқармасига бош муҳандис вазифасига тавсия қилиндим. Янги лавозимларга тавсия билан вилоят ва Марказкомда тегишли раҳбарлар, Шароф Рашидов қабулидан ўтдим. Шундай қилиб, бевосита П.Х.Кан билан биргаликда ишга киришиб кетдим. Очигини айтганда "Дўстликсовхозстрой" тре — стини бошқариб юрган пайтларимда П.Х.Кан билан иш юзасидан тортишувлар ҳам бўлган. Аммо бош муҳандис бўлганимдан сўнг, у барча техник масалалар, материаллар ва машина механизмларни бо — шқаришдаги барча юмушларни зиммамга юклади. "Жиззахчўлқу — рилиш" ташкилоти кўп соҳали бўлиб, фақат қурилиш монтаж ишлари бажарилиб, хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб қолмасдан, чўл ўзлаштириш ҳудудида яшайдиган барча аҳолига ма — даний — маиший, тиббий хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланар эди. Жумладан: таркибида тиббиёт бошқармаси бўлиб, (медсанчасть) барча чўл ҳудудидаги касалхона, поликлиника, қишлоқ — фельдшерлик пун — ктлари унга қарар эди. Медсанчастьда раҳбарлик вазифасида Олег Пак, Маматқул Караманов, Акбар Алиев, Сайдулла Саякулов, Вале — рий Макарович, Сага Хегайлар ва тажрибали врачлар Муяссар Қодирова, Махкамой Садриевна, Йўлчибой Хўжақулов, Абдулла Аб — дувалиев каби шифокорлар ишладилар.

Савдо, озиқ — овқат билан таъминлаш соҳасида ОРС ишчилар таъминоти бошқармалари раҳбарлигида Абдурахмон Бойбеков, Владимир Агасович Михайлян, Хосилбек Умиров, И.Г.Цой, Синдор Ўташев, Қаҳҳор Жабборов ишлар эди.

Алоқа сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик етказиб бериш, йўللарни эксплуатация қилиш ва электр энергия билан таъминлашишларини шу бошқармага қарашли ташкилотлар бажарар эди. Бўстондаги марказий коммунал хўжалик идорасида эса, бу ишларнинг ҳаммаси мужассамлаштирилган эди. Ташкилот раҳбари кўп йиллар давомида Нурматов Абдували ака бўлган.

"Жиззахчўлқурилиш" ҳудудий бошқармаси Зарбдор, Зомин, Зафаробод, Арнасой туманларида янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ барча ишларни — катта ҳажмдаги насос станцияларидан тортиб аҳоли яшаётган жойлардаги коммунал хизмат шахобчаларигача, каналлар, дренажлардан тортиб моддий таъминот шахобчаларигача, боғча, мактаб, касалхоналардан тортиб ишчилар таъминотигача шуғулланар эди. Қайси участкада ишлар сусайса ва ё топшириш муддати кечикаётган бўлса, ўша жой биз учун ўз — ўзидан зарбдор участка саналарди. 1978 йили Жиззах Бош насос станциялар каскади ишга туширилиши арафасида, янги ташкил этилган Зарбдор тумани (биринчи котиб М.Умрзоқов) далаларида экилган пахтага сув етказиб беришга мўлжалланган насос станцияси эндигина қурилаётган эди. "Уралгидромаш" заводидан тажриба сифатида келтирилган бу капсула насосларнинг 6 минг киловольтли кучланишдаги 1000 кватли электродвигателлари рельс орқали сув остига тушириб ишлатилиши сабабли бирмунча мураккаб ускуна ҳисобланарди. Ушбу насос станцияси қурилишини вагонда яшаб бошқарар эдим. Станцияни ишга тушириш муддати кечикаверганидан сўнг Вазирлар Кенгаши раис ўринбосари Солижон ака Мамарасулов, вилоят ижроия қўмитаси раиси Эркабой Исломов билан келиб, дала вагончасига жойлашиб, эртасига станциянинг ишга тушганлигини кўриб, қайтиб кетишганди.

Ишлаб чиқаришга топшириладиган ерларнинг шўрини ювиш мақсадида ер майдонлари карталарга ажратилиб, марзалар олиниб, уч ойгача "Ойна" сифатида сув ушлаб туриларди.

Жиззах чўлининг барча майдонларида сизот сувлари йиғилиб Жиззах бош коллектори жуда тез лойқа босиб туради, уни лойи — ҳадаги ҳажмига етказиш, тозалаш, иншоотлар қуриш бўйича ҳам юқоридагига ўхшаган қурилиш штаби ташкил этилиб, кечаю — кундуз иш олиб борилган эди. Штаб ташкил қилиниб, вагончалар қўйиб бажарилаётган ишларимиз тепасида тўриш, ҳамма вақт қисқа муддатда кўрсатилган натижаларга эришиш имконини берар эди.

Бош муҳандис вазифасида ишлаган йилларим қурилаётган энг йирик иншоотларда штаб ташкил қилинар, уларни мен бошқариб борар эдим. 2 — насос станцияси мен туғилиб ўсган Обручеводан

15 чақиримча узоқликда, "Оқар" деб аталган жойда бўлиб, унинг қурилишига "Главсредазирсовхозстрой" ва бошқармамининг сал — моқли кучлари экскаватор, скрепер, бульдозер, кран, машина — механизмлар, мингдан ортиқ ишчи кучи жалб қилинган, кечаю — кундуз дам олиш кунлари ҳам, жадвал билан иш олиб бориладди.

Барибир, янги очиладиган ерларга сув етказиб бериш кечика — ётганлиги учун вақтинчалик ДМ — 2 каналдан сув кўтаришга мўл — жалланган уч босқичли "капсула" насос станциялари қуриш ҳа — қида қарор қабул қилинди ва тез муддатда қурилиб топширилди. 2 — насос станцияси қурилиши билан бир қаторда 2 та 63 минг ква трансформаторни ўрнатишга мўлжалланган 110 — 35 — 10 кв под — станцияси, 37,5 километр 110 киловольтли электр узаткич йўли, узунлиги 2.500 метрли, диаметри 3,6 метр сув кўтариш темир қувур — ларини ўрнатиш ишлари олиб борилади ва бу ишларнинг барчаси — ни бир — бирига боғлаб, режалаштиришда жойлардаги штаблар — нинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Йирик иншоотларни қисқа вақтда удалаш учун бошқарма ти — зимидаги барча қурилиш ташкилотларини сафарбар этиш мақса — дида штаб тузилар, уни бошқариб бориш асосан менга юкланарди. Натижада кўп ҳажмдаги бетон ишларини бажариш учун қурилиш техникаси, моддий таъминот, зарурий материалларни етказувчи ташкилотларнинг куч ва имкониятлари сафарбар этиларди. Жум — ладан, 1978 йил бошида Фориш ва Октябрь (ҳозирги Зафаробод) туманлари чегара ҳудудида 24 — пахтачилик давлат хўжалиги ташкил бўлган. Унга Қаҳҳор Мамаев директорликка тайинланган эди. Жа — нубий Мирзачўл сувни ушбу хўжалик билан бирга яна тўртта хў — жалик далаларига етказиб берадиган канал қуриш бошланди. Ка — нал тез муддатда қазилди. Унинг 20,5 километри бетонлаштирил — ган, қолган 3,5 километрга ҳали бетон қопланмаган эди. Қолбуки, май ойи бошланиб, далаларда чигит униб чиққан, биринчи суғо —

риш учун са — ноқли кунлар қолганди. Шу сабабли 12 майда бошқарманинг бетон ишларини 21 майгача ту — галлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. 10 кун ичида 3,5 км масофадаги ка — налга бетон қоплаб улғўриш одатий муддатни қарийб 3 баро —



Ҳадемай чўлга сув келади

бар қисқартириш дегани эди. Шу сабабли канал қурилишига "Зар — бдорводстрой", "Мирзачулсовхозстрой" трестлари ва бошқа қурилиш ташкилотларининг техник ҳамда ишчи кучлари жалб қилинди. Ҳар куни бажарилган ишлар сарҳисоб қилинар, қайси ташкилот қан — дай ишни ташкил қилганлиги баҳоланиб, галдаги вазифа — топ — шириқлар бериларди. Шу муносабат билан "Комсомолец Узбеки — стана" газетасининг 1978 йил 26 май сониде И.Лопатиннинг қури — лишдан репортаж мақоласи "Май ойида қизгин ҳафта" номи би — лан босилиб чиқди. Шу мақоладан айрим ўринларни келтиришни лозим топаман:

— Қурилиш штабини бош муҳандис Ўриш Ҳамидович Мажидов бошқармоқда.

Канални ўлчаб, колонналарга тақсимлаб бердик, — гап бошлади Ўриш Мажидов. — Қурилишга 600 нафар ишчи жалб этилган, ме — ханизмлар етарли, прожекторлар етказиб келинди, ишни уч сме — нада олиб борамиз. Овқатланиш суткасига турт маротаба бепул ташкил этилади. Яхши ишлаганларни мукофотлаш учун 10 доне енгил машина ажратилган. Қўшимча ишчи кучи ва техника кел — тириш давом этмоқда. Сак Александр Александрович бошлиқ ме — ханизациялашган кўчма колоннадан 80 киши келди. Анвар Кари — мов, Юрий Воронинский, Михаил Ильошенко бригадалари икки сменеда 60 метр ўтдилар. Совхоз директори Қаҳҳор Мамаев туп — роқ ишларига ёрдам бериш мақсадида ишчиларни юбориб туриб — ди. "Зарбдорводстрой" нинг 59 — МККсида уста Иван Скориков бош — чилигида Юрий Коновалов бригадаси яхши ишламоқда, бетончи — лар бригадири Бобо Паҳлавонев ва бошқалар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Кеч. Қурилиш штаби.

Кеча ва бутун бир ярим километр масофада иш бажарилди, — кун натижаларини айтиб сўз бошлади Ўриш Мажидов. — Кечасига ишларни янада жонлантириш керак, пайшанбага бориб кунлик ўтишни 1000 метрга етказишимиз лозим.

Ўзларига берилган топшириқни биринчи бўлиб 3 — МККдан Мусурмон Даминов бригадаси тамом қилди. Абдураззоқ Эргашев, Андрей Шаймарданов, Ўринбой Раҳматов, Фанис Мирсалимов, Вла — димир Симлар бошлиқ бригадалар, ҳайдовчи Владимир Бычков, кранчилар Андрей Сауков ва Фарид Гумировлар ибратли ишлади. ОРС бошлиғи Абдурахмон Жумаев ва ошпаз Эргаш Имомқуловлар шу пайтда овқатланиб олишга таклиф қилди. Айни туш пайтида қурилишга Республика ҳукумати раиси Н.Ж.Худойбердиев келди ва қурувчилар олдиға қўшимча вазифа қўйди, яъни 550 метр ка — нални қўшиб бетонлаш топшириғини берди.

Барча ишлар 21 майда тутатилиб, 22 май куни сув берилди.

Айни қурилишнинг авж олган кунлари, 20 — май таваллуд топча — нимга 40 йил тўлди. Кун бўйи канал бошида ишларда бўлиб, ту — гилган кунимни нишонлаш учун хонадонимга келган яқин қарин —

дошларим ва дўстларим хузурига кечаси, фақат ярим соаттагина, Дўстликка келиб кетганман ва қайтиб бориб, кечаси соат 24 да қурилиш штабини ўтказган эдим.

Жадал ишлар билан икки йил қандай ўтиб кетганлигини билмай қолдим.

1980 йилга келиб П.Х.Кан "Главсредазирсовхозстрой" бошли — гининг биринчи ўринбосарлигига тайинланди. Шундан кейин ви — лоят партия кўмитаси котиби Т.Боймиров мени "Жиззахчўлқури — лиш" ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимига тавсия қилди. Тақ — дир мени яна Ш.Рашидов қабулига етаклади. Анча жиддий савол — жавоблардан сўнг у кишининг "Мажидовни фақат еттита фар — зандни тарбия қилаётгани учун ҳам янги лавозимга кўтарсак бў — лар", деганлари ҳамон ёдимда.

Мен "Жиззахчўлқурилиш" территориал бошқармасида бошлиқ лавозимида иш бошладим. Бошқарма ишчи — хизматчилари бай — налминал таркибга эга бўлиб, Жиззах чўлини ўзлаштиришнинг барча соҳаларида 57 миллат ва элат вакиллари меҳнат қилишарди. Фақатгина бошқармада руслардан Ю.Горячев, Р.Матвеевна, Пан — кратов, татар Раиса Улмасовна, ўзбеклар Б.Юсупов, тиббиёт мар — кази бош врачси М.Караманов, рафиқаси Зухра Валиевна савдо — базаси бошлиғи К.Жаббаров, автотранспорт бошқармаси бошлиғи У.Жумаев, уйғурлар Т.Шапиев ва рафиқаси Мунира, қрим татар миллатига мансуб Алла ва Эльвира Курсеитовалар, корейслар П.С.Ким, С.Пак, Л.А.Цой, Б.Ли, қozoқлар Ж.Даханов, С.Дузиев, тожик қизи Ноила, болалар боғчаси мудираси Дилбар Шокирова ва Меҳри Ғофуровалар, шор миллати вакили Галина Мулюкова, арманлар Альберт ва Лаура Балаянлар ва яна кўплаб миллат вакиллари бир — галикда меҳнат қилар эдилар.

Шу йилнинг долзарб қурилишларидан бири, Жиззах ишқорли аккумулятор заводининг қурилиши бўлиб, бунинг учун йил ре — жаси 10 млн. сўм этиб белгиланган эди.

Аслида завод қурилиши мен "Дўстликсовхозқурилиш" трести бошқарувчиси бўлиб ишлаганимда, шаҳарнинг саноат ҳудудида бошланган бўлиб, кўпинча қурилиш бўлимининг бошқа катта ин — шоотлари каби Саноат ва қурилиш мутасаддиси Асатилла Ашра — пович Ходжаев келиб иш жараёнини таҳлил қилиб, амалий ёрдам берар эди.

Асатилла ака қурилиш технологиясини жуда яхши билиб, маж — лисларда ҳар бир масалани охирига етиб боргунча шуғулланар ва бизларга вазифа белгилаб, ҳар доим топшириқ натижаларини Ш.Рашидовга етказиб турар эдилар.

Шунга қарамасдан, биз саккиз ой мобайнида фақат 6 млн. сўм — лик қурилиш — монтаж ишларини бажардик. Завод буюртмачиси Москвадаги Минэлектротехпром вазирлиги, лойиҳачилар Ленин — градда жойлашган, кўп масалаларнинг ечилиши, айниқса ускуна — лар билан таъминланиши бунга узвий боғлиқ эди.

Жиззах ишқорли аккумулятор заводи қурилишида ишчи кучи танқислиги натижасида, бизга яна 400 киши ажратиб беришга қарор қилинган эди. Биз уларга ётоқхона биноларини, овқатланиш ош — хоналарини, истиқомат учун керак бўладиган ҳамма иншоотларни қуриб шароит яратиб берган эдик. Бу эса қурилиш жараёнини тезлатишга ёрдам берган эди.

“Жиззахчўлқурилиш” бошлиғи вазифасига ўтгандан кейин Н.Р.Ҳамроевни яқиндан танидим. У 1933 йил 10 январда Бухоро вилояти Навоий туманида туғилган. Институтни тугатиб, ҳали 30 ёшга тўлмасдан Вилоят ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Аму — Бухоро канали қурилиши бошлиғи, “Ўзглаводстрой” бошлиғи вазифасидан бизнинг “Главсредзирсовхозстрой” бошлиғи лавози — миға келган. Бошқармада 10 йилдан ортиқ ишлаб, меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. Илмий кашфиётлари сабаб Фанлар академияси академиклигига сайланди. Нажим ака менга “бульдозер” деб лақаб қўйиб олган эдилар. Қурилиш технологиясини жуда мукамал билган Нажим Рахимович бир кун келиб аккумулятор заводи қурилишидаги муаммоларни шахсан ўзи ўрганиб, қўйилган вазифаларни қандай бажариш мумкинлигини кўрсатиб берди. Монтаж ишларини ўз вақтида тугатишимизда унинг дўсти, Рес — публика монтаж ва махсус ишлар вазири, кейинчалик Жиззах вилоят ҳокими бўлиб ишлаган, ишбилармон қурувчи Хабибулла Аб — думажидович Шогазатов катта ёрдам берди.

Биз қурилиш майдончасига икки мингдан кўпроқ ишчиларни жалб этиб, ишни кечаю — кундуз ташкил қилиб, қолган тўрт ой мабойнида тўрт миллион сўмлик иш бажариб, заводнинг биринчи навбатини ишга туширишга муваффақ бўлдик. Ишларимиз натижаси яхши қадрланди. Барча қурилиш иштирокчиларига жуда катта пул маблағлари берилди. Беш кишига Республика Олий Совети Президиумининг 1981 йил 18 март Фармони билан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор” унвони берилди, улар орасида мен ҳам бор эдим.

Жиззах чўл қурилиш территориал бошқармаси бажарадиган ишлар ҳажми йилдан йилга ўсиб бориш билан бир қаторда, тар — кибидаги “Целинхлопок” трести хўжаликларда асосан пахта ва қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ҳосил — дорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш — тириш, чорвачиликни ривожлантириш, зараркунандаларга қарши курашиш масалалари билан шуғулланар эди.

Бошқармада соҳага доир янгиликларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга катта эътибор берилар, айниқса сув хўжалигида энг янги усуллар жорий этилиб, натижаси ўрганилар эди.

Зарбдор туманида хусусан, 16 — хўжаликка тегишли 6 минг гек — тар ер майдони канал ёки лоток ариқлар ўрнига ер ости қувур — лари ўрнатилиб, гидрантлар орқали сув чиқариш тизими барпо қилинди. Бу янги тизимнинг муаллифи Н.Ҳамроев эди. 6 минг гектар



Меҳнатинг самарасини кўриш бахти...

майдонни лойи — ҳалаштириш ўзи бўлмагани каби шунча майдонга белгиланган ди — а метрлардаги қувурларни иш — лаб чиқариш ва Зарбдорга етказиш ҳам осон кечмади. Шунга қарамасдан бу янгилликни ҳаётга татбиқ этиш учун курашни ўз бур —

чимиз сифатида англаганмиз.

1980 йил пахта йиғим — терими мавсуми кунларидан бирида "Главсредазирсовхозстрой" бошлиғи Н.Хамроев қабулига чақирилди. Иш кабинетидан Н.Хамроев менга меҳмон, йирик иқтисодчи, Но — восибирскдаги иқтисод илмий текшириш институтининг ректори, академик Абель Гезович Аганбегянни таништирди. Академик А.Г. Аганбегян Сибирь сувларини Ўрта Осиёга бўриш муаммолари бўй — ича келиб, биз ўзлаштирган чўл ерларидаги суғориш тизимини кўрмоқчи экан. Н.Хамроев ҳузуридаёқ А.Г. Аганбегян Сибирь сув — ларини бурмасдан мавжуд сувларни тежаб ишлатилса, пахтачи — ликни икки баробар кўпайтириш мумкин, маблағни шу йўналишга ишлатилса бўлмайдими, деган саволни ўртага ташлаган эди.

Эртасига Аганбегянни академик С.К.Зиёдуллаев ва Э.Турсу — новлар бошлаб келишди. Бир кеча Октябрь туманида (қотиб Манзур Нишоннов эди) қолиб, сув танқислиги муаммолари билан танишди. Унга тақдим этилаётган бу лойиҳа тўлалигича йилига 60 кубоки — лометр сув кўтарилишини ҳисобга олса 28 миллиард сўмдан ортиқ маблағ, агар биринчи навбатини 25 кубокилометрга қисқарти — рилса ҳам 10 миллиард сўмдан кўп маблағ талаб қилиниши асос — ланиб, Республикамиз раҳбарлари томонидан навбатдаги беш йиллик режасига киритиш таклиф этилган эди. Биз келгуси йили Моск — вага борганимизда Аганбегяннинг иштирокида бу масала директив хужжатлардан чиқариб ташланган эди.

Шу воқеадан 22 йил ўтгандан сўнг 2003 йил 9 — 10 апрель кунлари Москва шаҳрида "Россия ва Марказий Осиё: Сув муам — молари ва ҳамкорлик стратегияси" шиори остида халқаро конфе — ренция бўлди. Конференция Москва шаҳар мери Ю.М.Лужков так — лифи билан чақирилиб, 119 та олим, ҳукумат ходимлари, ишлаб — чиқариш вакиллари қатнашди. Биз Ўзбекистондан 8 киши эдик. Булар академик Н.Р.Ҳамраев, фан доктори, профессор Виктор Аб — рамович Духовный, институтлар раҳбарлари Умид Валиевич Аб —

дуллаев, Вадим Игорьевич Антонеv, Лензи Закирьевич Шерефед — динов, сув хўжалиги раҳбарлари Махмуд Ҳамидов ва Юлдош Ху — дойбергановлар эди. Бу сафар муаммо бошқача қўйилган эди. Россия нефть ва газ сотиш билан бир қаторда сувни ҳам товар сифатида сотиши, бунда ҳар иккала томон ҳам манфаатдор бўлиши мум — кинлиги назарда тутилган эди.

Албатта, кенг қамровли ишларни бажариш ҳар сафар ҳам осон кечавермаган. Бунда биз бевосита "Главсредазирсовхозстрой"дан ташқари, республика раҳбариятига, айниқса, вилоят раҳбариятига таянар эдик. Булар орасида Т.Б.Боймиров алоҳида ажралиб туради.

С.М.Тоировдан сўнг Жиззах вилояти партия қўмитасининг би — ринчи котиби вазифасига келган Т.Боймиров қишлоқ хўжалиги со — ҳасининг кўтарилишида катта ишларни амалга оширди. Аввало янги ерлар ўзлаштириш салмоғини ошириш, каналларни бетонлашти — риш, сизот сувлар зовурлари коллекторлар қурилишини жадал — лаштириш, вилоятга кўпроқ капитал маблағ режалаштириш, янги ташкил топган хўжаликлар, марказий посёлкаларда ижтимоий, коммунал аҳамиятдаги иншоотлар барпо этилишини тезлашти — риш, мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар қурилишини ни — ҳоясига етказиш каби жуда кўп масалалар вилоят мажлисларида кўрилиб, ижобий ечимини топар эди. Айниқса маҳаллий миллат вакилларида раҳбарлик лавозимларига тайинлашда Т.Боймиров мени доимо қўллаб — қувватлар эди. "Жиззахчўлқурилиш" терри — ториял бошқарма таркибидаги "Бўстонводстрой" ва "Дренажст — рой" трестларини бирлаштириш масаласи қўйилганда, иккала таш — килотнинг раҳбарлари чўл шароитида тажриба ортирган Бозор — бой Тўрабеков бирлашган трест бошлиғи вазифасига, Ж.Серсенов эса "Жиззахсувқурилиш" трестига раҳбарлик вазифасига ўтқа — зилди.

Чўлда ишлаб кетган Турғунбой Азимбоевнинг Автомобил йўл — лари вазирлигида эгаллаб турган лавозими қисқартирилганда, уни "Ульяновсовхозстрой" трести бошлиғи лавозимига таклиф қил — дик. Ёш мутахассис Рустам Қаршибоевич Жўлбековни қурилиш ташкилотидан буюртмачи вазифасига ўтиши ҳақида таклиф ки — ритган эдик. Шу тариқа чўл шароитида чиниқиб, тажриба орт — тирган мутахассисларни сақлаб қолиш чорасини кўрар эдим. Ас — лида Рустам Жўлбековни менинг ҳузуримга Т.Боймиров юбориб, шу йигитнинг оталарини биламан, яхши одамларнинг фарзанди, уларнинг уйларида ҳам яшаганман. Уни тарбия қилишимиз керак, деган эдилар. Уни "Дўстликсовхозстрой" трестимизнинг 14 — ме — ханизациялаштирилган кўчма колоннасига уста лавозимига юборган эдим. Кейинчалик колонна бошлиғи, трест бошқарувчиси, қурилиш корхоналари директори вазифаларига кўтарилди.

Абдурайимов Мансур Самарқанд вилоятидан ўқишга бориб, институтни тутатгандан сўнг, Мирзачўлга ёш мутахассис сифа — тида келиб, ишчи вазифасидан туман электр тармоқлари бошлиғи,

трест бош муҳандиси ва бошқарувчиси вазифасидан, республика миқёсидаги лавозимларга кўтарилди.

Ўткир Исмадиёров "Бўстонсовхозстрой" трестига бошқарувчи вазифасига тайинланганда вилоят раҳбари Т.Боймиров ҳазилла — шиб, Ўриш тарбиялаган ходимларини ўзи вилоятимиздан кетган — дан сўнг ҳам катта лавозимларга кўтараямиз, деган эдилар бир суҳбатда.

Эшиев Шуҳрат участка бошлиғидан трест энергетиги вазифа — сига тайинланиб, бошлиқ муовини, кўча колонна бошлиғи, сўнгга "Джизакирмонтаж" трести бошқарувчиси лавозимига тайинланди.

Чўлни ўзлаштириш жараёнида қурилишда ҳам, қишлоқ хўжа — лиги соҳасида ҳам ишчилар етишмаслиги ҳар жабҳада доимо сезилиб турарди. Республика раҳбариятининг кўрсатмасига биноан, Жиззах чўлига ишлаш учун барча вилоятлар ёшлар қўмиталари томонидан ишчилар юборилиши кўзда тутилган эди. Турли вилоятлардан келаётган ёшларни мутахассисликларига қараб жой — ларга юбориш штаби ташкил қилинди. Келганлар уй — жой билан таъминланиб, уларга моддий — маиший шароит ва имкониятлар яратилди. Бир неча кун мобайнида вилоятлардан беш мингга яқин кўнгилли ёшлар бошқармамиз ихтиёрига келишди.

Бошқарма бошлиғи П.Х.Кан ва мен ишга келган ҳар бир ёш билан суҳбатлашиб, иш характерига қараб бригадалар тузиб, бў — лғуси иш объектларига юборар эдик. Келганларнинг бир қисми чўл шароитига мослаша олмаганлиги сабабли ўз юрталарига қай — тиб кетишди, аммо мутахассисликларини чуқур эгаллаб, шу ерда оила қуриб, аскарликка чақирилиб, хизматни адо этиб, яна қайтиб келиб чўлқуварлар сафида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган — лар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Фарғонанинг Ўзбекистон ту — манидан келган Мақсуда Фозилова бошлиқ бригада аъзолари "Оқар" хўжалигида ишлаб, шу ерлик бўлиб қолдилар. Бригадирнинг ўзи хўжалик раҳбари лавозимига кўтарилди.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидан Усмон Алимов, Ҳусан Ор — зиев, Баҳодир Раззоқов, Хан Афоня кабилар шу жойлик бўлиб кетишди.

Жиззах чўлини ўзлаштириш жараёнида Бўстон посёлкаси ҳам кенгайиб, обод бўлиб борди. "Жиззахчўлқурилиш" бошқармаси бош муҳандислигига тайинланганимда оиламни А.Саркисов кўчасидаги олти хонали уйга кўчириб келган эдим. Ҳозирда ҳам шу жойда яшаймиз.

Шу даврдан эътиборан Бўстон шаҳарчасида ободонлаштириш ишлари олиб борилар, жуда кўп дарахтлар ўтқазилар, musiқа мак — таби иш бошлаб, меҳмонхона, спорт комплекси иншоотлари, ста — дион, мактаб, уй — жойлар қурилиши билан бир қаторда биз уч қаватли "Джиззакстепстрой" биносини қуриб, кўчиб ўтдик. Республика ободончилик конкурсларида нуфузли ўринни эгаллаб, эрта тонгда кўчалар супурилиб, сув сепиб қўйилишига ҳамма ҳавас билан

қарар эди. Лекин дастлабки йиллар Бўстон шаҳарчасига Жиззах чўлини ўзлаштириш учун ташкилотлар кўчиб келганда, янгилари ҳам тузила бошлагандан сўнг, ишчи ва хизматчиларни кўчириб келиш жараёни жуда оғир кечди. Кўпчилик ўрганиб қолиб, яхши жойлашиб олган уйларида кўчишни хоҳлашмас ва айниқса бо — лалари ўқиши учун мактаблар борлигини сўриштирар эди. Шу — нинг учун биринчи йилларданоқ умумтаълим мактаби қурилишини бошлаб, бир коттежни мусиқа мактаби учун ажратдик. Мактабга Фрида Абрамовна директорлик қила бошлади. Кейинчалик Мада — ният саройи биноси таркибида алоҳида мусиқа мактаби ташкил қилиниб, унга Котлибулатова Клара Абдурайимовна директор бўлди. Евгений Петрович ва Анжела Альбертовналар ўқитувчи бўлиб иш бошлади.

Бўстонда биринчи йилларданоқ маданият ва спорт иншоотла — рини қуришга эътибор берила бошлади. Марказий қисмда стадион қурилиб, унда футбол майдонидан ташқари волейбол, баскетбол майдонлари, гимнастика билан очиқ майдонда шуғулланадиган мос — ламалар ўрнатилди.

Шундан сўнг, Маданият саройи қурилиши учун лойиҳа тай — ёрланди. Архитекторимиз Данил Сергеевич Ким Маданият саройи биносининг бир чеккасида пивохона қуришни мўлжаллаган экан, мен унинг ўрнига мусиқа мактаби ва кутубхона биноларини ки — ритдим. Қурилганидан икки — уч йил ўтганидан сўнг, спиртли ичимликларни тақиқлаш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинганда бўлим бошлиғи, арман йигити Альберт Балаян ҳазиллашиб, Ўриш Ҳамидович, бу қарор чиқишини олдиндан кўра билиб лойиҳадан "Пивной бар"ни олиб ташлаган экан, деб юрарди.

Кутубхонада тожик қизи Ноила, китоб дўконимиз мудир бўлиб эса озарбайжон қизи Алескорова Клара ишлар эди.

Маданият саройига "Олтин водий" деган номни шоир Анвар Тогаев қўйган эди. Ҳалигача Маданият саройига Республикада донғи кетган санъаткорлар концертлар билан келиб туради.

Шу йиллари "Жиззахчўлқурилиш" таркибидаги совхозларда пахта теримида қатнашиш учун Тошкент шаҳридан Олий ўқув юрти талабалари кенг кўламда жалб этилар эди. Талабаларнинг пахта йиғим — теримида иштирок этишлари институт раҳбарлари зим — масига жуда катта масъулият юклар эди. Ёшлар ичида кўнгилсиз воқеалар, тартиббузарликлар ҳам бўлиб турар эди. Шу муносабат билан доимий равишда ректор ва проректорлар дала шийпонла — рида талабалар билан бирга яшар эдилар.

Территориал бошқарманинг раҳбари бўлиб ишлаганим учун, мен улар жойлашган штабларда иложи борица яхши шароит яра — тиб беришга ҳаракат қилар эдим. Раҳбарларнинг кўпчилиги катта ёшдаги таниқли олим ва академиклар эди. Шу шароитда танишган кишилардан Политехника институти ректори, академик К.С.Аҳ — медов, проректорлари профессорлар Исмоил Мирхожиев, Ваҳоб

Рахимовлар, ТошМИ ректори, профессор Турғунпўлат Обидович Даминов, Низомий номли Педагогика институти ректори, академик Хабиб Турсунов, Алоқа институти ректори, академик Жўра Абдуллаев, Қурилиш ва архитектура институти ректори, деканлари Бахтиёр Асқаров, Нодирбек Юсуфбеков, Махмуд ака ва Шамил Болабековлар, Молия институти ректори, академик Мурод Ша — рифқўжаевлар билан қадрдон бўлиб қолганман.

Пахта терими мавсумида Жиззах вилоятига ёрдам кўрсатиш учун деярли доимий равишда Республика Министрлар Совети раиси Н.Ж.Худойбердиев келиб, туманлардаги аҳволни кўриб, теримни кучайтиришга амалий ёрдам берар эдилар. Жиззах вилояти Фо — риш туманида туғилган, институтни тугатиб қуйи ташкилотларда иш бошлаган, жуда ёшлигиданоқ Сурхондарё вилояти котиблиги даражасига кўтарилган, сўнггра Марказий Қўмита котиби ва Қишлоқ Хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келган бу инсон, жуда катта таж — рибали раҳбар бўлиб, ҳамма воқеаларни ёдда сақлай олиш қоби — лияти билан мени ҳайрон қолдирарди. Кунларнинг бирида вилоя — тимизда Республикадан чақирилган Вазирлар, банк раҳбарлари, қўмиталар раислари иштирокида 9 та йиғилиш ўтказиб, ҳеч нар — сани ёзиб олмасдан ўзига тегишли масалаларни ёрдамчисига ке — чқурун бирортасини ҳам қолдирмай айтиб туриб ёздирганлари — нинг шоҳиди бўлганман.

Сирдарё вилоятида фақат бир ойгина вилоятнинг биринчи ко — тиби вазифасида ишлаганда "Голодностепсрой" бошлиғи Ж.Хо — назаров кабинетида йиғилиш ўтказганда ҳам, масалаларни ёзмас — дан эслаб қолаётганини кўрган эдим.

"Жиззахчўлқурилиш" бошқармаси бошлиғи вазифасида иш — лаган пайтларимда, биз қўйган муаммоларни ечиб бериш учун Бў — стонга келиб, ҳар бир трест бошлиғи билан суҳбатлашиб, аҳволни сўраб, масалалар ечимида ёрдам берган, айниқса бир йил мо — байнида 4 минг тоннага яқин темир қувурлар ажратиб беришга амалий ёрдам кўрсатганлар, хўжаликка таъминоти жуда орқада қолиб кетган ичимлик суви, газ, канализация, иссиқлик тармоқла — рини ривожлантириб олишда катта ёрдам қилган эди.

Охирги йилларда мен Н.Худойбердиев билан тез — тез учрашиб турдим, айниқса, 20 — 30 йил илгари бўлган воқеаларни аниқ вақ — тларигача, кишиларнинг исми — шарифларигача, бўлган ҳодиса ва учрашувларни тафсилотигача адаштирмай хотирлаб тўриши мени ҳамма вақт ҳайратда қолдирган.

"Жиззахчўлқурилиш" ҳудудий бирлашмасида ишлаган йилла — римда футбол бошқарма учун алоҳида масала эди. П.Х.Кан футбол ишқибози эди. Жаҳон футбол чемпионатига ҳам бориб келганди. Бошқарма бошлиғи бўлиб келган кундан стадион ва меҳмонхона қўришга киришиб кетди. Вилоят командаси "Бўстон"ни Бўстон по — сёлкасига олиб келиб, хўжалик харажатларини ўз зиммасига олди. Кўп ўтмасдан команда Иттифоқ чемпионатининг биринчи лига —

сида ўйнай бошлади. Бу Ўзбекистоннинг иккинчи командаси бўлиб, олий лигада "Пахтакор" ўйнар эди, иккаласининг ҳам ўйинларига қизиқиш катта эди.

П.Кан Бошқармага ишга ўтгандан сўнг, футбол масалалари билан ҳам шуғуллана бошладим. Лекин жамоа кундан — кунга турнир жадвалидан пастга тушиб борар эди. Бир ўйинни албатта ютиш керак дея менга Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида "Помир" командаси билан бўладиган ўйинга шахсан учиб боришимни айтишди, лекин барибир жамоамиз 2:0 ҳисоби билан ютқазиб қўйди. Шундан сўнг Бўстонга Марказком котиби О.У.Салимов, Республика спорт қўмитаси раиси М.Ибрагимов келиб, тренер Шегай тўртталамиз ҳар бир ўйинчи билан алоҳида суҳбат қилиб, нима — лар етишмаслигини, қандай ёрдам кераклигини сўраб чиқдик. Аҳвол ўзгаравермагач, мен команда мағлубиятларида асосий айбдор бўлиб қолганимдан сўнг, Октябрь туманида, "Уч қаҳрамон" космонавтлар ҳайкали очилиши маросимида, Ш.Рашидовдан қабул қилишларини сўраб, туман котиби М.Нишонов кабинетига яккама — якка гаплашиб, футбол ишлари қўлимдан келмаётганлигини тан олдим. У киши мени тўғри тушуниб келгуси мавсумда командани "Звезда"га ўзгартириб, Қуролли Кучлар тасарруфига ўтказиб бердилар.

Тан олишим лозимки, бу йилларда спорт мусобақаларида қатнашиб, ғолибларни рағбатлантириш бор эди. 1980 йил Москвада ўтказилган Олимпиада ўйинларига Н.Ҳамроев раҳбарлигида борган эдик. Гуруҳимизда Қашқадарёдаги "Қаршиқурилиш" бошқармаси бошлиғи Султон Чегебоев, Қорақалпоғистондан "Қорақалпоқирсовхозстрой" бошлиғи Жаксалик Полвонов, Тожикистондан "Таджикирсовхозстрой" бошлиғи Музаффар Хасанов, "Муборак — чўлқурилиш" трести бошлиғи Сервер Абдулазизовлар, от спорти, футбол финал мусобақаларини томоша қилдик. Ёзги олимпиада ўйинлари ёпилиши маросимида "Лужники" стадионида ажойиб спорт усталари чиқишини, бутун дунёдан келиб ўйинларда қатнашган, олтин, кумуш, бронза медаллар соҳибларини, жуда чиройли оммавий кўринишлар ва катта санъат усталари концертини томоша қилишга муяссар бўлдик.

Шоҳмат ўйинига қизиқишим баланд бўлганлиги учун Москвага борганимда Жаҳон биринчилиги учун бошланғич этаплардан бирида гроссмейстрлар Василий Смирнов ва Авербахларнинг ўйинларини қўлимда кичик шоҳмат тахтачасини ўйнаб ўтириб, томоша қилган эдим.

Территориал бошқарма бошлиқлари ярим йиллик ёки бир йиллик якунида Москвада Иттифоқ сув хўжалиги Вазирлиги коллегиасида қатнашиш учун таклиф қилинар эди. Шундай йиғилишларнинг бирида П.Х.Кан бизни яъни, "Қаршистрой" бошлиғи С.Чегебоев, "Қарақалпоғирстрой" бошлиғи Ж.Полвонов, "Голодностепстрой" бошлиғи А.Ҳабибуллаевни Иваново шаҳрига, ноҳоратупроқерлар ўрлаштириладиган жойларга олиб борди. У ерда бизнинг

Главкага қарашли "Ивановоирсовхозстрой" трести (бошлиғи Ген — надий Сергеевич Цуриков) ташкил қилинган бўлиб, бизлар ҳар бир территориал бошқармадан ёрдамчи ишчи кучи, механизмлар юбориб турар эдик.

Ўрмонда, манзарали кўл бўйида қурилган дала меҳмонхона — сида жойлашганимиздан сўнг, обкомнинг биринчи котиби Кляев ва вилоят ижроия қўмитаси раиси Трапезниковлар билан бажа — риладиган ишлар ҳақида суҳбатлашиб олдик. Сўнгра Волга дарёси бўйлаб жойлашган, "Ўзбекистон" номи билан аталадиган совхоз посёлкаси қурилишини, ўрмон ичида янги ерлар очилиб уни қишлоқ хўжалик экинлари экишга мослаштириш учун олиб бориладиган ирригация — мелиорация ишларини, иссиқхона ва молхоналар қурилишларини бориб кўрдик. Фурсатдан фойдаланиб тарихий, маданий жойларни ҳам, жумладан Палех ва Плёс қишлоқларини, рассом Левитан расмлар музейини, Фурмановнинг уй — музейла — рини бориб томоша қилгандик.

Чўлқуварларнинг йил якуни, фаоллар йиғилишининг кўпчи — лигида Ш.Рашидов қатнашар эди. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари раҳбарлари, хизматчилари, ташкилот ва хўжалик бошлиқлари қат — нашган шундай йиғилишлардан бири Пахтакорда бўлди. Аввало ёпиқ сув бассейни қурилиши бошланадиган жойда келажак ёш — ларига мактуб ёзилган "капсула" қўйилиб, бетон ишлари бошлаб берилди. Сўнгра 600 киши йиғилган қурувчилар саройида ишла — римизнинг натижалари ҳақида маъруза қилдим. Йиғилиш охирида Ш.Рашидов менинг қўлимга ҳукуматнинг кўчма Қизил байроғини топшириб, қурувчиларни, барча меҳнаткашларни улкан ғалаба билан табриклаб, илғорларга енгил автомашиналар берилишини тўғон қилган эдилар.

Шу йили, ўтган беш йиллик якунига кўра, бошқармамиз мусо — бақалар ғолиби топилиб, юздан ошиқ кишига ҳукумат мукофотла — ри, экскаваторчи Турғун Фаниевга Меҳнат Қаҳрамони унвони бе — рилди. Мен эса Ўзбекистон КП XX ва КПСС XXVI съездларига делегат бўлиб сайландим. Делегатлар сафида Т.Боймиров, ижроия қўмита раиси Э.Исломов, пахтачилик бригадаси бригадири Хол — буви Рустамовалар бор эди.

Барчамиз "Россия" меҳмонхонасига жойлашдик. Мажлислар кунига олти соат давом этиб, қолган вақтда экскурсияларга олиб боришар эди. Биз Кутузов проспектидаги "Бородино" жанги тас — вирланган баландлиги 14 метр, айланаси 115,5 метрлик панора — ма — расмни, "Звёздный" шаҳарчасидаги космонавтлар музейла — рини, Россия "Олмос" фондини, "Кремль" ансамбли комплекси, 1980 йилги Олимпиада шаҳарчаси ва бошқа тарихий жойларни бориб кўрдик. Москва шаҳрида жойлашган харбий қисмга бир неча делегат, Зомин мактабида бирга ўқиган Ангрэн Резина — тех — ника заводи директори, кейинчалик Республика Саноат қурилиш материаллари Вазири бўлиб ишлаган Иномжон Искандаров, машҳур

тикувчи ва енгил саноат ишчи — лари Дилбар Қулматова (бу киши ҳам асли Зоминлик экан) Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, Гулчеҳра Бекпўлатова, Фарида Аҳмедова, пахтакор Холбуви Рустамова, Сирдарёлик Носир Зокиров, Ибрагим Ўралович Қўчқоровлар Ўзбекистондан чақирилган аскарлар билан учрашувга борганимизда жинзаҳлик йигит Хусан Ҳолбоевни учратган эдим. Кейинчалик у журналист бўлиб, Жинзаҳ вилоятининг газеталарида мухбир, муҳаррир бўлди, доимо учрашиб турамиз. Шу кунларда "Главсредазирсовхозстрой" бошлиғи Нажим Ҳамроевга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганига — зеталарда эълон қилинди.

Биз чўлқуварлар учун бу ҳам катта ишонч эди.

Москвада Н.Ҳамроев Ёзувчилар уйи ресторанига гидротехникада кўзга кўринган фан докторларидан бири Григорий Васильевич Воропаевнинг 50 ёшлик юбилейини нишонлашга мени бирга олиб борди. Улар орасида 32 ёшли эстрада хонандаси Алла Борисовна Пугачёва бор эди. Мен билан рақсга тушганда, Зикина сингарии бизнинг чўлларга келиб концерт беришга таклиф этдим.

Ҳамроев рафиқалари Дилдора билан ва мен рафиқам Ҳуррият билан Кисловодск шаҳрида дам олган йилимиз, Нажим ака мени Железноводск шаҳри раҳбарлари билан учрашувга олиб борди. У ерда "Главка"га қарашли санаторияни қўриш учун жой ажратиш масалалари билан шуғулланган эди ва кейинчалик "Ғалабанинг 30 йиллиги" сиҳатгоҳи қошида "Ўзбекистон" корпуси қурилиб, унда чўлқуварларнинг жуда кўпчилиги дам олган.

Съезд ўтаётган кунлар танаффусларидан бирида мен А.Ходжаев билан Аккумулятор заводи қурилиши давомини бошқа вазириликка топширилмаса совхозларда уй — жой қурилиши орқада қолиб кетди, деган таклиф билдирганимда Марказқўм котиби Еражап Айтмурадов менинг фикримни қувватлаган эдилар. Кечга яқин Ш.Рашидов бюро аъзолари билан биз жойлашган "Россия" меҳмонхонасига келиб Н.Р.Ҳамроевга заводнинг иккинчи навбатини қўриш ҳақида топшириқ берганлари ёдимда.

1981 йилда мен республика ўқитувчиларининг VI — съездида делегат бўлиб қатнашдим, Тошкентда "Дўстлик" меҳмонхонасида



Санъат чегара билмайди...

(Л.Г.Зыкина Жинзаҳда)

бошқа вилоятлардан келган курувчи дўстларимизни учратдим. Бутун Республикадан ўқитувчилар съездига делегатлар ичида курувчи — лар ҳам қатнашаётган экан. Мен бошқараётган "Жиззахчўлқури — лиш" территориал бошқармаси ҳар йили умумий сони 3 минг ўқув — чига мўлжалланган 5—6 та янги мактаб биноси ва ўндан зиёд болалар боғчаларини куриб ишга туширар эди. Съезд минбари — дан курувчилар номига ҳам миннатдорчилик билдирилди.

Қурилиш ҳар қанча қизгин, шижоатталаб бўлмасин, барибир ишчиларни соғломлаштириш, бошқарма тасарруфида дам олиш масканлари барпо этиш масалалари ҳам бор эди.

Чўлқуварлар хордиқ чиқаришлари учун, Зомин тоғлари бағ — рида, денгиз сатҳидан қарийб 2000 метр баландликда, 120 ўринли Ўрикли пансионатини ташкил қилдик. Бир ҳафтага оила аъзолари билан бориб, бепул дам олиб келишга йўлланма берилиб алоҳида бўлмачалар ажратилиб, емакхона, кино кўрсатадиган бино, ку — тубхона, биллиардхона, спорт билан шуғулланиш майдончалари куриб фойдаланишга топширилди.

Шу тоғда РТ—70 радиотелескопи қурилиши муносабати билан Марказком котибларидан учтаси томонидан бизнинг пансионатни Фанлар Академияси ихтиёрига ўтказиш, унда иш бошлаш, маъму — рий биноларни жойлаштиришга келишилган эди. СССР фанлар ака — демияси вице — президенти академик Котельников билан Ш.Рашидов радиотелескоп қад кўтарадиган жойга мемориал тоши ўрнатиш учун борганда, мен бу масалани кўтариб, бизнинг ўз кўлимиз билан куриб олган дам олиш масканимизни тортиб олмасдан, маблағ ажратиб беришса, белгиланган муддатда бошқа жойдан уларга куриб бери — шимиз мумкин деган таклифимни Ш.Рашидов маъқуллади ва Ўрикли бизнинг тасарруфимизда қолди.

"Жиззахчўлқурилиш" ҳудудий бошқармаси объектларида кури — лиш суръатини бир маромда олиб бориш осон эмасди. Гоҳида ҳаф — талаб курилишдан бир қадам силжиб бўлмайди.

Шу йиллар кўкрак қафасимда оғриқ пайдо бўлиб, дори — дар —



Шоир Ҳамид Олимжоннинг ўғли Омон ака билан

мон билан даволана бошладим, йирик кардиолог олим, со — ғлиқни сақлаш вази — рининг ўринбосари, профессор Карим Йўлдошев мени кў — риб, Кисловодск шаҳрига бориб да — воланиб келишимни тавсия қилди.

Биринчи марта Кисловодск шаҳри — даги "Ўзбекистон"

санаториясига Анвар Тоғаев билан бордик ва Николай подшо за — монид Амир Олимхон томонидан қурилган икки қаватли гиштин иморатга жойлашдик. Кисловодскдаги Нарзан суви, шифобахш ҳа — воти, енгил иқлими ҳақиқатдан ҳам юрак хасталиklarини даво — лашда катта аҳамиятга эга бўлиб, мен кейинчалик бир неча йил — лар давомида дам олиш учун шу ерга борадиган бўлдим. Рафиқам Хурриятхон билан биргаликда дам олишга борган йилларимизда жуда кўп танишлар орттирдик, кейинчалик ҳам учрашиб туради — ган бўлдик. Булар орасида Ҳамид Олимжоннинг фарзандлари Ҳулкар опа ва Омон Ҳамидович, рафиқаси Рауия, ўғли Отабеклар, Соғлиқни сақлаш вазири бўлиб ишлаган олижаноб инсон Абдулла Маткаримович Худойберганов рафиқаси Хотира опа билан, Эддор рафиқаси Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева билан, Нус — ратов Шухрат рафиқаси Саодатхон билан, академик Эркин Юсупов рафиқаси Саида опа билан, шоир Нормурод Нарзуллаев, Сало — ҳиддин ва Марат Озодовлар, Қорақалпоғистонни кўп йиллар бо — шқарган Меҳнат Қаҳрамони Қаллибек Комолов рафиқалари Лю — бовь опа билан, Фориш туман раҳбари Эркин Нурматович Қозо — қов, профессор Фарҳод Зуннуновлар билан дам олиш эсда қоларли даражада ўтган. Ўшанда Омон Олимжонов онаси Зулфия опани бу масканда кўп йиллар дам олганлиklarини миннатдорчилик билан эслаб, санаторий клубида врач, ҳамширалар, дам олувчилар иш — тирокида Ҳамид Олимжон ва Зулфия опаларга бағишланган кеча ўтказиб, уларнинг асарларидан намуналар ва онасининг жуда ма — ҳорат билан чизилган суратини тақдим этган эди.

Кисловодскнинг қайси жойига борманг, ўзига хос жозибани кўрасиз. Бу "Халқасимон тоғлик", "Нарзанлар водийси", "Ҳаво ма — кони", "Катта ва кичик эгарсимон тоғлар", "Атиргуллар водийси", Эльбрус чўққилари кўриниб турадиган "Қуёшча" деб аталадиган майдонлар ва кишига шифо ҳамда бардамлик тақдим этадиган 180 гектарлик катта боғнинг барча жойларига бориб етадиган, жуда озода тутиладиган саломатлик йўлакчалари бўлиб, деярли барча дам олувчилар эрта тонгдан кечгача уларда қатнаб, очиқ хавода юрадилар, бу ҳол қиш фаслида ҳам давом этади.

Кисловодскда дам олиш вақтида б — совхоз директори Абди Фай — зиевич Саттаровга ер топшириш хўжжатларига қўл қўйдириш учун трест бошлиғи Бозорбой Тўрабеков ҳам 3 кун муддатта борган эди. Биз А.Тоғаев, Тошкент Ёшлар қўмитаси котиби вазифасида ишла — ётган Нусратов Шухрат учаламиз уч кун муддатга Арманистон пой — тахти Ереван шаҳрига бориб томоша қилиб келдик, у ерда бизни шаҳар комсомол қўмитаси котиби Виген Суренович Хачатрян кутиб олиб, тарихий жойларни кўрсатди. Булар ичида Севан кўли, Гегарт мақбараси, Ичмиязин ансамбли, Матандра китоб музейи бор эди.

Меҳнат таътили даврида Ўзбекистоннинг дам олиш масканла — ридан Сўқоқ пансионати ва Ботаника санаториясида ҳордиқ чи — қарганман.

Дунёдаги барча неъматлардан, фақат яхши ном қолади, ҳатто шуни ҳам қолдира олмаган одам бахтсиздир.

А. Саъдий

V. РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШЛАРИДА

1982 йил мен Республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинландим. Янги лавозимга ўтишим муносабати билан Ш.Р.Рашидов қабулида бўлдим. Вазир Исмоил Ҳакимович Жўрабеков эди. В.Климкин, Д.И.Афонин, Содиқ Расулов, Темур Камолов, Рим Абдулович Гинятуллинлар ўринбосар бўлиб ишларди.

Мен вояга етган Обручево станциясида оқар сув йўқлиги сабабли, сувда сузишни билмас эдим. Ҳатто институтда ҳам сувда сузиш синовини базўр топширган эдим. Чўлни ўзлаштириш йиллари каналда чўмилганим билан сузишга юрак дов бермасди. Ҳатто бир сафар Литвада, Неман дарёсида чўмилаётиб оқиб кетишимга сал қолган. Тақдир тақозосини қарангки, сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлдим. Қишлоқдошим Р.А.Гинятуллин ҳам вазир ўринбосари эди. Бирда у ҳазиллашиб, "Ўриш ака, оқар сув йўқ, қудуқдан сув ичган Обручеводан Республика сув хўжалиги вазири ва вазирнинг биринчи ўринбосари чиқишини ким ўйлаганди", деган эди.

Вазирликда мен капитал қурилиш масалалари билан шуғулланганим сабабли барча вилоятларда, қишлоқ туманларида, хўжаликларда бўлиб, ажойиб инсонлар билан учрашдим. Улар билан қадрдонлардек учрашамиз ва бирга ишлаган давримизни эслаймиз.

Андижон вилоятида партия қўмитасининг биринчи котиби Солижон Мамарасулов, ижроия қўмита раиси Жўра Абдуллаев билан учрашиб, сўнгра вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Шокир Бегибоев билан Андижон сув омбори қурилишига боргандим. Кейин Гидроэлектростанциянинг ишга туширилишини кўрдим. У ерда чиндан ҳам ақл бовар қилмайдиган, баландлиги 110 метр, эни бир чақиримдан ортиқ бетон плотина, 2 млрд. кубометр сувни тўсиб турадиган тўғон қўрилган эди. Чегараси Қирғизистон республикасида ўтиб кетар экан.

Наманган вилоятида, вилоят ижроия қўмитаси раиси Абидшаев, вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Набижон Ваҳобов ва трест бошқарувчиси М.Алимовлар билан жуда кўп насос станциялар қурилишини таҳлил қилганмиз, темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган заводда, унга норудаматериаллар етиштириб берадиган омборларда алоҳида трест ишлайдиган Поп бирлашмасида олиб борилаётган ишлар билан танишдим.

Фарғона вилоятида партия қўмитаси котиби Ҳамдам Умаров,

ижроия қўмитаси раиси Аҳмадулла Рустамов, сув ҳўжалиги бошқ — армаси бошлиғи Зикриев, трест бошлиғи Абдусаломовлар билан янги очиладиган ерларни кўриб, зовур — каналлар қурилиши аҳ — воли билан танишиб, бутун Фарғона водийсини, хатто Тожикис — тоннинг Ленинобод вилоятини ҳам сув билан таъминлайдиган, Катта Фарғона канали бошқармасида бўлдим. Унда бошлиқ бўлиб Фах — риддин ака Шамсуддинов ишлар эдилар. Фарғона водийсида одамлар ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, сувни тежаб ишлатиб турганини кўрган эдим.

Тошкент вилояти сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Машраб Турсунов билан Чорвоқ, Оҳангарон, Тошкент сув омборларини, Пар — кент каналида қуриладиган катта Дюкер ва трассада рўй бераёт — ган чўкиш ҳолларини, хатто яқинда қурилган посёлка биноларига ҳам таъсир қилганлигини кўрдим. Келгусида лойиҳачилар ва ил — мий текшириш институтлари бу муаммо устида кўп бош қотири — шига тўғри келган эди. Тошкент шаҳридаги трестимизга Вазир — ликнинг уй — жой ва саноат базаси, Бектемирдаги сувчилар ша — ҳарчаси, мотор заводининг асосий биноларидан бири ва Анҳор каналининг Тошкент телемаркази қуриладиган жойини бетонлаш — тириб, ободончилик ишларини бажариш юклатилган бўлиб, теле — марказ атрофида бажариладиган ишларни ва мотор заводининг қурилишини Ш.Рашидов, И.Г. Анисимкин келиб, бир неча маро — таба йиғилишлар ўтказганда иштирок этдим.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларига бориш менга алоҳида завқ бағишлар эди, вилоят раҳбарларидан бошлаб, деярли барча таш — килот бошлиқлари билан кўп йиллардан буён бирга ишлаганлигим сабабли уларни яхши билар эдим. Обком котиблари Виктор Алек — сеевич Хайдунов, Хабубулла ака Шогазатов, Ислоҳ Султонович Умаров, Ойдин Алибекович Азимбеков, Асқад Шарипович Хаби — буллаев, вилоят ижроия қўмитаси раиси ва муовинлари Эркабой Исломов, Иброҳим Уралович Қўчқоров, Абдуҳолиқ Айдарқулов, Эркин Носиров, вилоят сув ҳўжалиги бошқармасидан Турди Бо — боевлар билан кўп йиллар давомида бирга ишладик.

Вилоятда қурилган каналлар, насос станциялари, гидротехник иншоотлар, барча туманлар ҳудудида қурилган саноат, қишлоқ хў — жалик объектилари менга маълум эди. Туманларда Бегим Сериков, Абдулхай Абдуҳоҳидов, Ҳоликул Худойбердиев, Ахат ака Соиб — назаров, Хўжам Исроилов, Манзур Нишонов, Эркин Қозоқов, Ўқтам Олимов, Муқим Ҳасанов, Босар Тожиев, Иван Иванович Потапов, Неъмат Исроиловлар каби кўп йиллар бирга ишлаган таниш — ларимни учратардим.

Жиззах вилоятида қуриладиган Зомин сув омборида бўладиган ишларни кўриш, жадвал бўйича боришини таъминлаш, район маъ — мурияти ёрдами билан қўшимча кучлар жалб қилиш масалалари юзасидан бориб турардим. Сув омбори унчалик катта бўлмасдан, 50 млн кубометр сув тўплаш учун баландлиги 70 метрлик тўғон қурилиб,

пастки қисмида кичкина гидроэлектростанциясини ишлатиш мўл — жалланган эди. Қурилаётган иккинчи сув омбори Ғаллаорол туманидаги Қоровултепа сув омбори, Зарафшон дарёсининг суви, Эски — Туятортар канали орқали, Булунғур тумани ҳудудидан ўтиб келиб, тўлдирилиши режалаштирилган эди.

Ёдимда, биз трест бошқарувчиси Г.Тюнин билан қурилишга бор — ганимизда қор ёғиб, бўрон натижасида йўллар тамом ёпилиб, ўта олмайдиган бўлиб қолганди. Шу пайтда Исмоил Ҳакимович Жўрабеков келиб, бориш учун самосвал машинасига мени ҳам ўтказиб олиб, ўзлари ҳам бормоқчи бўлди. Кўп ўтмасдан бу машина ҳам қор уюмларида тиқилиб қолгандан сўнг, қолган масофани бульдозер кабинасида ва пиёда юриб, жойдаги аҳвол билан танишгандик.

Самарқанд вилоятида бир сафар Евгений Березиков ва Зоир Жўрабековлар билан биргаликда Булунғур туманида насос станциясини ишга тушириш масалалари билан шугулланган эдим. Яна бир сафар доврўқли хўжалик раиси Жониқул Юсупов билан суҳбатда бўлдим. Зарафшон дарёсидаги Первомайский плотинаси, унда қурилган кўпдан — кўп гидротехник иншоотлар, қурилиши уруш йилларида бошланган ва 900 млн. кубометр сув тўплайдиган Каттақурғон сув омборига бордим.

Бухоро вилоятида бир неча маротаба бўлиб, обкомнинг биринчи котиби Абдувоҳид Каримов ва ижроия комитети раиси Убайдулла ака билан учрашиб, Маликчўл ва Ўртачўл массивларида бошланган ишларни таҳлил қилардик. Бир гал Ш.Рашидовнинг Бухорога аҳволни кўриш учун боришида кўп вазирликлардан мутахассислар билан тўрт кун тайёргарлик кўрган эдик.

Шунда мен А.Каримов кабинети ичидаги хонада стол устида жуда кўп хариталар, чизгилар, справочникларни кўриб, котибнинг масалаларни шахсан ўзлари тайёрлаб, юқори техник савияда қўйишларининг гувоҳи бўлган эдим. Аму — Бухоро канали, ундаги насос станциялар, гидротехник иншоотлар жуда мураккаб муҳандислик маҳорати билан қурилган бўлиб, уни эксплуатация қилиш учун алоҳида бошқарма ишларди.

Навоий вилояти ташкил бўлганидан сўнг, обком котиблари В.П.Есин, Исмоил Жабборовлар билан вилоят ташкилотларини тузиш, бошқа вилоятлардан ажралиб ўтадиган каналлар, насос станциялари, зовурларни ажратиб, буюртмачи дирекциянинг тузилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганган эдим.

Қашқадарё вилоятида Амударёдан 6 та катта насос станциялар орқали Қарши магистрал каналидан сув ичадиган массив, Таллимаржон сув омбори комплексларини яхши билар эдим. Ўшанда Москвадан Сув хўжалиги бўлим бошлиғи Зарубин ва В.И.Сускин билан боргандик. Рузмет Ғойипов жуда тажрибали котиблардан бўлиб, Қашқадарёда 16 йилдан бери ишлаётганлиги учун муаммоларни юқори савия билан кўтариб чиқди. Кейинчалик вилоят сув хўжа —

лиги бошлиғи Мухаммади Рўзиев, трест бошлиқлари Комилжон Амиров, Абдусалом Пардаев ва вилоят партия қўмитаси котиби Хурсанд Тошев иштирокида Шахрисабз, Китоб туманларида сув таъминотини яхшилашга мўлжалланган Хисорак сув омбори қури — лишини кўриб чиқдик, қиш ойлари Китоб довонидан машинада ўтишда катта қийинчиликларга дуч келганман. Ойнадек муз билан қопланган жойларда машинамиз кўтарила олмай қолганда, қўл би — лан ёрдам бериб, шатакка олиб ўтказишга тўғри келган.

Сурхондарё вилоятида фирқа партия қўмитаси котиби Абду — халиқ Каримов, вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абду — халил Намозов, трест раҳбарлари Йўлдош Раҳимов, Эргаш Тожи — ев, Мамаюсуф Холбоевлар билан Амударёдан 100 кубометр сув кўтарадиган Аму — Занг насос станцияси ва энди бошланаётган Тўполон сув омбори қурилиши жадвалини кўриб чиққанмиз. Сўн — гра Сариосиёдан ўтиб Боботоғ массивида ўзлаштирилаётган ер — ларни бориб кўрдик. Тўполон сув омборига портлатиш ва бетонлаш билан дарё бўйи йўллари, кўприклар қурилиб, электр узатиш йўл — лари жуда мураккаб тоғликлар орқали ўтказилаётган эди.

Хоразм вилоятида фирқа партия котиби Мадиёр ака Худой — берганов билан янги очилаётган Тупроқ қалъа массивида иш бош — ланишини кўришга борганимизда, Бухородан эллик минг гектар ва Қорақалпоғистондан юз минг гектар ер олиб, Хоразмга қўшиб бериш масаласида қишлоқларда ҳалқни тўплаб, тушунтиришлар ҳам олиб борилган эди.

Мелиорация ва сув хўжалиги томонидан лойиҳалаштирилган 32 кубометр сувни Амударёнинг ўнг қирғоғига кўтариб, янги ер — лар очиш бўйича дарё ўзанидаги паст текисликларда тузилган тўртта хўжаликка бириктириб қўйилганди.

Ушбу мелиоратив ишлар “Туямўйингидрострой” қурилиш бо — шқармаси (бошлиғи В.Духанин) томонидан олиб борилиб, сув хажми 7,5 млд. кубометр бўлган Туямўйин сув омбори қурилиши, унда ўр — натилган гидроэлектростанция билан биргаликда, ниҳоясига етқа — зилган эди. Туямўйин сув омборидаги Султон — Санжар дамбала — ридаги кум тупроқ ичида девор ҳосил қиладиган машина комп — лекси Украинадан олиб келинган эди. “Северный” коллектори ат — рофидаги ерларни “Хоразмводстрой” трести бажариб, жуда катта хажмдаги ишлар скрепер ва бульдозерлар билан амалга оширилар эди. Трест бошлиғи Й.Худойберганов билан ўша вақтда танишган — дим, ҳозир у Амударёнинг қуйи қисмини бошқариб турадиган катта бошқарма бошлиғи лавозимида ишлайди. Бир сафар Хоразмнинг Орол денгизи бўйидаги Қизилжар массивида жойлашган хўжа — ликларини кўриб келиш учун Тошкентдан учиб бориб, Урганч аэро — портида вилоят сув хўжалиги бошлиғи Ишчанов, дирекция дирек — тори Аллаберганов, трест бошлиғи ўринбосари Бенцманлар билан кутиб турган ЯК — 12 самолётида бориб кўрдим, аҳволни ўрганиб кечки рейсда Тошкентга қайтиб келгандим. Бир кунда тўрт марта

самолёта чиқиб учгандан кейин, айниқса ЯК — 12 самолётининг ово — зидан сўнг, одамнинг боши карахт бўлиб қолар экан.

Туямўйин сув омбори атрофида Хоразм ва Қорақалпоғистон республикаси туманларига тоза ичимлик суви етказиб берадиган катта сув тозалаш иншоотлари қурилиб, минглаб километр темир қувурлар орқали туманлар ва шаҳарларга сув етказиб берилди. Тоза ичимлик суви етказиш учун жуда катта ҳажмдаги иш бажа — рилди. Ана шу пайтда танишган махсус ишлар билан шуғулла — нувчи МКК бошлиғи Машарипов Карим акани бир неча йиллар — дан сўнг Кисловодскда учратиб қолдим. Мириқиб суҳбатлашдик.

Қорақалпоғистон Республикасида олиб бориладиган ишларга Ҳукумат томонидан алоҳида эътибор бериларди. Нукусга бориб обком котиби Қаллибек ака Камолов ва Министрлар совети раиси Марат Тожиевлар билан учрашганимиздан сўнг, сув ирригация, мелиорация ишлари билан шуғулландим.

Министрлар совети раис муовини Юриц ва сув хўжалиғи ва — зири Совкин Жаманкораев билан аввал жанубий, кейин шимолий районларни бориб кўрдик.

"Главсредазирровхозстрой" ва Сув хўжалиғи вазирлиғи томо — нидан ўзлаштирилган Тўрткўл, Беруний, Элликқала туманлари партия қўмитаси котиблари Олимтой Ражабов, Қосим Нуримбе — товлар билан қурилишни олиб боровчи "Югкарақаллакстрой" бош — лиғи Тулли Маткаримов ишлари билан танишдим ва иншоотларини бориб кўрдим.

Шимолий районларда иш олиб боровчи трест бошлиғи Аҳна — заров Худойберган билан асосан мелиоратив насос станциялари — нинг қурилиш ва эксплуатацияда учрайдиган муаммоларини бо — риб кўрдик. У ерда ҳам Жиззахдагидек сув остида ишлайдиган "Капсула" насос агрегатлари ўрнатилган экан.

Вилоятларга борганимда вақт топиб у ердаги тарихий ёдгор — ликлар, бир неча асрлар илгари кўрилган сув иншоотлари қол — диқлари, музейлар билан танишиб турар эдим. Шу тарзда Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларининг архитектура ёдгорликларини кў — риб қилдим, жуда ҳам чиройли, замонавий тарзда қурилган Наво — ий шаҳрини завқ билан томоша қилдим. Республикамиз турли бур — чакларидаги мени қизиқтириб, китобларда ўқиб юрган жойларни кўра олдим.

Бухорога борганда Абу Али Ибн Сино (Авиценна) туғилган қишлоқ — Афшонада музейга кирдим.

Самарқандда Улуғбек ва Амир Темур замонидаги мадрасалар, мақбараларни бориб кўрдим.

Шаҳрисабзда Амир Темурнинг Оқсаройи ва ҳатто кейинчалик топилган, унинг учун тайёрланган, хилхонага ҳам тушдик.

Хива шаҳри тарихи билан танишганда, 1937 йил қатағон бўл — ган, Хоразм ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаган, қариндоши — миз Назирқул Хасановга оид воқеаларни сўриштирдим.

Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида дам олиш куни, кўпчилик ва — зирлар ёки биринчи ўринбосарлар жами 19 киши, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Виктор Константинович Михайлов раҳбарлигида Намангандаги Поп Агросаноат уюшма — сига бориб, қўйиладиган масалаларни ечиб келиш топшириғи билан кетдик. Самолётимиз Фарғона аэропортига қўнганда, вилоят раҳбарлари кутиб олиб, жойлардаги вилоят ташкилотларимиз бош — лиқлари билан кўпайишиб, 3 та "Икарус" автобусида айтилган ман — зилга етиб келдик. Бизни бирлашма маъмурий биносига эмас, бо — шқа бир маданият саройи қошидаги кичик залга таклиф қилиш — ганда масала қўядиган бош директор Аҳмаджон Одиловнинг ўзи йўқ эди. Йиғилишнинг унинг ёрдамчиларига бериб кетган қоғоздаги масалаларни ўқиш билан бошлагандан 15 — 20 дақиқа ўтгандан сўнг, А.Одиловнинг ўзи кириб келиб бир чеккада ўтирди. Бу унинг ва — зирликлардан келган вакилларга бўлган асоссиз равишдаги ишон — чсизлигидан далолат эди. Улар орасида, қишлоқ хўжалик вазири Карим Қодирович Ўркинбоев ҳам бор эди.

Биз бу ердан чиқиб, Андижон вилоятига ўтдик ва учиб келган самолётимизга ўтириб, Тошкентга қайтиб келдик.

Ишда ана шундай қалтис вазиятлар ҳам бўлиб турар эди. Ба — рибир биз қатъий белгилаб олган режани вақтида удалаш учун интилардик.

1983 йил 7 ноябрда Ўрта Осиёда саҳро ерларни комплекс ра — вишда ўзлаштиришни ишлаб чиқаришга татбиқ этганлиги учун бир гуруҳ мутахассисларга техника соҳасида СССР Давлат мукофоти лауреати унвони берилди. Тақдирланганлар сафида мен ҳам бор эдим.

Тақдирланганлар:

1. Зимон Илья Львович — Орттехстрой институти директори.
2. Кан Павел Харитонович — "Главсредазирсовхозстрой" бош — лиги муовини.
3. Клемушев Юрий Иванович — "Қаршистройиндустрия" бош директори.
4. Лихошерстов Геннадий Василье — вич — "Голодносте — пирмонтаж" трестнинг (собиқ) бошлиғи.
5. Сивоконев Па — вел Алексеевич — №16 ПМК бошлиғи.
6. Мажидов Ўриш Ҳамидович — "Жиз — захчўлқурилиш" бош — қарма бошлиғи.



Олий мукофот муборак, дўстларим...

7. Моховиков Владимир Фёдорович — "Иржарсовхозстрой" трестининг бошлиғи.

8. Палванов Джақилик Палванович — "Каракаллакирстрой" трести бошлиғи.

9. Ражабов Бўри — "Бўстонсовхозстрой" трести "2МКК" брига — дири.

10. Ҳақимов Мейли — "Каршипромжилстрой" трести №4МКК бригадири.

Мукофотни Республика фаоллар йиғилишида Давлат муко — фотлари бўйича қўмитанинг илмий котиби Четвериков келиб топ — ширган эди.

Менга Давлат мукофоти лауреати унвони берилганлиги ҳақи — даги хабар "Известия" газетасининг 1983 йил 7 ноябрь сонида босилиб чиқди. Шундан сўнг телефон ва телеграммалар орқали, иш жойимга ва хонадонимга келиб табриклаб, ўз хурсандчилиқ — ларини билдирган дўстларим жуда кўп бўлди. Булар яқин қарин — дошларим, болалиқдан бирга ўсган ва ўқиган дўстларим, талабалиқ давридаги ўртоқларим, кўпгина ташкилотларда ва айниқса, Мир — зачўл ва Жиззах чўлини ўзлаштириш жараёнида ёнма — ён иш — лаган мутахассислар, муҳандислар, шогирдларим, оддий ишчи ва бригадирлар эди.

Шундай табрикларнинг бир нечасини эътиборингизга ҳавола қиламан.

Телеграмма ва телефон орқали келган табриклар:

№1594001 телеграмма: Тошкент шаҳридан Э.Турсунов, Т.Н.По — пова, В.А.Корнилова, Х.К.Абдурахмонова.

№497002 телеграмма: Красноярск шаҳридан Қозоқбой Реим — боев.

№0115 телеграмма: Зомин районидан Ибрагимов Худоёр, Жаб — борқул Бобобеков, Ёрбек Эсоновлар.

№360719 телеграмма: Тошкент вилояти, Бекобод райони, За — фар шаҳридан Ҳолбўта Деҳқонов.

№7807 телеграмма; пахтакордан "Мирзачўлсовхозстрой"дан Эдуард Урадовских.

Янгийўл шаҳар котиби Валентина Теплякова.

Туркменистондан Сеисов Нурмуҳаммад, Маркс Маматмуро — довлар.

Сариосиёдан Исмадиёровлар оиласи, Ўткир ва Назиралар.

Андижондан Обкомнинг биринчи котиби С.Мамарасулов, Э.К — Ибрагимова, Мустафаева Эльнаралардан.

Қирғизистондан, Ҳайдарконда бирга яшаган Одилжон Лати — пов, Ҳамрохон, Низом ака, Дилбар опа, Зоя опа Бикметова, Нус — каев Качкиндан.

Волгоград шаҳридан Е.Герусев ва Е.Харченколар.

Қозғистондан талабалиқда бирга яшаган Жумабек Қаринбоев, Жусуп Рахматуллаев, Пашанай Махановлар.

Озарбайжондан "Милканалстрой" бошлиғи Мазогир Мамедов. Тошкент шаҳридан бирга таҳсил олган дўстларимдан Н.Қўчқ — оров, Ш.Насриддинов, С.Толипов, Вахоб Раҳимович рафиқаси Тўра — хон опалар.

Хоразмдан бирга ўқиган Ж.Қозоқов, Бобожонлар.

Даштобод шаҳридан Умнатқул Орзиқулов, Ж.Насриддинов, С.Хазратқулов, У.Отақулов, А.Назарқулов, Қ.Қувондиқов, М.Қар — шиев, У.Шодмонқулов, Ахматқул Ҳазратқулов.

Ём қишлоғидан Қиличев Исохон тўра, Э.Қосимов, А.Назирқу — лов, Х.Маматқулов, Р.Атабоевлар.

Бу рўйхатни Россиянинг Новгород, Владимир, Иваново, Кис — ловодск, Ленинград, Гатчино шаҳарларидаги танишларимдан, Ар — манистон, Белоруссиянинг Брест шаҳридан, Камышина шаҳарла — ридаги танишларим томонидан табриклаш учун қилинган қўнғи — роқларни ёзиб давом эттириш мумкин.

Айрим табрик телеграммаларини тўлалигича баён қилмоқчиман.

Москва Ҳукумат телеграммаси. Тошкент. "Главсредазирсов — хозстрой". У.Х.Мажидовга.

Мелиорация ва Сув хўжалиғи вазирлиғи коллегияси Сизни Ўрта Осиё саҳро ерларини комплекс равишда ўзлаштириш усулини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича 1983 йилнинг Давлат мукофоти ла — уреати унвонига сазовор бўлганлигингиз билан табриклайди. Сизга саломатлик, бахт ва янги муваффақиятлар тилайман.

Вазир Н.Ф.Васильев.
Тошкент. Телеграмма.

Ҳурматли Ўриш Хамидович, Сизга техника соҳасида Давлат мукофоти лауреати унвони берилганини зўр қувонч билан қабул қилдим. Чин қалбимдан Сизни юксак хизматингиз эвазига берил — ган Давлат мукофоти лауреати унвони билан табриклайман. Сизга сиҳат — саломатлик, узоқ умр, бахт, Ватанимиз равнақи йўлидаги ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Вазир ўринбосари: Эргаш Тожиев.

Исмоил Жўрабков билан муносабатимиз бир оз таранглашиб қолгандан сўнг, мени бошқа ишга ўтишим масаласи Марказком бюросида кўриладиган бўлди. Бу вақт Тошкентда Рашидов ҳам Ҳудойбердиев ҳам йўқ эди. Мен "Ўзглавводстрой" бошлиғи Т.Боймировнинг кабинетига келиб воқеани батафсил айтганимда, у киши Москвадан Министрлар совети раиси Худойбердиевни топиб маслаҳат сўради. Худойбердиев бу ишни хал қила олмаслигини айтиб, фақат Сочида дам олаётган Ш.Р.Рашидов телефон қилишни маслаҳат берди ва у киши билан гаплашдим тез унга қўнғироқ қилмасангиз денгиз соҳилига чиқиб кетишлари мумкин, — деди Т.Боймирзаев. Кейин дарҳол Ш.Р.Рашидовга қўнғироқ қилиб воқеани тушунтириб, мени эртасига ишдан кетишимдан сақлаб қолган эди.

Мен Марказком сув хўжалиги бўлим бошлиғи В.М.Сускин қис — тови остида "Главсрезагирсовхозстрой" таркибидаги Ускунабут — лаш бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлай бошладим.

Бу ташкилотда кўп йиллар ишлаб тажриба орттирган муовин ва бўлим бошлиқлари, В.Бородкин, В.Бочар, В.Шокотько, В.Остро — умов, Н.Ширкиналир билан Главкамиз томонидан қурилиш олиб бориладиган барча катта иншоотларга, йирик насос станцияларига ускуна ва кабеллар етказиб берар эдик.

Қарши ва Жиззах насос станцияларига электродвигатель ва насос агрегатлари юборилиши учун, мен Главка бошлиғи муовини Аҳмад Махмудович Хяхбаев билан Украинанинг Харьков шаҳри — даги турбиналар заводига, Сисерт шаҳридаги "Уралгидромаш" за — водларига бориб, шартномалар тузиб келган эдим.

Свердловскда "Ипатъев уйи" бўлган жойни ҳам бориб кўрдим.

Мен жуда кўп хизмат сафарларида бўлар эдим. Тожикистон — нинг Ленинобод шаҳрида, Қайроққум сув омбори атрофида қури — ладиган насос станциялари, Қирғизистоннинг "Арка" насос стан — циялари, Жиззах ва Қарши насос станциялар каскади шулар жум — ласидандир. "Қаршистрой" бошлиғи Султон Чегебаев, "Каракал — пакирсовхозстрой" бошлиғи Жахсилик Полвонов, "Голодностеп — строй" бошлиқлари Асхат Хабибуллаев, Баҳодир Хоназаров, "Тад — жикцелинстрой" бошлиғи Музаффар Хасанов, "Жиззахстепстрой" бошлиқлари Махмуд Ҳамидов, Хурсанд Тошевлар билан бориб учрашганимда, бир пиёла чой устида, фақат ишдаги муаммоларни ечибгина қолмасдан, Главка системасида олиб бориладиган жуда катта хажмдаги ишлар ҳақида ҳам суҳбатлашар эдик.

Иш илгариги кўламига нисбатан бироз енгил бўлганлиги учун бадий китоблар ўқишга кўпроқ вақт ажратадиган бўлдим ва ку — тубхонамни анчагина бойитиб олдим.

Ўзинг ҳақингда чин ҳақиқатни айтиш жуда мушкул иш.

Чингиз Айтматов.

VI. ЯНА ЖИЗЗАХ ЧЎЛИДАГИ ВА ИТТИФОҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТИМ

1985 йил Тошкентдан қайтиб, Бўстонга "Жиззахчўлқурилиш" бошқармасининг муҳандиси вазифасига ишга келдим. Бошқарма бошлиғи Хурсанд Тошев билан бир неча йил давомида ҳамкор — лиқда иш олиб бордик.

Хурсанд ака илгари Қашқадарё вилоятида сув хўжалиги ти — зимининг барча пиллапояларини босиб ўтган, вилоят раҳбарлиги лавозимида ишлаб, сўнгра Мелиорация ва Сув хўжалиги Вазири — нинг ўринбосари ҳам бўлган. Техника илми соҳасида жуда мала —

кали, ҳавас қиларли даражада одамгарчилик фазилатига эга инсон. Бошқармада энг долзарб ишларда бевосита қатнашардим. Жумладан, Жиззах насос станцияси каскадининг 3—станциясида ишлар жадал олиб борилаётган даврда деярли ҳар куни штаб мажлисини ўтказиб турар эдим. Трест бошлиғи чўл шароитида 30 йилдан ортиқ ишлаб келаётган Алексей Семёнович Куперман эди. Главка томонидан Юрий Арсентьевич Хмелевский доимий вакил қилиб бириктириб қўйилганди. Натижада 3—станцияни ишга тайёрлаш муддатида битказилди. Йил ўтган сайин Жиззах чўлини ўзлаштириш давом этар, янги—янги хўжаликлар очилиб, пахта майдонлари кенгайиб борар, Республиканинг аҳоли зич жойлашган вилоятларидан оилалар кўчиб келиб, чўлқуварлар сафига қўшилиб борар эди.

Андижон вилояти Марҳамат туманидан Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов оиласи билан кўчиб келди. Кейинчалик укаси Тўланбой Дадажонов оиласи билан кўчиб келиб, чўлда ишлаб Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. Улар билан бирга ишлаган дўстлари, қўшнилари, шунингдек, қрим татар йигити, механик—хайдовчи Вели Абдурахмонов оиласи билан кўчиб келганди.

Чўлдаги бир хўжалик номи "Андижон" аталиб, жуда кўп оилалар кўчиб келиб, ўтроқ бўлиб қолдилар, уларнинг фарзандлари, наби—ралари чўлда туғилиб, бу ерни ўз Ватани деб ҳисоблаб, яшаб келаётир. Шунинг каби бошқа хўжаликларга ҳам Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қорақалпоғистон номлари берилган эди.

Самарқанд вилоятида ишлаган, оддий ишчи Пармон Абдураимовнинг барча фарзандлари ҳаётини чўл билан боғлади. Фақатгина ўғли Собир Самарқандда вилоят сув хўжалиғи бошлиғи вазифасида, қизи Малика бошқа соҳада ишлаб, қолганлари Мансур рафиқаси Муслима, Зокир рафиқаси Дилбар, Зофир рафиқаси Олялар билан, сингилларидан Марзия, Розия, Муҳаббат, Раъно, уларнинг фарзандлари, набиралари кўпчилиги чўлдаги шаҳарча—мизда яшаб, меҳнат қилишмоқда.

Ховослик, асли Янгиободнинг Баландчақиридан кўчиб келган Назирқулов Полвонқул ака оддий ишчи сифатида Мирзачўл ўзлаштирилишининг биринчи кунлариданоқ ишладилар. Ўғли Холид рафиқаси Ҳожарой ва фарзандлари (Жаҳонгир, Бобур) билан ПМК муҳандиси, трест ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, "Бўстонсов—хозстрой" трест бошқарувчиси вазифасида, Зарбдорда яшаб ишлади. Бир ўғли Мухиддин рафиқаси Судобахон билан Мирзачўлни ўзлаштириш ишларида қатнашиб, Янгиер ва Жиззах шаҳар ҳокими, Сирдарё ва Жиззах вилоят ҳокими муовини вазифаларида ишлади. Қизлари Насиба Полвонқуловна, кўеви Шухрат ва учта қизи Биллура, Хуршида, Индиралар билан Шароф Рашидов номли 1—ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Буларга ўхшаш оилалар мисолини юзлаб келтирса бўлади.

1986 йил Республика Марказий комитети котиби В.Антонов, И.Х.Жўрабеков билан келиб, Жиззах чўлидаги "Тараққиёт" жамоа хўжалигида ўрнатилган ер ости қувурлари системаси билан та — нишлётган вақтида, менга, "деҳқонлар бу қудуқларнинг оғир қоп — қоғини қандай кўтариб, жўмрақларни очади", деб танбеҳ берди. Мен эса иккала қўлим билан оғир қопқоқни даст кўтариб, "мана бундай очадилар", деб кўрсатдим. Бу борада менга тош кўтариш билан шуғулланганлигим қўл келди.

"Пахта иши", "Ўзбеклар иши" деб бошланган террор бошлиқ — лари Гдлян ва Ивановлар томонидан туман, вилоят ҳатто Респуб — лика раҳбарларини тергов қилиш, ҳибсга олиш рўй берди.

Шу залда "Главсредазирсовхозстрой" бошлиғи бўлиб ишлаган Н.Р.Ҳамраев устида ҳам қора булутлар пайдо бўлган, ишдан чет — латилиб, Қаҳрамон унвони ва мукофотлари бекор қилинди, ҳатто сўроқларга чақирилиб юрди.

Республикада сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация билан шуғулланадиган "Главсредазирсовхозстрой", Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, "Узглаводстрой" йўқ қилиниб, ўрнига бир миллиард сўмдан ортиқ қурилиш монтаж ишлари бажарадиган ягона "Узводстрой" ташкилоти қолдирилиб, бошлиғи вазифасига Эркин Турсунов, ўринбосарлари Тўхтамиш Боймиров, Эргаш То — жиев, Аркадий Нисневич, Ю.Хмелевский, К.Ракитинлар тайин — ланган эдилар.

Мен Кисловодск шаҳрида дам олишда эдим, Ю.А.Хмелевский телефон қилиб, Эркин Турсунов мени янги ташкил бўладиган "Вод — строй" иқтисослаштирилган махсус бирлашмага, раҳбарликка так — лиф қилаётганини айтди.

Мен санаторийдан қайтиб келганимда ташкилот тузилиши ҳа — қида қарор чиқиб, ўринбосарлардан бири вазифасига Владимир Гайкович Габриелянц тайинланиб, менинг бошлиқ бўлиб ўтишим масаласини керакли ташкилотлар билан Эркин Турсуновнинг ўзи келишим қўйган экан.

"Водстрой", бўшаб қолган Мелиорация ва сув хўжалиги ва — зирлиги биносига жойлаштирилиб, унинг таркибига республикада 350 млн сўмлик махсус қурилиш монтаж ишлари олиб борадиган 7 та ташкилотлар киритилган, бошқарув аппаратида ишлаш учун юз киши белгиланган эди.

Мен ўринбосарлар вазифасига илгари бирга ишлаганлардан механизация бўйича Ю.Д.Даукшни, иқтисод бўйича Б.Тўрабеков — ни, махсус ишлар бўйича К.Раимбоевни, УПТКга материаллар билан таъминлаш бошқармасига А.А.Холмуродовларни таклиф қилдим.

Аппаратга асосан 3 та бирлашган ташкилотларда ишлаган му — тахассислар қабул қилинди, улар орасида Ибрагимов, Т.Н.Попова, А.Мўминов, В.А.Карнилова, С.Расулев, Абдурахмонова Халима Қодировна, Орлов, С.Н.Цой каби кўп йиллардан буён ишлаб ке — лаётганлар бор эди.

Бирлашма тасарруфига Тошкент шаҳрида саноат ва уй жой қурилиши билан шуғулланадиган "Промжилстрой" (С.Аюпов), "Промгражданстрой" (С.Филипов) трестлари, республикада дренаж ётқизиш ишларини бажарувчи, "Спецводдренаж" (З.Сиро — жиддинов, Казачков), "Оргтехстрой" (Нечаев Б.К.), махсус ва портлатиш ишлари билан Ўрта Осиё Республикаларининг барчасида шуғулланувчи "Средазспецстрой" (Алимходжаев С.К, Артюнов О.А), электрлаштириш, сантехника, қозонхона, иссиқлик системаси ва газлаштириш каби махсус ишлар билан шуғулланувчи "Ирмон — тажстрой" (Лихошерстов Г.В.) трести, созлаш ва монтаж ишлари билан шуғулланувчи "Спецводмонтажналадка" (Жуков Ю.) кири — тилаган бўлиб, бундан ташқари Россиянинг ноқоратупроқ зонасида иш олиб боровчи "Ивановоирсовхозстрой" (Науменко Ю), "Владимирводстрой" (А.Адамов, М.Пўлатов), "Новгородводстрой" (Филлипов), кейинчалик эса Арманистонда зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам бериш учун махсус ташкилот тузилиб (С.Токов, А.Балаян) бирлашмамиз таркибига киритилган эди.

Болгарияда томчилаб суғориш системаси билан танишиш учун мен, "Ирмонтажстрой" трестимиз бошлиғи Геннадий Васильевич Лихошерстов ва унинг муовини бордик. Томчилаб суғоришни биринчи марта Зомин тумани адирларида САНИИРИ илмий текшириш институтига қарашли "Пославский" номли хўжаликда узумзор ва олмазор боғ ташкил қилинганда кўрган эдим. Болгарияда кўрилган системалар мени ҳайратда қолдирди. Жуда катта майдонларда боғ ва узумзорлар, ҳатто помидорлар ўстириладиган далаalarda ҳам ўрнатилган томчилаб суғориш системалари, сув сарфини кескин камайтириб, шланглар орқали озуқа юборишга имкон яратиб, юксак техник даражада эксплуатация қилинар экан.

София шаҳри, "Олтин қумлар" дам олиш комплекслари, Шипка тоғидаги рус қаҳрамонларига қўйилган ёдгорликларни, Габрово қишлоғини, Болгария тарихига оид кўпдан — кўп жойларни ҳам томоша қилдик.

"Водстрой" таркибига кирган трестларнинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари Марказий Осиёдаги барча республикалар, Қозоғистон, Арманистон ва Россия Федерацияси областларида иш олиб борилганлиги муносабати билан мен бир йилда 170 — 180 кунгача сафарда бўлар, эдим.

Шундай сафарлардан бирида "Правда" газетасида, Москвада собиқ Ўзбекистон Министрлар Совети раиси Н.Ж.Худойбердиев устидан суд бошланиб, ҳоҳлаганлар иштирок этиши мумкин, деган хабарни ўқиб қолдим. Эртасига Москвага бориб, суд бўладиган бинони топиб, бир кун мобайнида залда қатнашиб, қораловчиларнинг саволларига аниқ жавоблар берилиб, қўйилган айбномаларнинг бирин — кетин бекор қилинганлигига гувоҳ бўлганман. Кейинчалик Нормaxonмади ака муддатни ўтаб, қайтиб келганларида, "Сен чақирилмасдан менинг судимга бориб қатнашган ягона инсон эдинг", дегандилар.

Россиянинг Иваново областида "Ўзбекистон", "Дўстлик" деб аталган совхозлар, комплекс равишда ишлаб чиқариш корхоналари, катта теплицалар (иссиқхоналар), қорамол фермалари, қозонхоналар, посёлкалар, уй — жой, мактаб, болалар боғчалари, маданият саройлари қурилиши, ер ўзлаштириш ва унинг мелиорациясини яхшилаш ишлари биргаликда олиб бориларди.

Владимир областида ботқоқ жойларни экин экиладиган майдонларга айлантириш, саноат ва уй жой қурилиши ишларининг боришини жадаллаштириш бўйича тегишли амалий ёрдам ва кўрсатмалар бериш билан биргаликда, шаҳардаги "Гусь Хрустальная" корхонаси, қадимий рус маданиятининг меъморчилигини сақлаб қолган "Суздаль" шаҳри ибодатхоналарини бориб кўрган эдим.

Новгород областига боришда Қозоқбой Реимбоев билан Ленинграддаги танишимиз Ж.Черкашенконинг уйида тўхтаб, Ленинград шаҳрининг тарихий жойларини кўрдик. Новгородда барчаси Тошкент номи билан аталган ташкилотларимиз қураётган совхозларни кўриб, йўл қурилиши ишлари билан танишиб, бу ерда ҳам улкан соборларни, музейлар, тарихий ёдгорликларни томоша қилдик.

Қирғизистон Ўш вилояти Лайлак туманида Арка насос станциялари махсус ишларини бажараётган ташкилотларимизни бориб кўрган вақтимда, Сух сув омбори қурилиши ишлари бошланиб кетган эди. Махсус ташкилотларимиз тоннел қазиб бурғулаш ва портлатиш ишларини олиб борарди.

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида электрмонтаж ишларини олиб боровчи жуда кучли кўчма колонна (бошлиғи Виноградов) бўлиб, ундаги мутахассисларни Ўзбекистонда бўладиган ишларга ҳам жалб қилиб турар эдик.

Туркменистон республикасида Фароб кўчма колоннаси асосан земснарядлар билан Амударёдан Қарши Магистрал канали ва Аму — Бухоро каналининг бош қисмига чўкиб қоладиган қумларни тўхтовсиз равишда қирғоққа чиқариш ишлари билан шуғулланар эди. Бу ташкилотлар ҳозирги кунгача махсус ишларни бажариб келаётир ва янги ташкил топган "Гидромеханизация" (раҳбари Марат Озодов) таркибига киради.

Арманистонда 1988 йил зилзила натижасида катта талофотлар, вайронгарчиликлар бўлганда, "Водстрой" ташкилотимиз қошида Махсус кўчма колонна ташкил қилиниб, ажратилган эшелонга меҳанизмлар, машиналар, қурилиш материаллари ортиб Ахуриан туманига борган эдик. Мен бориб Спитак шаҳридаги вайронагарчиликларни, тўққиз қаватли уйлар 2 қаватли уйдек бўлиб қолганлигини кўрдим. Биз Ахуриан туманининг тўртта совхозини, янги посёлкасини қуриб, харобага айланган уйлاردан кишиларни кўчириб ўтказган эдик. Қурилишда қатнашган кўпгина ишчиларимизга уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида Тошкент шаҳридан квартиралар ажратиб, енгил машиналар берган эдик.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ташкилотимиз бўлиб, "Госкомводстрой" тизимидаги махсус монтаж ишларини, электр, газ, сув, иссиқлик йўлларини, қозонхоналарни, ускуналарни ўрнатиш, насос агрегатларни созлаш, дренаж қувурларини ётқизиш, верти — кал қудуқларни бурғулаш, портлатиш, тоннеллар ўтказиш каби барча ишларни олиб борар эдик. Шу сабабли мен бу давр ичида республикамиздаги деярли ҳамма катта гидротехник иншоотлар, сув омборлари, йирик насос станциялар ва каналларни бориб кўрдим.

Аста — секин республикада вилоятлар, вазирликларни тугатиш, бирлаштириш борасида йўл қўйилган хатолар тузатилиб, ўз ўрнига қайтиб кела бошлади. "Госкомводстрой"га қўшиб юборилган Республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳам ажралиб чиқиб, Гиниятуллин Рим Абдулович Вазир лавозимига тайинланди.

Рим Абдулович — 1943 йил Жиззах вилояти Зомин туманидаги Обручево посёлкасида зиёли оиласида туғилган. Еттинчи синфни тугатиб Тошкентда тоғ техникумини ва Ирригация институтини томонлади. Меҳнат фаолиятини Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигида муҳандислик ишларидан бошлаб, бўлим ва бошқарма бошлиғи, вазир ўринбосари, вазир, республика Госплани раиси ўринбосари вазифаларида ишлаган. Кейинги йилларда Оролни қутқариш халқаро фонди бошқарувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Республика сув хўжалиги сиёсатини ва муаммоларини сир — си — ноатигача биладиган ва доимий равишда таҳлил қилиб юрадиган йирик мутахассислардан бири ҳисобланади.

1990 йили Жиззах вилояти ҳам қайтадан тикланиб, унга раҳбар вазифасига Эркин Турсунов тайинланди.

Эркин Турсунов — 1941 йил туғилган. Институтнинг механика факультетини тугатиб, ишлаб чиқаришда ишлагандан сўнг Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигида, механизация таъминот бўлими бўлимларида муҳандис, бошлиқ бўлиб ишлаб, Марказкомнинг Сув хўжалик бўлими бошлиқ ўринбосари, сўнгра "Главсредазир — совхозстрой" бошлиғи ўринбосари, Қашқадарёда "Қаршистрой" территориял бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаб, Москвага Ўзбекистоннинг Министрлар Советидаги доимий вакили вазифасига ўтган ва қайтиб келиб учта вазирлик бирлаштирилган "Госкомводстрой"да бошлиқ бўлган.

Э.Турсунов ажойиб фазилатли инсон, оиласи ҳам ўзига мос. Қаерга ишга юборсалар бирга кўчиб бориб, фарзандларини тарбиялаб, ҳаётнинг барча аччиқ — чучукларини баҳам кўриб юради — ган аёл. Ҳозирги пайтда Тошкент вилоятида ирригация ва мелиорация ишларини олиб боровчи трест бошқарувчиси бўлиб, чўлқу — варларнинг барча йиғинларида, тўй маъракаларида, юбилейларида фаол қатнашиб юради.

Мен Э.Турсунов билан бирга Жиззах вилоятига қайтиб келдим. Вилоят ижроия қўмитаси раиси Ўктам Олимовичнинг биринчи муовини вазифасига тайинланиб, қурилиш, сув хўжалиги, мелиора —

ция, коммунал, транспорт, алоқа, электр, иссиқлик, газ, ичимлик суви таъминоти ишлари билан шуғуллана бошладим.

Бошқа соҳалар муовинлари Норқул Нушаров, Жўрақул Исроилов, Виктор Пасюта, Гуландом Субхонова, Нажмиддин Умаров, Илҳом Умирзоқовлар билан биргаликда вилоятдаги барча халқ хўжалиги соҳаларида келажакни белгилайдиган, ҳозирги ҳаёт тарзини мослаштириб турадиган, савдо тармоқларини ривожлантиришда, завод, фабрикалар қурилиши ва ишлашида келиб чиқади — ган муаммолар билан шуғулланар эдик.

Бу йилларда Э.Турсунов бошчилигида, пахтачиликда механизациялаштириш кўтарилиб, 93 фоиз ҳосил пахта териш машиналари билан териб олинди. Биринчи марта Тошкентдан студентлар теримга жалб қилинмаган ҳолда, вилоят 364 минг тонна пахта хомашёси топширган эди. Ҳа йилларда вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича Республика Коммунал хўжалиги (Вазир В.К.Михайлов) ва Мелиорацияи сув хўжалиги (вазир Р.А. — Гиниятуллин) вазирликларида бўлиб Зарафшон дарёси ҳавзасидан секундига уч кубометргача, Зомин сув омборидан секундига ярим кубометргача ичимлик сувини келтириш масалаларини ечиб келган эдим. Ушбу ишлардан сўнг қурилишлар бошланиб биринчи навбатдаги аҳоли жойлашган посёлкалар сифатли ичимлик суви — ни ола бошлади. Мен вилоятда олиб борилаётган барча қурилиш ишларини таҳлил қилиб, доимий назоратда ушлаб, штаблар ўтказиб юришимда, зарур материалларни Қурилиш бўлими бошлиғи П.Шукуров, мутахассислар Р.Утяков, С.Субхонқулов, Ш.Низомов, Ҳ.Шукуровлар тайёрлаб беришарди. Кейинчалик П.Шукуров — Жиззах тумани ҳокими, Субхонқулов вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ш.Низомов вилоят нефт маҳсулотлари таъминоғи корхонаси бошлиғи, Ҳ.Шукуров вилоят уй — жой жамғарма банки бошлиғи ва — зифаларига ишга ўтдилар.

Раис Ўктам Зокирович Олимов вилоят ташкил бўлгандан буён масъул раҳбарлик вазифаларида ишлади. Сезиларли ишлар амалга оширилди.

Мен бир гуруҳ мутахассислар, жумладан вилоят таъминот бошқармаси бошлиғи Ўринбой Қўлдошев, вилоят сув оқова корхонаси бошлиғи Муҳитдиновлар билан Тюмень областидаги Сургут газ — нефть ишлаб чиқариш корхоналаридан вилоятимиз учун қўшимча маҳсулот ва материаллар келтириш масалаларини бевосита жойида ечиб келганман. Тюмень жуда совуқ бўлиб, ҳарорати 35 — 40 даражани ташкил этарди.

Вилоятимиз учун муҳим бўлган масалалардан бири алоқа тизимини тиклаш бўлиб, Э.Турсунов бошлиқ, шаҳар ҳокими марҳум А.Соатов, трикотаж фабрикаси директори Э.Пардаев, шаҳар мева — сабзавотчилик бошқармаси бошлиғи Эрназаровлар Иваново об — ластига бориб, вилоятимиз учун муҳим соҳаларни ускуналар, материаллар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиб келган эдик.

Жиззах шаҳрининг ҳозирги Иттифоқ маҳалласида, вилоят мар — Ҳазий туғуруқхонаси қурилишини бошқариб, қурувчиларнинг иш — ларини назоратга олиб, технологик ускуналар билан жиҳозлани — шини таъминлаб, инженерлик коммуникация, қозонхоналар ишга туширилишида иш олиб бордим.

Вилоятимизда ун маҳсулотлари, ишлаб чиқариш тегирмонлари қуввати етмаслиги учун асосан бошқа жойлардан олиб келини — шини ҳисобга олиб Дўстлик туманидаги элеваторда катта тегирмон ишга туширилиши режалаштирилган эди. Мен бу тегирмон қури — лишида деярли ҳар ҳафтада йиғилиш ўтказиб, ишларни муво — фиқлаштириб турар эдим. Бу йиғилишларда Республика Дон маҳ — сулотлар вазири А.Муталов доимий равишда қатнашиб, ускуналар, маблағ билан таъминлаш масалаларини вақтида ечиб берар эди.

Вилоятимизга, илгари Ўзбекистоннинг ҳукумат раҳбари, кей — инчалик Иттифоқ миқёсида ишлаб чет давлатларда элчи бўлиб ишлаган Н.А.Муҳитдинов келганда, Э.Турсунов менга куни билан у киши айтган жойларга боришимни топширдилар. Биз Зарбдор ту — мани ҳокими Абдуллажон Турдиқулов ва Худоёр ака Латиповлар билан аввал Сирдарё вилояти Боёвут районида очилган Усмон Юсупов музейини бориб кўрдик, Нуриддин Акрамович билан фаҳрий меҳмонлар китобига дастхат ёздик.

Шундан сўнг жиззахлик машҳур Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Носи — ровнинг қабрини зиёрат қилиб, Ш.Рашидовнинг қайтадан ўрна — тилган бюсти олдига бордик. Мен Нуриддин акага, нега Сизни Хурушчев Москвага ишга чақиргандан кўп вақт ўтмасдан ишдан бўшаб кетган эдингиз, Ўзбекистонга ўз вақтида қайтиб келишингиз учун тўсиқлар бўлганми, мазмунидаги саволлар билан мурожаат қилган эдим. Кўпчилик воқеаларни кейинчалик батафсилроқ Му — ҳитдинов ёзиб чиққан "Кремлда ўтган кунларим" китобидан ўқиб билдим.

1992 йил Шароф Рашидовнинг туғилганига 75 йил тўлиши му — носабати билан, уни нишонлаш борасида вилоятимизда, айниқса Жиззах шаҳримизда жуда катта қурилишлар бўлиб, меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўрилган эди.

Ш.Рашидов музейи ташкил этилганда мен шахсий архивларим — дан Жиззах чўлига келган вақтларида олинган фотосуратларни тақдим эдим, улардан уч донаси экспонатлар орасига қўйилган.

Юбилей тадбирларини ўтказиш тантанасига Қозоғистоннинг раҳбари Динмуҳаммед Аҳмедович Кунаев, бошқа республикалар вакиллари, Министрлар Совети раиси Нормаконмади Жўраевич Худойбердиев, Бектош Раҳимов, Отамурод Муҳаммадиев, барча ви — лоятларнинг ҳокимлари ва делегациялари, Ш.Рашидов билан бирга ишлаган фаҳрийлар, вазирликлар вакиллари таклиф қилиниб, тан — танада Ўзбекистон Президенти, Шароф Рашидовнинг номи тикла — нишида катта хизмат қилган Ислон Абдуғаниевич Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ш.Рашидовнинг номи қораланган йилларда жойидан кўчириб ташланган, архитектор Шапиро томонидан жуда маҳорат билан яратилган бюст, қайгадан "Ўзбекистон" меҳмонхонаси олдидаги майдонга ўрнатилди.

Сувни ҳақиқатан қадрловчилар, суви кам бўлган жойларда яшайдиган кишилардир.

Алишер Навоий.

VII. ВИЛОЯТЛАРАРО "МИРЗАЧЎЛ" БИРЛАШМАСИДАГИ ФАОЛИЯТИМ

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил бўл — гандан сўнг, бирин — кетин М.Жуманиёзов, И.Жўрабеков, Муҳит — динов, И.Олимов, Б.Олимжонов, Т.Холтаев, Н.Юсупов, А.Жўраев ва С.Бегалиевлар вазир лавозимида ишладилар. Вилоятларда Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташкил топиб, бошқарма бошлиғи айна вақтда вилоят ҳокимининг 1 — муовини вазифасида ишлай — диган бўлди.

Жиззах вилоятида бу лавозимда Абдусайдов, М.Т.Анорбоев, Андаев, У.Яманқулов ва Р.Есенқуловлар ишладилар. Сув ишлари ва мелиорация билан шуғулланувчи бошлиқ эса бошқарма бошлиғи — нинг ўринбосари вазифасига ўтказилди. Бу вазифада З.Исоқулов, М.Тўраев, И.Куйлибоев, М.Холбўтаевлар ишлади. Қишлоқ хўжа — лиги билан шуғулланувчи бошлиқлар соҳалар бўйича муовинла — рига турлича муносабатда бўлишлари оқибатида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган малакали ирригация ташкилотчилари са — фида кадрларни йўқотишлар кўп бўлди. Йиғилишларимизда кў — пинча Мусо Анорбоевга қаерда, қандай чуқурликда дренаж қувур — лари қўйилганлиги, ёпиқ ва очиқ коллекторлар қаерлардан ўтиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатига уларнинг қандай таъсир қили — шини айтиб юрганимдан, ҳазиллашиб мени "вилоят мелиорация — сининг отаси", — деб юради.

1992 йил вилоят партия қўмитаси ва ижроия қўмита Кенгаши, кейин ҳокимликлар ташкил топди. Вилоят ҳокимлигида қурилиш ва саноат бўйича бошқа ўринбосар тайинлангандан сўнг, мен етти ой вилоят ҳокими маслаҳатчиси вазифасида ишлаб, сўнгга Зарб — дор тумани Бўстон посёлкасида, Республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазири Р.А.Гиниятуллиннинг таклифи билан янги таш — кил этилган Вилоятлараро "Мирзачўл" бирлашмасининг бош ди — ректори лавозимига тайинландим. Бу менинг фаолиятимда тур — тинчи марта янги ташкил бўлган ташкилот раҳбари бўлиб иш бош — лашим эди.

1993 йил охирларида Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва "Главсредазирсовхозстрой" тизимидаги Буюртмачилик ва Гидро — техник иншоотларни эксплуатация қилиш тармоқларини бирлаш — тириб, Мелиорация ва сув хўжалиги тасарруфига ўтказиш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинди. "Главсредазирсовхозстрой" тарки — бида Қарши магистрал каналлари, 7 та насос станциялар каскади, Сирдарё ва Жиззах вилоятларини сув билан таъминлайдиган Жа — нубий Мирзачўл канали ва Жиззах насос станциялар каскади, йирик сув омборлари ва қурилиш дирекциялари мавжуд эди.

Шу муносабат билан Вазир Гиниятуллининг буйруғига биноан Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида қуриладиган иншоот — ларга буюртмачи вазифасини ва насос станциялар каскадини, сув узатадиган каналларни эксплуатация қилишга мўлжалланган таш — килот, Вилоятлараро "Мирзачўл" бирлашмаси тузилди. Бирлашма "Ўзсувтаъмирфойдаланиш" бошқармаси таркибига киритилди. Унинг бошлиғи вазифасида кўп йиллар Л.Муҳамедназаров ишлаб кел — дилар ва кейинги йилларда Р.Сиражитдинов бошқармоқда.

Бирлашма Зарбдор туман, Бўстон посёлкасида жойлашди. Бир — лашманинг Низоми ва штат жадвалини тузишда Мубошир Аъза — мов, Генкин, Тамара Валентиновна Ласкарёва, Ёдгор Сабитовлар жуда катта ёрдам берган эдилар. Бирлашма таркибига кирган Сир — дарё вилоятининг Янгирер шаҳридаги насос станциялар бошқар — маси (бошлиғи Юрий Андреевич Колесников, бош муҳандис Вла — димир Кучменко) ашпарат ходимлари деярли барчаси русийзабон ишчи — хизматчилардан иборат эди. 1 — насос станция бошлиғи Ан — дрюшенко, 2 — насос станция бошлиғи Ю.К.Демченко, монтаж уч — тасткаси бошлиғи Байгузин, таъмирлаш участкаси бошлиғи Ю.Ро — манов, фаҳат 3 — насос станцияси бошлиғи ўзбек йигити Шомай — рамов эди.

Албатта, биз биринчи навбатда маъсул лавозимларга саводли, ҳаракатчан маҳаллий ёшларни танлаб, тарбиялай бошладик.

Бир гуруҳ русийзабон муҳандислар яшаш жойи ўзгариб, ишдан кетиб қолган вақтда, уларнинг ўрнига маҳаллий миллат вакилла — ридан тайинлаш жараёни анча қийинчиликни юзага келтирди. Бу — нинг учун техник ўқишлар ташкил қилиш, малака ошириш курс — ларига юбориш, шартнома асосида олий ўқув юртлиари қошидаги ўқув марказларига зудлик билан маҳаллий миллат ҳодимларимизни ўқишга жўнатишга тўғри келди.

Бирлашма таркибидаги иккинчи ташкилот — Сув тармоқлари бо — шқармаси Бўстон посёлкасида жойлашиб таркибига Тошкент ви — лояти Бекобод тумани, Сирдарё вилояти Ширин шаҳри, Зомин ва Зарбдор туманлари ҳудудидаги ДМ — 3 канали системасида экс — луатация ишлари киритилган бўлиб, деярли барча инженер — тех — ник ходимлар ва бошлиғи С.Эгамқулов маҳаллий миллат вакилла — ридан иборат эди.

Учинчи ташкилот хўжалик ҳисобидаги участка бўлиб, Дашто — бод шаҳрида жойлашган эди.

Бирлашма аппарати ҳодимлари эса асосан Бўстон, Зарбдор шаҳарчаларида яшайдиган, аввал буюртмачи ташкилот ва "Жиз — захчўлқурилиш" территориал бошқармасида ишлаган хизматчи — лардан ташкил топди.

Дастлабки даврдан ишга келган ишлаб чиқариш бўлими бош — лиқ муовини Насим Нарзуллаев бирлашма бош муҳандиси вази — фасига ва кейин Арнасой насос станциялар каскадини ишлатиш бошқармаси бошлиғи вазифасига кўтарилди. Оддий муҳандис бў — либ иш бошлаган Камолитдин Шодиев ишлаб чиқариш бўлими бош — лиғи вазифасига кўтарилди.

Механизациялашган кўчма колоннада ҳисобчи бўлган Фулом Алимов бирлашма бош бухгалтери, иш юритувчи Света Бикметова ишлаб чиқариш бўлимида, иш ўрганишга келган Ёрқин Дониёров етакчи ҳисобчи, кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида иш бошла — ган Дилором Ҳатамова ўрнида эса Ҳусния Ўтамуродова ишлаб кел — моқда. Кўп йиллардан буён бошқармада Бугунбоев Дониёр, Хўрозов Ҳайдар, Исахонов Маҳмудхон, Дониёров Илҳом, Алимов Усмон, Ғ ойибназаров Шерназарлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Бошқ — армамизда турли йилларда ишлаган Убайдулла ва Неъматлар ме — ханизациялашган кўчма колонна бошлиғи вазифасига кўтарилишди. Акжолов Норқул Сирдарёга, Абдуллина Роза ва Дилором Ҳатамова Тошкент шаҳрига, Булатова Фая ва Просянка Надя, Картушинлар Россияга, Вали Назаров вилоят пахта банкига ўтиб ишламоқдалар.

Кейинги йилларда бирлашмамизга Тожикистоннинг Суғд (илгариги Ленинобод) вилоятида Қайроққум сув омбори, Маҳрам насос станцияларида олиб борилаётган ишларга буюртмачилик вазифаси топширилди.

Пудрат ишларини Тошкентдаги СУ "Гидромеханизация" (бош — лиғи Марат Озодов) земснарядлари ёрдамида каналларни тозалаш ишларини, Маҳрам — 0 насос станцияси қурилиш монтаж ишла — рини эса, Фарғона вилоят Қўқон шаҳрида жойлашган Шорсу кўчма колонна (бошлиғи Комилов Баҳодир, Шокиров Рашидхонлар) олиб бормоқдалар.

Қайроққум сув омборига 3,4 млрд. кубометр сув йиғилиб, унинг ярми чиқарилгандан сўнг, қирғоқларида жойлашган айрим насос станцияларига етарли сув келмасдан, бошқа сув чиқаролмай қолар эди. Бу эса Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида айни хаво — нинг иссиқ, июль — август ойларига келиб, кескин сув танқисли — гига олиб келар, бундай аҳвол Қозоғистоннинг Ёттисой районида ҳам содир бўлар эди.

Ташкилотимиз томонидан ҳар йили 250 — 300 миллион сўмлик то — залаш ишлари бажарилгандан сўнг, йилига қўшимча 800 — 900 мил — лион кубометр сув чиқариш имконияти туғилди. Бу ўз навбатида пахта далагарига сугориш учун бериладиган сув миқдорини кўпайтирди.

Бундай ишларни ташкил қилиш учун ёзда ҳар ойда Респуб — лика сув хўжалиги вазирлари (Ўзбекистондан Абдурахим Жалолов, Тожикистондан Қохиржон Назиров, Қирғизистондан Бекболотов, Қозоғистондан Қипчақбоев) учрашуви бўлиб, барчасида иштирок этиб тураман. Йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказиш борасида Ле — нинобод вилоят сув хўжалиги бошлиғи Ҳайрулла Мухитдинов, унинг муовинлари Абдулатиф ва Саидқосим, ҳамда Конибодом райводхоз бошлиғи Зарифжонлар сидқидилдан хизмат қилади.

Улар билан қадрдонлардек бўлиб, юзага келадиган барча му — амоларни ижобий ҳал қилиб келяпмиз. Сурункасига уч йил 1999 — 2001 йиллар қурғоқчиликдан кескин сув танқислиги вужудга ке — либ, республикамизда барча вилоятларда бўлганидек, Жиззах ви — лояти ва айниқса Жиззах туманида оғир вазиятни юзага келтирди.

Жиззах сув омборига йиғилган сув август ойига келиб тамоман тугаб қолаверди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги (ҳоким Ш.М.Мирзияев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан, 3 — насос станциясидан кўтариладиган сувнинг бир қисмини ДМ — 3 канали орқали Жиззах сув омборига тушириш учун маблағ ажратиш ма — саласини кўтарди.

Бир йил ичида механизмлар ёрдамида бир миллион кубо — метрдан кўпроқ ер ишларини бажариш, 5 та автомобиль кўприк — лари, 6 та катта гидротехник иншоот, 6 та сувни ер остидан ўтка — задиган дюкерлар, 66 метрлик сувни пастга туширадиган сув ин — шооти, катта миқдорда бетон ишлари бажарилиши лозим эди. Қури — лиш штаб бошлиғи А.Илашев эди.

Илашев 1943 йилда Пишағар қишлоғида тузилган, Сирдарё вилоятида хўжалик раҳбари, вилоят ёшлар қўмитаси биринчи ко — тиби, вилоят Сельхозтехника бошқармаси бошлиқ муовини, иж — роқўм раиси ва райком котиби бўлган. Охириги йиллар ўз тўғилган жойига келиб раҳбар вазифасида ишлади, кейин вилоят қишлоқ хўжалик илмий марказига раҳбар бўлди.

"Жиззахводстрой" трести (бошлиғи Алиқулов, бош муҳандис Миржалилов) унинг барча қуйи ташкилотлари МКК — 1 (бошлиғи Юсуф Очиров), МКК — 2 (бошлиғи Ҳосилмурод Аҳмедов) МКК — 34 (бошлиғи Маҳмуд Назирқулов) МКК — 23 (бошлиғи Бахтиёр Ўта — шев) МКК — 21 (бошлиғи Мурод Мажидов) жалб қилиндилар. Бундан ташқари йўл қурилиш бошқармаси (бошлиғи Мирза Амалов, бош муҳандис Маъруф Эрхонов) "Зарафшонводстрой" (бошлиғи Зокир Парманов) "Жиззахчўлқурилиш" (бошлиғи Баҳром Каримов, бош муҳандиси Равиль Абдуллин), ХАТП — 4 (бошлиғи Маҳмуд Ғофу — ров) ташкилотлари ҳам иш олиб борди.

Қашқадарё вилоятидан Қарши "Зовурқурилиш" трестига қарашли МКК — 23 (бошлиғи Мэлс Амирқулов, участка бошлиғи Улаш Алиқулов), Сирдарёдан МКК — 38 механизаторлари, ХРУ — УОС (бошлиғи Цалько Леонид Адамович), АТК — 6 (бошлиғи Ўразбой

Жумаев), УМС (бошлиғи Босим Эргашев) ташкилотлари кечаю — кундуз иш олиб бордилар.

Штаб ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат Маслаҳатчиси Жўрабеков, Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирининг ўрин — босарлари Жалолов, Нисевич, бошқарма бошлиғи Султонмурод Зияев, вилоят ҳокими Шавкат Мирзияев ва унинг ўринбосари Убайдулла Яманқулов, Зарбдор, Жиззах, Зомин туманлари ҳоким — лари Т.Исмоилов, К.Қобилов, П.Шукуров, Э.Абдуолимовлар қат — нашиб, яқиндан ёрдам берган эдилар. Қурилишда уюшқоқлик би — лан қиш ойларида ҳам иш ташкил қилиш натижасида, 22 км узун — ликдаги канал қазилиб, Жиззах сув омборига сув берилди.

Жуда кўп қурилиш қатнашчилари ҳокимликнинг, вазирликнинг Фаҳрий Ёриқлари, қимматли совғалар билан тақдирландилар.

Етти киши "Сув хўжалиғи аълочиси" унвонини олишга муваф — фақ бўлди, булар Турғун Ғаниев "Зарафшонводстрой" экскава — торчиси, Рисқул Мулдонов МКК — 23 скреперчиси, Ҳосилмурод Аҳмедов МКК — 2 бошлиғи, Леонид Цалько — участка бошлиғи, Ик — ром Мажидов — Суғориш тармоқлари бошқармаси бош муҳанди — си, Дониёр Бутунбоев — вилоятлараро "Мирзачўл" бирлашма му — хандиси, Маъруф Эрхонов йўл қурилиш бошқарма бош муҳандиси.

Атоқли Давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов Мир — зачўлни ўзлаштирувчилар ҳақида шундай ёзган эди. "Ўзбек ҳалқ — ининг бошқа миллат вакиллари билан жипс ҳолда кўрсатган ажойиб меҳнат ғалабаларидан бири Мирзачўлни забт этганлигидир. Биз жонсиз воҳа бўлган Мирзачўлни яхши биламиз, уни юз йиллар мобайнида инсонлар четлаб ўтишни афзал кўрганлар. Ҳозир бу ерларда обод посёлкалар, кўркам замонавий шаҳарлар, ажойиб хўжаликлар қад кўтарди. Мирзачўл энди ишлаб чиқаришга ян — гиликлар киритиш лабораториясига айланиб қолди".

Ҳақиқатан ҳам Мирзачўлда ирригация қурилишида янгилик — лар яратишда, юксак механизация технологиясини татбиқ этишда улкан ютуқларга эришилди. Шу ўринда мен "Джизакская правда" гезетасида босиб чиқарилган "Чўлга машиналар ҳужум қилмоқда" мақоламда ҳам тўхталган эдим:

"Мирзачўл" ва Жиззах чўлини ўзлаштириш, пахтачиликда юксак механизациялаш усуллари татбиқ этиш, ерларни комплекс ра — вишда ўзлаштириш ва қурилиш олиб боришдаги асосий омиллар — дан бири, бу ишга мамлакатимиздаги илмий текшириш институт — ларининг йирик олимларини жалб қилиш, илмий — техникавий про — грессив янгиликларни дадил ишлаб чиқаришга жорий қилишдир.

Фақатгина илгари бажариладиган темир, бетон ариқ (лоток) ларни ўрнатишда ораларига қуйиладиган, қизитилган битум мас — тикаси ўрнига параизолнинг ишлатилиши меҳнат унумдорлигини бир неча марта оширди ва эксплуатация хусусиятларини яхши — лаш имконини беради.

"Оргтехстрой" трести томонидан ишлаб чиқарилган, лотоклар



Ватанга интиқ нигоҳ (Кисловодск, 1999 йил)



Хонадоним бекаси Ҳурриятхон билан.



Ёзувчи Шухрат дилкаш суҳбатдош эди.



Рауф Парфи хонадонимиз меҳмони.



*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
академик Эркин Юсупов билан.*



Зоминда шеърят кунлари. Ҳалима Худойбердиева ва Шарифа Салимова.



Ноз-неъматлардан баҳам кўрайлик.



*Республика ёш ижодкорларининг «Зомин мактаби»
йиғилишининг очилиши.*



Назм гулшанида мушоиралар.



Ўригидан данаги ширин... (Набирим Абдуҳамид)



Бўстонда мусиқа мактаби очилди.



Абдулла Орипов набираларим даврасида.



Ойлағыз жамул-жам.



Шоир бобо ижодидан (Азим Суюн таширфи)



Онам руҳи шод бўлсин.



Менинг азиз синфдошларим. ("Болалар" ва "Қизлар")



Ш.Рашидов янги шифохона очиштида.



Китобларим - хазинам.





Мустақиллик тантаналари нашидаси.



Мелиораторлар йиғилишидан хотира (Москва, 1981 йил).



Отам номидаги зиё маскани.



*Ём қишлоғидаги ёдгорлик
пойида укам Эргаш
билан.*



Жиззах насос станцияси - бунёдкорлик иншооти.



Оби ҳаёт томирлири...



Тўғонлар қудрати инсон измида.

сув йўлида ишлатиладиган, йиғма уч томонлама темир бетон мос — ламалари, қурилишда ишлатиладиган конструкциялар илгариги ер остига кўмилиб ўрнатиладиган сув ўтказгичларини анча содда — лаштирди, ихчамлаштирди, арзонлаштирди.

Сув ўтказиш қобилияти секундига икки кубометрдан ортиқ кў — тарма тупроқ каналларда бетон ва плёнкани бирлаштириб ўрна — тиш, сувнинг сизиб йўқолишини бир неча марта камайтирди. Бу усулда каналга юпқа полиэтилен плёнка чоклари бирлаштирилиб тупроқ устига ётқизиilib, устига йиртилишига йўл қўйилмайдиган, қуёш нурларидан сақлайдиган йиғиқ темир бетон плиталари қўй — илади. Бу янгилик ишларнинг кечаю — кундуз олиб борилишини, унумдорликнинг бир неча маротаба кўтарилишини, иқтисодий са — марадорликни сезиларли даражада ошириш имконини берган эди.

Шу билан бирга САНИИРИ ва "Промстройматериал" трести билан ҳамкорликда, уланган жойларини ўзини — ўзи зичлайдиган темир — бетон плиталари ишлаб чиқиш ҳам бошланган эди.

ВНИИГИМ институти билан биргаликда, "Джизакстепстрой" нинг ихтирочилари, дренаж қувурларни траншея қазилмасдан гоф — рали полиэтилен трубаларини ер остига йирик механизмлар ёр — дамида чуқурликка ётқизиш усулини ҳам ишлаб чиқаришга татбиқ этди. Бу услуда БДМ — 301 А машинаси билан иш бажарилиб, қўл кучи билан қилинадиган ишларни батамом тугатади, иш бажариш муддати бир неча маротаба камайтирилади, энг қийин геология қатламида, ҳатто ер ости сувлари сатҳи жуда баланд бўлганда ҳам ишлаш имкониятини беради. 1978 йили шундай усул билан 80 ки — лометрдан кўпроқ ёпиқ ётиқ дренаж қурилди.

Доимо янгиликка интиладиган муҳандис Виктор Моисеевич Вейсманов бошлиқ бўлган ГСКБ — конструкторлик бюроси томо — нидан такомиллаштирилган ЭД — 3 — ОА маркадаги дренаж ётқи — задиган машина ёрдамида эса керамика трубалари ётқизиilib бирданига қум қатлами билан ёпиб кетиш имкони яратилди.

САНИИРИ эса полиэтилен трубаларини ер қаърида торгина ариқча ҳосил қилиш йўли билан ётқизадиган машиналар ишлаб чиқа бошлади.

Умуман Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Главсреда — зирсовхозстройда кадрларни техник жиҳатдан малакасини оши — риш бориш юксак даражада ташкил қилинган эди. Бундай малака ошириш ўқишлари Киев шаҳрида Чеботков раҳбарлигидаги, Бело — руссиянинг Пинск шаҳридаги "Главполесеводстрой" тасарруфи — даги, Тожикистоннинг Ўратепа шаҳридаги ўқиш ва дам олиш уй — ида ташкил қилинган бўлиб, у ерга борганлар ўқишларда техник маҳоратларини ошириш билан бирга, бир — бирларига ўзларидаги янгиликларни айтиб, илмларини мукаммаллаштириб келар эдилар.

1999 йил 19 август куни, пахта суғориш авжига чиққан вақтида Жиззах 2 — насос станциясини, босимли темир қувурининг ёрилиб кетиши натижасида тамоман сув босиб, тўлдирган эди.

Барча ускуна, электродвигатель ва трансформаторлар, 10 ки — ловольт кучланишдаги кабель ва электртехник ускуналар, юқори босимли рессивер, қувурлар, уларнинг мой билан тўлдириладиган қисмлари, насос агрегатлари, 5 ва 12 минг квт қувватдаги синхрон двигателлар сув остида қолиб кетди. Эртасигаёқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жалолов бошлиқ шатб тузилиб, Республиканинг барча йирик насос агрегатларини ишлатадиган вилоятлардан мутахассислар, моддий — техника ре — сурслари жалб этилди.

Штаб бошлиғи Жалолов Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетини гидрогеология соҳасида битириб вазир — нинг биринчи ўринбосари даражасигача кўтарилди, юксак одам — гарчилик хусусиятига эга, олижаноб инсон сифатида ҳурмат қозон — ган саводхон раҳбардир. Ўрта Осиё Республикалари сув хўжали — гидаги мутахассислар, вазирлар орасида мавқеи юқори бўлиб, ўзи — нинг ҳозиржавоб — ҳазилкашлиғи билан бошқалардан ажралиб ту — ради.

Штаб ишига доимий равишда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев, унинг муовини Х.Андаев, туман ҳокимлари Т.Исмоилов, Соилназаровлар яқиндан ёрдам бериб турардилар.

Натижада, Тошкентдан чақирилган йирик мутахассислар ёр — дамида, кечаю — кундуз тинимсиз бажарилган ишлар ҳисобига, 10 кун ичида электродвигатель ва трансформаторларни қуришиб, ишдан чиққан қисмлар алмаштирилиб, зудлик билан сув чиқариб ташла — ниб, насос станцияси ишга туширилган эди.

"Мирзачўл" бирлашмамизда 500 дан ортиқ ишчи — хизматчи — лар бўлиб, уларнинг дам олишлари учун Зомин тоғларида жой — лашган Ўриклисойда унчалик катта бўлмаган оромгоҳ ташкил этдик. Ёз ойлари навбат билан 20 — 25 киши гуруҳ бўлиб, деярли барча ходимларимиз дам оладиган бўлишди. Бирлашмамизда ишчи хо — димларни навбат билан Самарқанд вилоятига Имом ал — Бухорий мақбарасига зиёратга юбориб турдик.

Жиззах вилояти ташкил бўлган 1970 йилдан қарийб 30 йил мабойнида 9 киши раҳбар (илгари обкомнинг 1 — котиби) вазифа — сида ишлаган бўлса, барчасини яхши билганим, бирга ишлаганим учун, улар ҳақида менга таниш бўлган маълумотларни қисқача қилиб бўлсада ёзишни лозим топдим.

Вилоятнинг биринчи раҳбари Саид Мамедович Тоиров, Оққўр — ғон район раҳбарлигидан келган, қрим — татар миллатига мансуб, қишлоқ хўжалик жараёнини яхши биладиган ташкилотчи раҳбар.

Мен аввал "Дўстликсовхозстрой" трести бошлиғи, кейинчалик "Жиззахчўлқурилиш" территориал бошқарма бош муҳандиси ла — возимида вилоят миқёсида бўладиган барча йиғилишлар, бюро мажлислари, ишлаб чиқариш жараёнларида С.М.Тоиров билан уч — рашиб, қатъият билан қўйган талабларининг бажарилишини на — зоратга олиб боришига гувоҳ бўлганман.

Иккинчи вилоят раҳбари Тўхтамиш Боймиров ерларнинг ме — лиоратив ҳолатини яхшилаш, ўзлаштириш жараёнини жадаллаш — тириш, ниҳоясига етмай қолган қурилишларни битказиш ишла — рига катта аҳамият бериб ишлади.

Вилоят асосан янги ўзлаштирилган ҳудуддаги районлардан таш — кил топган ва ҳар бир хўжалик раҳбари, даладаги аҳвол, муам — молар ипидан игнасиғача маълум бўлгани учун Тўхтамиш акага бу масалаларни Ҳукуматга чиқиб ҳал қилишда асқотар, ҳал бўли — шида енгилликлар туғдирар эди.

Кейинги вилоят раҳбари Хабибулло Абдумажидович Шогаза — тов, жуда ёшлигидан нуфузли лавозимларда ишлаган, 30 ёшга кир — масдан вилоят ижриоя кўмитаси раиси муовини бўлган, Вазирлар Маҳкамасида ва "Қаршистрой" ташкилоти бошлиғи бўлиб ишла — ганлиги катта тажриба берган, кўп йиллар Республика вазири, "Ўзбекгидроэнергострой" бошқарувчиси бўлган, ўта саводли иш — билармон эди.

Ислом Султонович Умаров Сирдарё вилоят раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланган, чўл шароитида иш юри — тиш усулларини аъло даражада билар эди.

Зарбдор билан Даштобод шаҳарлари оралиғида катта ўзбек тракти автомобиль йўлининг иккала томонида мевали дарахтлар экишни ташкил қилиб, бу ишга ҳашар сифатида барча районларни, ишчи — ларини жалб этган эди. Боғлар ҳозирғача мева бериб турибди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бирлаштирилиб, унга раҳбар вазифасига Клепиков тайинланди. Клепиков раҳбарлиги вақтида биронта ҳам эсда қоладиган, халққа хизмат қиладиган, ишлаб чи — қаришнинг қайсидир соҳасига ёрдами тегадиган, қандайдир иж — тимой масалаларни ҳал қиладиган иш қилинмаган эди.

Вақт ўтиши билан вилоятларнинг бирлашганлиги ўзини оқла — магани сабабли, Жиззах вилояти қайтадан алоҳида бўлиб, унга раҳбар вазифасига Эркин Турсунов тайинланди.

Бу даврда катта қурилиш ишлари амалга оширилиб, Шароф Рашидовнинг туғилганлигига 75 йил тўлиши муносабати билан унинг номи тикланишига бағишлаб, гайёргарлик ишлари ва қури — лишлари олиб борилди. Мен бу вақтда вилоят ижриоя кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлар эдим.

Навбатдаги вилоят ҳокими Мирзияев Шавкат Миромонович Зо — минда туғилган, ТИИМСХда таҳсил олиб, ўша масканда комсомол, партком котиби лавозимларида ишлаган.

Ҳали 40 ёшга тўлмаган Шавкат Мирзияев ҳокимлик вазифасида иш бошлашданоқ, тажрибали мутахассислар ва истеъдодли ёшларга таянади. Булар орасида А.Исроилов, У.Яманкулов, С.Умаров, Б.Узо — қов, Э.Солиев, У.Азимов, Э.Абдулоимов, Р.Есенқулов кабилар бор.

Ёшлик шижоати, яхши ташкилотчилик хусусиятига эга бўлган, ҳаракатчан раҳбар вилоятга янгича иш усулини кирита бориб, кўп соҳаларда муваффақиятларга эришди. Жумладан: шаҳар қурили —

ши кўлами, Форум мажмуаси, троллейбус ҳаракати йўлга қўйи — лиши, Хотира майдони ташкил этилиши, ДМ — 3 канали орқали Жиззах сув омборига сув тушиши таъминланиши, Зомин оромго — ҳида анъанавий республика ёш ижодкорларининг кўрик танлови ҳар йили ўтказилиши йўлга қўйилишида, вилоят Маънавият ва маърифат маркази фаолият кўрсата бошлашида, Тез ёрдам тиббий маркази иш бошлашида, Жиззах марказий ўйингоҳи реконструк — ция қилинишида Мирзияевнинг хизматлари катта бўлди.

Вилоятнинг тўққизинчи раҳбари Убайдулла Яхшибоевич Яма — нкулов Ғаллаоролда туғилган. Жиззах қишлоқ хўжалик механиза — цияси ишлари уюшмасининг раҳбарлигида, Пахтакор туман ҳо — кими, сўнгра вилоят ҳокимининг биринчи муовини вазифаларида ишлаб тажриба тўплаган.

Вилоят ҳокими вазифасида иш бошлагандан сўнг, Арнасой па — сттекислигида, учта туманда сув тақчиллигини юмшатишга мўл — жалланган 600 млн. кубометрлик сув омбори ва секундига 30 ку — бометр сувни кўтаришга қодир 2 та насос станциялари қурилиб ишга туширилишида ташаббускор бўлди.

Кўп йиллар Мирзачўлда хўжалик ва туман раҳбари бўлиб иш — лаган Бегим Сериков билан вилоят ижроия қўмитасига ишга ўт — ганда ҳам бирга ишладик, у киши жуда билимдон, маданиятли раҳ — бар, ўзининг эсдаликлар китобини босмадан чиқарди ва ҳозир Қозоғистонда яшаб турибди.

Мирзачўл туманида ишлаган раҳбарлардан Абдулла Қарши — боев, Тоғай Аналбоев, Вера Петровна, Муса Анарбоев, Ҳолиқул Эргашевлар билан жуда кўп йиллар мобайнида бирга ишладик.

Дўстлик туман раҳбарлари билан кўпроқ учрашганман, туман таш — кил бўлган йиллари раҳбарлик қилган Расулмат Ҳусановнинг хиз — мати жуда катта. Кейинчалик, Республика қишлоқ хўжалик Вазири вазифасида ишлаган, ҳозир илмий текшириш институти раҳбари.

Дўстлик районида раҳбар бўлиб ишлаганлардан Абдулҳаким Хўжамуродов, Хўжам Исроилов, Жўрақул Ялғашев, Тоҳир Дони — ёров, Қулмирза Қамбаров, Ўринбой Қўлдошев, Исмандиёр Жа — молов, Сайфиддин Исмоиловлар билан жуда кўп йиллар давомида учрашиб, ишлаб келдим.

Арнасой туманида менга жуда яхши таниш бўлган Аҳат ака Соипназаров ишлаган даврда кўп боғ — роғлар, биналар, дарахт — зорлар яратилганлигини кўпчилик эсдан чиқармайди.

Арнасойда Абду Файзиевич Сагторов, Ҳолиқул Худойбердиев, Низом Нуриддинов, Илхом Умрзоқов, Марат Нурматовлар билан кўп йиллар давомида бирга ишладик.

Пахтакор, Фориш, Зафаробод туманлари раҳбарлари билан кўп йиллардан буён яқин муносабатдаман, айниқса Эркин Нурматович Қозоқов билан, Кисловодскда дам олишда оилавий муносабатимиз самимий тус олган эди.

Раҳбарлардан Босар Тожиёв, Эркин Носиров, Муқим Ҳасанов, Неъмат Исроилов, Мамараҳим Абдулҳакимовлар билан бирга иш — лаганман.

Зомин, Зарбдор туманларида раҳбар бўлиб ишлаган Абдулла — жон ака Турдиқулов билан жуда кўп ҳолларда туман ва вилоят муаммоларини ҳал қилишда қатнашганман. Эшмирза Абдуалимов, Ускан Азимов, Мустафоқул Умрзоқов, Болтабой Раҳматуллаев, Иван Иванович Поталовлар билан жиззах чўлини ўзлаштиришдан бошлаб янги хўжаликлар тузилишида, насос станциялари қурилиб сув кў — тарилиши масалаларида учрашиб ишлар эдик.

Вилоят ташкил бўлган 1974 йилдан облизполком раислиги ва — зифасида ишлаган Эркабой ака Исломов, Абдуҳолиқ Абдурахмо — нович Айдарқулов, Асқат Шарипович Хабибуллаев, Ўктам Зоки — рович Алимовлар ҳам вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мукаммаллаштиришда ўзларининг сезиларли ҳиссаларини қўш — дилар, мен эса уларнинг барчаси билан кўп йиллар давомида турли хил лавозимларда бирга ишлаб келдим.

Булардан энг кўп вақт бирга ишлаган киши Эркабой Исло — мовдир. У 1924 йил Ховосда туғилиб, Ватан урушида қатнашиб, ярадор бўлиб келган, совхозларда ишлаб, район партия котиби, чўл ўзлаштириш бошқарма бошлиғи, Жиззах вилояти ташкил бўл — гандан сўнг, облизполком ижроия қўмита раиси вазифаларида ишлаган, ҳозир пенсияга чиққан, ашаддий футбол ишқибози, ви — лоят футбол федерацияси раиси.

Асқад Шарипович Хабибуллаев билан "Голодностепстрой" бош — лиғи бўлиб ишлаганда танишганман, кейинчалик Республика та — биатни муҳофаза қилиш комитети раиси вазифасида ишлади.

А.Айдарқулов вилоятимизда ишлагандан сўнг, Сирдарё ва На — воий вилоятлари обкомнинг биринчи котиби вазифаларида ишла — ди. Ўзи "Узсельхозтехника" системасидан чиққан бўлиб, ҳозирда катта завод директори.

Ўктам Зокирович билан Жиззах вилояти тузилгандан буён ҳар хил вазифаларда бирга ишлаб келаямиз. Вилоят ижроия қўми — тасида эса мен унинг биринчи муовини бўлиб ишладим.

Республикада "Давсувназорат" бирлашмаси ташкил этилиб, раҳбарлигига Жўрабеков тайинлангандан сўнг, Қишлоқ ва сув хў — жалиғи вазирлиғи билан биргаликда йирик гидротехник иншоот — ларнинг хавфсиз ишлашини таъминловчи дастур ишлаб чиқилди. Бухоро ва Навоий вилоятларида жойлашган йирик насос станци — яларида, Самарқанд вилояти йирик гидротехник иншоотларида, Қашқадарёда Қарши магистрал канали насос станциялари ва Тол — лимаржон сув омбори, йирик сув омборларида ўқув семинарлари ташкил қилиб, унинг ишини Абдурахим Жалолов, Темур Камолов, Хурсанд Тошевлар бошқариб борган эдилар.

Вилоятимизга биринчи раҳбар бўлиб ишлаганлар ичидан мен айниқса Т.Боймиров, Э. Турсунов, Ш.Мирзияев, У.Яманқуловларни

кўп йиллар таниганим боис кадрларни тайинлаш масалалари ҳам кўтарилиб қоларди. Мен фақат ўзим ишлаётган ташкилотга қарашли тизимларга раҳбарликка тавсия қилинганлар ҳақида фикримни ай — тар эдим. Истисно сифатида Ш.М.Мирзиевга Мақсуд Тўраев билан Исмоил Қўйлибоевлар сувчилар тизимидаги ишлаб турган раҳбар — лик лавозимларида қолдирилишини илтимос қилганман. Улар кўп йиллар мобайнида тарбияланган, техник жиҳатидан саводли мута — хассислар бўлиб, ёрдами тегади деган эдим, бу ҳаётда тасдиқланди.

Янги асрнинг дастлабки йиллари Мирзачўл ва Жиззах чўлини ўзлаштиришда қатнашган ветеранлар кўпинча юбилейлар, тўй — томошаларда учрашиб турамиз.

Чўлни ўзлаштириш бошланганига 45 йил тўлиши муносабати билан, бир неча марта Тошкент шаҳрида, Гулистон шаҳрида, Мир — зачўл далаларида қурилган ишоотларда, совхозларда учрашувлар ўтказдик. Шундан сўнг, биргалашиб ХХ асрни кузатиш мароси — мини нишонладик, чунки, бу асрга йиғилганларни ҳар биримиз ёшлик шижоатимизни, йигитлик куч — қудратимизни, интеллектуал имкониятларимизни бағишлаб, шу асрнинг иккинчи ярмида чўл ўзлаштиришнинг энг долзарб даврларида меҳнат қилган эдик, иш — ларимиз натижаси ҳукумат томонидан ҳар биримиз меҳнатимизга яраша тақдирланиб, эъзозланган эдик.

2001 йил "Нур" ресторани комплексида Ҳабибулла Мажидович Шогазатовнинг 70 йиллик юбилеи, 2002 йил Абдулҳай Тоирович Тоировнинг Тошкентнинг Оқтепа даҳасидаги ҳовлисида 90 йиллик хотира маросимини, 2002 йил Ақоп Абрамович Саркисовнинг ту — филгалигига 95 йил тўлиши муносабати билан Аза хонимнинг уйида Ёднома учрашувини ўтказдик ва "Чиғатой" қабристонида бориб гул — чамбарлар қўйдик.

2003 йил 10 январь куни нишонланган Н.Р.Ҳамраевнинг 70 йиллик юбилейига бағишланган учрашувлар чиндан ҳам чўлқу — варлар байрамига айланиб кетди. "Мирзачўл", Жиззах, Қарши чўл — ларини ўзлаштириш фахрийлари билан биргаликда Бухоро вило — яти, Қорақалпоғистон Автоном Республика вакиллари иштирок эт — дилар. Тантаналарда Қорақалпоғистон, Қирғизистон, Грузия, Озар — байжон, Тожикистондан келган вакиллар миннатдорчилик сўзла — рини изхор этдилар. Россиянинг нуфузли институтидан келган таб — рикномалар ўқиб эшиттирилди.

2003 йил 10 март куни бир гуруҳ Республика хўжалиги фах — рийлари, чўл ўзлаштириш қатнашчилари Тожикистоннинг Хўжанд (аввалги Ленинобод) шаҳрида Абдукарим Қосимовнинг хотирасига бағишланган 70 йиллик тантаналарда қатнашдик. Делегациямиз тар — кибида Қосимов билан бир вақтда "Мирзачўл"нинг бирови ўзбек, бирови тожик қисмида ёш мутахассис бўлиб иш бошлаган, бир вақ — тида трест бошлиқлари, бошқарма бошлиқлари, вилоятлар раҳбар — лиги вазифасига кўтарилган, СССР Олий Совет депутатлигига сай — ланган ва Ленин мукофоти унвонига сазовор бўлган Т.Боймиров,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси собиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлари Солижон ака Мамарасулов, Р.А.Гинятуллинлар Респуб — лика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.А.Жалолов, Ҳалқаро сув таъминот ташкилотлар вакиллари Маҳ — муд Ҳамидов, Виктор Орлов, Ҳақиқат Хожиматов, Марат Озодов — лар бор эди. Йиғилишни вилоят ҳокими муовини Мамажон Вахи — дович Мамажонов бошқарди. Биз Абдукарим Қосимов номи абадий — лаштирилган, секундига 36 кубометр сувни 95 метр баландликка кўтариб берадиган, насос станциясини бориб кўрдик. У кишининг хотирасига бағишланган мемориал мармар тахтаси ва музей очи — лишида қатнашдик. Фарзандлари, набиралари билан учрашдик. Ас — лида мени А.Қосимов билан 1982 йили Душанбе шаҳрида Тожикис — тон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг ўрин — босари дўстимиз Файрат Негматов таништириб қўйган эди.

Ортиқ Абинович Холмуродовнинг юбилей кечасини Тошкент шаҳ — рининг кўркам боғларидан бири, Улуғбек истироҳат боғи чойхона — сида ташкил қилишда алоҳида фаоллик кўрсатиб ташкилий ишларни бошқариб, чўлқувар дўстларимизнинг қатнашишларини ташкиллаш — тиришда миннатдорчилик билан хизмат қилдим. Ўз вақтида Ортиқ ака "Мирзачўл"га келиб ишлашимнинг асосий сабабчисиدير.

О.А.Холмуродов хизмат фаолиятини автомобиль хайдовчиси ва — зифасидан бошлаб 60 — йилларнинг бошида Обручево станциясида ташкил қилинган қурилиш материаллари базасининг директори, таъминловчи бошқарма бошлиғи ва "Голодностепстрой" террито — риал бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаб, "Глав — средазирсовхозстрой"нинг таъминот бошқармаси бошлиғи вази — фасига кўтарилган. Сўнгги йилларда Жиззахчўлқурилиш ва сув қурилиши бошқармаларида биргаликда хизмат қилдик.

Кўп йиллар давомида бир неча хўжаликларда директор бўлиб ишлаган Худоёр ака Латиповнинг 80 йиллик юбилеи Тошкент шаҳри "Анҳор" чойхонасида нишонланди. Фарзандлари томонидан яхши тайёргарлик билан ўтказилган маросимда Сирдарё ва Жиззах ви — лоятларидан, Тошкент шаҳридан Худоёр ака билан кўп йиллар бирга ишлашган ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари қатнашдилар.

Дўстларимиз Зуфаров Ибрагим Зуфарович, Валерий Констан — тинович Думерларнинг 60 йиллик юбилейлари ташкилий кўми — таси аъзоси сифатида тайёргарликларида қатнашиб, маросимлар — нинг тўй бошловчиси бўлганман.

Иброҳим ака Зуфаров билан Янгиерда ишлаган йилларимизда танишиб, 30 йилдан ошиқ дўстона алоқадаман. У киши чўл ўз — лаштирилишига ёш мутахассис бўлиб келгандан сўнг, Пахтакор — даги "Мирзачўлсовхозстрой" грести бошлиқ ўринбосари, таъминот бошқарма раҳбари ва "Голодностепстрой" ҳудудий бошқармаси бошлиғи, қурилиш дирекцияси директори вазифаларида ишлади. Шундан сўнг, Эфиопияда ишлаб келиб, охириги 15 йил Жиззах вилояти йўл бошқармасида раҳбар бўлиб ишлади ва нафақага чиқди.

В.К.Думлер мактабдош дўстим бўлиб, Мирзачўлни ўзлаштиришда, автотранспорт хизматини такомиллаштиришда унинг алоҳида ўрни бор. Охирги йиллар Жиззах вилояти автотранспорт бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаганда дўстона оилавий учрашиб тўришимиз янада мустақкамланган эди. Унинг "О времени и о себе" номли автобиографик китобида чўлларнинг ўзлаштирилишида автотранспорт воситаларининг салмоқли ўрни ҳақида баътафсил баён этилган.

Мен учун 1999 йил алоҳида мазмунга эга. Чунки шу йилда 60 ёшга тўлдим. Бундай ўйлаб қарасам, олтмиш йиллик умр ортда қолибди. Қисталанг ва тигиз иш, режани уддалашга интилиш билан қанчадан — қанча довларни ошиб ўтдим. Ер қатида шахтёрликдан янги ерларни ўзлаштириш ва сув қурилиши йирик — йирик бунёдкорлик ишлари ташкилотчиси, республика ва вилоят даражасидаги масъул лавозимларни бошқаришгача бўлган узоқ йилларни босиб ўтдим.

Булунги кунга келиб катта бир жамоани бошқариб турибман. Муштақил ҳаётга қадам қўйиш палласида Ҳурриятхон билан биргаликда яратилган оила шу йилларда қатор ўқимишли фарзандлар, келинлар, бир дуркун набиралардан иборат каттагина жамоага ўсиб чиқди.

Жуда кўплаб дўстлар, оилавий қадрдонлар ортттирдим. Эндиликда бирон — бир тадбирни ўтказишда "кимларни таклиф қиламиз" эмас, балки "айтилмай қолиб кетмасин" деган ақидага кўникдик.

Бу ҳол йиллар давомида қатор ва қатор туғилган кунлар, ниқоҳ ва хатна тўйларини нишонлашда шаклланиб бўлди. 1999 йил эса 60 ёшга тўлганлигимни дўстларим, қадрдон қардошларим даражасида нишонлашим табиий эди.

Юбилей Бўстон шаҳарчасидаги ҳовлимизда бўлиб ўтди. Мени 60 ёшим билан муборакбод қилишга келганлар рости жуда кўп эди. Оллоҳ мени дўстлар, қадрдонлар, устозу шогирдларга бой бадавлат қилиб яратган экан.

Юбилей тўйига мамлакатимизнинг деярли барча вилоятлари — дан дўстларим, ҳамкасбларим, синфдош ва курсдошларим, устоз ва шогирдларим мени табриклаш ниятида келганларидан ич — ичим — дан қувондим.

Айниқса, Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришда сардор бўлган Нормаконмади Худойбердиев, Тўхтамиш Боймиров, Ҳабибулла Шогазатов, Нажим Ҳамроевлар етакчилигида чўлқувар дўстларимнинг келганлари, Абдурахим Жалолов бошлиқ Вазирлик ходимлари ва деярли барча вилоятлардан сув қурилиши бошқармаларининг бошлиқлари, домла академик Ваҳоб Раҳимов бошчилигида бирга ўқиган курсдошларнинг, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев ва Комилжон Зоирович Қобиловлар бошчилигида Жиззах ва Сирдарё вилояти туман ҳокимлари, чўлни ўзлаштириш фахрийлари қатнашганликлари мени жуда ҳам қувонтирди. Юбилейга келган шогирдларим, улар орасида Республика ва вилоят миқёсидаги

рахбарлар, йирик корхона ва қурилиш ташкилоти бошлиқлари, ҳа — ётда ўз ўрнини топиб кўзга кўринган, ишончни оқлаётган кишилар бўлиб етишганлигини кўриб, уларни вояга етказиш мақсадида сар — флаган меҳнатларимдан қаноат ҳосил қилиб, қувончим ичимга си — май кетди. Юбилейдаги қутловлар, билдирилган сўзлар ўтган 40 йиллик меҳнатим бесамар кетмаганлигини тасдиқлаб турарди.

Юбилейда табрик сўзи айтган Ш.М.Мирзиёев, Н.Худойберди — ев, Т.Боймиров, Н.Ҳамроев, В.Раҳимов, Б.Розиқов кабилар мен бо — сиб ўтган йўлда эришган ютуқларим, тажрибаларимни жуда мам — нуният билан таъкидлашдилар. Деярли барчаси мени, энг аввало, Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришнинг ташкилотчила — ридан, ҳам қурувчи, ҳам гидротехник, ҳам бинскор дея қайд эти — шар эди. Мен эса асли электр муҳандиси эдим. Ҳаёт мени янги — янги соҳаларни ўрганишга йўллаганидан минг бора рози эдим.

Юбилей тўйида мени қутлаб Тўхтамиш Боймиров, чамаси шун — дай деган эди: «Қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш, респу — бликамизда мелиорация, сув хўжалиги соҳаларига ўз ҳаётингизни боғ — лаб тўғри қилдингиз. Чўлни ўзлаштириш, шу билан боғлиқ соҳа — ларни ўрганиш орқали Сиз ўз салоҳиятингизни янада кенг қам — ровли ва ҳар қандай қийинчиликка бардошли, шижоатталаб, қатъ — иятли қилиб бойитиб борганингиздан бениҳоя мамнунмиз. Юртнинг эътиборида туриб, унинг керагига яраб, одамларни янгидан — янги бунёдкорликларга етаклаш ва уларнинг олдинги сафида бўлиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу жуда улкан бахт, Ўриш Ҳами — дович».

Бундай самимий табрик сўзлари менинг 30 йилдан ортиқ чўл — қуварлар сафида, айниқса, Т.Боймиров каби, Н.Ҳамроев, В.А.Ду — ховный, Э.Турсунов, А.Жалолов, Р.А.Гинятуллин, Э.Низомов каби кишилар билан биргаликда меҳнат қилганлигим, улар тажриба — сидан баҳраманд бўлганим туфайли десам адашмайман. Уларнинг ҳар биридан алоҳида — алоҳида қутловлар олганлигимдан бениҳоя ҳурсанд эдим. Бинобарин, бу қутловларнинг ҳар биринимас, ало — қал В.А. Духовный, Г.С.Цуриков, Д.Н.Левин, Х.М. Ходжиматов, Р.Г.Любар, Н.А.Хуранов, В.А.Орловлар биргаликда тақдим этган қут — ловдан, ҳурмат юзасидан, баъзи ўринларни Сиз билан баҳам кў — ришни лозим топаман.

“Дорогой Ўриш Хамидович”!

Как будто совсем недавно, а оказывается полжизни назад, ты пришёл в Голодную степь молодым, вежливым, симпатичным, не — громкоговорящим, грамотным специалистом и остаёшься в ней до сих пор, хотя у тебя были неоднократные возможности крепко закрепиться на “вечное” жительство и в столице Республики, и в родном областном центре.

За те 32 года работы и жизни в степи, которой уже практически нет, а есть оазис, сотворенный разумом и руками многих наших друзей и коллег.

Ведь если ты когда ни будь попытаешься составить хотя бы перечень объектов и дел, к которым ты лично приложил руку и сердце, то это будет большая Голодностепская энциклопедия, объем которой разве что можно сравнить с "Войной и миром" Л.Н.Толстого.

И каким бы равнодушным не был ты в этот момент, волнение и гордость за содеянное все равно поберет тебя до "мозга костей".

Мы очень рады за тебя, Уриш Хамидович, рады, что даже в этом переломном возрасте ты ещё работаешь там, где и мы все оставили кусочки своего сердца, провели лучшие молодые, плодотворные и незабываемые годы.

Будь здоров и счастлив, дорогой Уриш Хамидович, оставайся таким же молодым и деятельным, каким мы тебя уже знаем уже более 30 лет.

Пусть в твоей семье, рабочем коллективе, в котором ты сейчас трудишься, всегда будет мир, согласие, благополучие, желание дальше творить и создавать.

Очиғи ушбу сўзлар қатида менга тегишли ҳақиқатлар борли — гидан шукр қилдим. Қолаверса, олтмиш ёшга етгунча қатта қатъ — ият ва тиришқоқлик билан эътиборли ва масъул ҳаёт йўлини бо — сиб ўтганим юбилей кечасида яна бир бор тасдиқ топди десам адашмайман.

Қутловлар кўп бўлди. Улардан бири ўқитувчи Баҳодир Розиков гарчи ўзи шоир бўлмасада, шеърйй йўлда табрик билдирган эди:

Ўриш Маждидовнинг 60 йиллигига қутлов

От чопса гумбурлар Зомин дараси,
Ҳосилга бўлиқдир Ёмнинг даласи,
Қўҳна Ёмдир — зиёлилар маскани,
Ўриш Маждид зрур шу юрт боласи.

Абдулҳамид бобо Падар бузруквор,
Муаллим эди у, Зоминда донгдор.
Элим деган зотга бугун элнинг каломи,
Мактабга қўйилди шарафли номи!

Болаликдан бало эди Ўришвой
Ўқишларда аъло эди Ўришвой.
Гоҳ — гоҳида муаллимни шоширган,
Саркашгина, зукко эди Ўришвой.

Урушали, Урушалим, дерди Меҳринисо она,
Урушни сен кўрмагин дерди Муниса она.
Кўз нурим, толеим, кошоном, дерди,
Ишонган юлдузим, пешоном дерди.

Шукр,
Фарзанд иқболини кўролди она,
Фахру ифтихорга тўлолди она
Олий мукофотни олганда фарзанд
Севинчдан кўзларга ёш олди Она.

Отани ёд олди шунда ёш — қари,
Онага таъзимда бўлди, ҳар бири.
Шундай ўғлон ўстиргани чун,
Таҳсинлар ўқиди одамнинг бари!

Бугун тинч ётибди ота ва она,
Уларда фарзанддан бордир шукрона.
Руҳлари шод бўлсин абадул — абад,
Фарзандига ҳурмат бугун шоҳона!

Олтимиш ёш муборак, эй Ўриш оғам!
Мана, Ангор, Морғузардан эсиб шамоллар,
Улар сочингизни кумуш толаларини,
Сизни 60 йиллар синаб тақдир — тамаллар,
Пойингизга ёзмиш гулу лолаларини!
Оға, Сизга бугун тўй табаррук,
Табаррук олам!!

Баҳодир Розиков. 11.09.99.

Қолаверса, 60 ёшлик юбилей ҳам яхши удум. Етган бор, етма — ган бор. Юбилейларда озми — кўпми меҳнатинг хотирланади, энг эзгу тилаклар билдирилади. Салкам 40 йиллик бетиним меҳнатдан сўнг шундай бўлиши ҳам керак — да!

Худди шундай 2003 йил 18 сентябр куни болалик дўстим Рим Абдулович Гинятулиннинг 60 йиллик юбилейини ўтказдик. Бир умр меҳнат билан кўмилиб, не — не юқори лавозимларда фаолият кўр — сатганлигига қарамай барибир Рим Абдулович жуда самимий, оққўнғил, бегаразлиги шундайгина юз — кўзларидан билиниб турган камтарин инсон. У кишининг юбилейига Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан ташриф буюрганлар қанчадан қанча. Улар сафига Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан дўстлари, би — родарлари келиб қўшилгани нур устига нур бўлди.

Айни шу 2003 йилнинг 9 сентябрь куни вилоят қишлоқ хўжа — лиги илмий ишлаб чиқариш маркази бошлиғи Абдуғани Илашев — нинг 60 йиллик, 28 сентябрь куни чўлқуварлардан Аввалбой ака Сарибоевнинг 70 ёшлик юбилейларида ҳам қатнашдим.

Бундай юбилейлар юртнинг тинчлиги, элнинг фаровонлиги билан ҳам боғлиқ. Айни пайтда одамлардаги меҳр — оқибатнинг кучлилигидан бир далолат.

Юбилейлар бўлаверсин, 60 йилликдан сўнг 70 йиллик дегандай...

Ният ҳолис экан денг, шу йил апрел ойи ўрталарида мен учун жуда ҳурматли устоз Виктор Абрамович Духовныйнинг 70 йилли — гини нишонлашга бағишланган таклифнома қўлга тегди.

В.А.Духовный жуда зукко, илмий салоҳияти ҳавас қиларли да — ражадаги олим, ажойиб дўст. Таклифномага тиркалган анкетасини мириқиб ўқиб, завқ олдим. Ахир, биз кўпинча юбилей анкетасини ҳар қандай эҳтирослардан ҳоли ва расмий тил билан ёзамиз. Ва — ҳоланки, юбилярнинг ҳаёт йўлига разм ташлаганда энг муҳим жи — ҳатларда у кимлар биландир ишлагандир, қандайдир ўзига хос муҳитда фаолият кўрсатгандир. Очигини айтганда юбилярнинг ҳаёт йўлига мазмун бағишлаган объектив ва субъектив омилларни ай — тиш ярашиқли эканини унутиб қўямиз — В.А.Духовный бу жиҳат — дан ҳам ибратли.

Лоақал Сиз ҳам бир ўқиб кўринг дея В.А. Духовныйнинг юбилей анкетасидан бир парча келтиришни маъкул кўрдим.

Дорогие друзья, коллеги и все, кто одарил меня радостью и удовольствием общения на моем жизненном пути!

Спасибо моим родным, спасибо судьбе, Богу — творцу, спасибо моей семье и Вам всем, с кем я встречался, делил возможность работать творить, создавать, думать, спорить, что сегодня я подошёл к серьёзному жизненному рубежу — 70 летию!

Мои наставники, да будет славна их память, сподвигли меня на интереснейшую дорогу — служению воде. Зачастую мои деятель — ные полвека представляются мне бесконечной целью каналов, кол — лекторов, дрен, лотков, дорог, ЛЭП, построенных при моем участии.

Пыль, паводки и засухи, множество бессонных ночей, тревог, напря — женных дней с моими замечательными това — рищами — строителями, проектировщиками, ос — воителями — все это ра — створилось прелести, нежности, силе, святости той воды, которая при — шла на сотни тысяч гектаров пустынных зе — мель: в радости и улыб — ках тех тысяч людей, которые встречали воду, что мы им приводили.

Мне выпало боль — шая часть и удача ра — ботать под руковод — ством А.А.Саркисова,



Устоз билан ўтган фараҳли кунлар. (В.А.Духовный ва рафиқаси Татъяна)

Е.И. Озерского, Д.К. Терситского, А.Т.Таирова, Х.Д. Джалилова и конечно мозга и совести всего этого комплекса — Шарафа Раши — довича Рашидова — которые доверили мне большую работу и на — учили истинному искусству организаторской деятельности в об — ласти воды, принципиальности, преданности делу и чистоте, соот — ветствующей этой светлой субстанции.

Я прожил и продолжаю жить интересной, насыщенной, плодо — творной жизнью, которая позволяет мне мыслить и бороться, ум — ножать знания и укреплять сотрудничество, в общем — служить Богу воды, а это значит — Богу Жизни, Богу Человечества!

Говорят, что человек может быть счастлив, если он построил дом, вырастил деревья и воспитал детей. Я построил сотни домов, по — садил тысячи деревьев, воспитал 4 — х прекрасных детей и люблю — юсь, как они растут моих внуков. Я счастлив — потому что это мой путь и моя дорога!

В.А.Духовный.

Шундай қилиб, 2004 йил 20 апрель куни Тошкентдаги "Деде — ман" ресторанида устозимиз, Мирзачўлни ўзлаштиришда "Техник мураббийимиз" В.А.Духовныйнинг 70 йиллик юбилей тантанасини нишонладик. Унда, Америка, Канада, Исроил ва Москвадан келган фарзандлари, яқин қариндошларидан ташқари, сув ҳўжалиги со — ҳасининг доврўқли кишилари, ҳамкасблари иштирок этишди.

Булар орасида сув ҳўжалиги вазирлари ва раҳбарлари, Рос — сиядан Полатзаде, Туркменистондан Алтиев, Тожикистондан На — зиров, Қозоғистондан Қипчоқов ва Ряпцев, Қирғизистондан Бек — пўлатов, Ўзбекистондан С.Мамарасулов, А.Жалолов, Т.Боймиров, Э.Турсунов, Р.Азимбеков каби йирик олим ва мутахассислар қат — нашдилар. В.А.Духовныйнинг 70 йиллик юбилейи жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди.

"Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир"

Л.Н.Толстой.

VIII. ОИЛАМ ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Ҳеч бир муболағасиз, дунё ўта гўзал. Гўзал бўлганда ҳам чек — сизликка қанот ёзганича гўзал. Лоақал ўз турар жойинг, унинг табиати, узоқ — узоқларда мағрур турган мўйсафид тоғлар, минг бир булоқларда қайнаган сувлар, анҳорлардан баҳра олган гўша — лар, кўркамликка юз бурган манзиллар, бариси гўзал. Дунёнинг гўзалликларидан қониқмоқни кўнгилга тугсангиз табиат бағрига отлангиз: мусаффо ҳавосидан мириқиб, кенгликлар, баланд — па — стликлар, ложувард самога ҳаёлчан боқинг. Ажиб сокинликда гў — заллик саф тортгандай. Шунча гўзалликдан ҳам баҳра топмасангиз

узоқ — узоқларга сафарга отланинг, нотаниш масканлар, шаҳарлар, йўллар, қўналғалар Сизга ўзгача бир завқ бағишлайди. Ўтирган буйра, юрган дарё деб бежиз айтмайдилар. Ахир, Сиз бу гўзал дунёда атиги бир мартагина яшайсиз. Қайта умрга эса йўланма йўқ, бўлмайди ҳам.

Бу сирли ва гўзал дунёни кўриш, у билан танишиш, нотаниш гўзалликларни кузатиш кишига бир олам завқ ва бутун умрга ар — зигулик хотира беради. Мен дунёнинг бундай гўзалликларидан баҳ — раманд бўлишнинг завқини кўнгилдан туйганимда ҳали институт талабаси эдим. Ростини айтганда, вақти — вақти билан яқин — йироқ сафарларда бўлиб, бу ажойиб дунёи оламнинг не бир манзиллари, фусункор шаҳарлари жаннатмакон боғлари, шифобахш табиат гў — шаларини кўришда тақдир менга жуда қулай имкониятлар берди десам бўлади. Қарийб қирқ йилда меҳнат таътили ёки бошқа бир сабаб билан жуда кўп шаҳарлар, музейлар, санаторийлар, дам олиш масканларида бўлдим. Шу сафарлар баҳона қанчадан қанча би — родарлар орттирдим. Ўзим сезмаган ҳолда табиатимда ҳар йили бирон — бир жойга бориб дам олиш, янги — янги мўъжизавий мас — канлар нафосатидан баҳра олиш хоҳиши режага айланиб боради. Шу йил ҳам ўша кўркем, шифобахш маскан Кисловодскда бўлиб қайтдим. Ҳар йилги сафаримнинг таассуротлари ўзи бир олам. Шунинг учун ҳам дунё гўзал, ундан баҳра олмоқ ўзингизга боғлиқ.

Ҳаёт гўзал... Бир лаҳза ҳам тўхтам билмас бу ҳаётда гўзаллигу хунуклик, яхшилигу ёмонликнинг аралаш бутунликка эгалигини айтмайсизми. Ҳаёт — бу яралиш, яратишда олға қадам ташлайди. Унда қувончу истироблар, роҳату заҳматлар, ҳалоллигу нопоклик — лар, рости ёлгонлар ҳаракатда. Аммо ана шу турфа ҳолатларда Сизни ўз ақлингиз, қалбингиз, ўз нуқтаи назарингиз, иродаю имо — нингиз қўллаб турувчи маёқдай етаклайди, шуниси билан ҳам, бари бир, ҳаёт гўзал. У ўз такрорланмаслиги, ўзига хослиги, ўз суврати сийрати билан гўзал. Ҳамма гап Сизнинг ҳаётда қандай яшай би — лишингиз, ўз ҳаётингизни қандай яратганлигингизда.

Бу жиҳатдан қараганда ҳам мен ҳаётнинг тўғри ўзанини тан — лаганман деб ҳисоблайман. Тўғри, ҳаётнинг тўғри ўзанини топиб олиш учун аввало ўзига яраша ақл, билим, одамлар билан муно — сабат малакаси, бурч ва масъулиятни англаш, ирода ва бардош, меҳнат қила билиш қатъияти каби қанчадан қанча фазилатлар керак бўлади. Яна бир муҳим жиҳати ҳаётда ўз одамингни топа билиш, сени тушунувчи, қўллаб қувватловчи оила соҳибасига етишиш за — рур. Бу борада омаднинг келган. Ҳурриятхондек бир ажойиб инсон билан бир умр яшашнинг ўзи нақадар тотли, нақадар мазмунли эканлигидан мамнунман.

Гарчи болалигим бирмунча қийинчилик ва заҳматларда кечган бўлсада, қўлимга олий маълумотли муҳандислик дипломи тегиб, Ҳур — риятхон билан никоҳ тўйимиз ўтгандан сўнг янги бир ўзанга тушиб кетди. Қаерда ишламайин, қайси вақт ишдаги кўнгилсизликлардан

"тарс ёрилиб" кетай деганимда ҳам оилам остонасига қадам қўйи — шим билан ўзгача илиқ ва меҳрли муҳит мени ўз бағрига олади. Боягина дилтанг бўлган кўнгил бирдан хотиржамликка ўтади. Кун — ларни елкалаб ойлари, ойлари тизгинлаб йиллар ўтадики, оиламда ўша — ўша қадр, эътибор, меҳр, ўзаро ҳамфикрлик, беғараз самимият. Гарчи фарзандларим тақдир тақозоси билан турли манзил — ларда туғилгани билан бир собит оилавий муҳитда вояга етишди.

Тўнғич фарзандим Баҳром 1962 йилда Ҳайдарконда туғилди. 1963 йилда Ином дунёга келди. Учинчи фарзандим Икром 1965 йилда туғилди. Шундан кейин 1967 йилда Дилором, 1969 йилда Мурод, 1971 йилда Маҳмуд, 1973 йилда Раъно туғилди. Фарзанд — лар еттигача бўлди. Қарабсизки, болажон оила вужудга келди.

Менинг бахтимга исми жисмига монанд, ўша болажон Меҳ — ринисо Онам оилам маликаси Ҳурриятхонни ёнга олиб болала — римни оқ ювиб, оқ тарадилар. Уларнинг соғлом улғайишлари, яхши хулқ — одобли, илм олишга хавасманд бўлиб ўсишларида Онам хиз — матлари бениҳоя катта бўлди. Меҳринисо Онам ва Ҳурриятхон — ларнинг оиламни бошқариб турганлари туфайли мен тамомила ишимга шўнғиб кетган эдим. Уйда бўлган пайтларим фарзандла — рим билан ажойиб китоблар, техник мўъжизалар, сирли воқеалар ҳақида суҳбатлашардик. Онам ва оиламнинг тарбиялари туфайли фарзандларим мактабдаёқ аъло баҳоларга ўқишди, вилоят, республика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, олий ўқув юртиларни ҳам имтиёзли тамомлашди.

Раҳматли Онам 1961 йилда мени уйлантирган бўлсалар, шундан кейинги 32 йиллик ҳаётини яна менга, оиламга, фарзандларимга, улар туфайли келинларим ва набираларимга бағишлабдилар.

Отам фронтга кетганларида ёлғиз Онам икки норасида фар — зандлари (мен ва укам Эргаш) билан отасиз қолган оила эдик. Турмуш ҳам ўзига яраша. Аммо омадди келажак ўз қўлимизда экан — лигини онам такрор — такрор қалбимизга сингдирган эди.

Мени уйлантирган пайтлардаги қувончлари ҳали — ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Чоғроққина қилинган тўй Онамнинг йиллаб кутган орзулари ушалгани эди. Ҳар тонг дуои фотиҳага қўл очиб "Ўзингга шукур" дея пичирлаганларида мени уйлантирганларидан ички бир қониқиш бор эди чамамда. Шундан ҳам 32 йил оилам, фарзандларимга ва менга, укам Эргашга қанот бўлдилар. Нати — жада еттигача фарзандларим етти оилали бўлишди. Шу оилалар ту — файли ўн еттигача набирали бўлдим. Буларнинг барчаси оилам йиллаб кутган фарзандлар эди. Укам Эргаш ҳам 9 фарзандли бўлди.

Агар 1961 йилгача Мажидовлар оиласи деганда Онам, мен ва Эргаш кўзда тутилган бўлса, эндиликда бу оиладан аввал 2 та оила пайдо бўлди. Икки оила фарзандлари 16 та бўлди: 16 оила. Наби — ралар эса ҳадемай 30 дан ошса, яна 30 оилага кўпаяди. Қараб — сизки, Мажидовлар оиласи сони ҳам кўп вақт ўтмай 50 тадан ошиб кетса ажаб эмас. Ана шундай яхши ниятлар билан оиламиз ша —

жарасини қаламга олгим келди. Шояд фарзандларим, набирала — рим, кейинчалик чевара, эвара, кабираларим оиламиз шажарасини давом эттирсалар.

"Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир"

Ж. Сантаяна.

Оиламиз шажараси ҳақида билганларим.

Шажарамиз катта бобомиз Назармат қозидан бошланади. У киши қишлоғимизнинг қозиси бўлган эканлар. Хотирлашларича, жуда ўқимишли, маърифатпарвар, маданиятли, обрўли қишлоқ оқсоқоли бўлиб, барча фарзандлари тарбиясига алоҳида эътибор қаратган, уларни ўқишга юборган. Натижада, фарзандлари Абдумажид, Аб — дужамил, Абдусатторлар "Махсум" ҳисобланиб, мадрасада му — даррислик қилишган.

Абдужамил махсумнинг (хотини Қорасоч онам) бир қизлари Бенаржон онанинг фарзанди Пиримқул, бир қизи Нусрат кампир ҳозир 100 ёшга яқинлашиб бораётир. Унинг қизи Ортиқжон ва набиралари бор, яна бир қизлари Турсиной опа Даштободда яшайди.

Абдумажид махсумнинг қизлари Бувайша онадан Шорайим ва Шокарим деган ўғиллари, уларнинг Абдуқаюм ва Абдувоҳид деган фарзандлари бўлган экан.

Аммам Берузвон (китобда номи тилга олинган) қатағон қурбони, Назирқул Ҳасановнинг хотини бўлиб, уларнинг ўғли Абдулазиз акам ва Ҳурсаной янгамнинг фарзандлари Сайлбону, Рустам, Шоира, Мавлуда, Нурали, Ўткир, Ҳолида, Илҳом, Ўнғар, Нафисалардир.

Отам Абдуҳамид Абдумажид ўғли, онам Меҳринисо Шодмон — қул бобомнинг қизи. Шодмонқул отамнинг қизлари Ойса (Ойниса) холамнинг ўғли Қурбонбой ва унинг ўғли Иброҳим, ўғиллари Умир — зоқ тоғамиз ва қизлари Ҳамро холамиз бўлганлар. Ойса холамнинг қизлари Ҳосиятдан ўғиллари Маъмирқул, Райимжон, Алишерлар, кейинги қизлари Ҳуррият опа.

Отамнинг онаси Мақсатой, у кишининг тоғалари Самандар ҳожининг ўғли Искандар, ўғли Мулла Отақул тоғам бўлган. Мақ — сатойнинг онаси Бекободнинг Ҳостақачи қишлоғидан бўлган, акаси Маматқул Ҳужум аканинг отаси бўлган. Отақул тоғамнинг фар — зандлари Ҳурмат онадан қизи Маърифат, унинг қизи Гули ва унинг ўғли Жамшидлар.

Яна бир қизи Шарофат опамнинг эри Сатторқул ака, фарзан — длари Саодат, Инобат, Муҳаббат, Бахтиёр, ўғиллари Умурқул ака — нинг фарзандлари Абдурашид, Абдуваҳоб ва 7 та қизлари бор.

Ҳужум аканинг фарзандлари Раҳмонқул, Обиджон, Баҳодир, Фурқат ва бошқалар.

Мақсатой онанинг онаси Иқбол кампирнинг ўғли Назирқул Ҳа — санов бўлган, қизи эса Бухалма аммамиз 100 ёшга яқин яшаб вафот этдилар. Фарзандлари Омон, Ҳасан, Эсон, Айша, Зумрат, Зухралар.

Мақсатой онанинг яна бир опаси Ихлимоининг ўғли Маҳсу — талаи Исмадиёров бўлган, унинг фарзандлари Ўткир, Саодат, Аъзам, Ўктамллар. Ўткирнинг рафиқаси Самарқанддан Назира, ўғиллари Эркин, Равшан, Яшинлар.

Мақсатой онанинг синглиси Ханифа амма Мирза улуғ Ҳиди — ровнини хотини, Янгийўлда яшаган, фарзандлари Озод, Талъат, Шавкат, Анвар, Пўлат, Рустам, Гулчеҳра ва Гулноралардир.

Самандар ҳожининг бир хотини Бекободлик (Мақсатойлар — нинг онаси), бири Жиззахлик (Мақсаталининг онаси), яна бири Ўратепалик (Маматқул ва Ҳанифаларнинг онаси) бўлган.

Она томондан Шодмонқул катта отамнинг отаси Бахтиёрнинг укалари Бобоёр, Каримқул, Сатторқуллар — унинг ўғли Эркин. Жониқул амакининг ўғиллари Холбой ва Равшанлар. Турғунали Шокаримовнинг онаси Майрам амманинг тоғаси Аллаёр қози, Ну — рилла амакининг отаси Дониёр, Каримқул амакининг отаси Ис — мадиёр, Робия опачанинг отаси Абдулқосим ака — укалар бўлган. Дониёров Нурилла амакининг фарзандлари Ўриш, Эргаш, Тохир, Пўлат, Толиб, Озодалар, Толибнинг ўғиллари Илҳом ва Ёрқин.

Ота — онамнинг фарзандлари тўртта бўлиб, Жўрабой ва Гул — чеҳралар ёшлигида вафот этишган. Укам Эргаш 1942 йил туғил — ган, аввал гидромелиорация техникумини ботириб, йўл қурилиш муҳандислиги лавозимида, сўнгра Ирригация институтини бити — риб саноат корхоналари бошқармаси ва Даштобод гишт заводла — рида директор бўлиб ишлаб, нафақага чиққан.

Укам Эргаш Бекободлик хотини Адолат келиндан 8 та фарзанд кўрди. Унинг вафотидан сўнг Раънога уйланган, ундан Омадбек туғилди.

Хотиним Ҳуррият Аҳмедов Назирқул ва Холматова Қимма — тойнинг қизи Аҳмат оқсоқол ва Холмат бойвуччаларнинг набираси бўлади.

Ўғлим Баҳромнинг рафиқаси Насиба Қаршиев Мамирқул қизи, олий маълумотли, мактабда ўқитувчи, уларнинг ўғиллари Низом 1985 йил 23 июлда, Элёр 1990 йил 12 ноябрда туғилган.

Ўғлим Ином 2003 йил, техника фанлари доктори. Диплом 04 №003730, 2004 йил 26 февралда берилган. Рафиқаси Ҳолида Қўқоннинг Боғдоқ туманидан, олий маълумотли. Республика фи — зик — математиклар мактабида бирга ўқишган бўлиб, ўғиллари Да — мир 1989 йил 9 майда, Сардор 1993 йил 9 апрелда туғилган.

Икромнинг рафиқаси Наргиза ўрта — махсус маълумотли, Сай — дулла Жабборов ва Назираларнинг қизи, уларнинг фарзандлари Жаҳонгир 1993 йил 18 январда, Абдумажид 1995 йил 3 апрелда, Фарангис 2002 йил менинг туғилган кунимда, яъни 20 майда ту — гилган.

Қизим Дилором ва Ганишер Амаловлардан, қизлари Лайло 1992 йил 3 февралда, Покиза 1994 йил 27 майда туғилган.

Ўғлим Муроднинг рафиқаси Нилуфар олий маълумотли, ўқитувчи бўлиб ишлайди, қизи Файруза 1997 йил 7 январь, Маф — туна 1998 йил 7 май, ўғли Анвар 2002 йил 30 ноябрда туғилган.

Ўғлим Махмуднинг рафиқаси Наргиза, олий маълумотли, бо — шқармада ҳисобчи бўлиб ишлайди. Комилжон ва Озодаларнинг қизи. Уларнинг қизи Вазира 1996 йил 1 ноябрда, ўғли Абдуҳамид 1999 йил 16 апрелда туғилган.

Қизим Раънонинг қизи Шохиста 1992 йил 31 майда, ўғли Бо — бурбек 1993 йил 7 августда туғилган.

Бир ҳолатни алоҳида таъкидлашни истайманки, фарзандла — римнинг барчаси яхши таҳсил кўришди.

Фарзандларимдан Ином, Икром, Мурод ва укам Эргашнинг ўғли Фуломлар, навбатма — навбат Республика физика математика мактабида 8 — 9 — 10 синфларда таълим олди ва олий ўқув юртла — рига кириб, ўқишди. Катта фарзандим Баҳром мактабни рус ти — лида битириб Ленинград кон муҳандислик институтига кирди. Кей — инчалик Тошкентга ўтиб диплом олганди. Ҳозирги академик Си — рождидинов номи берилган мактаб — интернатда ўқиш жараёни жуда юксак даражада бўлиб, битириб чиққан ёшларнинг кўпчилиги олий маълумот олиб, мамлакатимизнинг кўп вилоятларида, халқ хўжа — лиги соҳалари раҳбарлари бўлиб ишламоқда.

Фарзандларимнинг мактабда аъло баҳоларга ўқиб, яхши таъ — лим ва билим олиб чиқишида жуда кўп фан ўқитувчилари ва мак — таб раҳбарларининг меҳнатлари катта. Булардан Тошкентдаги фи — зика — математика иқтидорли болалар мактаби директори Фулом — жон, ўқитувчи Махфуза опа, тарбиячи Фаридаларни, Дўстлик ўрта мактаби ўқитувчилари Светлана Львовна Куперман, Каромат Ни — зомова, Бўстондаги Ш.Рашидов номли 1 — мактаб директори З.Г.Ха — лиулина, илмий бўлим мудирлари Елена Григорьевна, химия фани ўқитувчиси Муҳаммад Шамситдинов, иқтидорли болалар лицейи директори Бахтиёр Эрдановларни келтириш мумкин.

Тўнғич фарзандимиз Баҳромни институтни 1983 йил тутатиб келгандан сўнг уйлантирдик, келинимиз Насиба билан уларнинг ҳозирда 3 нафар ўғиллари бор. Булар Низом (1985 йил), Элёр (1990 йил), Зафар (1992 йил). Баҳром аввал ишлаб чиқаришда буль — дозер — скрепер ҳайдовчиси, уста ва участка бошлиғи, ташкилот бош муҳандиси вазифаларида ишлагандан сўнг, армия сафига офи — цер сифатида, чақирилиб, икки йил мобайнида Москвага яқин Коломна шаҳрида рафиқаси ва фарзанди билан яшаб, хизмат қилиб келди. Армиядан қайтиб трест комсомол ячейкаси котиби, бошлиқ ўринбосари, ҳокимиятда назорат бўлимида ва Зарбдор ҳокими — нинг муовини бўлиб ишлаб, ҳозир механик устахона ишлаб чиқа — риш — саноат корхонасининг раҳбари лавозимида ишламоқда. Ик — кинчи мутахассислик иқтисод бўйича олий маълумотли бўлди. На — сиба келинимиз олий маълумотли, мактабда тил ва адабиёт фани — дан дарс беради.

Ином ўғлимни Мос — квада аспирантурада ўқиб юрган пайтида уй — лантирдик. Келинимиз Холида Автомобиль йў — лари вазирлигида ишлаб, уларнинг фарзандлари Дамир (1989 йил), Сар — дор (1993 йил).

Ином саккизинчи синфдан Республика иқтидорли физик — ма — тематиклар мактабида тахсил олиб, уни олтин медаль билан тугатди. Мактабда, кейинчалик институтда, математика фанидан олимпиадаларда қатнашиб турар эди. Жумладан 1979 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Республика мате — матика фан олимпиада — сида Фаҳрий Ёрлиқ би — лан СССР Фанлар Ака — демиясининг Сибирь бўлими ва Ўзбекистон Маориф Вазирлиги бир —



Бобомдан ҳам каттаман...

галикда ўтказган Шарқий ҳудуд мактаб ўқувчиларининг физика — математика ва химия фанлари олимпиадасида ғолиб чиқиб, ака — демик Г.И.Марчук имзо чеккан Фаҳрий Ёрлиқ билан тақдирланган.

1980 йил Ўзбекистон Республикаси Маориф вазирлиги ва Ўз — бекистон Фанлар академиясининг Республика Ёш математиклар олимпиадасида алоҳида масалаларнинг антиқа ечимини топган — лиги учун вазир С.Шермуҳамедов ва Академия Президенти Обид Содиқовлар имзоси билан "Фаҳрий Ёрлиқ" олишга муваффақ бўлган.

1981 йилда Тошкент Политехника институти томонидан таш — кил қилинган студент ва илмий — техника тараққиёти олимпиада — сининг Олий математика фани ғолиби сифатида "Фаҳрий Ёрлиқ" билан тақдирланган. Ином аспирантурани техника фанлари ном — зоди дипломи билан якунлади. У Москвада техника фанлари ном — зодлиги диссертациясини ҳимоя қилганида Эля Шлемович Ку — перман, Ўразбой Жумаев, Убайдулла Яманқуловлар билан бориб иштирок этганмиз. Сўнгра Архитектура ва Қурилиш институтида дарс бериб, доцентлик унвонини олди ва Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигига ишга ўтиб, масъул ишларда ишлади ва ўзининг докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди.

1991 йил учинчи фарзандимиз Икромни улангирдик. Икром Тошкентдаги Ирригация институтини тугатиб, "Бўстонсувқури — лиш" трестда дала геодезисти лавозимида иш бошлаб, ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, сугориш тармоқлари бошқармасида муҳандис, бош муҳандис лавозимларида ишлади. Учта фарзанди бор: Жаҳонгир (1993 йил), Абдумажид (1995 йил), Фарангис (2002 йил). Келинимиз Наргизанинг отаси Сайдулла Жабборов, рафиқаси Назирахон билан чўлни ўзлаштиришга етмишинчи йилларда Булунғур туманидан кўчиб келиб, Дўстликка жойлашиб, "Дренажстрой" трестда, сўнгра "Жиззахчўлқурилиш" бошқармасида ходимлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган, ўқимишли инсон эди. У чўлга келадиган оилаларга, мутахассисларга ўзининг иккинчи ватанини топишга ёрдам берар эди. Булунғурдаёқ кўшни бўлиб яшаган дондор механизатор Кувондиқ Абдураззоқов билан Бўстонга келганда ҳам ёнма — ён коттежларда яшаб, қиз узатиб қариндош ҳам

бўлиб олган эди. Фарзандларимиз тўйи ўтгандан беш кундан сўнг, қудалар биргалашиб Кавказга дам олишга кетган эдик. Мен рафиқам Ҳурриятхон билан Кисловодскда "Ўзбекистон" санаториясига, Сайдулла Жабборов рафиқаси Назирахон билан Железноводск шаҳрида ўзимиз қурган "Главсредазирсовхоз"га қарашли "Ўзбекистон" корпусига жойлашиб, бир бирларимизга электричкада бориб, келиб турардик. Кисловодск шаҳрига мен рафиқам билан бир неча йиллардан буён доимий дам олишга борганим туфайли, у ердаги ишловчилар — тиббиёт ходимлари билан қариндошлардек бўлиб қолганмиз. Аввал санаторий бош врачлари булган



*Қудачилик-минг йилчилик
(Сайдулла Жабборов ва Назирахон)*

жиззахлик Ботиралиев вақтида, кейинги Худойберди Раҳмедов иш — лаганда, айниқса жиззахлик яхши танишимиз Мирсодиқ Муслимов билан дўстона алоқада бўлиб, бизга ҳаммавақт кўнгилдагидек ша — роит яратиб бериб, соғлигимизни тиклашда доимий ғамхўрлик қилиб турарди. Мирсодиқ Тошкентга келиб, аввал ТашМИДа, кейин тўр — тинчи соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаё — тир, салом — алигимиз узилмаган. Охири йиллар санатория бош врачси Таися Александровна, туркман қизи София Мурадовна, врач — лар Валентина Автондиловна, Валерий Евгеньевич, ҳамширалар Жанна, Шарофат, Екатерина, Марина, Лилия, Рая Сойнизиоров — налар ҳозиргача бизни очиқ чеҳра билан кутиб оладилар. Сана — торийда ерли халқ, карачайлардан ҳам ишловчилар бор, улар би — лан бемалол ўзбек тилида сўзлашиш мумкин. Кисловодск шаҳрига айниқса "Бахмал мавсуми" деган кузнинг сентябр, октябр ойла — рида борганда кўзни қувонтирадиган ўрмонзорлар, чиройли ман — зарасини кўриш мумкин.

Киши соғлиғига жуда яхши таъсир кўрсатадиган, ҳаммавақт тозалиқда турадиган 180 гектарли катта боғни бошидан охиригача чиройли қилиб қурилган саломатлик йўлакчалари билан аста — секин "Красная Москва", "Красные камни", "Серые скалы", "Храм воз — духа", "Солнышко", "Олимпийский комплекс", "Малое и большое седло" деган жойлардан кўтарилиб бораверсангиз бир — бирдан гўзаллашиб бораётган, ҳар — хил ранглардаги ўрмон манзарасини томоша қиласиз, дарахтлар орасида олмахонлар йўлингизга чиқиб писта, ёнғоқларни сўриб ўтирганини кўрасиз. Кисловодскда Ка — расик деган сураткашнинг олган суратларини, дам олишга борган ҳар бир кишининг хонадониди, алоҳида ажралиб турганини кў — риш мумкин.

Шу йили қизим Дилором Тошкентда Политехника институтини битириб, бир йил лойиҳа — қидирув институтида ишлагандан сўнг, турмушга бердик. Куёвимиз олий маълумотли муҳандис Фанишер, Ёмлик Амалиев ўриш ва Болтаева Раъноларнинг фарзанди бўлиб, ҳозир Лайло (1992 йил) ва Покиза (1994 йил) қизлари билан Даш — тобод шаҳрида туради ва иккаласи ҳам қурилиш ташкилотларида меҳнат қилади.

Раъно қизимиз эса ўғли Бобур (1993 йил), қизи Шохисталар (1992 йил) билан Тошкентда жаҳон тиллари институти аспиранту — расида таҳсил олмоқда.

Фарзандлар ва набираларга бадавлат бўлгандан кейин мудом кўнгил тоғдек ўсиб юрар экан. 1999 йил 60 ёшимни нишонлага — нимда атрофимни ўраб турган фарзандларим, саф — саф набира — ларимдан қалбим қувончга тўлиб кетди. Меҳнат фаолиятим, оила — вий ҳаётимда орттирган дўстлар, қариндошлар улкан бир жамоа бўлди.

Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан,
улар ҳақида ҳамиша янги гап айтиш мум-
кин.

С.Буффлер.

ОНАЖОНИМ – МЕҲРИБОНИМ

Агар кимики ўз тақдиридан нечоғлик ризо бўла олса, менинг ҳам ўшанчалик розиман дейишга ҳаққим бор. Минг қатла шукур — ки, не — не улуг ва доврўқли ишларда қатнашдим: ўзига яраша тақ — дирландим, асло ҳафагарчиликка ўрин йўқ. Умрим давомида шун — чалик дўстлар орттирдим, саногининг чеки йўқ. Ишим юзасидан ҳам, таътил пайтларимда ҳам салкам ярим дунёни кўрдим десам, лофи йўқ. Жамланса бир дуркун фарзандлар, улар туфайли бир саф набиралар кўрдим, шажарам кўпайгандан кўпайиб бормоқ — даки, тақдиримдан нолиш йўқ.

Баъзан чарчоқлик бўлсада, тиними кам меҳнат билан умр ке — чирдим, нолимайман. Кўнглимда бир афсусим бор, падари буз — руковорим лаънати урушни деб Онам ва икки норасида ўғилларини ноилож қолдириб, орқасига қарай — қарай кетганлару қайта кўриш насиб этмади. У кишининг ўринларини билдирмасликка тиришиб онажоним яшаб ўтдилар. Олий маълумот олиб, Ҳурриятхондек оқила, сабр — бардошли, фидойи меҳри дарё инсон билан бир ёстиққа бош қўйганимдан сўнг ўттиз икки йил менинг ҳаётим, меҳнатимни кўриб, ҳар дам қўлларини очиб менинг ва оиламнинг иқболини тилаб ўтдилар.

Ҳар бир фарзанд туғилганида раҳматли Онажоним ўзига сизмай кетар, шодлигини яшира олмай қўлларини дуога очардилар. Тўн — гич фарзандларимни уйли — жойли қилган пайтларим Онамнинг бах — тиёрлиги ўзи бир олам эди. Сўн — гги йилларида кўз қарашларидан шу кунларимни, ўғилларининг воёга етганини, қатор — қатор набирала — рини кўрмадилар — да деган ички бир интиқликни сезгандай бўлар — дим. Ҳа, Онажон менинг дунёга келиб топган, суянган Инсоним эдилар.

Онам Меҳринисо 1914 йилда таваллуд топганлар. 1930 йилда отам Абдумажид билан турмуш қурган — лар. Бош фарзандлари Жўрабой ва Гулчеҳралар ёшлигида вафот



Оилам билан бағрим бутун

этишган. Мен уч ёшга тўлиб, укам Эргаш эндигина туғилганида оғам урушга кетиб, бедарак кетдилар. Шу — шу бизни боқиш, тарбия қилиш Онамнинг зиммасида бўлган. Уруш ва ундан кейинги оғир йилларда Ём қишлоқ мактабида бошланғич синфларга дарс берди — лар. Менинг ҳам биринчи синфдаги ўқитувчим Онам эдилар. У ки — шининг мактабдан олган маошларига қараб, аҳволимиз бирмунча чидарли эди. Ўн уч йил ўқитувчи бўлиб ишлагандан сўнг, қаттиқ касалликка йўлиқиб овози батамом йўқолиб қолди. Онам бетоб ёт — ганларида ва ундан кейин ҳам биз жуда ночор ҳолда яшадик. Мени 4 синфда ўқиш учун Абдулазиз акамларникига юборди, сўнгра Об — ручевога кўчиб келиб, ўқишни давом эттирдим. Касаллик асоратида товушини йўқотиб ўқитувчилик қила олмаганидан сўнг, гишт те — рувчи ва печка қўриш устаси бўлган тоғам Отақула ёрдамчи ишчи бўлиб қурилишда ишлай бошладилар. Ҳамда эрталаблари қўшни — ларимиз сигирини соғар, сутини сепаратордан ўтказиб маблағ то — пар, кечқурунлари тикув машинасида кийим бичиш — тикиш билан шуғулланар эдилар. Шу боис Онам қишлоғимизнинг энг моҳир чевари саналар ва ўта пазанда эдилар. Айниқса, хамир овқатларни тай — ёрлашда асло зринмасдилар. Қиймали қаттиқли угра ошни ҳеч ким Онамчалик мазали тайёрлай олмаса керак. Мазали таомлари ва ха — мири сутта қорилган пәгир нонларининг таъми ҳали — ҳали оғзим — да. Пазандалик маҳоратини синглимиз Шоирага, рафиқам Ҳуррият ва яна кўпчилик келинларга ўргатиб кетдилар.

Еттинчи синфни тугатганимдан сўнг Онам мени туман маркази Зоминга, 22 км. масофага бориб ётоқхонага жойлаштириб, ўрта мактабга ўқишга бердилар. Барча қийинчиликни елкаларига олиб мени моддий таъминлаб турдилар. Кейин институтда ўқиган йил — ларимда ҳам мени қўллаб — қувватлаб турганларини айтмайсизми.

1961 йил институтни тугатиб келганимда уйлантириб қўйдилар. Фарзандларим тарбиясини ҳам ўз зиммаларига олдилар. Фарзанд — ларимнинг бири техника фанлари доктори, бири аспирант, икки — таси қўш диплом соҳиби бўлишларида Онамнинг ҳиссаси жуда кат — тадир. Рафиқам билан деярли ҳар йили дам олишга кетганимизда барча фарзандларим Онамнинг тарбиясида қолар, улар Тошкентда олий ўқув юртларида ўқиганда эса бирга яшар, овқатларини пиши — ribs ўтирар, ўқиш, юриш — тўришларини тергаб турар эдилар.

Қишлоғимиздаги тўй — маъракаларда эса давра боши бўлар, та — омлар пиширар, улар орасида жуда катта обрў қозонган эдилар. Қирғизистоннинг Ўш вилоятида яшаб, Янгиерга, Дўстликка, сўнгра Бўстонга кўчиб келганимизда Онам энг биринчи навбатда қўшни — ларимиз билан танишиб чиқар ва жуда иноқ бўлиб яшар эдилар. Онам санатория ва дам олиш уйларига борганда ҳам кишилар би — лан тез тил топишиб кетар, қадрдон бўлиб қолар, кейинчалик ҳам алоқани узмасликка ҳаракат қилар эдилар. Мен билан кўп йиллар хизмат машинамини ҳайдаб юрган шофёрлар Сувонберди, Вели, Ус — монларни ҳам ўзининг ўғлидек кўрар, насихатлар бериб юрар эдилар.

Шунинг учун ҳам Онам тимсолида фарзандлари учун бутун

меҳрини, бутун салоҳиятини бахшида эта олган бениҳоя камтарин, камсухан, дилкаш муомалали, элнинг ҳурмат эътиборини қозонган улуғ инсонни кўраман. Менинг сермазмун, тигиз ҳаёт йўлим, оиламнинг тўкин бахти Онам туфайли эканлигидан у кишини ҳар дам ёдда тутмоқ ҳаёт амалим билан чамбарчас боғланиб кетган.

Дарвоқе Онамнинг шундай олижаноб фазилатлари менинг хо — надоним билан яқиндан таниш бўлганларда ҳам ўзига хос таассу — рот қолдирган. Тошкентдан Жиззах вилоят ижроия қўмитаси ра — иси ўринбосарлигига ўтган пайтимда Ўзбекистон "Сув қурилиши" бошқармаси жамоасининг дил истаклари битилган мактубидаги "Сизни вояга етказган онангиздан миннатдормиз" каби сўзлари қалбимга чуқур таскинлик бағишлайди. Ваҳоланки, бундай мин — натдор сўзлар жуда кўп. Исми жисмига монанд шундай она фар — занди бўлиш ҳам улуғ насиба.

Илоҳим, оҳиратлари обод, руҳлари шод бўлсин.

Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен

Сен дарёсан.

Сен барибир Муқаддассан.

Муқаддас Аёл!

Ҳалима Худойбердиева

ОИЛАМ БЕКАСИ ҲУРРИЯТХОН

Тақдир мени болаликдан анча қийинчиликларга дучор этгани рост. Эндигина уч ёшлигимда отам фронтга кетиб қайтмадилар. Ҳали хануз аскарликдан қайтганларни кўрганимда кўнглимда бир хўрсиниш пайдо бўлади. Худога минг қатла шукрки, Онажоним бағрида вояга етдим.

Институтда ўқиб юрган пайтларимда ҳам бутун ҳаёт йўлим ким билан кечишини дурустроқ ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Устига устак, онам бошлиқ оиламизнинг моддий имконияти ҳам мақтангудек эмасди. Болалигим ўтган Қоратепа (Даштобод) қоқ даштнинг ўртасида. Ўқиёт — ган касбим эса тоғ муҳандиси. Институтни битиргандан сўнг қаерга бориб ишлашдан кўра, институт қаерга юборса ўша ерда ишлаш ҳақидаги ҳаёл устун эди. Ниҳоят институтни битирдим. Йўланма Қирғизистонга. Шу ҳаёллар билан юрганимда Ҳурриятхонга уй — ландим. Ихчамгина тўйимиз 1961 йил 9 июл куни бўлиб ўтди.

Бўлажак рафиқамни қўшни бўлиб яшаганим учун бешинчи синфда ўқиб юрганидан, яъни 12 — 13 ёшлигидан танирдим. Унга уйлани — шимга бош қўшганлар Онам ва қўшнимиз Мамурқул аканинг аёли Хумор опа. Ҳурриятхон ўрта мактабни тугатиб, бирон жойда ишла — маган бўлсада, ақли расолиги, дунёқараши, мулоийм одоби, меҳнат — кашлиги, айниқса пазаанда ва саришталиги билан ҳавас қилса арзий — диган аёл. Биринчи навбатда Ҳурриятхон онамдан рўзғор тутиш, уйни саранжом ва озода сақлаш, таомларни мазали пишириб, тандирга нон



Бобом юзга кирсинлар...

ёпиш сирларини қунт билан ўрганиб олди. Айниқса онамдан фарзан — дларга тарбия бериш сирларини ўрганишга ҳаракат қилар ва бола — ларимизни боғчада, мактабда, ҳатто институтларда ўқиб юрган пайт — ларида ҳам доимо тергаб, интизомга чақириб, ўқиш — ёзишларини, уй вазибаларининг бажарилишини назоратта олиб турар, барчасининг синф раҳбарлари билан учрашиб, сўриштирар, ота — оналар мажли — сини қанда қилмасдан ҳаммасига ўзи қатнашар ва бўлаётган воқеа — ларни менга хабар қилиб турар эди. Ҳурриятхон катта онаси Тўтихон момодан ва аскиябоз, санъаткор, ҳозиржавоб отаси Назирқул амаки — дан эшиттан жуда кўп ҳикоя, ривоят, ҳикматли сўз ва айниқса, мақол — ларни эсда сақлаб қолган бўлиб, ўрни келганда ишлата билади ва болаларни тарбия қилишда қўллаб юради. Эндиликда онамдан ўрган — ган ва ўзи мукаммаллаштирган рўзгор тугиш ва пазаңдалиқ сирла — рини қизлари ва келинларига аъло даражада ўргата билди. Бутун Ҳур — риятхон набираларининг севимли бувиси ва маслаҳатгўйи. Ҳар бир фарзандини уйли жойли қилишда лоақал бир оғиз нолиганини ва ё бирон бирига сал қаттиқроқ сўз қотганини эшитмадим десам бўлади.

Ҳурриятхон ҳаётимнинг ажралмас мазмуни, бахтимнинг суянч тоғи, оиламнинг толиқмас меҳрибони, оналик, бувилик, қайноналикни қойиллатиб жойига қўя билан, бир умр ўзини менинг ҳаётимга ба — гишлаган беминнат сирдошим, йўлдошим, оиламнинг посбони.

Мен 2001 йил 20 март куни Ҳурриятхоннинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ҳазил табрикнома ёзган эдим, тунда бу номани ёзиб эрталабга яқин наҳорги тўйга тайёргарлик билан ухламай пи — шириқлар тайёрлаб турганида ошхонага бориб, "Сизга почтачи хат ташлаб кетибди" деб конвертни топширган эдим. Ана шу қутловни айни ҳолатда ёритмоқни лозим топдим.

ҲУРРИЯТХОН!

Эсингиздами, бундан роппа-роса 42 йил муқаддам Сизга мактуб ёзиб, Баҳорой дугонангиздан бериб юборган эдим. Сиз ўқиб юрган 25—сонли Стаханов номли мактаб ҳовлисида мактубимни ўқимасдан йиртиб ташлаган эдингиз. Чунки Сиз уни севги мактуби бўлса керак деб ўйлагансиз. Аслида номамда Сизга севги изҳор этган эмасдим. Мактубда "Меҳринисо онам Сизни келинликка танлабди. Сизга уйлангириб қўймоқчи. Мен учун ҳам ота, ҳам она бўлган шу МУҚАДДАС АЁЛга Сиз келин эмас, балки қиз бўла оласизми?" деб ёзган эдим. Чунки, Онам (жойлари жаннатдан бўлсин) қизим йўқ деб ўқсиб қуяр эди баъзига. Сиз ўша ўқилмаган хатдаги дил изҳоримни йиллар оша аъло даражада бажардингиз, Онамни бутун умр ардоқлаб қиз бўлдингиз, Онам Сиздан рози бўлиб кетдилар.

Онам Сизни келинликка тўғри танлаган экан. Қирқ йил мобайнида Сиз менга бахтли турмуш ато этдингиз. Онамдан сўнгги, энг яқин аёл бўлиб қолдингиз, шунинг учун 42 йил аввал ёзиб, сиз йиртиб ташлаган хатимнинг давомини ёзмоқчиман. Чунки ҳаётда мен қандай муваффақиятларга эришган бўлсам, асосий сабабчиси Онам Меҳринисо ва Сиз Ҳурриятхондир.

АЗИЗИМ ҲУРРИЯТХОН!

Бугун туғилган кунинг, яъни олтмиш ёшлик юбилейинг. Бундан қарангки, турмуш қурганимизга ҳам 40 йил тўлибди. Сен 40 йил мобайнида менинг ёнимдасан. Эх—хе иккаламиз бу йиллар давомига қайси бурчакларни кезиб чиқмадик. Обручеводан Ҳайдарконга, ундан Янгиерга, сўнгга Дўстликка, кейин Бўстонга кўчдик.

Москва, Санкт—Петербург, Бишкек шаҳарларида, Кисловодск ва Сочи курортларида, Литванинг Друскининкай курорт шаҳарчасида, Иссиқкўлда ва бошқа ўнлаб шаҳарлар ва курортларда сайр қилдик. 40 йил мобайнида ёнимда энг яқин маслаҳатгўйим бўлиб келаяпсан. Ўзинг билган ва ҳамма вақт керак бўлиб қолганда топиб айтадиган халқ мақолларинг мени доимо ҳайратга солиб келган, назаримда ҳеч ким сенчалик кўп мақол билмаса керак. Онам билан иккаламиз менинг эмин—эркин ишлашим учун барча шароитларни яратиб берганларингиз туфайли "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор", ва "Давлат Мукофоти лауреати" унвонларига эришдим. Барча муваффақиятлар учун сендан жуда миннатдорман.

ҲУРРИЯТХОН!

Мен сени олтмиш ёшинг билан самимий табриклайман. Мен билан бирга 7 нафар фарзандинг, 15 нафар набиранг, келинларинг ҳам табриклайлти.

Сен бир умр уйимизнинг баракасини, тотувлигини, меҳр—оқибатини, фарзандлар тарбиясини таъминлаб келдинг. Сен борсан, ҳодонимизга фойз—барака бор. Йиллар оша менинг оилавий иқтисодчим сифатида тер тўкиб ишлаб келдинг. Мудом саранжом—сариштали, беғубор ва назокатли уй бекаси бўлдинг. Сенинг рўзгор тутушингда катта ҳикмат бор дегим келади. Сенинг кўз қароғинг—

да, тиниб—тинчимас меҳрингда барча фарзандларинг аъло баҳоларга ўқиб, оиламга барака ато қилиб, фарзандларимга ихбол бағишладинг. Мен эса икки сменада ишлаб, ҳафталаб, ойлаб фарзандларимни кўр—маган пайтларим бўлганда ўрнимни билдирмасликка эришдинг.

Мен суткасига 17 соатлаб ер остида, шахта ичига қолиб иш—лаганимда сабр—бардош билан кутар эдинг. Ишдан минглаб маро—таба кечаси, тун ўртасида қайтганимда ўрнингдан туриб, овқат ҳозирлаб, тўйинганимча ёнимда ҳамроҳ бўлиб ўтирар эдинг. Бун—дай бардошли меҳр ва ардоқ ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Гоҳи ҳаётда қийналиб, лавозимдан бўшаган пайтларимда ҳам кўнглимни чўктирмай қимматли маслаҳатларинг билан менга куч бағишладинг.

Хаста бўлган кунларимда ёнимда мижжа қоқмадинг. Бир сафар Ҳайдарконда операция бўлиб ва яна бир сафар Бўстонда укол ре—акция бериб, ҳаётдан кўз юмишга бир баҳя қолганда сенинг қанча—лик жонҳалак жиғибийрон бўлганларинг ҳечам эсдан чиқмайди.

Мана сен ҳам 60 ёшга тўлдинг. Фарзандларинг билдираётган ҳурмат—эҳтиром, сени ардоқлаб севишлари, сенга кўрсатаётган илтифот ва ҳурматни барча набираларингдан ҳам кўришингни, қариялик гаштини улар билан биргаликда баҳам кўриб, кўп йиллар яшашингни жуда—жуда хоҳлайман.

Сенга сиҳат—саломатлик тилаб, доимо мен билган Ҳуррият—хон бўлиб қолишингни тилайман. Сенга яна бир бор миннатдор—чилик билдириб, юбилейинг билан табриклаб, узоқ умр тилаб юрувчи, умр йўлдошинг Ўриш Мажидов бўламан.

20 март 2001 йил

P.S Онамга кўрсатган ҳурмат ва эҳтироминг
Келинларингдан қайтсин..

Набираларимнинг туғилган кунлари.

Низом	— 1985.23.04
Дамир	— 1989.09.05
Элёр	— 1990.12.11
Лайло	— 1992.03.02
Шоҳиста	— 1992.31.05
Зафар	— 1992.04.11
Жаҳонгир	— 1993.18.01
Сардор	— 1993.09.04
Бобур	— 1993.07.08
Покиза	— 1994.27.05
Абдумажид	— 1995.03.04 (бобожон)
Вазира	— 1996.01.11
Лочинбек	— 1996.08.10
Файруза	— 1997.07.01
Мафтуна	— 1998.07.05
Абдуҳамид	— 1999.16.04 (отажон)
Фарангис	— 2002.20.05
Анвар	— 2002.30.11

IX. ИЛМГА ВА КИТОБ ЎҚИШГА ТАШНАЛИК

Юқорида айтиб ўтганимдек, 1956 йилда ҳозирги Даштобод ша — ҳарчаси кутубхонаси мудирини вазифасида ишлаган вақтимда шах — сий кутубхонамни ташкил этишга киришган эдим. Дастлабки йиллар кутубхонамда асосан бадий ва техникавий китоблар кўпроқ эди. Кейинчалик энциклопедиялар, справочниклар, журналларга илова сифатида чиқадиган кўп томлик (жилдлик) асарлар, почта орқали ёзиб олинadиган китоблар салмоқли ўрин эгаллай бошлади. Кутубхонани бойитиб бориш, уни сақлаш ҳам ўзи бўлмайди. Албатта, кутубхона бўлганидан кейин китоб излаш, топиш, саралаш, харид қилиш ва уни сақлаб тўриш керак бўлади. Яхши китобларнинг ишқибози кўп бўлади. Ана шу тўсиқни енга олсангиз кутубхона тобора бойиб, тартиблашиб бораверади.

Ўтган йиллар давомида қайси шаҳарга меҳнат сафарига ёки дам олиш учун борган бўлсам, ўша жойдан албатта китоб харид қилар эдим. Харид қилинган китобларга жой номи ва харид санодини ёзиб қўяман. Шу белги ҳам тасаввур учун катта бир туртки.

Ўтган ярим асрда йиғилган 2 мингдан зиёдроқ ноёб китоблар, асарлар қаторида мен севиб ўқийдиган адиблар Оноре Де Бальзак 10 жилдли, Чингиз Айтматовнинг 7 жилдли асарлари билан бирга, 50 жилдли "Дунё болалар адабиёти" йиғма асарлар тўплами, ҳозиргача босилиб чиқарилаётган 66 та (100 Великих) сериясидаги китоблар, 200 дан ортиқ ажойиб кишилар ҳаётидан "ЖЗЛ" серияси, 14 жилдли Ўзбекистон энциклопедияси, 6 жилдли Абу Али ибн Сино (Авиценна)нинг Тиб қонунлари, Қуръони Каримнинг мамлакатимиз ва чет элларда босиб чиқилган ўзбек, рус ва араб тилидаги нусхалари жамланган.

Кутубхонамда жаҳон адабиёти классикларидан Александр Дюма, Чарлз Диккенс, Теодор Драйзер, Александр Пушкин, А.П.Чехов, М.Горький, Ги Де Мопассан, Жек Лондон, Марк Твен, Бунин, Карамзин, Ключевский, Соловьёв, Лермонтов, Хемингуэй, Стендаль, Жюль Верн ва бошқа улуг ёзувчиларнинг китоблари, А.Қодирий, П.Қодиоров, О.Ёқубов, Ў.Ҳошимов асарлари бор.

Шоирлардан С.Есенин, Расул Гамзатов, А.Орипов, Э.Воҳидов, А.Аҳматова, Ҳ.Худойбердиева ва бошқаларнинг шеърини тўпламлари, А.Навоий, У.Ҳайёмлар шеърини китоблари жой олган.

Кутубхонамда турли вақтларда Асқад Мухтор, Назир Сафаров, Абдулла Орипов, Азим Суюн, Ўрол Носиров, Маъмур Носир, Нурали Қобил, Бахтиёр Ризо, Рауф Парфи, Саттаров Қорабоев, Анвар Тоғаев, Турдибек Назаровлар билан суҳбат қилганман.

Кутубхонамда фақат ўзимгагина тааллуқли бўлган архив мате —

риалларидан ташқари, кўп йиллар давомида таниш — билиш — билиш — римга алоқаси бўлган, ёки менда қизиқиш уйғотган мақолалар, фотосуратлар, рисоаларни йиғиб тахлаб қўйганман.

А.Орипов, Ҳ.Худойбердиевалар ижодий ҳаётининг 20 — йил — лари давомида марказий матбуотдагина эмас, балки вилоят, туман газеталарида, журналларида босилиб чиққан шеър ва мақолалари жамламаларини кўриб, кутилмаган ички эҳтирос ва ўз мухлисига миннатдорлик ҳисси тўлқинланган ҳолатларни кўрганимда ўз эъти — борли меҳнатимдан мамнун бўлганман.

Қолаверса, қайси бир ижодкор ёки олим билан танишмайин, ундан ўз китобига битилган дастхатини олиш менга одат бўлиб қолган. Гўёки шундай бўлиши керак деб тушунаман. Кимга қандай билмадим, аммо мен учун бу одат жуда қадрли. Мана қарангки, марҳума шоира Шарофат Ботирова бир сафар ўз ижодига те — гишли 30 — йиллар мобайнида йиғилган материаллар ичидаги баъзи шеърларини ўқиб, булар менинг ўзимда ҳам сақланиб қолмаган деб тан олган эди. Албатта, бундай А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева, Ш.Ботирова каби ўнлаб ижодкорларнинг асарлари ёки республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарлари тарихига оид матери — алларини жамлаб бориш анчайин иш ҳам эмас. Аввало бу ишга ўзингда масъулият ҳиссини уйғота билиш керак. Мен эса шахсан ўзим билган, менга қадрли бўлиб қолган ижодкорлар, таниш — би — лишлар ҳаётига мунтазам қизиқаман. Китобга, газета ва журнал — ларга бўлган қизиқишим кундалик ҳаётимга айланиб қолган. Унинг завқини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Кундалик иш, таш — вишлардан анча ҳориб уйга қайтсам — да, вақт топиб, кутубхонада бўлишим, матбуот янгилекларидан уйда ўқишга асраганларим билан танишмасам кўнглим жойига тушмайди. Устига устак, фарзандлар, эндиликда вояга етиб келаётган набиралар, уларнинг ўй — хаёл — лари билан ҳам қизиқишим зарурлигини мудом қалбдан ҳис қилиб тураман. Ҳаттоки, кўнглига яқин ижодкорлар, олимлар билан учрашувларда вақт тошиб фарзан — дларим ёки набира — ларим номига даст — хат олишни хуш кў — раман. Ўтган йили июль ойида Зомин — даги Ўриклисойда шоир Азим Суюн билан ширин суҳбат қурдим. Ёнимда Лайло ва Шоҳиста набираларим ҳам бор



Пиримқул Қодиров ва Худойёр Латипов

эди. Суҳбат чоғи Азим Суюндан “Сарбадорлар” китобига набира — ларим учун дастхат ёзиб беришини сўрадим. Шунда Азим Суюн китобга “Азиз қизларим, Лайло ва Шоҳиста ! Сизларга бир умр бахт ёр бўлсин. Муаллиф Азим Суюн. Зомин. 23.07.2002.” дастха — тини ёзди.

Кейин “Ўриш ака, шу китобимни ҳозирча менда қолдирсангиз, ўзимда нусхаси қолмаган эди”, деди. Қарангки, дастхат баҳонасида шоирда ўз китобидан атига бир нусха қолмагани ҳам аён бўлди.

Яқинда денг узоқ йиллардан буён деярли бир сафда ишлаб келаётган, бир — биримизга жуда қадрли бўлиб қолган Тўхтамиш Боймировга кутубхонамда сақланиб келаётган “Гулистон” журна — лининг ўтган асрнинг 70 — йилларидаги сонларидан бирида ёри — тилган материални кўрсатганимда у кишининг бир ҳалқчириб қуво — ниб кетганлигини кўрдим. Ўзим эса бундан ички бир қониқишни ҳис этдим. Очиги, кўпчилик ижодкорлар, ҳаёт йўлидаги дўстларим, танишларим билан боғлиқ материалларга ўзим ҳам вақти — вақти билан назар ташлайман, бир олам завқ оламан.

Кутубхонамдаги китобларни деярли ҳеч кимга уйига олиб ке — тишга рухсат беролмайман, чунки бундай ҳолатларда улар йў — қолиб ёки йиртилиб кетган ҳоллар кўп бўлган. Олган китобла — рини қайтариб бермаганлар ҳам анча бор. Уларнинг номларини кўрсатишни лозим топмадим. Қайтарилмаган китобларим ичида 1988 йил Гиннесс рекордлари китоби, Лариса Васильеванинг “Кремлевские жены”, Светлана Алилуева (Сталиннинг қизи) — нинг “20 писем другу”, А.Қодирийнинг “Меҳробдан Чаён” рома — ни, Леонид Гендлин “Исповеди любовницы Сталина” китоби, А.Ориповнинг “Нажот қалъаси” шеърйи тўплами, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Умуман мен “китоб ўғриси — ўғри ҳисобланмайди” — деган иборага қаршиман. Фарзандларим ва набираларимга ҳам шу хонада ўтириб ўқишларини тавсия қила — ман. Кутубхонамдан узоқ йиллар давомида кўпгина кишилар ки — тобларимни олиб ўқишган.

Жумладан ТошМИ ректори, академик Турғунпўлат Обидович Даминов, ТаСИ проректори, профессор Эркин Қосимов, Ислон Султонович Умаров, Нажмиддин Илясович Умаров, Нормухаммат Шерматович Умаров, Бекобод туман ижроия қўмитаси раиси Холбўта Деҳқонов ва ўғли Шухрат Деҳқонов, Эргаш Тожиев, Алишер Хў — жамович Исроилов, Нусрат Пардаев, Абдумажит Эргашев, шоир — лар Маъмур Носир, Анвар Тоғаев, иқтисодчи Марина Куперман, ўқитувчилар Навачук Нелъя Васильевна, Тамара Александрова, Зухра Караманова, Мақсуд Хазратович Тураев, врач Наталья Юрьевна Горячева, мусиқа ўқитувчилари Анжела ва Света Балайн кутубхонамдан олиб мириқиб китоб ўқишган. Кутубхонамнинг энг фаол ўқувчиси ўғлим Иномнинг фарзанди набирам Дамирдир. У ёшлигига қарамасдан китобга алоҳида меҳр қўйган ва тинмай ўқийди.

Айтмоқчи, шахсий кутубхонам алоҳида хонадан иборат бўлиб, шовқиндан ҳоли, ҳилватроқ жойда жойлашган, унда бадий кито — блардан ташқари, буюк рассом ва хайкалтарошлар асарлари чоп этилган китоблар, тарихий шаҳар ва ўлкаларга оид фотосуратли тўпламлар, Игорь Долгополовнинг 3 жилдли "Мастера и шедевры" номли изоҳли тўплами бор.

Узоқ йиллар ҳар хил вазият ва давраларда кўплаб машҳур ёзувчилар, олимлар, санъаткор ва маърифатпарвар инсонлар билан танишдим, дўстлашдим.

Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов билан 1997 йил 27 ноябрь куни Жиззахга келганида юзма — юз учрашиб, суҳбат қургандим. Мен Чингиз Турақуловичга кўпчилик қирғизлар истиқомат қиладиган вилоятимизга ташриф қилганлиги учун миннатдорчилик билдириб, чўлни ўзлаштириш ҳақидаги "Покорение Голодной степи" китобида адабнинг билдирган истаклари ҳам борлигини эслатиб, китобни тақдим этиб, ўзим "Плаха" китобларига дастхат ёздириб олганман. Шунда мен, Луи Арагоннинг "Жамила" повести ҳақида "Дунёда энг гўзал севги қиссаси" дегани, "Қисмат" асарларининг ҳам баъзи нозик ёзилган воқеалари баёни хусусида саволлар берган эдим.

Марҳум ёзувчи Назир Сафаров билан ота — боладек муноса — батда бўлиб, учрашиб турардик, ёзган китобларини ўзларининг да — сгхати билан шахсий кутубхонамда сақлаб қўйганман.

Асқад Мухтор чўлқуварлар билан учрашишга бир неча марта келган эди. У кишининг 60 йиллик юбилейлари муносабати билан Тошкентдаги уйларига борганимда, рафиқаси Роза опа қўшниси Пиримқул Қодировни айтиб чиқдилар. Ўшанда учаламиз "Юл — дузли тунлар" асарининг энди ёзиб тугатилган давоми "Авлодлар довони" романи, Бобур ҳукмдорлиги замонаси ҳақидаги мавзу таъ — қибга олинган вақтга тўғри келгани ҳақида фикр алмашган эдик. Орадан бир неча йиллар ўтгач бу асар "Хумоюн ва Акбар" номи билан чоп этилди.

Ёзувчи Одила Ёқубовнинг 70 йиллик юбилеи муносабати билан Жиззах педагогика институтида учрашувлар маросимида шоир дўстим Абдулла Орипов таништириб қўйганда, мен у киши билан "Муқаддас" повестининг ёзилиши, асардаги қаҳрамонларнинг про — тотиби ҳақида мулоҳаза юритган эдим.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан кўп йиллардан буён оилавий қатнашиб турамиз. Рафиқаси Ҳанифахон худди атай — лаб улуг инсонга умр йулдоши бўлиш учун дунёга яратилгандек, ажойиб ўзбек аёли, шоирнинг маслакдошидир. Абдулланинг ижод чўққиларига кўтарилиб, республика ёзувчилар сардори бўлиб бир неча йиллардан буён ишлаб, ёшларга мураббийлик қилиб, отахон устоз — шоир бўлиб юришида Ҳанифахоннинг чексиз ҳиссаси бор. Абдулла деярли барча китобларни дастхат билан менга тақдим этган ва бу китобларни фарзандларим, невараларим қўлдан қўймай, доим ўқиб юрадилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан унинг қариндоши чўлқувар қурувчи Ҳолид Полвонқулович Назирқуловнинг уйида учрашгандим. Кейин бир неча марта суҳбатларини эшитиб, кўрган — кечирганлари ҳақида сўраб, сўриш — тириб, билиб олганман.

Ёзувчи Зинат Фатхулин билан танишганимдан сўнг, у киши ҳаётидаги жуда кўп воқеаларни эслаб, айтиб бериб, китобларини дастхат билан менга берганлар.

Ёзувчи Иброҳим Раҳим билан Латвиядаги Рига кўрфази, Юрмала дам олиш маконида Низомий номидаги Педагогика институти ректори, тарихчи Хабиб Турсунов ва кейинчалик Жиззах педагогика институти ректори Бозорбой Ўринбоевлар билан дам олганда танишган эдим.

Кисловодск шаҳрида Наманганлик шоира Санобар Хасанова турмуш ўртоғи билан бўлганда рафиқам Хурриятхонга шеърлар тақдим этиб, меҳмонга келишга таклиф қилган ва узоқ йиллар хат орқали мулоқотда бўлган эдик.

Жиззах вилояти ҳокимлари Шавкат Мирзиёев ва Убайдулла Яманқуловлар ташаббуси ва раҳнамолигида ҳар йили ўлкамиз — нинг гўзал масканларидан бири Зомин тоғлари орасида жойлашган "Ўриклисой" оромгоҳида ўтказиладиган Республика ёш ижодкорлар кўрик — танловида мен китобсеварлар жамияти аъзоси сифатида доим қатнашиб келаман. Кўрик — танлов ташкилотчилари, сеvimли шоирларимиз, вилоят ҳокими ўринбосари С.Тўйчиева, вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси Ш.Ботирова, вилоят Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, профессор Ў.Носиров ва оромгоҳ директори Мирзаширин ака ҳар йили катта тайёргарлик билан қатнашчиларни кутиб оладилар. Мен бу йиллар давомида ёшларни кўрикка тайёрлаш, маҳоратларини баҳолаш, ўргатиш учун келадиган Йўлдош Сулаймон, Жуманиёз Жабборов, Шарифа Салимова, марҳум Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева, Азим Суюн, Турсуной Содиқова, Ҳусниддин Шарипов, Сирожиддин Сайид, Рузимат Отаев каби адиблар билан суҳбатлашдим, мулоқотда бўлдим. Улар қаторида Анвар Тоғаев, Мамараҳим Абдулҳақимов, Нилуфар Юлдошева, Умида Абдуазимова, Абдували Қутбиддин, Икром Отамуродовлар анжуман ишида қатнашиб юрар эдилар.

Зомин учрашувларида ўзларининг илк асар ва китоблари билан қатнашиб нуфузли ўринларни олган ёшлардан Гулжамол Асқарова, Шўҳрат Ориф, Муҳаббат Тўхташ, Шаҳло Аҳророва, Латофат Неъмат, Ойдин Донишева, Меҳринисо Абдурахмонова каби республика матбуотида доимо чиқиб турадиган ёш авлод вакиллари мушоираларини эшитганман. Зомин ёш ижодкорлар кўрик — танлов қатнашчиларининг Зомин туман марказида изланувчан публицист шоир Саттор Қорабоев томонидан дид билан ташкил қилинган ўлкашу — нослик музей кўргазмалари билан таништириб ўтганмиз.

Ёзувчи Шўҳрат, шоир Нормурод Нарзуллаевлар билан Кисловодск шаҳри "Ўзбекистон" санатроиясида ҳамсуҳбат бўлганман.

Турли йиғилишлар, анжуман, юбилейларда, дўстона давраларда Ҳамроқул Ризо, Жонибек Субҳон, Маъмур Носир, Собир Унар, Оқилжон Ҳусанов, Бахтиёр Ризо, Турғун Жамолов, Норнисо Қосимова, Хосият Бобомуродова, Нурали Қобуллар билан учрашиб, суҳбатлашиб юрганман.

Жиззахда матбуотда ишлаб юриб, республика марказий газеталарига муҳаррир бўлган, изланувчи журналист, Анвар Жўра — боевни кўп йиллардан буён биламан. Ўз вақтида у Дон дарёси соҳилларига Вешинка қишлоғига бориб, Михаил Шолохов билан суҳбат қилиб, унинг дастхатини республикамиз газета журналла — рида чиқарган, Қирғизистоннинг пойтахти Бишкек (Фрунзе)га бориб, улкан адиб Чингиз Айтматов билан учрашиб, унинг ўзбек китоб — хонларига айтган истақларини ёзиб, эълон қилган эди. Кейинча — лик Москвадаги осмонўпар бинода халқ артисти Людмила Зыкина билан учрашиб, унинг Ўзбекистондан олган таассуротларини ёритиб, "Марказий Осиё маданияти" газетаси 2001 йил 21 июнь сонида ёзиб чиқди ва унда жойлаштирилган архив суратида мен ҳам бор эканман. Бу каби улўғ инсонларнинг китоблари, дастхатлари билан, шахсий кутубхонамнинг нуфузли ўринларидан жой олган. Кутубхонамда турли китоблар билан бирга, Бобур Мирзонинг катта сурати бор.

Шахмат ўйинига жуда қизиққанлигим боис кўп йиллар давомида жаҳон чемпионлари ва улўғ шахматчилар ҳаётига доир китобларни харид қилиб келаман. Кутубхонамда шахмат ўйини ва тарихи тўғрисида 100 дан ортиқ китоблар йиғилган. Бир сафар қўшним Зокир Исоқуловнинг тўйига Ўзбекистонда илк сураткашлардан бўлган Пенсоннинг ўғли келган эди. Мен уни кутубхонамга таклиф қилиб, отасининг 30 — йилларда суратга олган "Ўзбек маъбудаси" асарини кўрсатиб, унинг яратилиш тарихини сўраб олгандим. Кутубхонам менга ана шундай қизиқ хотиралар билан ҳам азиз.

Кутубхонамнинг бойиб боришида вилоят китоб савдо ходимлари Алибек Хидиров, Абдуқаҳҳор Абдураимов ёрдам берган. Мен фақат дўкондан китоб харид қилмасдан, "Букинист" бўлимига ўзимда ошиқча китоб нусхаларини керакли бошқа китоб билан алмаштиришдан ҳам фойдаланаман. Кутубхонадаги китоблар учун фамилиям ёзилган шахсий муҳр тайёрлатиб, ҳар бир китобга муҳр босиб чиққанман.

Китоблар мен учун шунчалик азизки, уларда ҳаёт йўлларимда асқотган жуда кўп ҳикматлар бор. Бу ҳикматлар бир умр хотирамда ўчмас бўлиб қолган.

Мен учун жуда ардоқли кутубхонамдаги ҳар бир китоб ўз тарихига эга. Айниқса, жуда кўп ажойиб инсонлар дастхатлари жамланган китобларнинг ҳар бирини қўлга олганимда бошдан кечирилган ширин учрашувлар, улар билан боғлиқ ширин хотиралар жонланади. Шу сабабли улардан айрим дастхатларни айнан келтиришни лозим кўрдим.

Кутубхонамдаги мавжуд асар муаллифларининг дастхатлари битилган китоблар

1. Абдулла Орипов "Юзма – юз".

"Қадрли акам, ажойиб инсон Ўриш Хамидовичга чин дилдан".
Имзо

2. Абдулла Орипов "Нажот қалъаси".

"Шу ёруғ дунёга келиб топган яқин дўстим ва акам Ўриш Хамидовичга ҳурмат ила". Имзо. 4 май 1982 йил. Бўстон.

3. Абдулла Орипов "Юртим шамоли" китобига ўғлим Иномга атаб,

"Отанг сенга қўймиш хўб муносиб ном,

Яъни Ўриш ўғли Мажидов Ином.

Отангдай танти, соф инсон бўлиб юр,

Шоир Тоғангни ҳам гоҳо эслаб тур".

Абдулла Орипов имзо. 29 июнь 1979 йил.

4. Абдулла Орипов. "Жаннатга йўл", драматик достон.

"Ягона қадрдон акам Ўриш Хамидовичга укангиз Абдулладан"
имзо 4 май 1982 йил. Бўстон ш.

5. Абдулла Орипов "Любовь к жизни",

"Дамирбекка шоир бобонгдан эсдалик" 2 август.

2003 йил. Зомин. Имзо.

6. Абдулла Орипов "Удивление",

"Набирам Шохистага шоир бобонгдан эсдалик".

Имзо. 2 август 2003 йил. Зомин.

7. Матёқуб Қўшчонов ва Сувон Мели "Абдулла Орипов" китобига. Лайло набирамга. Шеърят доимо ҳамроҳинг бўлсин.

Имзо. Абдулла Орипов 2 август 2003 йил. Зомин.

8. Чингиз Айтматов. Плаха. Мажидову Ўриш Хамидовичу. Подпись. 22.11.95 год. Джизак.

9. Асқад Мухтор. "Туғилиш" романи. Ҳурматли укамиз, адабиёт муҳлиси Жиззах чўлқуварлари сардори Ўриш Хамидович Мажидовга ишларида муваффақият тилаб, муаллиф имзо. 1980 йил март.

10. Зиннат Фатхуллин танланган асарлар.

"Ҳурматли биродарим Ўриш Мажидовга! Зўр эҳтиром билан эсдалик этиб Зиннат оғангиздан.

Имзо. 8.03. – 1979 йил.

11. Назир Сафаров. "Наврўз".

Асрлар оша жонсиз тана: Жиззах чўлига жон ато қиладиган чўлқуварлар сардори Ўришвой Хамидович Сизга сидқи – ихлос билан "Наврўз" оламини эсдалик қиламан, эҳтиром билан Муаллиф. Имзо. 2.10.82 йил. Бўстон шаҳри.

12. Азим Суюн. "Қаро кўзинг сенинг" шеърлар тўплами, "Муҳтарам Ўриш ака! Сиз менинг қалбимдаги энг яқин одамсиз!

13. Азим Суюн. "Ўзлик": "Азиз Ўриш Хамидович, Ўзбекистон –

нинг буюк ишларида буюк хизматларингиз бор. Буни эл — юрт ҳеч қачон унутмайди", укангиз Азим Суюн. *Имзо. 23.07.2002 йил.*

14. Турсуной Содиқова "Меҳр қолур": Ҳурматли Ўриш Ҳами — дович! Сизга чексиз миннатдорчилик ва ҳурмат билан. Муаллиф. *Имзо. Зомин. Ўрикли.*

15. Душан Файзи Зарафшоний "Имом Ал — Бухорий": "Ўриш Ҳамидович Мажидовга. Ўзбекнинг эр ўғлони давримиз дарға фар — зандига улкан инсоний бахт тилайман. *Имзо муаллиф. 27.09.1998 йил. Мавзе Булунгур.*

16. Шарифа Салимова. "Хизр булоғи": "Қадрли Ўриш ака! Сиз она заминимизнинг фидойи фарзандисиз! Юртни севиш ҳаммага ҳам сизчалик насиб этсин". Эҳтиром ила синглингиз Шарифа. *3.07.1997 йил. Имзо. Зомин. Ўрикисой.*

17. Шарофат Ботирова. "Юракдаги куз" шеърлар: "Шеърятдай гўзал оламдан топганим, маънавий устозим Ўриш Ҳамидовичга гўзал дуолар билан". Муаллифдан. *30.01.1999 йил. Зомин. Ўрикли. Имзо.*

18. Музаффар Аҳмад. "Икки дўст достони": "Ўриш Ҳамидович! Мана шу китобчамни Сизга совға қилишдан миннатдорман". Му — аллиф. *Имзо. 8.08.99 йил. Қўшимча набирамга атаб ёзилган: "Да — миржонга улуғ бобоси Ўриш акамиз каби улуғвор ҳаёт кечиришни умид қилиб, муаллиф. Имзо 1999 йил 8 — август Зомин Шаршараси. "Жаҳон адабиёти" журнали муҳаррири. Музаффар Аҳмад.*

19. Ҳосият Бобомуродова "Бормисан Ўзбек": "Фақат бахту омад толаларини ўринг Ўриш ака. *Имзо.*

20. Алижон Азимов. "Шажарам": Ўриш ака! Мирзачўлда ва Жиззах чўлларида ишлаган кезларимизни эслаб... Чин ҳурмат би — лан муаллиф. *Имзо.*

21. Алижон Азимов. "Юртим — олтин бешигим": "Ўриш Ҳамидо — вичга! Энг яхши эзгу тилаклар билан муаллиф. *Имзо 4.08.2001 йил.*

22. Алижон Азимов. "Юракдаги олов": "Ўриш ака! Юрагида олов бор йигит чўлда ишлайди" *Ҳурмат билан имзо. 4.08.2001 йил.*

23. Ҳақимий (Мамарайим ака Абдулҳақимов) "Олтин остонам": "Ҳурматли Ўриш Мажидович! Мен Сизга ҳавас қиламан. Сиз би — лан фахрланаман. *Имзо 18.04. 1997 йил. Қўшимча набирам Дамир Ином ўғлига. "Дамиржон. Бобонг билан мени шу китобча орқали дўстларингга таништир ХХІ асрда улуғ ижодкор бўлиб ҳалқингга хизмат қил". Имзо 4.07.97й.*

24. Ҳақимий "Қўнгил садоси".

"Ҳурматли Ўриш Ҳамидович! Сизни жонимдан ҳам азиз кўра — ман, дийдорингизни кун сайин соғиниб юраман. Менга қувват бўлиб юрсангиз, деб тилак қиламан". *Имзо 7.05.2000 й*

25. Анқабой Қулжонов "Шароф Рашидов тирик".

"Севимли укамиз Ўришбекка. Ҳаётда доимо ёниб яшашга, ин — сонлар меҳрини ато қилиб келган ажойиб инсонга лочиндек юксак парвозлар истаб эҳтиром билан муаллиф. *Имзо. 2003 йил январь.*

26. Исроил Мирзаев. "Давр руҳи ва адабий ҷараён"

Тоғни баланд қоялар безагани каби эл — юртни Сиздек саховат пеша инсонлар шуҳратли қилади. Омон бўлинг Ўриш оғам. *имзо.*

27. Исроил Мирзаев. Фидойи.

"Ўзбек юрти фидойиси Ўриш Ҳамидович Мажишовга инсоний саодатлар тилаб, мамлакатнинг яна бир фидойи ўғлони ҳақидаги китобчамни ҳадя этаман" Эҳтиром ила муаллиф 1997 йил 3 июль. Зомин. Ўрикли. *Имзо.*

28. Ҳўтам Олимов "Тўғён" Ҳазаллар.

"Ҳўрматли дўстим Ўриш Ҳамидович бирғалиқда ишлаган яхши кўнларни эслаб". *Имзо.*

29. Ҳўтам Олим. Рубойлар.

"Ҳўрматли дўстим Ўриш Ҳамидович. Энг яхши ўтган кўнларни эслаб". *Имзо.*

30. Ҳўтам Олимов Т. Юсуф "Дилдаги уммон".

"Дўстим Ўриш Ҳамидовичга чин юрак, эҳтиром, яхши кўнлар — ни эслаб, Сизга омад тилаб" автордан. *Имзо.*

31. Бозор Ўринбоев. Илмий ишлар.

Ҳўрматли Ўриш Ҳамидовичга самимият рамзи сифатида. *Имзо*

4. 09. 91.йил

32. Тўрабеков Бозорбой. Автореферат.

"Ҳўрматли Ўриш Ҳамидовичга чин қалбдан". *Имзо. 8.12.90.й.*

33. Анвар Тоғаев. "Муҳаббат ёғдуси"

Узоқ сафарларда Сафардошим, матонатли ва билимдон азиз устозим Ўриш ака Мажишовга, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, тўплам муаллифи Анвар Тоғаев. *Имзо 1999 йил март.*

34. Анвар Тоғаев. "Кўнгил гавҳари"

Ҳўрматли Ўриш Ҳамидович! Сизни муборак дамларингиз Янги йил билан қўтлайман. Янги йил муваффақиятлари Сизнинг фао — лиятингизни безаб турсин!

Ўтиб бораётир оловли ёшлик

Чўллардан ўтолган қарвон сингари

Қайгадир интилдик, қайгадир шошдик

Энди бормоқдамиз қай манзил сари?

Недир у ўзига бизларни тортган

Бу сўнгсиз ва ажиб ҳаёт завқими?

Ёки елкасига ғалаба ортган

Ҳамиша чорловчи меҳнат шавқими

Бу қадим чўлларда тиним билмайин

Дўстлар даврасида мен ҳам сурдим от

Ёрқин келажакка интилар тайин

Сиз бошлиқ бир неча ғайратли авлод.

Мен ҳушёр боқаман бу кун оламга

Шогирдга устозсиз, мададкорисиз

Шарафлар айтаман Ўриш акамга

Нафосат ва ҳикмат ижодкорисиз

Укангиз Анвар Тоғаев. *Киев ш. 1980 йил.*

34. Абдулла Аҳмад. "Зафарободнинг зумрад тоғлари" китоби: "Том маънодаги чўлқувар, улкан дўстим Ўриш Ҳамидович Мажи — довга энг эзгу тилаклар билдириб. Эҳтиром ила муаллиф. *Имзо.*

35. Маъмур Носиров "Кўнгил тароналари": "Қадрли Ўриш акамга! Бирга ишлаган йилларимиздан эсдалик маъносида" Му — аллиф. *Имзо. 2003 йил.*

36. Туроб Мақсуд. "Париға ошиқ ўсмир": Ўриш акага эсдалик учун, муаллиф. *Имзо.*

37. Инга Кичанова. Духовные искания и житейские ситуации: "У.Х.Мажидову с уважением, самыми добрыми пожеланиями успехов, побед всем поколениям семейства здоровья и счастья. Надеюсь последние будут похожи на своего отца, думаю с такой же точной широтой обрисованного автором в очерке "Голос пустыни" автор Инга Кичанова *подпись. 26.12.1983 год.*

38. Инга Кичанова. "Светит путеводная звезда": "Дорогая Хур — риятханум, глубоко уважаемый Уриш Ҳамидович. Самыми добрыми чувствами и наилучшими пожеланиями И.Кичанова *14.08.87 год.*

39. Мир человека Москва 1986 год "Иному Мажидову. С самыми добрыми пожеланиями от редактора этого издания, *подпись. 25 февраля 1986 год.*

40. Евгений Березиков. "Красная Бухара": "Мажидову Уришу Ҳамидовичу. Славному и добрым сердцем человеку с искренним уважением Е. Березиков. *Подпись. 27.04.1983 год.*

41. Духовный В.А. "Горизонтальный дренаж орошаемых земель"

"Дорогому Уриш Ҳамидовичу с глубоким уважением, благодарностью, с надеждой на то что мы все таки доведем до ума систему дренажа...

Подпись. 19.10 1979 год.

42. В.А.Духовный. Покорение Голодной степи.

"Дорогому Уриш Ҳамидовичу в память о нашей большой и по настоящему человеческой работе, которую мы учились делать в Голодной степи с благодарностью за дружбу и помощь в издании этой книги. Желаю тебе написать свою книгу о Джизакской степи".

Подпись автора.

43. В.А.Духовный. Второе издание книги "Покорение Голодной степи": Дорогому Уришу Ҳамидовичу в память о тех незабываемых днях когда мы были на подъеме и когда мы творили жизнь. Нужно эту линию борьбы за человека держать и до конца! С наилучшими пожеланиями. *Подпись автор.*

44. Хамраев Н.Р. "Водные ресурсы Центральной и Южной Азии" Уришу — бульдозеру. От автора. Подпись. Г.Москва гости — ница "Мир" *8.04.2003 года.*

45. Хамраев Н.Р. "Водообеспечение и водообеспечение устойчивого развития засушливых территорий" Уришу Ҳамидовичу.

46. Эркабой Исламов. "Целина расцветает" "Дорогому другу

соратнику Уришу Хамидовичу от автора в знак уважения и признательности его ко мне с добрыми пожеланиями на долгую и добрую память". Подпись 12.05.2003 год. *Подпись Автор.*

47. В.К.Думлер. "О времени о себе": Дорогому Уришу Хамидовичу! На добрую память о нашей совместной работе и многолетней дружбе" от автора. *Подпись 5.01.2003 год.*

48. В.М.Хрулев, Ж.Н.Нигметов Химические стойкие Полю Древесны и её применение" Уважаемому Уришу Хамидовичу Маждову от автора в память о встречи *Подпись 10.09.1991 год.*

49. Дёмин Виктор Алексеевич "Водохозяйственные устройства совхозных посёлков Голодной степи" Автореферат. Монооуважаемому У.Х.Маждову. От автора *подпись 31.05.1974 год.*

50. А.М.Дерябин. "Продлите молодость свою": г.Душанбе. Уриш Маждову от автора стихотворения на добрую память. Виктор Чернов *подпись 26.12.1990 год.*

51. Институтда беш йил бирга ўқиган Содиқжон Толиповнинг "Огни ночного Ташкента" — вафотидан сўнг чоп этилган китобиға: Хўрматли Ўриш ака сизға тақдим этилган китобни ҳар доим қўлин — гизға олганингизда, ажойиб инсон Содиқжон Ортиқович ҳақида ўз хотираларингиз эсга тушади деган умиддамиз. Ташкилий қўмита".

52. Шаҳобиддин Насретдинов. Кон электромеханикаси 1 — 2 — қисм. Тошкент — 1995 йил. Дўстим Ўришға. Автор. Имзо.

53. Ф.Раҳимбоев, С.Холиқулов, Б.Уролов. "Сув хўжалиғига оид русча — ўзбекча — французча луғат", Малака ошириш курсларида ўқиган вақтларимизни эслаб хўрмат билан Ўриш Хамидовичға Бахтиёр Раҳматуллаевичдан. *Имзо. Тошкент 2002 йил.*

54. Джалолов А.А. Стратегия формирования общественного мнения населения Узбекистана по управлению водными ресурсами и окружающей средой. Уриш Хамидовичу. *Подпись. 2002 год.*

55. А.Х.Алибеков. "Шедрость пустыни" Москва 1988 год фотографии Виктора Чернова: "Уважаемому Уришу Хамидовичу. С благодарностью за помощь в издании книги". Автор. *Подпись. 12.04.1991 год.*

56. А. Алибеков. Ландшафты и типы земель Зарафшанских гор и прилегающих равнин. "Хўрматли акаимиз ва дўстимиз Ўриш Хамидовичға ишларида муваффақият тилаб". Автор. *Имзо. 22.12.1982 йил.*

57. А. Алибеков. Ландшафтларни муҳофаза қилиш "Хўрматли Ўриш Хамидовичға энг яхши истаклар билдириб" Автордан. *Имзо. 12.06.1991 йил.*

58. Ҳ.Ҳайдаров. Жиззах тарихидан лавҳалар": "Хўрматли Ўриш Хамидовичға автордан эсдалик учун муаллиф". *Имзо. Ҳ.Ҳайдаров. 04.11.1992 йил.*

59. Абдуғани Илашев, Зиядуллаев, Мамасолиев. Жиззах вти — лоят агроиқлими шароитида деҳқончилик омиллари. Жиззах — 2002

йил. "Ҳурматли Ёриш Ҳамидович! Фахрли қишлоқ хўжалик ходи — ми ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий фактор сувни Қирғизистон ва Тожикистондан етказиб бериб тўришда Сизга қувват ва саломатлик тилаб". Муаллиф. Имзо. 15.02.2002 йил.

60. Рустам Очил. "Сирларим"

"Ёриш Ҳамидовичга!" Сихат саломатлик тилаб. Муаллиф имзо 15.06.2004йил.

61. Рустам Очил. "Мен ўшаман".

Қадрдоним дўстим Ёриш Ҳамидовичга! Омадлар тилаб, муаллиф Рустам Очил. Имзо. 15.06.2004 йил.

62. Маҳмуд Тоиров. «Сайланма»

Ҳурматли Ёриш акага худойимдан пиру бадавлат умр тилаб, камоли эҳтиром билан Муаллиф. Имзо 6.07.2004 йил Ўриклисой.

63. Оға Бургутли. «Бу кўҳна замин»

Ватанни севиш, севмоққа Сизнинг қалбингиз каби кенг қалб, сохиби бўлмоқни орзу қиламан, эҳтиром ила укангиз С.Қорабоев Муаллиф. Имзо.

64. Минхожиддин Мирзо. «Висол хабари»

Ўзтозим Ёриш акага катта ҳурмат билан. Ҳамиша омон бўлинг. 6.07.2004 йил. Зомин Муаллиф. Имзо.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси муовини.

65. Зебо Нурманова. «Нилуфар»

Ёриш ака Мажидовга. Икки дунё саодатини тилаб. Зомин 2004.07.06 Муаллиф. Имзо.

Мулоқотда бўлган шоир, ёзувчилар рўйхатида Сирожиддин Саййид, Умида Абдуазимова, Зебо Мирзаева, Маҳмуд Тоҳир ва бошқалар ҳам бор.

Қарийб ярим аср давомида ўқиган китобларимдан кўчириб олинган, менинг кўнглимга хуш келган иборалар бениҳоя кўп. Улардан айримларини сиз билан баҳам кўриш ниятидаман.

1. "Любовь — чудеснейшее украшение жизни". В.Лацис.

"К новому берегу". 22.12.1955 год.

2. Самое дорогое у человека — это жизнь. Она дается ему один раз, и прожить её надо так, чтобы не било мучительно больно за бесцельно прожитые годы, чтобы не жег позор за подленькое и мелочное прошлое и чтобы умирая мог сказать все силы были отданы самому прекрасному в мире — борьбе за освобождение человечества".

Н.Островский. "Как закалялась сталь".

3. "Всё это бумажный героизм братишка! Шлепнуть себя каждый дурак сумеет всегда, во всякое время. Это самый трусливый и легкий выход из положения. Трудно жить — шлепайся. А ты по — пробовал эту жизнь победить? Ты все сделал чтобы вырваться из

железного кольца? Спрячь револьвер и никому ни когда об этом не рассказывай!

Умей жить и тогда когда жизнь становится невыносимой, сдлай её полезной".

Николай Островский.

4. "Ҳеч қандай муболагасиз шуни айтишим мумкинки, мен Ўзбекистонга ошиқ бўлиб қолдим".

Юлиус Фучик Тошкентда.

5. "Менинг ўйиним тамом бўлай деб қолди. Охирини ёза олмадим. Охири нима бўлишини мен билмайман. Бу ўйин эмас. Бу ҳаётнинг ўзи. Ҳаётнинг эса томошабинлари бўлмайди. Парда кўтарилаётир. Одамлар мен сизларни севар эдим! Хушёр бўлинглар!"

Юлиус Фучик. "Қатл олдида сўз" Ш.Ю. 1951 йил.

6. "Одам яшаган ерларида бирга бўлган одамларига кўзга кўринмайдиган, нозик иплар билан боғланиб қолар эмиш; айрилиқ соатларида бу торлар қўзилар ва ғижжак торлари сингари муғли садо билан узилар, ҳар бир тор узилганда одамнинг юраги айрилиқ дарди билан эзилар эмиш".

Турк ёзувчиси Р.Н.Гунтекин. "Чолиқуши".

7. Слушая Васильева (В.П.Костенко), я невольно проникался уважением к инженерам. Они вместе с рабочими перестраивают поверхность земли, вторгаясь в страшную глубину её недр за углем и нефтью, за металлом и драгоценными камнями, они пробивают тоннели, строят грандиозные мосты через реки, соединяют канолом моря, создают города и заводы там где раньше были непроходимые топи".

А.Новиков — Прибыл "Цусима". 15.12.60.год.

8. "Так я просидел довольно долго, размышляя о всякой всячине. Вспомнил, какими мы были тогда, вернувшись с войны — молодые и лишённые веры, как шахтёры из обвалившейся шахты. Мы хотели было воевать против всего, что определило наше прошлое — против лжи и себялюбия, корысти и бессердечия, мы ожесточались и не доверяли никому, кроме ближайшего товарища, не верили ни во что, кроме таких никогда не обманывавших нас сил, как небо, табак, деревья, хлеб и земля, но что же из этого получалась. Всё рушилось, фальсифицировалось и забывалось. А тому кто не умел забывать, оставалось только бессилие, отчаяние, безразличие и водка. Прошло время великих человеческих и мужественных мечтаний. Торжествовали дельцы. Продажность. Нищета".

Роберт Локамп. Эрих Мария Ремарк "Три товарища". 21.09.1961год.

9. Яхши кўрганда одамнинг ҳамма нарсасини — ҳуснини ҳам, товушини ҳам, ўйларини ҳам, хатосини ҳам, ақлини ҳам, фарзандини ҳам ... яхши кўриш керак киши.... Бўлмаса бу муҳаббат бўлиб қаёққа борди".

А.Мухтор.. "Туғилиш".

10. Асал — у, ҳар қандай ширин мева ҳам Она сути каби бе —
ролмайди таъм.

Абу Али ибн Сино.

11. Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур, оёгин гарди.

Абдурахмон Жомий.

12. Ўз хизматин муносиб даражада тақдирланишини истамаган
одам бор эканми дунёда?!

Покришкин. "Уруш осмони" 1973 йил.

13. "Хаётнинг қақшатгич зарбалари саодатли яшашнинг
илдизини суғуриб ташлашга моҳирдир ва қодирдир!...

Умрида ўзидан бошқа кимсани севмаган одамдан жамият учун
ҳеч қандай наф йўқ, балки зараргина бор холос. Бошқа одамни деб
ўзини унутадиган одамларгина бошқаларга фойдали бўла олади —
лар".

"Қўрқинчли Техрон". Мушфиқ Козимий.

14. Умрлар бўладик — тиригида ўликдир.

Умрлар бўладик — ўлган одам тирикдир.

Мақсуд Шайхзода. 1977 йил.

15. "Если бы люди говорили только то, что они знают — какая
тихиха воцарилась бы во всем мире".

Г.Т.Мани.

16. "Беден не тот, у кого ничего нет, а тот кому мало того, что у
него есть" Грузинская поговорка.

17. Человек — тайна, и его надо разгадывать. И если ты затра —
тишь на неё всю жизнь не надо об этом жалеть.

Достоевский.

18. Ни в чем не судите так поверхностно как о характере че —
ловека, а именно здесь нужно быть всего осторожнее. Ни в каких
делах не склонны люди менее терпеливо дожидаться целого, а оно,
собственно и создает характер. Я всегда находил, что так называ —
емые плохие люди выигрывают, а хорошие теряют"

Лихтенберг.

Мен учун азиз бўлган мақолаларим

1. У.Мажидов. Ҳиссамиз. "Янгиер тонги", 22 декабрь 1970 йил.

2. У.Мажидов. Режаларимиз улкан. "Янгиер тонги" 31 март
1970 йил.

3. У.Мажидов. Наш вклад. "Янгиерские зори", 22 декабрь 1970
год.

4. У.Мажидов. Қурувчининг қуглут қадами. "Дўстлик байроғи"
газетаси, 10 август 1974 йил.

5. У.Мажидов Поэзия ударного труда "Джизакская правда", 7
декабря 1980 год.

6. У.Мажидов "Соревнование учит, воспитывает" "Джизакская
правда" 29 август 1974 год.

7. У.Мажидов Бешинчи баҳор бўсағасида "Жиззах ҳақиқати" 8 февраль 1979 йил.
8. У.Мажидов Сафарбарликнинг ойдин йўли. Зарбдор газетаси 16 апрель 1978 йил.
9. У.Мажидов Степь штурмуют новые машины. "Джизакская правда" 23 января 1979 года.
10. У.Мажидов, Орешкин, Т.Назаров, Ярмо и интересно. "Ударник" 16 декабря 1979 год.
11. У.Мажидов Целина арена мужества. "Джизакская правда" 25 июля 1980 год. У.Мажидов Рубежи освоителей. "Джизакская правда", 27 марта 1981 год.
12. У.Мажидов Жиззах дашти юбилей арафасида "Жиззах ҳақиқати", 1 май 1981 йил.
13. У.Мажидов В Джизакской степи. "Сельская жизнь" Москва 2 марта 1982 год.
14. У.Мажидов В Джизакской степи. "Бўстон" 7 марта 1982 йил.
15. У.Мажидов. Ҳ.Рустамова Строим и осваиваем. "Сельская жизнь". Москва. 27 марта 1981 года.
16. У.Мажидов Эстафета ударного труда. "Джизакская правда" 16 марта 1982 года.
17. У.Мажидов Қўриқ чирой очмоқда "Бўстон" газетаси, 16 март 1982 йил.
18. У.Мажидов Буюк гоё. "Жиззах ҳақиқати" газетаси, 12 апрел 1980 йил.
19. У.Мажидов Ради этого стоило жить (интервью первого заместителя председателя облисполкома в связи с 35 летием начала освоения Голодной степи) "Джизакская правда" 31 августа 1991 года.
20. У.Мажидов "Рожденный в степи и ею возлюбленный". "Ожившая легенда" Гулистон шашри, 2002 йил.
21. У.Мажидов. Комплексное освоение трудномелиорируемых земель. "Научные труды" Почвенный институт ВАСХНИЛ, Сборник, 1981 г.
22. У.Мажидов (соавтор В.Демин). Водохозяйственное и ин-жернерное обеспечение совхозных посёлков в Голодной степи. Ж-л. "Гидротехника и мелиорация", 21, 1974.

Мен ва мен иштирок этган меҳнат жараёни ҳақидаги мақо- лалар, расмлар.

1. Турдибек Назаров, Анвар Жўрабоев. Один из многих. О отце Мажидове Абдухамиде "Джизакская правда", 9 мая 1980 г.
2. У.Мажидов Л.Г. Зыкина билан сурати. Зарбдор газетаси 28 май 1980.
3. У.Мажидов ҳақида "Жиззах чўли" суратли лавҳалар. Дунё-нинг 35 мамлакатида таржима қилиб чоп этилган.

4. Н.А. Узилевский. П.Шербаков "О Джизакской степи" газета "Сельская жизнь" Москва.

5. Н.С.Сафаров. Ю.Ковалёв газета "Джизакская правда" 28 фев — раля 1982 г. статья "Джизакские этюды" о Маждидове.

6. Шарқ тонги газетаси. 26 февраль 1982 йил "Делегатнинг онаси" онам Меҳринисо Маждидова ҳақида сурати билан мақола.

7. Асқад Мухтор, Нурали Қобил "Фарзанд" 1981 йил очерк қахрамони прототили У.Маждидов.

8. В.А.Духовный "Покорение голодной степи" Ташкент 1980 г. О Маждидове на страницах 258,264,318.

9. В.К.Думлер "О времени и о себе" Ташкент 2002 год. О Маждидове на стр. 192 и фото на стр. 122.

10. Журнал "Партийная жизнь" Ташкент №8 август 1976 г. О Маждидове на стр. 70.

11. Журнал "Экономика и жизнь" о Маждидове на стр. 11 с фотографией.

12. Журнал "Гидротехника и мелиорация" Москва №11 ноябрь 1986 г. статья Э.Т.Турсунова "И расцвели Голодная степь" о Маждидове.

13. Асқад Мухтор газета "Сельская жизнь" 1981 год 21 фев — раля статья "Великое братство" о Маждидове.

14. Газета "Комсомолец Узбекистана" 26 мая 1979 года "Горячая неделя в мае" о Маждидове.

15. Инга Кичанова "Мир человека" сборник 1986 года Москва статья о Маждидове "Мираб — человек счастливый" стр — 81.

16. Инга Кичанова "Духовные искания и житейские ситуации" Москва 1983 г. Очерк о Маждидове "Голос пустыни" стр. 135.

17. Жиззах ҳақиқати газетаси 1980 йил 6 май Турдибек Наза — ровнинг "Авлодлар эъзозлайди" отам Абдуҳамид Маждидов ҳақида қиссаси.

18. Бахтиер Ризо "Аллаёр қозининг ўғли". Жиззах ҳақиқати 1998 йил 18 ва 22 апрель У.Маждидов ҳақида ёзилган.

19. У.Маждидов ихтироси "Оқимли насос". Дастлабки патент №1 ДР04411 17.03.2000 йил.

20. Рационализаторское предложение №16 от 20.05.62 года У.Маждидова "Наклонный скреперный полук".

21. Очил Тоғаев "Бадий публисцистика уфқлари" журнал "Шарқ юлдузи" 1981 йил Маждидов ҳақида.

Расмлар.

1. Ш.Рашидов ва академик Котельников билан тушган сурат. Қаранг: Ш.Рашидов. Асарлар, 5 — жилд, Т., 1983, 192 — боб.

2. Ёзувчилар даврасида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати". 12 июнь 1981 йил.

3. Қурувчилар билан съезд делегати учрашуви. "Жиззах ҳа — қиқати", 9 январь 1981 йил.

4. Съезд делегати У.Мажидов. газета "Красная звезда", 23 февраль 1981 йил.
5. Съезд делегати У.Мажидов. "Жиззах ҳақиқати", 1981 йил 9 январь.
6. Артист Л.Зикина билан. "Зарбдор" газетаси, 28 май 1980 йил.
7. Делегат онаси. "Шарқ тонги" газетаси, 26 февраль 1982 йил.
8. Чўлқувар У.Мажидов. журнал "Экономика и жизнь".
9. Чўлқувар У.Мажидов артист Л.Зикина билан. "Марказий Осиё маданияти" газетаси, 20 июнь 2001 йил.
10. "Жиззах чўли" расми лавҳалардан иборат буклет. Дунёнинг 35 мамлакатада чоп этилди.

Ҳаётим ва меҳнат фаолиятим давомида учрашган, мулоқотда ва суҳбатда бўлган, биргаликда ишлаган энг азиз кишилар.

1. Давлат арбоблари ва раҳбарлар.

Шароф Рашидович Рашидов, Нормаконмади Худойбердиев, Асадулла Хўжаев, Нуриддин Муҳиддинов, Ҳабибулла Шогазатов, Оқил Салимов, Бектош Раҳимов, Солижон Мамарасулов, Маркс Жума-ниёзов, Тўхтамиш Боймиров, Дамир Ёдгоров, Ақоп Саркисов, Эҳсон Низомов, Исмоил Жўрабеков, Рим Гинятулин, Абдувоҳид Жўраев, Абдураҳим Жалолов, Аркадий Нисневич, Алихон Оғажонов, Ойдин Азимбеков, Эркин Турсунов, Абдулла Худойберганов, Шавкат Мирзиёев, Абдулҳошим Муталов, Иномжон Усмонхўжаев.

2. Ёзувчилар, шоирлар, журналистлар.

Абдулла Орипов, Чингиз Айтматов, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Роза Самигулина, Рауль Мирхайдаров, Нормурод Нарзуллаев, Оқилжон Ҳусанов, Турсунбой Содиқова, Ҳалима Худойбердиева, Шарифа Салимова, Инга Качанова, Иброҳим Раҳим, Йўлдош Сулаймон, Назир Сафаров, Асқар Мухтор, Шўҳрат, Аъзим Суюн, Нурали Қобил, Муҳаммад Юсуф, Хосият Бобомуродова, Хамрақул Ризо, Умида Абдуазимова, Турғун Жамол, Сайёра Тўйчиева.

3. Академиклар.

Карим Аҳмедов, Ваҳоб Раҳимов, Нажим Ҳамраев, Тошпўлат Ширинқулов, А.Г.Аганбегян, Ю.К.Зарецкий, Даминов Турғунпўлат, Саид Зиядуллаев, Ҳабиб Турсунов, Эркин Юсупов, Мурод Шарифхўжаев.

4. Олим, профессор, фан докторлари.

В.А.Духовный, Ўрол Носиров, Бозорбой Ўринбоев, Фарход Зунунов, Ғофуржон Муҳамедов, Тўраҳон опа Раҳимова, Бахтиёр Асқаров, Абдуазим Содиқов, Норбой Ортиқов, Алишер Дониёров, Нодирбек Юсуфбеков, Бўри Раҳимов, Учқун Исомуҳаммедов, Лапас Алибеков, Шавкат Алимов, Исмоил Мирзаев, Риҳсивой Пўлатов, Абдураҳмон Ражабов, Фания Аҳмедшина, Улуғбек Иноятов, Суюн Қораев, Рашид Берикбоев, Раҳмонберди Каримов.

5. Санъаткорлар, сўз усталари, суҳандонлар.

Ортиқ Отажонов, Отажон Худойшукуров, Гиёс Бойтоев, Люд — мила Зыкина, Алла Пугачёва, Шерали Жўраев, Мавлуда Ойнаку — лова, Маргарита Оқилова, Насиба Қамбарова, Фарҳод Бобожонов, Даврон Зуннунов, Лайма Вайкуле, Охунжон Мадалиев, Юлдуз Ус — монова, Насиба Абдуллаева, Азиза Зайнитдинова, Раъно Шари — пова, Эмиль Кио.

Х. ҲАЁТИМДА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН АСОСИЙ САНАЛАР.

1910 йил июн	Отам Абдуҳамид Мажидов таваллуд топган.
1914 йил 17 август	Онам Меҳринисо Шодмонқул қизи таваллуд топган.
1930 йил	Отам ва онам турмуш қурган.
1932 йил	Опам Гулчеҳра туғилган.
1939 йил 20 май	Менинг таваллуд топган куним.
1941 йил 20 март	Рафиқамнинг туғилган куни.
1942 йил 20 июнь	Укам Эргаш туғилган.
1942 йил 15 июль	Отам армия сафига чақирилган.
1945 йил 1 сентябрь	Ём қишлоғидаги мактабга 1 — синфга бордим.
1949 йил	Култепа қишлоқ мактабида IV синфда ўқидим.
1950 йил	Оиламиз Обручево станциясига кўчиб, 25 — сонли Стаханов номи мактабнинг бешинчи синфига кирдим.
1952 йил	Тошкентда Республика кашшофларининг IV слётида қатнашдим.
1952 йил	Зоминдаги 1 — сон ўрта мактабга ўқишга бордим. (8 синф).
1955 йил	Ўрта мактабни тугатдим.
1955 йил	Обручево шаҳарчасида кутубхона мудиривазифасида иш бошладим.
1956 йил	Оғир атлетика бўйича Зомин туман чемпиони бўлдим.
1956 йил	Ўрта Осиё Политехника институтига ўқишга қабул қилиндим.
1957 йил	Самбо кураши бўйича 3 разряд олдим.
1957 йил	Ангрендаги 9 шахтада амалиётда бўлдим.
1958 йил	Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилояти Саран шаҳридаги 109 — шахтада амалиётда бўлдим.
1959 йил	Спорт гимнастикаси бўйича 2 разряд олдим.

- 1959 йил Туркменистон республикаси Мари вилоя —
ти Байрам — Али шаҳрида 2 ойлик ҳарбий
хизматда бўлдим.
- 1960 йил Украинанинг Донецк вилояти Донбасс хав
заси Сокологорова кўмир шахтасида дип
лом олди амалиётида бўлдим.
- 1961 йил Тошкент политехника институтини тугатиб
тоғ инженери — электромеханиги мутахас —
сислик дипломини олдим.
- 1961 йил 9 ию Назирқулова Ҳуррият билан турмуш
қурдим.
- 1961 йил 10 август Қирғизистоннинг Ўш вилояти Ҳайдаркон
симоб конида 5 — разрядли ер ости
чилангари вазифасида меҳнат фаолиятимни
бошладим.
- 1961 йил октябр Оиламиз билан Ҳайдаркон посёлкаси
А.Чехов кўчаси 20 — уйга кўчиб бордик.
- 1961 йил 12 сентябрь Кон механиги вазифасига ўтдим.
- 1962 йил 22 март Тўнғич фарзандим Баҳром туғилди.
- 1963 йил 8 ноябрь Ўғлим Ином туғилди.
- 1965 йил Чехословакиянинг Корловые Вари
сафарида бўлдим.
- 1965 йил 26 октябрь Ўғлим Икром туғилди.
- 1965 йил 27 май Ҳайдаркон симоб кони бош энергетиги
вазифасига ўтдим.
- 1966 йил Обручево шаҳарчасига оиламиз билан кўчиб
келдик.
- 1967 йил 13 февраль Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри
“Голодностепстрой” бошқармасига бош
энергетик вазифасига тайинландим.
- 1967 йил 5 ноябрь Қизим Дилором туғилди.
- 1967 йил Янгиер шаҳри Набережная кўчаси 4 — уй,
4 — хонага кўчиб келдик.
- 1969 йил октябрь “Голсовхозремстрой” трестига бош
муҳандис вазифасига тайинландим.
- 1969 йил 5 ноябрь Ўғлим Мурод туғилди.
- 1970 йил “Меҳнатда ўрнак кўсатганлиги учун”
медали билан мукофотландим.
- 1971 йил 16 октябрь Ўғлим Маҳмуд туғилди.
- 1973 йил 3 октябрь Қизим Раъно туғилди.
- 1974 йил 3 январь “Дўстликсовхозстрой” трестига бошлиқ
вазифасига тайинландим.
- 1974 йил август Оилам билан Дўстлик посёлкасига кўчиб
ўтдим.
- 1975 йил июль Онам, рафиқам ва беш фарзандимиз билан
машинада Иссиқкўлга бориб дам олдик.

- 1976 йил 10 апрель Дўстлик пахта заводи қурилишида Шароф Рашидович Рашидов билан биринчи маротаба учрашдим.
- 1976 йил Қизил байроқ ордени билан мукофотландим.
- 1976 йил Ўзбекистон компартияси XIX съезди делегати бўлдим.
- 1977 йил 1 ноябрь "Жиззахчўлқурилиш" худудий бошқармаси бош муҳандиси лавозимига тайинландим.
- 1978 йил Оиламиз Бўстон шаҳарчаси, Саркисов кўчаси, №10 уйга кўчиб келди.
- 1980 йил Ўзбекистон ўқитувчиларининг VI съездига делегат бўлдим.
- 1980 йил 31 март "Жиззахчўлқурилиш" бошқарма бошлиғи вазифасига тайинландим. Шароф Рашидов қабулида суҳбатда бўлдим.
- 1980 йил Москва ёзги олимпиада ўйинларининг ёпилиш маросимида қатнашдим.
- 1980 йил "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи" унвони билан мукофотландим.
- 1981 йил Ўзбекистон компартиясининг XX, Иттифоқ компартиясининг XXVI съездларида делегат бўлиб қатнашдим.
- 1982 йил Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг 1 – ўринбосари вазифасига тайинландим.
- 1983 йил 7 ноябрь Иттифоқ давлат мукофоти лауреати бўлдим.
- 1983 йил 14 ноябрь "Главсредазирсовхозстрой" ускуна бутлаш бошқарма бошлиғи вазифасига тайинландим.
- 1985 йил 11 май "Жиззахчўлқурилиш" бошқармасига бош муҳандис вазифасига тайинландим.
- 1988 йил 15 ноябрь Республикалараро "Водстрой" бирлашмаси раҳбари вазифасига тайинландим.
- 1988 йил Болгариянинг "Золотые пески" қирғоғида сафарда бўлдим.
- 1989 йил Ўғлим Ином техника фанлар номзоди диссертациясини ҳимоя қилди.
- 1990 йил 7 апрел Жиззах вилояти ижроия қўмита раисининг 1 – ўринбосари вазифасига тайинландим.
- 1990 йил июнь Ўзбекистон компартияси XXII съезд делегати бўлдим.
- 1993 йил 4 январь Вилоятлараро "Мирзачўл" бирлашмаси бош директори лавозимига тайинландим.
- 1993 йил 17 июнь Онам вафот этган кун.
- 2002 йил Гулистонда чоп этилган "Ожившая

2002 йил

2003 йил 17 октябрь

легенда" китобида 26 бетли мақолам босилиб чиқди.

Қизим Раъно Жаҳон тиллари универси — тети аспирантурасига ўқишга кирди.

Ўғлим Ином техника фанлари доктори диссертациясини ҳимоя қилди.

Илова №1

АВЛОДЛАР ЭЪЗОЗЛАЙДИ

ЁМ қишлоғида бир ёдгорлик бор. Бу ёдгорликни зиёрат қилиш учун келиб кетувчиларнинг саноғи чексиз. Унинг пойига қўйилган гуллар эса ҳар кунни бир янгилашиб туради.

Ёдгорлик тошига 140 нафар Зоминликнинг исми ёзилган. Аб — духамид Мажидов ҳам шуларнинг бири. Унинг Улуғ Ватан уру — шигача қилган ишлари ҳам ҳозирги ёшлар учун ибрат намунаси бўлиб қолади.

Абдуҳамид Мажидовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида унинг тен — гдошлари, бирга ўсиб, бирга ишлаган ўртоқлари, ҳамкасабалари тилидан қуйидагиларни ёзиб олдик.

Мажиднинг ўғли Исқобилга (Скобелев — Янги Фарғона) ўқишга кетармиш деган миш — миш Ёмдаги катта — кичикнинг оғзидан туш — май қолди. Аслида бу миш — миш эмас, ҳақиқат эди. Оддий деҳқон фарзандининг бошқа шаҳарга ўқишга кетаётганлиги ҳақидаги хабар кўпларни қувонтирди, кўпларни ҳайратга солди.

1927 — 1928 йиллар... Хўжаликларни коллективлаштириш ша — ҳар ва қишлоқларда саводсизликни тугатиш жараёни билан бирга кечарди. Шунинг учун ҳам фақат қишлоқлардагина эмас, ҳатто шаҳарларда ҳам тажрибали ўқитувчилар етишмасди.

Ём ана шундай оғир дамларни бошдан кечираётган пайтда Аб — духамид Фарғона Педагогика институти қошидаги икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсини ботириб келди. 19 ёшида педаго — гик фаолиятини бошлади.

Мактаблардаги ўқувчилар сони ҳар синфда 2 — 3 нафардан ошмасди. Ёш муаллим қишлоқ аҳолисини, айниқса хотин — қиз — ларни мактабга кўпроқ жалб этиш масаласини кўтарди. Ўзи бош бўлиб ҳар бир хонадондан ёшларни илм олишга жалб қилди. У кундузлари бошланғич мактабда дарс берса, кечқурунлари катта — лар ўртасида кечки ўқувни ташкил этиб, уларга савод ўргатарди. Қишлоқда хотин — қизларнинг дастлабки кечки ўқуви ҳам Абду — мажиднинг ташкилотчилиги билан иш бошлади.

1929 йили "Оллоёр қози"нинг эски мактаби ўрнида ташкил этилган бошланғич мактабда ўқувчилар сони анча ортди. Ёш му — раббий ҳам меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги туфайли қисқа фурсат ичида ҳурмат — эътибор қозонди. Энди туман раҳбарлари ҳам унга

алоҳида эътибор билан қарай бошладилар. Абдуҳамид "Ёшлар қўмитаси" — туман комсомол комитетига ишга олинди.

1929 — 1930 йилларда комсомоллар қишлоқларда ва янги таш — кил этилаётган совхозларда коллективлаштириш ва саводсизликни тугатиш, хотин — қизларни мактабга жалб этиш каби ишларни амалга оширдилар. Ана шулар сафида А.Мажидов ҳам бўлиб, ташкилот — чилик ишларида актив иштирок этди. У ҳар бир топшириқни бе — каму — кўст бажарди ва бошқаларга ўрнак бўлди.

А.Мажидов билан бирга ишлаган, айни пайтда Сирдарё обла — стининг Бахт посёлкасида истиқомат қилаётган пенсионер Суяр — қул ака Расулов бизга қаҳрамонимиз ҳақида шундай ҳикоя қилди: — Абдуҳамид билан "Ёшлар қўмитаси" да ишлаб юрганимда та — нишиб қолдим. У илми, қайноқ қалбли, янгилликка интилувчан, ташаббускор эди. Ҳар бир ишга принципиал ёндошарди.

1931 йилда А.Мажидов Жалойир қишлоғидаги мактабга ди — ректор этиб тайинланди. Бу ерда ҳам у ёшларни, хотин — қизларни мактабга жалб этиш бўйича катта ишларни амалга оширди. Қиш — лоқда янги мактаб қурилди. 1933 йилда эса Абдуҳамид партия са — фиға қабул килинди. 1934 йилда район халқ маорифи бўлимининг мудирини қилиб тайинланиб, Абдуҳамид бутун ташкилотчилик қоби — лиятини, маҳоратини районда халқ маорифини юксалтиришга қара — тади. 1935 йилда Абдуҳамид яна Ём қишлоғидаги мактабга дирек — тор бўлиб келди. Бу пайтда мактабда ўқувчилар сони анча ўсган бўлсада, хоналар етишмас, педагогика коллективи олдида яна бир бино қўришдек муҳим масала турарди. А.Мажидов мактаб кол — лективида бу ишни ҳашар йўли билан бажаришга рағбат уйғотди.

А.Мажидов билан бирга ишлаган Араб ака Фозилов ҳамкасби ҳақида қуйидагича эслайди:

— Абдуҳамидни 1936 йили Жиззах педагогика билим юртини тугаллаб келаётганимда учратдим. У ўқитувчилар билан Зоминдан янги мактаб биноси учун аравада гишт ташиб келтираётган экан. Ўша кундан бошлаб, аҳил коллектив бирга ишлашдик. Мактаб би — носи ҳам ўқитувчилар кучи билан қурилди. 1937 йилдан бошлаб ёшлар янги бинода ўқий бошладилар.

Абдуҳамид ҳаммамиз учун устоз эди. У билан биргаликда қурган мактабимизда ҳозир кўплаб ўғил — қизлар таълим олмоқда. Биз унинг умр йўлдоши Меҳри опа билан тез — тез мактабга ташриф буюриб турамиз.

1938 — 1942 йилларда А.Мажидов Қарапчи қишлоғидаги мак — табда директорлик қилди ва бу ерда ҳам таълим — тарбия ишла — рини йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшди. 1942 йилининг 12 ап — релида у она — Ватан ҳимояси учун Фроннга кетди. Сталинград жангларида қатнашди. Аммо ғалаба кунини биргаликда нишонлаш устозга насиб этмади. А.Мажидов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ана шу чин инсон, моҳир ташкилотчи устоз, юзлаб шогидлари унинг ишини давом эттиришмоқда.

Абдуҳамид Мажидовнинг шогирди И Қиличев бир неча йил Ёмдаги 3 — мактабда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлади. Кўп йиллик меҳнатлари учун. "Халқ маорифи аълочиси" деган номга сазовор булди. Халқ маорифи аълочиси Мамарозиқ Сиддиқов ҳозир пенсияда, хотин — қизлардан биринчи бўлиб мактабга борган Нусрат Элмуродова, Нортой Қирғизбоева — лар кексалик гаштини сўришяпти. Устоз ўқитган кўплаб ўқувчи — лар ҳозирда ҳам фаолият кўрсатаяпти. И. Жамолов, Меҳнат Қаҳ — рамони Э.Холматов ва бошқалар шулар жумласидандир.

А.Мажидов фронтга кетганда катта ўғли Ўриш 3 яшар эди. Меҳри она фарзандларини ўқситмади, ҳам оталик, ҳам оналик меҳ — рини бериб тарбиялади. Ўриш Мажидов ҳозир "Джизакстепстрой" территориал бошқармасининг бошлиғи, еттита фарзандга ота. Эргаш аканинг эса фарзанди бор. У ҳам қурилиш ташкилотларидан би — рига раҳбарлик қилмоқда. А.Мажидовнинг йўлдоши, кекса педагог Меҳри она эса фарзандларидан миннатдор.

А.Мажидов ҳозир ҳаёт бўлганида 70 ёшга тўларди. Аммо эл бахти учун курашганлар фақат авлодлари қалбидагина эмас, эл — юрти, халқ ардоғида ҳам яшайди. Меҳрибон устоз хотирасини хали тириклик чоғидаёқ миллионлар қалбига экиб кетганди. Шунинг учун унинг сиймоси доим барҳаёт.

Т.Назаров
"Жиззах ҳақиқати" газетаси
1980 йил 6 май сони

Илова №2

И.М.Кичанова
**ДУХОВНЫЕ ИСКАНИЯ И ЖИТЕЙСКИЕ СИТУАЦИИ
ГОЛОС ПУСТЫНИ**

Начальнику Джизакстепстроя Ўришу Маджидову 43 года. Он родился в этой степи. Джизак по одной версии, — это "белая крепость", а по другой — "адский жар". Даже название реки Сангзар окрашено тем же зноем "Золотые частички" (вода, каждая частичка которой золотая). А земля — упорная, безответная к усилиям лю — дей. Известно, что ещё в XVI веке правитель Абдулла — хан пытался построить здесь канал Эски — Тюя — Тартар. Канал должен был соединить речку Сангзар с Зарафшаном. Пришлось бросить хану Абдулле свою затею, не хватило у него на это сил и средств. Знойная пустыня прогнала людей, не дала ни капли воды. Тюя — Тартар означает "верблюжья тяга". Канал должен был брать воду из Зарафшана с помощью колеса с крепленными к нему курдю — ками. Верблюд должен был вращать это колесо. Но он не вы — держивал зноя, и вода испарялась по дороге к каналу. А сегодня по руслу не состоявшегося чetyреста лет назад канала течёт вода, продолжает свой путь по пустыне.

Об Урише, помнится, слышала я от своего отца ещё студенткой. Он мне ставил в пример молодого, перспективного инженера. Отец мой был среди тех, кто осваивал Голодную степь, мечтал: вот освоим первую линию, потом будет самое трудное — Джизакская степь.

Брожу по сегодняшнему городу, по столице Джизакской области, знаю, что приеду снова, вглядываюсь в его облик. Завтра этот город будет уже другим. Превратятся в современные города строящиеся сегодня Дустлик и Бустан — штаб освоения новых районов Джизакской степи.

Уже существует генплан нового города Джизака. Органы планирования учитывают потребность населения. В 11-этажном административном здании предусмотрены залы для занятий хлопкоробов — механизаторов, планируются библиотеки. В городе новый театр, появятся скверы, парки.

...Некогда повелитель Ферганы Захиреддин Бабур, воитель, путешественник и поэт, правитель обширного района Индии, забрел в своих военных скитаниях в Джизак. Уставший после военных неудач и переходов по безводным пустыням, Бабур вознес хвалу трудолюбию Джизакцев. "Мы нашли новую жизнь и новый мир" — так воспел он в "Бабур — наме" Джизакский оазис XVI-века, полный сладких дынь и чудесного винограда. К Джизаку и сегодня ведет тот же маршрут. Пусть, лишивший некогда Бабура последних сил.

Сегодня этот путь пролегает через цветущую Голодную степь, через хлопковые поля. На месте старого канала, его строительство предприняли ещё в XVI-веке, потекла вода. И там, где раньше не удалось оросить степь, сегодня плещутся живительные струи, "преброшенные" с помощью современной землеройной техники из реки Зарафшан. На реке Сангзар выстроено водохранилище. Ожила степь. Стало возможным возделывать десятки тысяч гектаров земли.

Но техническая оснащенность общества сегодня такова, что позволила сделать и следующий шаг. Создано высокопроизводительное насосное оборудование. С его помощью воды древней Сырдарьи через каскады насосных станций будут подаваться на новые огромные пространства. В перспективе — строительство канала общей протяженностью почти 250 километров. Четыре насосные станции будут подавать воду на 178 метров. Это создаст огромный забор воды. Сырдарьинская вода по уникальному металлургическому проводу длиной в 2,5 километра уже пошла по руслу первого Джизакского магистрального канала на новые земли. Работу по строительству насосных станций, оборудования, требующего высокой энерговооруженности и технического умения, ведет недавно созданная организация Джизакстепстрой.

Уриш Маджидов был главным инженером этой организации,

отвечал за огромный участок работы. Требуются незаурядные знания, колоссальный опыт, набор организаторских навыков, умение ладить с людьми. Уришу всего 43 года.

Этот хозяин пустыни, несомненно, молод. И несомненно, мудр. Не только те знания аккумулирует он, что получил в Ташкентском политехническом институте и затем на работе здесь же, в Голодной, а теперь в Джизакской степи. Он прошёл на практической работе последовательно все ступени: от энергетика — ирригатора до крупного руководителя. Прошёл и буквально в "территориальном" плане. Он переезжал с семьей из города Янгиер, столицы Голодностеп — строя, в Дуслик — опорный пункт строительства Джизака. Теперь прибыл в Бустан — будущую столицу освоения Джизакской степи.

"Он молод", — говорят в его селении старики. И не качают при этом головой, вот, мол, молод, а руководитель. Он просто молод для них, 90 — летних. "Он мудр", — говорят строители, узбеки, русские, татары с которыми он работает каждый день. Мудр, потому что слушает землю, потому что знает песок, а песок коварен. Сегодня ты его потревожил не там и не таким как следует образом укрепил строящуюся дорогу, а завтра он тебе отомстил. Эту дорогу накроет, и потом не восстановишь вчера проложенный тобою же путь. Песок надо знать, надо уметь с ним ладить. Знает Уриш свою землю. Знает, как уважительно обойтись с нею. А дело это непростое. Например, сровнять рельеф — это значит нарушить структуру и завтра вызвать эрозию.

Как сровнять рельеф бульдозером? Уриш ходит по "участку", а это не один десяток километров (ходит ногами, ездит редко), смотрит вниз под ноги себе, думает. Где можно сровнять, а где этого делать не стоит. Ходит не один, вместе со старожилками, вместе с экспертами — высокоученными, дипломированными специалистами изучившими структуру почв многих районов страны и многих засушливых районов страны и многих засушливых районов мира. Степь осваивать надо так же бережно, как вести семейный корабль, как беречь, воспитывать свою семью.

В семье Маджидовых семеро детей. Старший сын — Бахром учится в институте. Пожалуй, надо бы ему стать гуманитарием, как — учит головой Уриш. Наверное, больше похож он у меня на историка или даже на философа. Но древние наши законы таковы: специальность отца сын предпочитает продолжить. Вот и стал он учиться той же специальности, что и отец. И дальше намерен ос — таться здесь, хотя учился в столичном городе и с успехом. Как ко всему родному, как к земле родной, как к родной семье — у заинтересованного, у добросовестного человека должен быть свой подход всюду и к воде, их строительству дома, и к воспитанию сына.

Другой сын Ином, может быть, и рискованно это сравнение, замечает Уриш, но сравним с таким участком земли, где особенно приходится голову ломать. Мальчик в Ташкенте живет, учится в

специальной школе. Сам настоял. Побеждал он на смотрах, кон — курсах по математике и физике. Так обогнал всех в Джизакской области, что даже не всякий учитель на его вопросы смог бы ответить. Вот и решила семья после долгих колебаний отпустить его учиться в Ташкент. Грамот и медалей за математические успехи и достижения, а также по физике у парня все больше становится, а сердце болит. В трех часах езды от дома, а не дома он.

Ещё трое ребят Икром, Мурод, Махмуд учатся в местной школе, старший уже второй раз переезжает. Сейчас сюда, в Бустан, перекочевал. Школа здесь неплохая. Посёлок ещё не город, но важно, что все тут свои и тоже кочуют. Двадцать лет осваивается Голодная степь. Сроднились первопроходцы. Недавно встречались поколения. Оказалось, много наследников первооткрывателей. Здесь в семьях детей, как правило, не меньше трех — четырех. И у многих сыновья пошли по стопам отцов. Четыре экскаваторщика дала одна из таких семей. В единой дружной семье растут дети Уриша, в семье многонациональной.

Интересуюсь: многонациональность не помеха ли в работе, в быту? Маджидов для себя выяснил этот вопрос, как деловой человек и как психолог, а я добавила бы и аттестацию окружающих, как человек мудрый. "Жизненные наблюдения, — говорит Маджидов, — показывают, что свои по крови, свои в роду ругаются чаще, чем семьи, живущие рядом, если они разных национальностей.

При условии, конечно, если хорошие эти семьи, крепкие, если это порядочные люди. В семье найдутся сугубо личные мотивы по известной схеме типа "тёща — сноха", "свекровь — зять" и так далее. Условно конечно, я говорю, — уточняет Уриш. — У нас люди проверенные в человеческом плане. Нестойкие или плохие как — то не держатся в здешних условиях. Выручка, взаимопомощь, взаимное уважение — это наши общие черты.

Тут много интересного. Оказалось, что за двадцать лет хозяйки освоили истинно многонациональную кухню. Придете, вас и пельменями угостят, и бешбармаком, и конечно же пловом. В узбекском доме увидите армянский сувенир и картинку с видом Киева. Все между собой дружны. Одаривают друг друга лучшим, что есть в доме, в семье, да и своей нации. Пожалуй, только плохое, как в каждой семье, в каждой национальной традиции тоже есть, — вот плохое не входит "в банк", в капитал межнационального общения.

— Что же плохое? — спрашиваю.

— Ну, родовая кровная месть и подобные счёты или, например, выкуп за невесту, калым. Все это изживается легче сообща.

А вот новое у нас хорошо прививается, от какой бы нации оно ни пришло. Моральный климат у нас такой, хорошие народные традиции живут на благо: все устарелые не торопясь отдалаются в прошлое. Это надо сделать законом нашей жизни и культуры: не форсировать, не торопить как изживание старого, так и насажде —

ние нового. Прививается то, что нравится всем. Например, узбекский хашар — когда сообща, всем селением строят дом или помогают соседу в беде: или русский праздник проводов зимы. Строительство — то такое. Люди отовсюду приехали.

Трудно все же? Уриш Маджидов серьезен. Мы сидим в его современно обставленном кабинете, в современной, можно сказать, здании управления Джизакстелстроя. Здание новой конструкции, с кондиционером. Все помещения продуманно компактны, отделаны деревом, мраморные холлы. Хозяин кабинета не только подтянут, но и тщательно и элегантно одет. Это привычная, каждодневная подтянутость. И хороший вкус человека, имеющего возможность этот вкус реализовать. Уверенный в себе, обладающий прочным общественным положением и великолепной профессией, он сейчас сурово смотрит в окно и, пожалуй, не видит того, на что гляжу я: вырастающие коттеджи для рабочих, широкий подъездной путь почти уже доведенный до магистрали, посадку деревьев, именно сейчас эта посадка происходит, потому что март, потому что самое время. Целую минуту Маджидов смотрит в окно прищуренными глазами. Сжатый рот, жесткий взгляд, напряженно стиснутые руки.

— Уриш Хамидович, о чём вы?

— О завтрашнем дне. Завтра предстоит трудный день, пожалуй, очень трудный.

Он принимается рассказывать мне о технологии установления насосных станций, о том, как обеспечивается заброс воды и как будет происходить в дальнейшем контроль ее и учёт. Контроль и учёт производит электронное оборудование, установленное непосредственно на полях. Оборудование это я видела ещё в Голодной степи. Маджидов уточняет, что здесь оно новое и требуется особая квалификация. Трудности? Планируется к обработке 150 тысяч гектаров. Земляные работы почти на 150 млн м³, 7 тысячи километров дренажных сооружений. Коллекторы на тысячи километров. Завтра выяснится, позволит ли почва начинать работу на одном из сложнейших участков.

— Почему же завтра?

Маджидов прищурился.

— Это я вам как местный житель говорю. Пойду понюхаю воздух, потрогаю землю, как она, чавкает, или может быть, уже скрепило ее солнце. Вот поколдую — поколдую, а там видно будет, — он усмехается. — Не бездумно технику пускаем. Техника не все. Без опыта здешний житель пропадет. Мы его слушаем.

— Стало быть, вас слушают.

— Да, и меня тоже. А у меня коллеги есть. Аксакалы. Где я ошибусь, там они подправят. Дружно действуем и все учитываем.

Хороший человек Маджидов, свой. Это сказали мне татарин, и кореец, и украинец, и еврей — коллеги по управлению, и рабочие. Нелегкий он для начальства. Со своим мнением, которое умеет отстаивать.

Правильный человек Маджидов, потому что любят его люди, любит его земля, слушаются механизмы. Нужен, очень нужен он делу. Когда по какому — то случаю перечислялись его заслуги: ин — женер, опыт огромный, душевный человек, — Маджидов остановил говорящего: "Рядовой интеллигент".

"Делегат всесоюзных сборов". Это всегда прибавляют после остальных слов, сведений и характеристик как самый весомый итог.

Москва "Молодая гвардия" 1983 год.

Илова №3

Ў.Мажидов

"САҲРОДА ТУФИЛИБ, ЧЎЛДА ЭЪЗОЗЛАНГАН"

Мирзачўл ва Жиззах чўли ҳақида ёшлигимдан эшитиб юрар эдим. Мен шу чўлнинг қоқ ўртасида жойлашган Обручево темир йўл станциясида ўсиб — улғайганман. Илгари Қоратепа деб аталган бу маскан ҳозирда Даштобод шаҳри деб юритилади.

Мирзачўл ҳақида гап кетганда март ойидаёқ офтобдан қов — жирав қоладиган майсалар, сарғайган далалар, "Бекобод шамоли" деб аталган, айниқса баҳор ва куз фаслларида эсадиган кучли шамоллар, далаларда ўсадиган янтоқ ва шувоқ, чўл жониворларидан тошбақа, калтакесак, чаён ва бузоқбоши кўз олдимга келади.

Ичимлик суви ҳар бир ҳовлида жойлашган, 4 — 5 метр чуқур — ликдаги қудуқлардан олинар ва бу сув шунчалик шўр эдики, бирорта ҳовлида кўкарган дарахт кўринмасди. Қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаи чорвачилик эди.

Истеъмолга яроқли сув темир йўл станциясига вагонларда кел — тирилиб, катта идишларга қуйиб кетилар эди.

Институтни тутатиб йўлланма билан Қирғизистоннинг Ўш вилояти Ҳайдаркон посёлкасида симоб ва сурма шахталарида ўз меҳнат фаолиятини бошладим.

1967 йил Янгиер шаҳридаги "Голодностепстрой" ҳудудий бошқармасига бош энергетик лавозимига ишга келиб, мен билган чўл ўрнига гулаган макон барпо этилганининг гувоҳи бўлдим.

Жанубий Мирзачўл канали орқали сув келиб, чўлга ҳаёт бахш этилган эди. Дарахтлар кўкарган, далалар кўм — кўк, боғлар гуллаб турар эди.

Мен Мирзачўлга бошқарманинг моддий — техник таъминоти бошлиғи Ортиқ Абеневич Холмуродовнинг таклифи билан келиб, Голодностепстрой бошлиғи Эҳсон Низомович Низомов ва бош муҳандис Виктор Абрамович Духовныйнинг суҳбатида бўлдим.

Илгари Э.Низомов Республика Госплани раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Ҳозирда Э.Низомов шарафига Янгиер шаҳрининг кўчаларидан бирига ва ўрта мактабга унинг номи берилиб, бюсти ўрнатилган.

Мен "Джизакстепстрой" бошлиғи лавозимида, Э.Низомов Глав — средазсовхозстрой бошлиғининг муовини лавозимида ишлаган вақтларида Бўстонга келиб Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичлари ҳақида жуда кўп сўзлаб берар эди.

Голодностепстройни бошқаришда унинг биринчи ёрдамчиси Виктор Абрамович Духовный — бошқарманинг бош муҳандиси катта кўмак берар эди. Уни бошқарманинг техник "мияси" деб аташарди. У ходимларнинг муҳандислик фикрларини шунчалик мужас — самлай олар эдики, жамоага ҳар қандай мушкул техник масала — ларни ечиш осон кечар эди.

Унинг ёнида ишловчи биз муҳандислар, В.Рогов, К.Смердов, Р.М.Просин, Г.Н.Бастеев, Н.П.Костиков, А.Я.Тошматов, В.П.Рўбкин, А.А.Дюдин, Я.С.Кролик, К.А.Васькович, А.Варагушин, Г.А.Кобўлин, В.А.Орлов, В.М.Туренко, Р.А.Арзуманов, Г.Н. Мусейко, Г.С.Цуриков ва бошқалар ҳар қайсимиз алоҳида соҳани бошқара туриб, Духовныйдан ўз устида ишлаш, муҳандислик малакасини ошириш, техник адабиётлардан фойдаланиш, институт даврида олинган билимларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш маҳоратини ўрганар эдик.

Менда ҳозиргача у кишидан олиб фойдаланган китоблардан кўчирмалар сақлаиб қолган. Булар тупроқ зичлигининг хусуси — ятлари, хоссалари, лаборатория анализлари, нурланиш даражасини аниқлаш, ернинг мелиоратив ҳолатига қишлоқ хўжалик экин — ларининг ҳосилдорлиги боғлиқ эканлиги ҳақидаги масалаларни ўзим энергетик бўлишимга қарамасдан ўрганиб борар эдим.

Голодностепстройни бошқаришда ишни Э.Низомов билан В.Духовный бир — бирини юқори даражада тушунган ҳолда олиб боришар, улар ҳатто имо — ишора билан ҳам бир — бирларини англаб олишар эди.

В.А.Духовный меҳнат фаолиятидан ташқари илмий иш билан шуғулланиб, Мирзачўлда номзодлик, кейинчалик техника фанлари доктори диссертациясини ёқлади. Ўзининг ўжарлиги ва баъзи олимларнинг тўғри баҳо беролмаслиги натижасида, ҳатто доктор — лик диссертациясини қайта ёзишига тўғри келди.

Мен "техник устозимиз" Духовныйнинг характерини Даниил Граниннинг "Зубр" китоби қаҳрамони Тимофей Ресовскийга ўхшатаман ва эстон олими, дезинтеграторни ўйлаб топган, сили — кальцит ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Хинтнинг характерига таққослаб юраман.

Голодностепстройнинг энергетиги сифатида ишлаган вақтимда В.Духовныйнинг хонасига юқори ташкилот учун тайёрланган хабарномани олиб кирганимда қатъиятли бўлиш керак деб икки марта қайтарган эди. Ёзганим маъқул келмасдан, ўзи русларда учрай — диган сўкиниш сўзлари билан ифодалаганда, ёш муҳандислигим учун юқори ташкилотнинг раҳбарларини ҳам иш ёқмасликда айб — лаш мумкинми, деб лол қолган эдим.

Ташкилотда ходимларни техник ўқитиш юқори савияда олиб борилар эди. Кейинчалик мен ундан ўрганган усулларни П.Х.Кан билан Жиззахчўлқурилиш трестини бошқарганимизда кўп фой — даланганман.

Масалан: Ўратепада ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрини ювиш ҳақида семинар ўтказганимизда Москвадаги До — кучаев номли тупроқшунослик институтидан дунёга машҳур олимлар Егоров ва Минашиналарни таклиф қилдим. Улар оғир гипсланган, шўрланган ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳақида жуда кўп тавси — ялар берган эди.

Бўстонда бу институтнинг филиалини ташкил қилганимиз сув хўжалиги соҳасидаги ишларимизга катта фойда берди.

Э.Низомов ва В. Духовныйлардан биз кишилардаги одамгар — чилик хусусиятини қадрлашни ўргандик. Одамгарчилик сўзини қишлоқ хўжалик соҳасининг йирик билимдони Абдулҳай ака Тои — ров ишлатишни яхши кўрарди.

Мирзачўлда қишлоқ хўжалик ва чўл қурилиш соҳасида кўзга кўринган йирик ташкилотчи А.А.Саркисов билан жуда кўп марта учрашганман.

Мустаҳкам иродали, доимо ўз фикрига эга бўлган бу кишининг вафот этганига 30 йил бўлди. Янгиер шаҳрининг 4 кварталида жойлашган меҳмонхонада мени биринчи мартаба кўрганидаёқ кимлигим, қаердан келганлигимни сўриштириб, айтиб берганла — римни хотирасида сақлаб қолган эди.

Йиғилиш ва муҳокамаларни овозини кўтармасдан, хотиржам — лик билан ўтказиши мени ҳайратда қолдирар эди.

Шундай йиғилишлардан бирида, ўз вақтида А.Саркисов Кама ва Фарҳод гидроэлектростанцияларининг бошлиғи бўлганлигини билмаганим ҳолда, мен Дўстликда қурилаётган подстанция ва ЛЭП — 110, электр узаткичнинг қурилиш муддати ҳақида эътироз бил — дирганимда В.А.Духовный менга танбеҳ берган эди.

А.Саркисов топшириқ берганида белгиланган муддатда бажа — риш мумкин эканлигини аниқ билар эди.

Менинг билишимча Мирзачўлни комплекс равишда ўзлашти — риш асосан унинг фикри бўлиб, бу ишга ҳаммадан кўра кўпроқ ҳисса қўшган. Унинг ҳаёти доимий янгиликка интилишдан иборат эди.

1958 йил октябрь ойида Иттифоқ Госплани Мирзачўлни ўз — лаштириш ишларини 7 йиллик режадан чиқариб ташлаганда А.Сар — кисов давлат раҳбарларига "Чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда, қабул қилинган қарорни нотўғри деб ҳисоблайман..." деб ёзган экан.

А.Саркисов ҳақида ўзлаштиришнинг биринчи йилларида унинг доимий ёрдамчиси бўлган, уруш қатнашчиси, истеъфодаги майор Николай Иванович Фирсаков шундай эслайди:

"Мирзачўл... 19 йил ўтгандан сўнг бу сўзлар ўз моҳиятини йў —

қотди. Ҳақиқатдан ҳам, ўзлаштириш ишларининг бошланишини эсласам халқимизнинг бунёдкорлик ишларидан қувониб кетаман, ҳатто оддий хизматчиларни ишга қабул қилишда ҳам, бошқарма бошлигининг ўзи, бош муҳандиси ёки ўринбосарлари суҳбат ўт — казишар эди.

Бошқарманинг биринчи бошлиғи Зиядуллаев Саид Каримович, бош муҳандиси профессор И.Я. Каминский бўлган.

Янгиер шаҳри қурилиши бошланганда қуйидаги манзарани кўришингиз мумкин эди, чўлнинг шамолидан кўтарилган тўзонлар худди қуёш гутилгандек, унинг юзини тўсиб қолар экан. Агар ма — шинанинг эшиги шамол эсадиган томонга очилса уни ёпиб олиш амримаҳол. Қаттиқ шамол уйларнинг томини учириб кетишига қарамасдан, дастлабки қурувчилар палаткаларда яшаб, ишини давом эттирар эдилар.

А. Саркисов ўз ишини 1957 йил апрелдан бошлаган. Шу йил — нинг 29 июнь куни бошқарма Тошкент шаҳридан Янгиер шаҳрига ўтказилди.

А.Саркисов доимо ишловчиларнинг турмушига эътибор билан ғамхўрлик қилар эди. Меҳнат фаолиятининг биринчи кунларида — ноқ Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрида дам олиш маскани барпо этилишини бошлаган.

Янгиер шаҳри кўчаларида юриб тошбақа, илон, чаёнларни уч — ратиш мумкин эди.

Ичимлик суви катта идишларда, машиналарда келтирилар ва тарқатилар эди. А.Саркисов тонг саҳар соат олтида туриб рўзно — маларни ўқиб чиқар, соат 9 да ишга келиб кеч қорайгунга қадар, ҳаттоки дам олиш кунларисиз ишларди.

Акоп Абрамович Саркисов ўзига ва ходимларига бир хилда та — лабчан эди. Маъмурий бошқарув аппарати ходимларини бутлаб олиш анча қийинчилик туғдирарди. 1957 йил кузда олий ўқув юртлари — дан мутахассислар кела бошлади. Булар иқтисодчи Т.Б.Бойсафа — ров, А.А. Орипов, муҳандислар М.Бекташева, Е. Тихомирова, А. Тошматов, Н.Костиков ва бошқалар эди.

Т.Боймиров эса ўз меҳнат фаолиятини йўл — қурилиш бошқар — масида мастерликдан бошлаб, бошқарма бошлиғи, кейинчалик "Обурчевосовхозстрой" бошлиғи, сўнгра "Голодостепстрой" ҳу — дудий бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлади".

1971 йил 26 июль Тошкентда А.Саркисовни кўмиш маросимига бориб, ҳаётимда биринчи маротаба бунчалик кўп гулчамбар ва гул — ларни кўрдим. Бу йирик ташкилотчи хотирасига билдирилган ҳурмат ва эътибор эди.

1972 йил 7 апрелда ўлиmidан сўнг, унга Олий Давлат муко — фоти лауреати фахрий унвони берилди. Шу қатори унинг саф — дошлари Е.И. Озерский, А.К. Косимов, Д.К. Терситский, Э.М. Бе — ньяминович ва Т.Б.Боймировлар тақдирланди. Уларнинг ҳар бири ўз вақтида чўлни ўзлаштириш ишларига салмоқли ҳисса қўшган

эдилар. Номзодлар рўйхати "Известия" газетасида chop этилган эди.

Олий Давлат мукофотига номзодлар ичида яна бир киши В.А.Ду — ховный бўлиб, ўз номзоди ўрнига лойиҳа муҳандиси Т.Б.Беньями — новичи кўрсатган экан. Кейинчалик у Абу Райҳон Беруний номи Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

"Голодностепстрой"нинг бош энергетиги вазифасида ишлага — нимда алоқа ўрнатиш масалалари билан ҳам шуғулланар эдим. Бу соҳада менинг ёрдамчиларим сифатида А.Варагушин, Игнатов, Ре — вазов, Чечель, Карпышев ва бошқалар ишлар эди.

Кунлардан бир кун А.Саркисов мени чақириб, Сочида дам ол — ганида Республика алоқа вазири Мангельдин билан Мирзачўл алоқа воситаларини такомиллаштириш ҳақида сўзлашганини айтиб, менга топшириқлар берди.

Мен Вазирликдаги бўлим ва бошқармалар билан ишлаб Вазир Мангельдин ҳузурига кириб, Саркисовнинг бу соҳадаги масала — ларни сир — асроригача билганлигига амин бўлдим.

Ўша пайтларда ўрнатилган алоқа воситалари кўп йиллар мо — байнида қурилиш ва қишлоқ хўжалигини бошқаришда хизмат қилди.

"Голодностепстройга" ишга келганимда Э.Низомов энергетика ускуналари ҳақида шунчалик билимдонлик билан саволлар бер — дики, мен уни соҳа мутахассиси деб ўйладим. Кейинчалик иқти — содчи бўлишига қарамасдан ҳар бир соҳани чуқур билишига амин бўлдим.

Э.Низомов бошқарган "Голодностепстрой" ташкилотига Давлат мукофотини топшириш маросимида илк чўлқуварлар Рогов, Ра — гулин, Смердов, Зиятдинов, Арипов ва бошқалар иштирок этишди. Биз Янгигер шаҳрининг биринчи қозиқларини қоқдик, — деганла — рида, касаба уюшма раиси сифатида менга сўз берилганда ёшлар номидан, — Биз эса "Мирзачўл"нинг охириги қозиқларини қоқишга ҳаракат қиламиз, — деган эдим.

Ҳаёт тақозоси билан "Дўстликсовхозстрой" трести бошлиғи ва — зифасида Мирзачўл Арнасой туманидаги охириги қурилишларда қатнашдим ва у ерда ёзувчи Костантин Симонов "Конец голодной степи" сўзи ёзилган тахтачани қоқиб қўйди.

Мирзачўлни комплекс ўзлаштиришда муҳандислик коммуни — кацияларини ривожлантириш кенг кўламда олиб борилди. Бу ком — муникацияларнинг хўжаликлар томонидан алоҳида ишлатилиши мураккаблаша бошлади. Шу муносабат билан Янгигер шаҳрида "Голсовхозремонтстрой" трести ташкил қилинди. Трестнинг ва — зифаси хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги инженерлик ком — муникацияларини юқори савияда ишлатиш эди. Бунга ички ва та — шқи сув ўтказиш қувурлари, канализация ва насос станциялари, тозалаш иншоотлари, подстанция ва электр ўтказиш йўллари, алоқа тизими, зовур ва дренажлар тармоқларини таъмирлаш, автомо — биль йўлларины эксплуатация қилиш, қозонхоналар, иссиқлик та — рқатиш тармоқлари, ички иссиқлик системасини ишлатиш ва ҳатто

кўчат етиштириб, дарахт экиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, боғ ва токзорлар ташкил этиш, уй — жойлар, дала шийпонлари, саноат объектларини таъмирлаш кирар эди.

Трест бошлиғи, йирик иқтисодчи Мирходжаев Сайфиддин Мир — ходжаевич, мен эса бош муҳандис вазифасига тайинландим. Бу трестдаги тўрт йиллик меҳнат фаолиятим мобайнида жуда кўп ҳа — ётий сабоқ олиб, кўп нарсани ўргандим.

Саттор Усмонович директор бўлган Г.Титов номли 6 — совхозга йиғилиш ўтказиш учун Ш.Рашидов келганда шундай воқеа юз берди.

Аввал "Голодноостепстрой" да, кейинчалик "Джизакстепстрой" да ишлар юксак ҳамжиҳатликда олиб борилар эди. Катта ҳажмдаги қурилиш ишлари, айниқса каналларни бетонлаштиришда, талафот бўлганда барча соҳа ишчилари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишар эди.

70 — йиллар бошида Дўстлик туман марказида подстанция қурилмаган бўлиб ундаги пахта қабул қилиш пункти 200 квт қув — ватли дизель ёқилғиси билан ишлайдиган электростанциядан таъ — минланар эди. Шу станция тўхтаб қолганда туманнинг биринчи котиби Расулмат Ҳусанов Республика раҳбарларидан бирига пахта топшириш тўхтаб қолди деб хабар беради.

А.Саркисовнинг топшириғи билан "Голодноостепстрой" бош му — ҳандиси В.Духовный тунги соат 24 да бош механик В.Туренкони сўнгра, Даштободда кимнингдир тўйдан мени топди — да Дўст — ликка бориб электростанцияни зудлик билан ишлатиш вазифасини топширди. Биз эрталабгача электростанцияни ишлатиб, берилган топшириқни бажардик.

1968 йил "Голодноостепстрой" бош энергетиги вазифасида ишлаб турган вақтимда бошлиғимиз Жўра Хоназаров кабинетига чақириб Янгиер шаҳрига республика телевидениесининг 2 — программаси орқали кўрсатувларни ташкил қилиш ҳақида топшириқ берди.

Бу каналда ҳамма футбол учрашувлари кўрсатилар, Жўра ака эса, футболнинг ашаддий билағони ва муҳлиси бўлиб, бир вақтлар республика футбол федерациясини бошқарган эди.

Ж. Хоназаров ва П.Каннинг футболга бўлган ишқибозликлари "Янгиер" ва "Бўстон" командаларининг Иттифоқ биринчилигида қатнашишларини таъминлаган эди.

1975 йил 10 июнда Ш.Рашидов Дўстликда қурилаётган пахта заводига келиб 1 сентябрғача қурилишни тугатиш вазифасини кўйди. Қурилишда 600 — 700 монтажчилар, қурувчилар, созовчилар, махсус ишларни бажарувчиларнинг иши кечаю — кундуз ташкил этилди. Муддатига 40 кун қолганда яъни 20 июль куни қурилишга Т.Г.О — сетров, вилоят раҳбари С.М.Тоиров билан келиб Москва яқинида дам олаётган Ш.Рашидовга қурилиш ҳақида ахборот беришим ке — рак деб айтди.

С.М.Тоиров эса завод ишга тушишига "40 кун қолди" деган ёзувни кўриб, менга блокнотига ёзиб қўй, бизни алдаяпсан, бари —

бир тугата олмайсан деди. Завод қурилиши эса кўрсатилган муд — датда ишга туширилиб, 1 сентябрь куни Ш.Рашидов иштирокида очилди. Шунда у киши Н.Р.Ҳамраевга ўз миннатдорчилигини бил — дириб, қурилиш қатнашчиларини табриклаб, туманга мусиқа мак — таби ҳам қуриб бериш ҳақида кўрсатма берди.

Яна бир вақтда Голодностепстрой бошлиғи Т.Боймиров Арна — сой туманига хўжалик қурилишини кўришга келганида, Конев ва Жуков совхозлари орасида қурилган асфальт йўлни қум уюмлари босиб қолган экан. Биз ундан ўта олмай орқага қайтдик.

Голсовхозремонтстрой трестиди Мирзачўлни ўзлаштириш учун юрак амри, қалб қўри билан келган ёш мутахассислар анчагина бўлиб, катта ҳаёт мактабини ўтиб, ташкилотларни бошқариб, маъ — сулиятли вазифада ишладилар. Булар Мансур Абдурайимов, Эр — кин Холматов, Абдурашид Алиев, Болбек Қамбаров, Юра Тихонов, Игор Чечель, Аъзам Худойқулов, Шахобиддин Ибрагимов, Нико — лай Чистяков, Абдурахим Яхёев, Ортиқбой Укибоев, Рустам Жўл — беков, Расул Аҳмедов, Омон Жўраев, Мамадиёр Мидетов ва бош — қалар эди.

Вилоятимизга ҳукумат раҳбари Н.Ж.Худойбердиев келганида мен хўжаликларда ер ўзлаштириш ва қурилиш ишлари олдинга кетиб, уларда ичимлик сув, газ, канализация билан таъминлаш, темир ва чўян қувурлар етишмаслиги оқибатида орқада қолиб кетганлигини айтганимда, бир йил ичида 4 минг тонна қувурлар ажратилиб, натижада ишларимизни олдинга силжитиб олдик.

Мансур Абдурайимов ўзининг "Ҳаёт мактаби" номли хотирала — риди чўлга келиб иш бошлаган пайтларини шундай эслайди:

"Мен Тошкент Ирригация институтини битириб Мирзачўлга бориб ишлашга йўлланма олганимдан сўнг, 1968 йил 17 август куни танишиш учун Янгиер шаҳрига келдим. Мутахассислигим энергетик бўлганлиги учун менга Голодностепстройнинг бош энергетиги У.Х. Мажидов билан учрашиш маслаҳатини бердилар. У кишининг қабулида бўлиб, ўзим ҳақимда сўзлаб бердим ва диплом ишим мавзуси "Суғориладиган ерларга насослар билан сув чи — қариш" эканлиги муносабати билан насос станциялари қурили — шида қатнашиш истагини билдирдим. Мен билан суҳбатлашгандан сўнг, ҳозир насос станциялари қурилиши бошлангани йўқ, лекин яқин келажақда бу ишлар бошланишини, агар шу соҳани мукамал ўрганишни хоҳласам эксплуатация қилинаётган Боёвут насос стан — цияларида оддий ишчи бўлиб иш бошлашимни тавсия қилди. Ка — никул тамом бўлгандан сўнг, 1 сентябрь куни келаман деб, хайр — лашиб чиқдим. Олий маълумотли муҳандис бўла туриб ишчи лава — зимида меҳнат фаолиятини бошлашим кераклигини нохушлик билан қабул қилдим, бунинг устига жуда кучли шамол чанг — тўзонларни кўтариб қоп — қора жингалак сочларим ораларига қумларни тўлди — рар, бошим оғирлашиб, ўйларим эса норозиликдан иборат эди.

Ишга борайми ёки бормай қўяқолайми деб 14 кун ўйлаганим —

дан сўнг 2 сентябрь куни яна У.Х.Мажидовнинг олдига келга — нимда бир кунга кечикиб келганим учун танбеҳ берди. Айтилган вақтда ишларни бажариш, ўз вақтида чақирилган жойга етиб бориш кераклигини ва бошқа иш юритиш сабоқларини меҳнат фаолиятимни бошлаган кунларимдан ола бошладим.

У.Х.Мажидов доимо қандай иш ўрганаётганим ҳақида қизиқиб турар, учрашганимизда ишлар қандай бажарилганлиги ҳақида батафсил сўраб, мутахассислигимизга алоқадор жуда кўп саволлар берар эди. Шу билан бирга доимо бизнинг билимимизни текшириб турар, камчиликларимизни кўрсатиб маслаҳат берар эди. Биз Ўриш Ҳамидович билан учрашишдан ҳайиқиб турардик, ўз устимизда мунтазам ишлаб маҳоратимиз, техник билимимизни оширишга интилар эдик. Билимимизни кўрсатиб яхши баҳо олишга интилар эдик.

Ўриш Мажидов шундай ҳаракатлари билан ўқини битириб келган ёш мутахассислар орасидан катта кадрлар захирасини тайёрлади.

Голодностепстрой таркибида Голсовхозремстрой трести ташкил этилгандан сўнг, бизларни дадиллик билан раҳбарлик лавозимларига тавсия эта бошладилар, мен эса Дўстлик туман электротармоқлари корхонасига бош муҳандис вазифасига тайинландим.

Ўриш Ҳамидовичнинг тавсияси билан трест бошқарувчиси Сайфитдин Мирходжаевнинг буйруғига асосан ҳали 25 ёшга тўлмаганимдан шу катта ташкилот раҳбарлиги вазифасига ўтказилдим.

С.М.Мирходжаев ва У.Х.Мажидов бошқараётган ташкилотда ишлаш биз ёш мутахассислар учун жуда катта ҳаёт мактаби бўлди. Э.И.Холматов, Р.А.Аҳмедов, Т.А.Азимбоев сингари жуда кўп мутахассислар шу мактабдан ўтиб тобландик.

Устозларимиз ўзларида жуда юксак раҳбарлик маҳоратини мукаммаллашган эдилар. Бир томондан С.Мирходжаев юксак маданиятли, масъулиятни ҳис қилувчи, доимо интизомли бўлишни талаб қилиб, раҳбарликнинг жуда кўп қирралари эгаси бўлса, иккинчи томондан У.Мажидов техник малакали муҳандис, трест ташкилотлари ишини аъло даражада ташкил қилиш қобилиятига эга, соғлом фикрли, юқори даражадаги ишчан инсон бўлиб, суткасига 25 соатлаб ҳам ишловчи раҳбар эди.

Улар бизга ҳам меҳнатга шундай муносабатда бўлиб, вазифамизга талабчанлик билан ёндашишни ўргатиб борар эди.

Ҳаётда эса бу икки раҳбар одамгарчилик, инсонийлик жиҳатидан бир — бирларидан ўтар, ўзаро муносабатлари эса, ҳар қандай ёзувчи ҳам тавфсилотини батафсил ёзма олмайдиган даражада юксак бўлиб, бу биз ёш мутахассисларни доимий равишда, ҳавас билан, ишда ва ҳаётда уларга ўхшашга ҳаракат қилишга ундар эди.

Умуман Голодностепстрой бошқармаси бўйича ишлаб чиқариш янгиликларини амалиётга татбиқ қилиш, техник маҳоратни ошириб бориш, ўз фикрини эркин айтишга имконият, масалаларни ечишда ўз мулоҳазасини юритиш юқори даражага кўтарилган эди.

Раҳбарларимиз биз ёш мутахассисларнинг маслаҳатларимизга ун — чалик муҳтож бўлмасаларда ҳар доим таклифларимизни инобатга олишар эди.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, ҳамма вақт долзарб масала эди. Артезиан қудуқларидан олинган сув аҳоли яшайдиган жойларга етказилиб, қўшимча тозаланиб, ичиш учун узатилар эди.

Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл туманлари учун се — кундига 1 кубометрдан ошиқ ичимлик сув бера оладиган 28 та қудуқ — дан иборат Қўйтош қувурларини Қозоғистондан келтирилган тру — балар билан бошқарма бошлиғи муовини Г.П.Гайсинский раҳбар — лигида тез суръатда бажарган эдик. Голсовхозремонтстрой трес — тида ичимлик сув, иссиқлик, газ таъминоти устидан доимий назо — рат ўрнатилган бўлиб, таъминотда катта узилишлар бўлса, ҳатто А.Саркисовгача ахборот етар, биз эса зудлик билан талафотларни бартараф этиб, таъминотни тиклар эдик.

1976 йил мен бошқараётган Дўстликсовхозстрой трестига Жиз — зах шаҳрида ишқорли аккумулятор заводини қўриш вазифаси юк — ланди. Бу 3 навбатли катта комплекснинг қурилиши ленинград — ликлар лойиҳаси асосида олиб борилди. Бу масалани ечишда Ш.Ра — шидов Жиззах шаҳрининг учинчи микротумани қурилишини ҳам назарда тутган эди. Бухортмачиси Москвадаги Минэлектротехпром бўлган завод қурилиши, Джизакстепстрой бошқармасига раҳбар — лик вазифасига ўтганимда ҳам давом эттирилди.

1980 йил заводнинг биринчи навбати ишга туширилиши ол — дидан Марказком котиби А.А.Ходжаев ва ҳукумат раҳбари Худой — бердиевлар ёрдам беришига қарамасдан қурилиш кечикиб кет — ганда Ш.Рашидов ўзи билан вазирлар Т.Я.Шарипов, Н.Р.Ҳамраев, Х.А.Шогазатовларни олиб келиб, қурилишни таҳлил қилди. Аҳ — волни тушунтирганимда Ш.Рашидов, — Ҳатто республика пахта режаси бажарилмай қолса ҳам, аккумулятор заводи ишга туши — рилиши шарт, бу менинг шахсий топширигим ва унинг бажари — лишини Госплан раиси Қудратилла Аҳмедов назоратга олади, — деб топшириқ бердилар.

Эртаси куни Госпланга уй — жой, мактаб, болалар боғчаси қурилиш режаларини камайтириб, таъминот бошқармаси, кимё саноати, махсус ишлар вазирлиги томонидан ёрдам бериш ҳақида хат билан борганимда, Аҳмедов мени ўзининг биринчи муовинига мурожаат қилишимни айтди.

Шунда мен Ислон Абдуғаниевич Каримов билан кабинетда учрашдим. У киши хатни диққат билан кўриб чиқиб, кўрсатмалар ёзиб, Вазирликларда масала ечилмаса, тўғридан — тўғри менга чи — қинг, — деб уқтирди. Шундан сўнг, қурилишга 2000 дан ошиқ иш — чиларни жалб қилиб, кечаю — кундуз иш ташкил қилиниб, завод ишга туширилди. Менга эса "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи" унвони берилди.

1981 йилда заводнинг 2 — навбати ишга туширилиши масала —

си кўтарилганда А.Ходжаевга эътироз билдирган эдим. Лекин, Ш.Рашидов, Н.Р.Ҳамраевга қурилишни давом эттириш ҳақида топ — шириқ берган эди. 1993 йил 27 декабрь куни вилоятимизга та — ниқли ёзувчи Чингиз Айтматов келганда, унга Мирзачўлни ўзлаш — тириш ҳақидаги В.А.Духовный ёзган китобни тақдим этдим. Атоқли ёзувчи Мирзачўл ва Жиззах чўллари ҳақида илиқ сўзлар айтиб, менга "Плаха" китобига дастхат ёзиб берди.

1974 йил Жиззах вилояти ташкил бўлиб, Дўстлик тумани унинг таркибига киритилди, мен уй — жой ва саноат қурилиши билан шуғулланадиган "Дўстликсовхозстрой" трести бошқарувчиси ва — зифасига тайинландим.

Шу йилларда вилоят раҳбари Тоиров Қримга меҳнат сафарига бориб, чойхона қурилиши лойиҳасини олиб келишим ҳақида топ — шириқ берганда, Голодностенстрой бошлиғи Т.Боймиров рухсат бер — мади. Қурилишни бошлаб юборганимизни кўрган Т.Боймиров менга ҳайфсан эълон қилиб, қурилишни тўхтатганимизда эса С.Тоиров томонидан ҳайфсан олган эдим.

Р.Ҳусанов ва Х.Исроиловлар раҳбарлигида қурилган бу маскан "Мингчинор" деб аталиб унинг олдига, туман ижроқўм раиси му — овини, Республика ёзувчилар уюшмаси аъзоси А.Тоғаевнинг так — лифи билан истъододи ёш ҳайкалтарош И.Жабборовнинг "тошнй ёриб сув чиқарувчи Фарҳод" асари ўрнатилди.

1982 йил 17 май Республика ўқитувчилар съездида делегат бўлиб қатнашдим. Бу бошқармамиз томонидан мактаб ва болалар боғчалари қурилишда эришган муваффақиятларимиз учун эди.

Мен вилоят раҳбарлиги лавозимида ишлаган йилларнинг би — рида Нуриддин Акрамович Муҳитдинов келиб Мирзачўлни ўз — лаштиришнинг дастлабки йиллари, Янгйер шаҳрининг бунёд эти — лиши, Мирзачўлни ўзлаштиришга қарши чиққанлар тўғрисида биз эшитмаган воқеалар ҳақида айтиб бердилар. "Правда Востока" га — зетаси Жиззах чўлини ўзлаштириш ишларини қоралаб чиққан ма — қоласидан кейин, инкор этиб бўлмайдиган далиллардан сўнг га — зета редактори Тимофеев кечирим сўраган эди.

Чўлни ўзлаштириш ҳақида Москвага шикоятлар тушганда Ш.Рашидов топшириғига кўра "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг мух — бири А.Н.Узиевский ташриф буюрди ва ишларимизни ёқлаб ма — қола чиқарди.

Ўзлаштиришда кўп миллатли кишилар бир — бирлари билан яқдил, бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор Москвадаги адабиёт газетасида ҳам мақола босиб чиқарди. Асқад ака Бўстонга келганида бу ном Саъдий асарларидан олинган бўлса керак деган мулоҳазаларни билдирган эди. Мирзачўл ва Жиззах чўлини жуда кўп адабиёт ва санъат намоёндалари келиб кўриб асарларини бағишлаган. Улар орасида Асқад Мухтор, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Сергей Тагур, Аб — дулла Орипов, Азим Суюн, Ҳамид Фулом, Константин Симоновлар

бор. Халқ артисти Людмила Зыкина ўзининг 26 кишилик ансамбли билан келиб Дўстлик, Пахтакор, Янгиер шаҳарларида концерт да — стурларини намойиш этган эди.

Ҳамюртимиз таниқли шоир Ҳ.Олимжоннинг фарзандлари Омон ака ва Ҳулкар опалар чўлқуварларнинг доимий меҳмони. Ёзувчи Назир Сафаров, Юрий Ковалев билан инсоннинг чўл заминига муҳаббати ҳақида қисса битган.

Сирдарёдан Жиззах шаҳрига ўтказилган темир йўл шахобча — си, чўлда қурилиш ишларини олиб боришда катта ёрдам берди. Бу А.А.Саркисовнинг узоқни кўра билиш қобилиятини тасдиқлаб ту — рарди. Бу хусусият А.Саркисовнинг иттифоқ курортлар қурили — шига улуш қўшиб, кераклича ноёб йўлланмалар олганлиги ва Ўра — тепа, Зомин, Мираки дам олиш масканларини қурганидан ҳам кў — риниб турибди.

1974 йил Жиззах вилояти ташкил бўлиши муносабати билан Голодностепстройни ҳам иккига бўлишга тўғри келди. Жиззахчў — қурилиш ташкилоти Бўстон посёлкасида жойлашди. Шу йилларда бошқарманинг бошлиғи вазифасида П.Х.Кан, У.Х.Мажидов, М.Х.Ҳамидов, Х.Т.Тошев, Ш.М.Муҳаммадиев, Э.Т.Турсунов, Б.Х.Ка — тимов, бош муҳандис вазифасида эса Ю.Г.Науменко, У.Х.Мажи — дов, Г.Н.Бастеев, Д.А.Афонин, Ю.Г.Горячев, А.С.Куперман, Р.А.Аб — дулин, Х.С.Сафаровлар ишладилар.

Бошқармани оёққа турғизишда унинг биринчи бошлиғи П.Х.Каннинг ҳиссаси катта, у ташкил этиб жипслаштира олган жамоа Голоднострепстройнинг ижобий анъаналарини давом эт — тириб, йилига 10 — 12 минг гектар янги ерларни ўзлаштириб ик — кинчи ва учинчи насос станциялари ва каналларни қуриб ишга туширди. Шу билан бирга уй — жой, маданий ва маиший бинолар, мактаб ва болалар боғчалари, қишлоқ хўжалик объектлари қури — лиши олиб борилди. Ташкилотларни ташаббускор С.С.Дузиев, Б.Т.Тўрабеков, Ф.В.Хуснулин, Р.А.Абдулин, К.Абдувоитов, А.Ф. — Клостер, Н.Т.Тураев Р.Х.Ишалин, А.Ряскин, А.Осмонов, В.Г.Басиев, С.С.Токов, Р.А.Муҳаммадиев каби раҳбарлар бошқарар эди.

Ишчилар таъминотини А.Бойбеков, С.У.Қурбонов, Б.Н.Ким, И.Г. — Цой, С.Ўташев, В.Н.Микоилян, Қаҳҳор Жабборов кабилар, авто — базаларни эса У.Жумаев, А.Юсупов, А.Боқиев, В.К.Думлер, Хўжа — беков, Босим Эргашев бошқарар эди.

Жуда кўп қурувчи, механизатор, ишчилар сафида Бўрибой Ра — жабов, Расул Ҳайдаров, Рисқул Мулдонев, Турғун Ғаниев, Тўлан Дадажонов, Холбуви Рустамова, Рўёб Маматова, Эшмирза Фози — лов, Кушан Такабоев, Мақсуда Фозилова, Шерназар Ерманқулов, Инобат Охунова каби илғорлар жуда кўп эди.

Асрнинг охириги йили Зарафшон дарёсидан вилоятимизнинг Парда Шукуров ҳоким бўлиб ишлаётган Жиззах туманига сув ке — лиши камайиб, сув омбори август ойидаёқ қуриб қолди. Шунда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев Сирдарё сувини Жиззах насос стан —

циялари орқали сув омборига келтирадиган ДМ — 3 каналини қўриш ҳақида қарор қабул қилди. Ишлар ҳажми жуда катта бўлиб 1 мил — лион 200 минг кубометр тупроқ ишлари, 5 та автойўл кўприклари, 9 та гидротехник иншоот, 6 та сув тўсувчи иншоотлар қуриб, бетон ишларини олиб бориш зарур эди. Қурилишга "Жиззахсу — вқурилиш" трести (бошлиғи А.Аликулов, бош муҳандис И.Миржа — лилов), "Зарафшонсувқурилиши" (бошлиғи З.Парманов), Йўл қури — лиш бошқармаси (бошлиғи М.Амалов, бош муҳандис М.Эрхонов), 4 — автокорхона (бошлиғи М.Ғофуров), 2 — МКК (бошлиғи Ҳосил — мурод Аҳмедов), 1 — МКК (бошлиғи Юсуф Очилов), 23 — МКК (бош — лиғи Б.Ўташев), 21 — МКК (бошлиғи Мурод Мажидов), 34 — МКК (бошлиғи М.Назирқулов) иш бажариб, штаб бошлиғи Абдуғани Иля — шев эди.

Қурилишга бир неча марта И.Х.Жўрабеков, А.А.Жалолов, А.С — .Нисневич, С.Т.Зияевлар келиб таҳлил ўтказган эди. Шу борада, қисқа муддат ичида 22 км канал ва гидротехник иншоотлар қурилиб Жиззах сув омборига сув берилди. қурилишда қатнашганлардан экскаваторчи Т.Ғаниев, скреперчи Р.Мулданов, колонна бошлиғи Х.Аҳмедов, участка бошлиғи Леонид Цалько, муҳандислар М.Эр — хонов, Дониёр Бутунбоев, Икром Мажидов "Сув хўжалиги аъло — чиси" унвонини олишга сазовор бўлдилар.

Республика раҳбари таниқли давлат арбоби Ш.Рашидов Мир — зачўл ҳақида шундай ёзган эди. "Ўзбекистон халқининг бошқа миллат вакиллари билан эришган буюк қаҳрамонлиги бу Мирзачўлни ўз — лаштиришдир.

Биз асрлар давомида ҳаётсиз ётган Мирзачўлни биламиз, бу — гун у жойда шаҳарлар ва замонавий бинолар барпо этилиб, яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган маскан яратилди".

"Главсредазирсовхозстрой" ва Сув хўжалиги вазирлиги тизи — мида муҳандисларнинг техник малакасини ошириш, янги мута — хассисликка ўргатиш, билимини чуқурлаштириш масалалари жуда баланд савияда олиб борилар эди. Украинанинг Киев шаҳрида, Белоруссиянинг Пинск шаҳрида, Тожикистоннинг Ўратепа шаҳ — ридаги малака ошириш курсларида бўлиб, бунга гувоҳ бўлганман.

Бундан 20 йиллар олдин устозимиз В.А.Духовный ўзининг "По — корение Голодной степи" китобини — "Қадрли Ўриш Ҳамидович биз, Мирзачўлда ўрганган улкан ва ҳақиқий инсоний ишлари — миздан хотира ва дўстлигимиздан миннатдорчилик деб ушбу ки — тобни қабул қилгайсан. Сенга Жиззах чўли ҳақидаги ўз китобин — гни ёзишингни тилайман", деб дастхат ёзган эди. Мен устозим — нинг бу китобини ёзувчи Чингиз Айтматовга, кўплаб чет элдан келган меҳмонларга, ўзлаштириш фахрийларига, дўстларим, шоир ва ёзувчиларга, давлат арбобларига, Мирзачўлга меҳмон сифатида ташриф буюрганларга тақдим этганман.

В.В.Докучаев номидаги **Иттифоқ тупроқшунослик** институти
Илмий тўпламида 1982 йил Москвада чиқарилган мақолам.

**Опыт Джизакстепстроя по комплексному освоению трудно-
мелиорируемых земель.**

У.Х.Маджидов – Начальник Джизакстепстроя 1982 год.

Нужды страны в производстве хлопка из года в год возрастают. Поэтому постоянно ставятся задачи перед хлопкосеющими республиками о всемерном увеличении его производства. Производство хлопка возможно увеличить за счёт повышения урожайности хлопчатника на староорошаемых землях путём улучшения мелиоративного состояния засоленных земель и повышения плодородия почв, а также за счёт расширения площадей посева при освоении новых массивов и залежных земель, на что государство щедро выделяет большие капиталовложения в зоны нового орошения Голодной степи, окупаются за счёт получаемой сельскохозяйственной продукции и в первую очередь хлопка.

Велики потери урожая на используемых орошаемых землях, подверженных засолению и заболачиванию. Так, урожай хлопка на слабозасоленных почвах снижается на 10–30%, на среднезасоленных 30–60%, на сильнозасоленных 60–80% от урожая на незасоленных почвах.

Между тем, площадь используемых земель, засоленных в той или иной степени, велика. Так, в Узбекистане по оценке института почвоведения Госкомитета по хлопководству Средней Азии, в зоне поливного земледелия 49,3% площади требует мероприятий по борьбе с засолением.

Джизакская степь является наклонной покатой частью Голодной степи. Она до последнего времени называлась Джизакским массивом Голодной степи и лишь в последний период ввиду природных своеобразий территории, её стали именовать Джизакской степью, где сосредоточено свыше 200 тысяч гектаров наиболее плодородных земель.

Проектом намечено орошение и освоение территории в четыре этапа.

Земли Джизакской степи будут осваиваться многочисленными строительными коллективами Джизакстепстроя, первая очередь Джизакской степи это земли подкомандные каналу ДМ–1, площадью 57 тысяч гектаров, где будет завершено строительство десяти совхозов.

Второй очередью освоения являются земли подвешенных к каналу ДМ–2, площадью 53,4 тысячи гектаров.

В третью очередь освоения входят земли по каналу ДМ–3 общей площадью 43,9 тысяч гектаров, и наконец последней очередью

освоения будут земли по каналу ДМ — 4, площадью 27,2 тысяч гектаров.

На территории Джизакской степи намечено создание 30 совхозов, из них 22 хлопководческих, 2 садоводческих, 2 овощеводческих и по одному птицеводческому и свиноводческому.

Исходя из опыта организации совхозов Голодной степи, за каждым хлопководческим совхозом в Джизакской степи решено закрепить земельную площадь в 5—6 тысяч гектаров.

Для почвенно — мелиоративного обоснования проекта освоения земель институтом "Средазгипроводхлопок" выполнены крупномасштабные почвенные обследования всей предполагаемой к освоению территории Джизакской степи.

Почвы Джизакской степи, за небольшим исключением узкой полосы в верхней части зоны их распространения на границе с типичными сероземами, повсеместно засолены в различной степени с преобладанием солончаковых разностей. В близко солончаковых разностях светлых сероземов количество водо — растворимых солей до глубины 40 см, не превышает 0,182% при содержании хлора 0,004% и 50 — 0,054% на глубине 40 — 90 см, количество солей увеличивается до 0,760% хлора, здесь уже 0,007% и 80 — 0,460%. По мере заглубления количество солей возрастает и в начале второго метра составляет 3,112%, а на глубине 150/200 см достигает максимум — 3,790%. Глубинное количество солей постепенно уменьшается и под уровнем грунтовых вод их содержание составляет 0,80120. В верхней части профиля до глубины 40 см, засоление хлоридно — гидрокарбонатно — сульфатное, ниже хлоридно — сульфатное.

Подсчеты показали, что в первом метре почв запас легкорастворимых солей составляют 93,4 тысяч тонн во втором метре соответственно — 462,5 тысяч тонн, в третьем — 344,0 тысяч тонн. Всего в трехметровой толщине содержится 899,2 тысяч тонн солей из которых 567 тысяч тонн приходится на магниевые и натриевые 50 и 33,7 тысяч тонн на хлориды.

Освоение светлых сероземов, засоленных по сульфатному типу, можно осуществлять без специальных промывок. Рассоления этих почв можно достичь с помощью промывного режима орошения под покровом сельскохозяйственных культур и профилактических промывок. Освоение же светлых сероземов, засоленных сероземов, засоленных по хлоридно — сульфатному и кальцево — натриевому типу, необходимо производить капитальную промывку значительной нормой на фоне исправно действующей коллекторно — дренажной сети.

Оценка земельного фонда Джизакской степи по засоленности характеризуется следующими данными:

Всего: — 178 тыс.га.

Из них: незасоленные — 78,38 тыс. га или 44,0%

Слабозасоленные — 4,17 тыс.га или 2,4%
Среднезасоленные — 30,68 тыс.га или 17,2%
Сильнозасоленные — 46,69 тыс.га или 26,2%
Солончаки — 13,50 тыс.га или 7,6%
Непригодные земли — 4,63 тыс.га или 2,6%.

Значительная часть земельного фонда территории подвержена засолению. Эти земли требуют промывок нормами, зависящими от степени и характера засоления. Среднезасоленные почвы, занимающие 17,2% территории, нуждаются в промывках нормой 5—10 тыс. м³/га сильнозасоленные же почвы (26,2% территории) требуют промывную воду в размере 15—20 тыс м³/га.

Для опреснения солончаков необходима промывная норма 20—25 тыс м³/га. Продолжительность промывок в зависимости от величины промывных норм и фильтрационных свойств почво—грунтов составит 70—90 дней при норме 10—15 тыс м³/га и до 140 дней при норме 15—20 тыс м³/га.

Промывка проводится на фоне исправно действующего постоянного дренажа и дополнительного временного дренажа. Касаясь промывок солончаков, необходимо отметить, что ныне хорошо рекомендуемые методы промывок направлены главным образом на заглубление солевых запасов, содержащихся в верхней метровой толщине почвогрунтов.

Между тем в условиях Джизакской степи, когда сильно минерализованные грунтовые воды периферийной части слившихся конусов выноса испытывать подпор со стороны гипсометрической вышезалегающей части территории, при орошении последней, процесс реставрации засоления будет поступать довольно быстро. Это требует применение такого метода, при котором соли необратимо удалялись бы за пределы промывной территории при наименьших затратах воды на промывку.

Капитальными промывками засоленных земель в территориальном управлении "Джизакстепстрой" занимаются специализированные подразделения, что позволило сосредоточить весь объем по проведению капитальных промывок засоленных земель в Джизакской степи. Это в свою очередь, несомненно должно было положительно повлиять на сроки и качество работ по капитальным промывкам.

Капитальная промывка почв является заключительным необходимым этапом при комплексном мелиоративном освоении засоленных земель. Поэтому капитальная промывка проводится после завершения строительных работ по орошению, осушению и планировке участка в строгом соответствии с выданными проектно—сметными документациями.

Институт "Средазгировахлопок" Главсредазирсовхозстроя совместно с производственниками Джизакстепстроя разработал на основе накопленного богатого практического опыта освоения трудно

мелиоративных сильнозасоленных почв, технологию капитальных промывок, при этом учтён и тот факт, что в перспективе, в основном, необходимо будет осваивать только такого типа земли.

Промывные нормы рассчитываются на опреснение верхнего метрового слоя почв, при чём величина промывной нормы устанавливается по содержанию хлора. Опыт показывает, что при выщелачивании хлора до полного расселения почв, оставшееся количество сульфатов не превышает порога токсичности.

Длительное время применялась технология промывки земель по мелким чекам. По этой технологии после вспашки плугами производится планировка земель длинно базовыми планировщиками в два следа — первый по диагонали, а второй по направлению полива. Эта работа должна выполняться особенно качественно, так как, от этого зависит объём дополнительных затрат ручного труда и качество заливки чеков.

Перед устройством трасс временной сети (оросительной и дренажной) и устройством палов производится предварительная nivelировка поливного участка с целью уточнения уклонов в продольном и поперечном направлениях, от которых зависит расстояние между поперечными палами, а следовательно и размер чека. Средний размер по этой технологии находится в пределах от 0,04 до 0,25 га (от четырех сотых до четверти гектара).

Нарезка палов производится пало делателями с последующим уплотнением их гусеницами трактора.

Трудномелиорируемые земли обычно имеют высокое стояние уровня грунтовых вод, и поэтому при капитальных промывках необходимо во время затопления чеков поддерживать соответствующий напор воды с тем, чтобы обеспечить стабильный фильтрующий поток через промываемый слой грунта к постоянному и временному дренажу и не допустить подъём солей к верхним слоям почвы.

В настоящее время нашла широкое применение технологии промывки земель по крупным чекам размером от 0,8 до 4,0 га, огороженных высокими (до 120 см) валиками.

Такие валики позволяют поддерживать на чеках сравнительно большой слой воды (до 0,3 м), что способствует более равномерной и интенсивной промывке и высокой производительности труда.

При промывке по крупным чекам используется комплексный — сокопроизводительного навесного оборудования разработанный и изготавливаемый ГСКБ по ирригации — валикоделателя ВД—61 и ВД—101 валикоразравнивателя ВР—101 и рыхлители РН—61.

Базовой машиной для этого комплекта является трактор Т—100 М или Т—130.

Применение валикоделателей ВД—101, нашедших в Джизак — степное более широкое применение, чем ВД—61, позволяет за 2—3 прохода устраивать валики высотой 100—120 см, и по сравнению

с ранее применявшимися для этой цели бульдозерами Д — 686, по —
высить производительность труда на 150 — 160%.

Экономический эффект на каждую 1000 пог метров устраива —
емого валика составляет около 40 рублей, а экономия трудозатрат
до 1 человека в год .

Разравнивание валиков после окончания промывки земель про —
изводится навесным валикоразравнивателем ВР — 101.

Для ускорения процесса расселения земель до устройства ва —
ликов вместо вспашки плугами применяется глубокое рыхление
навесными рыхлителями РН — 61 позволяющими производить рых —
ление на глубину до 60 см, увеличивая тем самым коэффициент
фильтрации, что способствует интенсивному выносу солей из про —
мываемого слоя почвогрунтов.

Технология промывки по крупным чекам наиболее эффективна
в условиях легких грунтов с коэффициентом фильтрации около 1м/
сутки и более и при сравнительно небольших уклонах местности.

Особо хороший эффект достигается на участках дренирован —
ных вертикальными скважинами, когда есть возможность прово —
дить промывки с фильтрацией в свободную ёмкость не устраивая
временного дренажа. При обычной промывке (по мелким чекам) в
первую очередь производится в ручную оправка валиков, заделка
"окон", визуальная планировка внутри чеков, открытие "окон" в ва —
лике. Далее выполняется пропуск воды для замочки чеков и вали —
ков. После замочки и осадки валиков "уплотнение валиков замоч —
кой) начинается регулировка горизонтов воды в чеках и формиро —
вание "окон" (пропусков) из чека в чек полиэтиленовой пленкой
или трубками (бракованными гончарными изделиями для строи —
тельства горизонтального дренажа). Пропуск воды самый трудо —
ёмкий процесс в промывках. После регулировки горизонтов воды в
чеках, проводится поддержание зеркала воды в них .

Указанный процесс требует больших навыков и опыта, так как
необходимо постоянно заниматься пери регулированием расходов
и горизонтов воды в чеках.

В этом случае рабочие и бригадир должны круглосуточно на —
ходиться вблизи участка, при этом назначается круглосуточное де —
журства. Средняя площадь закрепляемая за одним поливальщи —
ком составляет 5 — 6га.

На участках, где промывка осуществляется по крупным чекам
нагрузка на одного поливальщика возрастает до 8 — 10га. Таким
образом, производительность одного поливальщика при всех рав —
ных условиях возрастает на 25 — 30% не говоря уже о том, что при
всех равных условиях по расчётам к.т.н. Духовного В.А, коэффи —
циент солеотдачи при промывке по крупным чекам в 1,5 раза больше,
сметные стоимости промывок на 15 — 20% меньше по сравнению с
промывками по мелким чекам.

Завершив подачу проектной промывной нормы воды и после

подсыпания грунта на участок вызываются представители комп — лексной почвенно — мелиоративной лаборатории Джизакстепстроя, которые производят для анализов отбор почвенных образцов по скважинам в метровом слое промытого грунта. Причём скважины располагаются равномерно по участку из расчёта 1 скважина на 10 га, промываемой площади.

Далее, в зависимости от результатов химического анализа почвенных образцов Управление коллекторно — дренажных систем Джизакстепстоя с приложением результатов анализов и планом размещения скважин даёт указание или продолжить промывку с последующим повторным анализом, или приступить к подготовке промытых земель к сдаче. В последнем случае производится обратная засыпка временной сети, вспашка и планировка длинно базовыми планировщиками.

В настоящее время институтом САНИИРИ разработан прибор позволяющий в процессе промывок при влажных грунтах непосредственно производить количественные замеры содержания солей в почве (плотный остаток). Два таких прибора переданы подразделениям занимающихся промывкой земель, для производственных испытаний.

Внедрение этих приборов в производстве позволили уже в период промывки определить степень расселения почво — грунтов и тем самым установить точные сроки окончания подачи воды в чеки и сократить её расход.

С применением солемеров САНИИРИ также отпадает необходимость в проведении большого количества дорогостоящих и трудоёмких определений содержания солей в почвах классическими методами, за которыми останутся только контрольные функции.

Критерием допускаемой концентрации токсичных солей в метровой толще почвогрунтов принято считать содержание ионы SE (хлора), который не должен превышать 0,02% от веса сухой почвы. Согласно указанием по проведению промывок засоленных земель, утвержденных МСХ и ММ и ВХ эти условия являются обязательными, но на наш взгляд недостаточными. Для более строгого определения степени расселения промытых земель необходимо учитывать содержание токсичного иона SO (сульфатов), который не должен превышать в зависимости от типа засоления для промытых земель 0,4% от веса сухой почвы.

Как показали многолетние опыты, капитальная промывка приводит к значительному улучшению водо — физических свойств почво — грунтов, уменьшению естественного плодородия почв, сокращение содержания гумуса в почвенном слое, поэтому после окончания промывок требуется выполнять ряд агротехнических мероприятий.

Промытые земли обогащаются минеральными и органическими удобрениями, в первые годы засеиваются седелальными культурами (люцерна, кукуруза и другие).

В Джизакстепстрое имеется опыт на отдельных участках, где рельеф местности не требует планировки, производить сразу посев хлопчатника без предварительной промывки земель. Из-за сохранныости растительного слоя уже в первые годы на этих участках достигается средняя урожайность хлопчатника.

Вегетационными поливами и текущими промывками в зимний период достигается полное расселение почво-грунтов в верхнем слое.

Применяемый комплексный метод освоения трудномелиорируемых земель позволил Джизакстепстрою в короткий срок ввести в сельскохозяйственный оборот более 10 тысяч гектаров засоленных земель и получить на них устойчивые урожаи сельскохозяйственной продукции.

Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлар.

35 йилдан ортиқ чўللари ўзлаштиришга бағишланган меҳнат фаолияти даврида жуда кўп ўз ишининг моҳир усталари, ҳаёти-ни бутунлай меҳнатга бағишлаган, барчаларини "қаҳрамон" деса арзийдиган кишилар билан ҳар хил вазиятда учрашганман. Шулардан, Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар:

1. Алимйрза Алиев — Доғистондан, ўзлаштиришнинг биринчи йиллари келиб бульдозерчи бўлиб ишлаб, 1965 йил Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Мен Алимйрза ака билан доимо мулоқотда бўлганман, ҳозиргача ҳам бу давом этмоқда.

Доғистондаги жуда кўп ёшларнинг чўлга келиши, уларни даража кўмурулари ўрнатишга ўргатиш, ёшларда меҳнатга ижобий муносабат уйғотиш ва ҳамма вақт ўзи ибрат бўла олиш маҳоратида ундан ўтадиганлар кам эди.

2. Ҳаёт тақозоси билан чўлда ишловчи сувоқчи — бўёқчи аёллар асосан татар миллатига мансуб бўлиб, ишловчи аёлларнинг асосий қисмини ташкил қилар эди.

Уларнинг етакчиси Мансура Шакурова 1970 йилда "Меҳнат қаҳрамони" унвонига сазовор бўлганидан сўнг, мен Пахтакорда яшайдиган кўп қаватли бинодаги уйига бориб, Бўстонда қурилган ҳовли коттеджга ўтиб яшашни илтимос қилдим. Бироқ эндигина қурилаётган Бўстон шаҳарчасига келишга розилик бермади.

3. Анатолий Крупский ўта моҳир скреперчи бўлиб, чўл ўзлаштириш жараёнининг олдинги сафларида, жазирама иссиқда, чанг тўзонлар орасида, ерларни текислаш ишларида қатнашиб, 1970 йилда "Меҳнат қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди.

4. 1980 йил қурилишга раҳбарлик вазифасида ишлаган давримда чўлқувардан Меҳнат Қаҳрамони унвонига бир ўрин номзод қилиб кўрсатишим лозим эди. Мен, қаҳрамонларимиз доғистонлик,

татар, рус миллатларидан иборат эканлигини ҳисобга олиб, энди ўзбек миллатига мансуб кишининг номзодини кўрсатиш, бульдо — зерчи, среперчи, сувоқчи — бўёқчи касбидаги қаҳрамонларимиз бўлиб, навбатдагисини экскаваторчилар орасидан топишга қарор қилдим. Шундай киши, ўзбек йигити, экскаваторчи, асли Фарғона водийсида туғилиб ўсган, ўн йил мобайнида Аму — Бухоро канали қурилишида экскаваторда ишлаб ордон ва медаллар соҳиби бўлган, шундан сўнг Жиззах чўлига келиб 10 йил мобайнида иккала фарзандини ҳам шу касбга ўргатган Турғун ака Ғаниевнинг но — минни тавсия қилдим.

У киши билан кўп йиллардан буён Бўстон шаҳарчасида бирга яшаб, учрашиб турамиз.

5. "Меҳнат Қаҳрамон"лари ака — ука Тўлан ва Мамажон Дада — жоновлар билан Дўстлик туманида трест бошқарувчиси бўлиб ишлаганимда танишган эдим. Мамажон ака билан у раҳбарлик қилаётган хўжаликларнинг барча дала шийпонларига телефон ало — қаси ўрнатиб берганимдан сўнг қадрдон бўлиб қолган эдик.

6. Дўстлик тумани Саркисов хўжалигида меҳнат қилаётган Ис — ломжон Абдуллаев билан жуда кўп анжуман ва йиғинларда уч — рашиб турамиз.

7. Пахтакор тумани Самарқанд хўжалиги директори Меҳнат Қаҳрамони Эргаш ака Холматов урушдан илгари дадам Абдуҳамид Мажидов директор бўлган Қарапчи кишлоғи 9 — мактабда ёшлар мураббийси бўлиб ишлаган экан.

Мен чўлга ишга келиб бошқарма бош энергетиги вазифасида ишлаб турган пайтим у киши хўжаликка доимий электр энергия ўтказиб беришни сўраб бориб, отам ҳақидаги хотираларини сўзлаб берган эди.

8. Республикамизда чўللари ўзлаштиришда қатнашган йирик раҳбарлардан бири, қурилиш технологиясини батафсил билади — ган, академик, Нажим Рахимович Ҳамраевга "Меҳнат Қаҳрамони" унвони берилган куни, 1981 йил февраль ойида Москвада Итти — фоқ анжуманида бирга қатнашаётган эдик ва мен энг биринчи бўлиб табриклашга муяссар бўлдим.

9. Чўлда ишлаб "Меҳнат Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган Собиржон ака Сиддиқов, Қинибек Ўқибоев, Расул Хайдаровлар билан ҳар хил вазиятларда жуда кўп маротаба учрашиб юрган — ман.

10. Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов билан вилоят йиғи — лишларида учрашиб, унинг сўзга чиқишларини кузатиб юрар эдим, лекин Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан Тошкентга бориб "Шератон" меҳмонхонасида бирга турганимизда унинг жуда ҳазилкаш, кенг тафаккурли, очиқ чеҳрали киши эканлигининг шо — ҳиди бўлдим.

11. "Ўзбекистон Қаҳрамони" Марат Зокировнинг отаси 27 — совхоз ишчилар таъминотида ишлаб юрган Норматов Зокир ака

Дўстликда мени излаб топиб, ўқитувчилик фаолиятини отам Абду — ҳамид Мажидовнинг раҳбарлигида бошлаб, бизнинг уйимизда ис — тиқомат қилганини сўзлаб берди. Онам Меҳринисо ҳам бу ҳақда гапириб берган эдилар. Марат Зокиров ҳам ўз меҳнат фаолиятини Жиззах чўлининг биринчи хўжалигида бошлаган. Мен у раҳбар — лик қилаётган Жиззах Педагогика институти қошидаги академик лицейга бориб, Маънавият ва маърифат хонасининг жиҳозлан — ганлигини кўриб, ҳайратландим. У киши менга ўзининг 2002 йил чоп этилган "Маърифат сабоқлари" китобини қуйидаги дастхат билан тақдим этди.

"Жиззах чўлининг энг буюк жонкуяри Ўриш Мажидовга Ол — лоҳ ёр бўлишини истаб, муаллиф. Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров. Имзо.

2004 йил 21 апрель.

**Чўлни ўзлаштиришнинг 45 йиллигига бағишлаб ёзган мақолам.
Шароф Рашидов ва қўриқ.**

Ў.Х.Мажидов — Жиззах чўлқурилиш раҳбари.

Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларини кў — пайтириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масалаларига ало — ҳида эътибор қаратар эди. У киши Республикамизга раҳбарлик қилган муддат ичида Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони деярли икки баробар ортиб, 4 млн. гектардан ошиб кетди. Шундан қарийб 1 млн. гектари қўриқ ва бўз ерлар бўлиб, Главсредазир — совхозстрой ташкилоти томонидан комплекс равишда ўзлашти — рилган бўлса, салкам бир миллион гектар ер Республика Мели — орация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Узглавводстрой ташки — лотлари томонидан очилган эди.

Шароф Рашидов Главсредазирсовхозстройнинг бошлиқлари Ақоп Саркисов ва Нажим Ҳамраев, Республика Мелиорация ва сув хў — жалиги вазирлари Солижон Мамарасулов ва Исмоил Жўрабеков, Госкомводстрой бошлиқлари Эркин Турсунов ва Тўхтамиш Бой — мировлар билан тез — тез мулоқотда бўлиб, улар билан қишлоқ хў — жалигини ривожлантиришда янги ерлар майдонини кенгайтириб, сув билан таъминлаш масалаларида маслаҳатлашиб турар эдилар.

Шу борада Мирзачўлни ва Жиззах чўлини, Қарши чўли ва Сурхон — Шеробод массивини, Хоразм ва Қорақалпоғистонда янги ерларни, Бухоронинг Қоровулбозор, Маликўл, Ўртачўл массив — лари, Фарғона водийсида Марказий Фарғона массивини ўзлаш — тириш билан биргаликда йирик каналлар ҳамда Туямўйин, Анди — жон, Чорвоқ, Жанубий Сурхон, Толлимаржон, Тўпаланг, Ҳисорак каби ўнлаб сув омборларининг қурилиши ҳам доимо Шароф Ра — шидовнинг эътиборида турар эди. Сув омборлари Мелиорация ва

сув хўжалиги вазирлиги томонидан қурилиб, бу қурилишларга Ш.Рашидов жуда кўп марта бориб фойдали маслаҳатлар берар эди.

Дунёда ўхшаш ва тенги бўлмаган Қарши, Жиззах, Аму — Бухо — ро насос станциялари қурилишининг бориши жойларда ва ҳатто Марказкомда муҳокама қилинганлигининг шоҳиди бўлганман. Ша — роф Рашидов чўлқуварларнинг ҳар йили ўтадиган йил якуни йи — филишларнинг деярли барчасида қатнашиб, йўналишларини бел — гилаб берар эдилар.

Шахсан мен бир неча мартаба чўлни ўзлаштириш, хўжалик — ларни комплекс равишда қўриш, Жиззах чўлига насослар орқали сув чиқариш масалаларида Шароф Рашидов билан мулоқотда бўл — ган вақтларимда у кишининг эътиборини ҳис қилганман.

Янги лавозимларга ўтиш вақтида икки марта Шароф Раши — довнинг кабинетида суҳбатдан ўтганман. Биринчи марта 40 ёшга тўлган пайтимда 42 минг киши ишлайдиган Жиззахчўлқурилиш ташкилотига бошлиқ вазифасига ўтиш учун сув хўжалиги бўлими бошлиғи В.Сускин бошлаб кирган эди. Менинг ҳаяжондан оёқла — рим қалтираб турганини сезган Ш.Рашидов, бу йигитни еттита фар — зандни тарбия қилаётганлиги учун ҳам янги лавозимга тайинласа бўлар экан, деб ҳазил билан мени у ҳолатдан чиқарган эдилар.

Иккинчи мартаба мен Республика мелиорация ва сув хўжа — лиги вазирининг биринчи муовини вазифасига ўтишимда ҳам бю — рода саволларга тутмасдан, Ш.Рашидов ҳам Н.Ж.Худойбердиев ҳам ишларимда муваффақият тилаб қўйган эдилар, холос.

Ўша пайтда мелиорация ва сув хўжалиги вазири Исмоил Ҳа — кимович Жўрабеков бўлиб, унинг муовинлари Дмитрий Афонин, Владимир Климкин, Рим Гиниятуллин, Содиқ Расулов, Темур Ка — молов, бошқарма бошлиқлари Аркадий Нисневич, Абдурахим Жа — лоловлар — ўзбек, рус, татар, қорақалпоқ, яхудий миллатларига мансуб бўлиб, байналминалик масаласи ҳам Ш.Рашидовнинг эъти — боридан четда қолмаганлиги сезилиб турар эди.

60 — йиллар охирида Титов номи 6 — совхоз (директор марҳум Саттор Усмонов) далаларида, шийпонда Ш.Рашидовнинг Қишлоқ хўжалик ходимлари билан учрашувида ҳам қатнашдим.

Ҳозирги Даштобод шаҳрига яқин, Жанубий Мирзачўл кана — лининг йўл билан кесилган, ўттизинчи километр деб аталадиган жойида Ш.Рашидовнинг механизаторлар билан учрашиши муно — сабати билан Ақоп Саркисовнинг кўрсатмасига асосан учрашув ўтадиган жойни жуда қисқа муддат ичида МКК — 31 бошлиғи марҳум Ақром Тошматов билан таъмирлаш, кўкаламлаштириш, ободонлаш — тириш ишларини олиб борган эдик. Механизаторлар билан учра — шиш анъанага айланган бўлиб егиштирилган пахта ҳосилининг 85 — 90 фоизи Голодностепстройга қарашли хўжаликларда, маши — налар ёрдамида териб олинар эди.

Мен Дўстликсовхозстрой трести бошлиғи вазифасида ишлаган пайтимда Ш.Рашидов Дўстлик пахта тозалаш заводида қурили —

шига келиб, заводни 1 сентябргача ишга тушириш ҳақида кўргазма бериб, ишлар яхши эмаслиги учун танбеҳ берди. Август ойларида қурилишга Т.Осетров ва С.М. Тоировлар келиб Ш.Рашидов Москва атрофида дам олаётган жойидан телефон орқали завод қурилиши қандай бораётганлигини сўриштирганини бизга етказишди. За – водни кўрсатилган муддатга ишга тайёрлаганимизда 1 сентябрь куни унинг очилиш маросимига Ш.Рашидов қатнашиб, қурувчиларга катта миннатдорчилик билдирган эдилар. Дўстликда 240 ўринли касал – хонанинг очилишига эса Ш.Рашидов барча Марказком бюро аъзо – лари билан келиб қатнашган эдилар.

1980 йилнинг якуни билан Ш.Рашидов Пахтакор шаҳар мада – ният саройида икки вилоят, яъни Сирдарё ва Жиззах вилоятла – рининг чўлқувар меҳнаткашлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, бизнинг Жиззахчўлқурилиш ташкилотимизга мусобақада ғолиб чиқ – қанлигимиз муносабати билан Республиканинг Кўчма қизил бай – роғини менга топширдилар. Жуда кўп ишчи ва хизматчиларимиз орден ва медаллар, мукофотлар ва энгил автомашиналар билан тақдирланди.

Шу йиғилиш олдидан Ш.Рашидов Пахтакорда қурилиши бош – ланган ёпиқ сув ҳавзасининг пойдеворига авлодларга атаб ёзилган хатли капсулани қўйиб, биринчи бетонни ўз қўллари билан ташлаб берган эдилар.

Ш.Рашидовнинг чўлларни ўзлаштиришда тутган алоҳида ўрни, чўлқуварларга ғамхўрлиги, уларни ҳар хил тазйиқлардан сақлаб тўриши, меҳнатларини катта баҳолаб доимо ҳукумат мукофотлари берилиши ҳақида жуда кўп воқеаларни келтиришим мумкин. Шахсан менинг 1980 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи унво – нини олишим ва 1983 йилда Давлат мукофоти лауреати бўлишимда шахсан Ш.Рашидовнинг кўрсатмалари бор эканлигини биламан.

**“Ожившая легенда”, тўплам,
Гулистон, “Зиё” нашриёти, 2002 йил.**

БУ ЙЎЛЛАР

Дили бўлак одамларнинг йўли бўлак,
Кимга обрў, кимга бойлик, мансаб керак.

Турфа йўлда турфа одам кетиб борар,
Ўз дардида бу йўллардан ўтиб борар.

Оҳ, қайғуси кўп демангиз бу баётнинг,
Оғриқ, оғриқ нуқталари кўп ҳаётнинг.

Бу йўллардан олиб кетмас кўп олган ҳам,
Бу йўлларда қолиб кетмас оч қолган ҳам.

Бу йўлларга чиқмоқ бўлсанг покланиб ол,
Оқ фотиҳа оғушида оқланиб ол.

Ниятинг хуш, бу йўлларнинг офтоби бор,
Уқмоқ бўлсанг ўқилмаган китоби бор.

Бу йўлларга ётлар ўтар бу йўллардан,
Эл соғинган зотлар ўтар бу йўллардан.

Маҳмуд Тоиров

Мундарижа.

Хотира — эҳтиёж фарзанди (Сўз боши ўрнида).....	4
I. Болалик ва ёшлик йилларим.....	7
II. Меҳнатимнинг дастлабки ташвишу қувончлари.....	24
III. Ҳаётимнинг янги ўзани — чўлқуварлар сафида.....	27
IV. Жиззах чўлқуварлари орасида.....	44
V. Республика қурилишларида.....	60
VI. Яна Жиззах чўлидаги ва иттифоқ республикалари билан боғлиқ фаолиятим.....	66
VII. Вилоятлараро "мирзачўл" бирлашмасидаги фаолиятим.....	76
VIII. Оилам ҳақида икки оғиз сўз.....	93
IX. Илмга ва китоб ўқишга ташналик.....	108
X. Ҳаётимда аҳамиятга эга бўлган асосий саналар.....	125

Ўриш МАЖИДОВ УМР ЙУЛЛАРИ

Ношир: *Абдурашид Ғофуров*
Муҳаррир: *Алишер Саздуллаев*
Бадий муҳаррир: *Отабек Эшчанов*
Саҳифаловчи: *Рустам Раёмов*
Мусахҳиҳ: *Комронбек Фатхулла*

Теришга берилди 6.03.2004. Босишга рухсат этилди 14.08.2004.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 11,0.
Нашр табағи 10,0. Адади 500 нусха. Буюртма № Г-30

«Истиқлол» нашриёти
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

«Ношир» МЧЖ
Тошкент тумани, Келес шаҳри.